

Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal

Адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик журнал



Жамоатчилик кенгаши:

Сирожиддин САЙИД
Наим КАРИМОВ
Иброҳим ҒАФУРОВ
Эркин АЪЗАМОВ
Муҳаммадҷон ХОЛБЕКОВ
Хуршид ДЎСТМУҲАММАД
Абдурахим МАННОНОВ
Шухрат РИЗАЕВ
Лазиз ТАНГРИЕВ
Алишер ҚОДИРОВ
Баҳодир КАРИМОВ
Зухриддин ИСОМИДДИНОВ
Муҳиддин ОМОН

МУАССИСЛАР:

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ
ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

Бош муҳаррир Аҳмадҷон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Амир ФАЙЗУЛЛА
Назира ЖЎРАЕВА
Алимурод ТОЖИЕВ
Шаҳноза НАЗАРОВА
Алишер ОТАБОЕВ
Даврон РАЖАБОВ
Зилола ЖАЛЛОЛОВА
Жамила АСҚАРОВА
Мафтуна
МУҲАММАДАМИНОВА

МУНДАРИЖА

НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

Алишер НАВОИЙ. Не лутф эдики... (Рус ва инглиз тиллариға Е.Аксельрод, Қ.Маъмуров тарж.)	3
--	----------

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

Н.ҚАББОНИЙ. (Инглиз тилидан М.Музаффар тарж.)	8
Р.РОЖДЕСТВЕНСКИЙ. (Рус тилидан М.Маматхонов тарж.)	100

НАСР

Ф.ДОСТОЕВСКИЙ. Ака-ука Карамазовлар. Роман. (Рус тилидан И.Ғафуров тарж.)	15
Н.АРСЛОНОВ. Ёзувчи учун агир. Новелла.	68
Л.С.МОНТЕЙРУ. Майизхўр эркак. Роман. (Рус тилидан А.Мелибоев тарж.)	73
О.АКБАЛ. Ёшлик қайтиб келмайди. (Рус тилидан Н.Жўраева тарж.)	136

ДРАМА

Б.БРЕХТ. Сичуандан чиққан меҳрибон. (Рус тилидан Ж.Камол тарж.)	103
---	------------

ПУБЛИЦИСТИКА

М.АБДУЛЛАЕВ. “Пахта иши” анатомияси.	141
---	------------

АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА

Ж.МАҲМУД. Биз билган ва билмаган Шекспир.	155
М.ХОЛБЕКОВ. Реалистик проза устаси.	171
Б.КАРИМОВ. Ҳерман Вамбери – ўзбек мақоллари таржимони.	178
Д.ЮСУПОВА. Аруз илми ва ғарб тадқиқотчиси.	184

Жаҳон маданияти ва санъати.	189
Жаҳон хандаси.	192
Муковамизда.	195
Қомус.	198
2018 йил мундарижаси.	200
Журналнинг русча ва инглизча мухтасар мазмуни.	206

NAVOIY SAVOQLARI



АЛИШЕР НАВОИЙ

(1441–1501)

НЕ ЛУТФ ЭДИКИ...

*Не лутф эдики, мени нома бирла ёд эттинг,
Не нома эрдики, гамгин кўнгулни шод эттинг.*

*Тилим қалам тилидек шукрдин эрур ожиз,
Бу нома бирлаки бу нотавонни ёд эттинг.*

*Ўқурда оқти ёшим ихтиёрсиз, гўйиё
Ки, ҳажр дудасидин номага мидод эттинг.*

*Етурди жисмима руҳ, эй қуёш, магарки
Масиҳ муаллим эрди дамеким ани савод эттинг.*

*Жавоҳиреки йибординг бу номуродинг учун,
Кўнгул харобасини махзани мурод эттинг.*

*Не суд, бўлса амал номаси қора гар худ
Отинг нишон уза Жамшид ё Кубод эттинг.*

*Навоий, жисминга руҳ ул қуёш ҳадиси эмиш,
Масиҳ нутқига йўқ ерда эътиқод эттинг.*

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 353-газал)

ЛУҒАТ:

Лутф – иноят, меҳрибонлик, марҳамат, шафқат

Ҳажр – ҳижрон, айрилиқ

Дуда – куя, курум, тутуннинг иси

Мидод – сиёҳ

Махзан – хазина

Суд – фойда



Нишон – белги, аломат; тамға, из; хат, мактуб

Худ – ўзи, ўзича

Ҳадис – сўз

Байтларнинг насрий баёни

Дилнавоз ЮСУПОВА шарҳи

1. Сен томонингдан бу қандай марҳамат бўлдики, мактуб битиб, мени эсга олдинг, бу қандай нома эдики, у билан ғамгин кўнглимни шод этдинг.
2. Тилим сенинг шукрингни айтишда қаламнинг тилидек ожиз қолди, негаки мактуб орқали бу бечоранинг номини ёд этдинг.
3. Мактубингни ўқиётганимда кўз ёшим беихтиёр оқди, назаримда мактубда сиёҳ ўрнига ҳижрон қурумидан фойдаландинг.
4. Эй қуёшим, бу мактубни ёзаётганимда Исо Масих сенга устозлик қилдимикан, чунки уни ўқишим билан жисмимга жон кирди.
5. Бу ноумид (ёринг)га гўё жавохир юбориб, унинг вайрона қалбини орзу-умидлар хазинасига айлантиргандек бўлдинг.
6. Агар номайи аъмолинг қора бўлса, номингни нишон устига Жамшид ё Қубод деб ёзишдан не фойда?
7. Эй Навоий, сенинг жисминга жон бағишловчи ўша қуёшнинг сўзларидир, сен эса Исо Масихнинг нутқига ўринсиз эътиқод этдинг (яъни бунинг сабабчиси Исонинг нутқи деб ўйладинг).

Ғазалнинг умумий мазмун моҳияти

Алишер Навоийнинг ушбу ғазали ишқий мавзуда бўлиб, унда ёрдан мактуб олган ошиқнинг шукроналик туйғулари юксак пафос билан тасвирланади. Ошиқ учун ёрнинг уни эслаб, нома битгани чексиз марҳамат ва иноят бўлиб, бу билан ошиқнинг ғамгин қалби чексиз қувончга тўлади:

*Не лутф эдики, мени нома бирла ёд эттинг,
Не нома эрдик, ғамгин кўнгулни шод эттинг.*

Қаламнинг тили забун, боши эгик, ўз туйғуларини қоғоздан бошқага айта олмайди. Навбатдаги байтда шоир ошиқнинг ҳолатини қаламнинг шоирона тасвири билан қиёслаб, ажойиб поэтик лавҳа яратади:

*Тилим қалам тилидек шукрдин эрур ожиз,
Бу нома бирлаки бу нотавонни ёд эттинг.*

Агар эътибор билан қаралса, ушбу байтда радд ул-қофия санъати (матлаъдаги қофияни ғазалнинг кейинги байтларидан бирида такрорлаш) қўлланилаётганини кузатиш мумкин. Шоир матлаънинг биринчи мисрасида қофия бўлиб келаётган “ёд эттинг” бирикмасини иккинчи байтнинг

иккинчи мисрасида айнан такрор ҳолда қўллайди. Юзаки қараганда оддий такрордек кўринган бу ҳолат замирида аслида сўзнинг маъно товланишлари намоён бўлаётганлигини кузатиш мумкин. Биринчи байтдаги “ёд эттинг” қофиясида хотирга олмоқ, эсга олмоқ тушунчаси умумий ҳолда баён қилинган бўлса, иккинчи байтда энди ушбу тушунча конкрет моҳият касб этади: Бу нома бирлаки бу нотавонни ёд эттинг...

Кўзга тутун иси кирса, у ёшланади. Ёр ўз мактуби учун ҳижроннинг куюндисини сиёҳ қилган чамаси, ошиқ мактубни ўқигани сари кўзи ихтиёрсиз равишда ёшланаверади:

*Ўқурда оқти ёшим ихтиёрсиз, гўйиё
Ки, ҳажр дудасидин номага мидод эттинг.*

Ошиқнинг ҳижрондан озурда бўлган жонсиз танасига ёрдан мактуб келгач, жон киргандек бўлади ва энди ошиқ ёрга мактуб ёзишда Исо Масиҳ устозлик қилганмикан, деб ўйлай бошлайди:

*Етурди жисмима руҳ, эй қуёш, магарки
Масиҳ муаллим эрди дамеким ани савод эттинг.*

Маълумки, Исо Масиҳ мумтоз адабиётимизда энг кўп қўлланилган бадий тимсоллардан бўлиб, Алишер Навоий ижодида жон бахш этувчи, тирилтирувчи, қуёшга фанолик рамзи сифатлари билан боғлиқ ҳолда талқин қилинади. Буюк мутафаккирнинг “Тарихи мулуки Ажам” асарида маълумот берилишича, Исо (а.с.) осмоннинг тўртинчи қаватига кўтарилган. Шарқ илми нужумига кўра эса, тўртинчи қават осмонда қуёш жойлашган. Шу маънода аксарият ҳолларда Исо Масиҳнинг номи қуёш билан биргаликда тамсил қилинади. Навоийнинг ушбу байтда ёрга “қуёш” деб мурожаат қилиши тасодифий бўлмай, ана шу ҳолат билан боғлиқ. Мазкур фикрларнинг ғазалнинг айнан тўртинчи байтида келтириляётганлиги ҳам муайян бадий эстетик функцияга эга.

Мақтадан олдинги байтда Навоий бадий услубининг юксак кўриниши намоён бўлади: лирик чекиниш ва мавъиза йўсинида айтилган фикр ғазалнинг умумий руҳига ҳамоҳанг тарзда янграйди:

*Не суд, бўлса амал номаси қора гар худ
Отинг нишон уза Жамшид ё Кубод эттинг.*

Агар амалларинг номаси (номаи аъмолинг) қора бўлса, номингни ушбу нома устига Жамшид ёки Кубод деб ёзсанг ҳам бефойдадир. Байтда Жамшид ва Кубод исмларининг талмиҳ тарзида келтирилиши тасодифий бўлмай, ушбу шахслар эронийларга мансуб сулолаларнинг қудратли ҳукмдорларидандир. Улардан Жамшид 700 йил ҳукмронлик қилган бўлиб, унинг даврида бирорта ҳам табиий офат юз бермаган, касаллик ва ўлим буткул барҳам топган. Манманликка берилиб кетгани учун тахтига завол етиб, Заҳҳок томонидан ўлдирилган. Кубод эса сосонийлардан бўлиб, Анушервони Одилнинг отаси сифатида ном қолдирган. Кўплаб бинолар қурдирган. Навоий ушбу байтда агар улардек қудратли подшоҳ бўлсанг



ҳам, ёмон амаллар билан номанг юзини қора қилган бўлсанг, охир-оқибат залолатга юз тутасан демоқчи.

Мақтаъда Навоий қуёш умумлашма тимсоли орқали Пайғамбаримиз (с.а.в.)га ишора қиладики, бу билан бевосита ғазалнинг тўртинчи байтидаги фикрга яқун ясагандек бўлади: Эй Навоий, сенинг жисминга жон киргазган ул Зотнинг сўзлари эди, сен эса бу жонпарварликни Исонинг нутқидан деб ўйладинг:

*Навоий, жисминга руҳ ул қуёш ҳадиси эмиш,
Масиҳ нутқиға йўқ ерда эътиқод эттинг.*

Ғазал рус тилига Елена Аксельрод томонидан таржима қилинган. Муртажим ғазал таржимасида умумий ҳолатда муваффақиятга эришган деб айтиш мумкин. Гарчи “ёд эттинг” радифини “поверь мне” тарзида ўгирган бўлса-да, таржиманинг шаклий хусусиятлари (ҳажми, қофияланиш тизими)да аслиятга яқинлашишга уриниш сезилади. Е.Аксельрод ғазалнинг умумий мазмунини рус китобхонига етказишда ҳам мақсадга эришган: байтлар таржимасида мазмундан чекиниш ҳоллари деярли кузатилмайди.

Ғазалнинг русча таржимаси

Таржимон – Елена АКСЕЛЬРОД

*Я возрожден твоим письмом, о, как я рад, поверь мне,
Исчезла грусть, не надо мне других наград, поверь мне.*

*Язык бессилен мой, перо об этом лучше скажет –
Как ослабел я, как устал от всех утрат, поверь мне.*

*Когда читал твое письмо, я слезы лил невольно,
Настроен в мускусе твоём разлуке чад, поверь мне.*

*Чтоб в тело брэнное мое ты душу вновь вдохнула,
Тебе Мессия диктовал, пришел в твой сад, поверь мне.*

*Мне, сырому, прислала ты слов драгоценных жемчуг,
Руины сердца превратив в желаний клад, поверь мне.*

*Коль книга дел твоих черна, то не прибавит пользы,
Указ подпишешь ты «Джемшид» или «Кубад», поверь мне.*

*О Навои, ты был спасен письмом прекрасной пери,
Мессию славил за письмо ты невпопад, поверь мне.*

Ғазалнинг инглизча таржимаси

Таржимон – Қосимбой МАЪМУРОВ

WHAT A MERCY IT WAS ...

*What mercy it is, with a letter you remembered me,
What a letter it is, with it you made my sad soul happy.*

*My tongue is as weak as pencil to praise your fame,
With this letter, do remember your humbler's name.*

*As I was reading your letter my tears ran mindless,
As if in the letter you used separation ink, God bless.*

*O sun, while writing this letter did Jesus supervise you?
For when I was reading it I felt forever resurrected too.*

*As if to your hopeless beloved, the pearls you sent,
And his ruined soul into hopes treasury you turned.*


*If your letter of affairs intends evil, do save God,
No use to sign it with names Jamshid or Qubod.*

*O Navoiy, it is the sun's words that cured your pain,
But you've made your faith in Jesus verses in vain.*





SHE'RIYAT MINTAQALARI



НИЗОР ҚАББОНИЙ

(1923–1998)

*Инглиз тилидан
Мирзоҳид МУЗАФФАР
таржимаси*

Араб дунёсининг энг буюк адабий сиймоларидан бири, шоир, адиб ва сиёсий арбоб Низор Қаббоний 1923 йил 21 мартда, Суриянинг Шом вилоятида, ўртаҳол тужжор оиласида туғилди. Илк китоби “Чекиниш китоби учун эслатмалар” ўн етти ёшида чоп этилган ва у шу китоби билан адабий жамоатчилик ҳурматиغا сазовор бўлди. Дамашқ Миллий Билим юртида таҳсил олган. Бир қанча вақт Оврўпо ва Осиёда дипломатлик қилган. Араб-Исроил урушига қадар романтик шоир сифатида танилган, урушдан сўнг дунёнинг таниқли ижтимоий шоирларидан бирига айланди. Шоир 1998 йилда вафот этган.

ҚАСИДА

1

*Биродарлар,
Қўхна сўзлар айрилмиш жондан.
Ўлик эрур қўхна китоблар бешик.
Эски пойафзалдек йиртиқ тилимиз — бежон.
Бизни галабага етаклаган
Фикр мурдадир.*

2

*Аччиқлашиб кетган бизнинг назмимиз
Аёлларнинг сочлари, тунлар, дарпардалар ва ўриндиқлар
Аччиқлашмиш.
Аччиқлашмиш ҳар бир яратиқ.*

3

*Алангалар ичра қолган
Аламбардор Ватаним менинг.
Сен мени
Ишқий шеърлар ёзиб юрган
Оддий шоирдан
Айлантирдинг ханжар-ла шеър ёзгучи
ШОИРга.*



4

Сўзлардан сўнг шу маълум бўлар:
Уялмоғимиз шарт ўз шеърларимиздан.

5

Шарқий бомбардимонлардан,
Юксалмоқдан чекинмаган гурурдан,
Ғижжасак ва дўмбира оҳангларидан
Жунбушга келиб,
Отландик биз жангга
Ва йўқолдик мангу.

6

Жаҳдимиздан баланд эрур ҳайқиригимиз,
Бўйимиздан узунроқдир
Шаширларимиз.
Не дардки, бу бизнинг фожеамиздир.

7

Тамаддун либосин киймоғимизга
Қисқагина вақт ҳам етарли
Лек
Қалбимиз ҳамон яшар
Тош эрасида.

8

Ғолиб бўла билмассан жангда
Қамиш найнинг наволари-ла.

9

Ўз сабрсизлигимиз
Сотдики бизни
Беи минг чодир эвазига.

10

Аршни таҳқирлама
Агарки ёдига олмаса сени.
Лаънатлама вазиятларни,
Тангри голибликни берар бегумон
Аллоҳига ишонганларга.
Зеро,
Ҳақ темирчи эмасдир –
Қиличингни тоблаб бергувчи.



11

*Бу тонгги янгиликни тингламоқ оғир,
Оғирдир итларнинг тонгги акиллашини
Қулоқ бериб эшитмоқлик ҳам.*

12

*Сарҳадларимиздан ўтмади ағёр
У шунчаки ўрмалади
Заифлигимиздан чумолисимон.*

13

*Беш минг йилки,
Ўраларда соқол.
Мавҳумдир ҳаттоки пул муомаламиз.
Кўзларимиз осмондир учмоқлик учун.
Дўстлар,
Парчалангиз бу эшикларни,
Поклансин онгингиз,
Поклансин либосингиз.
Қадрдонлар,
Китоб ўқинг,
Китоб ёзинг,
Ўстиринг сўзларни анор ва узумлар янглиг.
Юзинг туман ва қор ўлкаларида...
Каваклардан чиққанингиз билмасин ҳеч ким,
Фақат сезсин сизнинг буюк насл эканингизни*

14

*Биз шундайин халқмиз:
Теримиз қалин,
Қалбимиз бўм-бўш.
Бемаъни жодуларга кўникмоққа,
Ухламоққа ва шатранж ўйнамоққа
Сарфлаймиз кунларимизни.
Биз шундайин халқмиз:
Аллоҳ лаънатлаган бизларни мангу...
Сарфлаймиз кунларимизни.*

15

*Саҳроийи ёғ айланмоғи мумкиндир
Оловнинг ўткиртиғ ханжарларига.
Ки шарманда бўлдиқ улуғвор
Боболарнинг олдида бу кун:
Биз бу ёғни олдиқ
Фоҳишалар пойидан.*

Кўчаларда югурамиз ёввойисимон
 Халқни судраганча арқонлар ила,
 Қулфлар ва ойналарни синдирганча боз.
 Улуғлаймиз ботқоқ бақаларидек,
 Жирканч ҳамд айтганча қаҳрамонларга.
 Ва қаҳрамонлар сўйлар кўпикларгаки,
 Биз ҳеч қачон тўхтамасмиз
 Ва ўйламасмиз.
 Масжидларда
 Чўккалаймиз беҳуда,
 Шеър ёзамиз,
 Тўқиймиз мақол
 Тиланиб Худодан Ғалаба
 Душманимиз устидан.
 Масжидларда чўккалармиз —
 Бари беҳуда...
 Шеър битамиз,
 Ўзимизча тўқиймиз мақол.
 Тилармиз Тангридан самовий қудрат,
 Қуритмоқ-чун бани душман уругин.

Эҳ, билганимда-ку ранжимас эдим,
 Кўрмоғим мумкин эди Султонни.
 Уни кўргач, мана, мен нима дердим:
 Аё Султон,
 Сенинг кўпакларинг йиртди либосларимни,
 Жосусларинг пойлади мени,
 Аларнинг Кўзлари пойлади мени,
 Аларнинг димоғлари пойлади мени,
 Узун оёқлари пойлади мени —
 Мени пойладилар Қисмат мисоли.
 Аёлимни сўроқ қила қол
 Ва ёзиб ол дўстларимнинг исмларини.
 Султон,
 Келганимда тош деворларинг пойига
 Ва сўйлаган оним сенга дарду-ҳасратим,
 Сипоҳларинг тепдилар-ку нагал этиклари-ла,
 Мажбурладилар ўз кавушимни емоққа ҳатто.
 Султон,
 Халқимизнинг тенг ярми
 Тузоққа тушимшидир чумоли ва каламушлардай.
 Деворларинг баландлигин
 Билганимда ҳам
 Алам қилмас эди бунчалар.
 Айтмоқни истайман унга

*Сен бой бердинг, дея икки урушни,
Сен йўқотдинг қудратингни авлодлар ила.*

18

*Дафн қилмасайдик, бирлигимизни,
Улғайтирмасайдик бу жанговар вужудларни
Турганида бу вужудлар кўз олдимизда
Итлар топтамасди бизнинг лошимиз.*

19

*Ғазабланган авлод бизга керакмас,
Керакмас осмонни омон ила ҳайдовчи
Ва тарихин қўлдан бой бергувчиларга
Эмасмиз муҳтож!
Истардикки,
Шундай бир авлод келса,
Кечирмаса бирор хатони,
Тиз чўкмаса ҳеч кимга ҳеч вақт.
Истардикки,
У бўлса девларнинг насли!*

20

*Араб болалари
Келажакнинг илк япроқлари — сиз
Сиз занжирларимизни узасиз ҳали,
Йўқ қиларсиз онгимизда ўсган афюнни,
Ўлдирарсиз жами пуч хаёлларни.
Араб болалари,
Ўқиманг,
Бўғиб ўлдирилган насллар ҳақида
Ёзилган китобларни.
Ки чалиндик умидсизлик касаллигига.
Бизлар қадрсизмиз тарвуз пўчоғи мисол,
Ўқиманг биз ҳақимиздаги китобларни,
Бизга тақлид қилманг,
Маъқулламанг бизнинг ишларимизни.
Кўшилманг,
Кўшилманг бу гояларга.
Тушунинг,
Биз тобе ва ёлгончи халқмиз...
Араб болалари,
Баҳорги ёмғирлар
Ва келажакнинг илк япроқлари.
Сиз ожизликни
Бўйсундиргувчи
Ғолиб насл эрурсиз.*

МЕН ДУНЁНИ ЗАБТ АЙЛАГУМ

Мен дунёни забт айлағум сўзлар ила,
она тилим оҳанглари садоси ҳамда
феълларнинг отларнинг афсуни бирла
пок айлағум жами нарса ибтидосини
оловнинг сув томон йўллаган
хабарининг наволари чайқалғувчи бир
янги тил билан
мен ёритғум келаятган замоналарни
ва тўхтатғум ушбу вақтни кўзларинг ичра
софлайдирман ки бул ёлғиз лаҳзани
вақтдан ажратғувчи йўлларни ўзим.

ДЕНГИЗ ТУБИДАН МАКТУБ

Дўстим бўлсанг,
нажот бергил...бормоқлигим учун ёнингга
ё бўлсанг гар маним севгилим...
аямагил ёрдамингни...
тирик қолай фақат сен боис...
Билсайдим...
билсайдим денгизнинг қайдан бошланиб
қайда топмоқлигин буткул ниҳоя.

Сенга шундай интиляпманки...
ўргат менга интилмаслик, севмасликни, ёр...
ўргат ернинг қаъридаги ишқнинг илдизин
қай йўл ила буткул қурутмоқликни...
ашқлар кўздан оқиб қандай ўлмоқлигин
ва муҳаббат ўлдирмогин ўзин қай йўллар ила —
ўргатақол...

Гар пайғамбар бўлсанг,
покла мени жами жодудан,
худосизлик даитларидан олиб кет мени...
сенинг севгинг муртадликка кетади менгаб...
тозалагил қалбимни сен осийликлардан.

Магарки, билмаса қудратинг сарҳад
қутқар мени баҳр домидан
сузмоқликни билмайман
тушун
зангори долгалар... итариб юборар
мени кўзларингнинг туби-тубига...
зангори...
зангори...
лек ҳеч нени англамас бу ранг
ва менда йўқ Ишқдан бирорта
ёлқин ё ифор...
қайигим ҳам йўқдир бунинг устига...

*Олдинда бўлса гар заррача қадрим
қўлимдан ушла
мен ила чўкмоқлик учун денгизга...
ушла қўлимдан*

*Мен нафас оляпман сувнинг остида!
Мен чўкиб боряпман...
Чўкиб...
Боряпман...*

НУР МУҲИМРОҚ ФОНУСДАН КЎРА

*Нур муҳимроқ фонусдан кўра.
Шеър муҳимроқ эрур дафтардан
Ва лаблардан муҳимроқдир қайноқ бўсалар.
Менинг сенга ёзган хатларим
Улканроқ ва муҳимроқдир бизнинг иккимиздан ҳам.
Улар фақат одамлар кашф
Айлаган ҳужжат —
Сенинг гўзаллигинг
Ва менинг телбалигимнинг ҳосиласидир.*

СЕВГИЛИМ СЎРАР МЕНДАН

*Севгилим сўрар мендан:
“Не фарқ бордир само ила менинг орамда?”
Фарқ бу менинг муҳаббатимдир,
Ки сен қулган пайт
Унутаман мен самовотни.*

ДЕНГИЗГА ТАШРИФ

*Рўй берди ўртада севги сўнги бор
Ва биз кирдик Ҳақ жаннатига,
Сирганибон
Сув остида балиқдай пинҳон.
Кўрдик биз денгизнинг асл дурларин
Ва ҳайрат юртига айладик сафар.
Рўй берди ўртада севги сўнги бор
Ҳеч қандай кўрқувсиз...
Хоҳиш шакли-ла.
Шунингдек бергандим... сен ҳам бергандинг
Ўзимизни қонун қўлларига жим.
У рўй берди гаройиб бир енгиллик ила,
Ҳуддики жасминнинг суви-ла ёзгандек
Ёки
Яшнаётган яшил кўклам мисоли.*



NASR

ФЕДОР ДОСТОЕВСКИЙ

(1821–1881)

АКА-УКА КАРАМАЗОВЛАР¹

Тўрт қисмли, эпилогли роман

*Рус тилидан
Иброҳим ҒАФУРОВ
таржимаси*

Иккинчи қисм

БЕШИНЧИ КИТОБ

VI

ҲОЗИРЧА ЖУДА НОАЁН

Иван Федорович эса Алеша билан хайрлашгач, уйга, отаси Федор Павловичникига қараб кетди. Лекин қизик, уни бирдан чидаб бўлмас ғашлик чулғаб олди ва ҳаммадан ҳам ортиғи, уйга яқинлашган сари, қадам сайин олдингидан бешбаттар зўрайиб борарди. Ғалати томони ғашликнинг ўзида эмасди, гап шундаки, Иван Федорович бу ғашликнинг ўзи нимадан иборатлигини сира тушуниб етолмасди. Илгари ҳам кўнглини тез-тез ғаш босиб юрарди, аммо ажабланарлиси шундаки, у эртагаёқ ўзини бу ерга боғлаб турган барча ришталарни бирваракай батамом узиб ташлаб, қайтадан яна бошқа ёққа кескин бурилиб, мутлақо янги, бутунлай номаълум йўлни тутмоқчи бўлиб турган дамда яна юрагини қоронғилик босди ва бу йўлни яна аввалги чоғлардек, нималарга суянишини ўзи ҳам билмаган ҳолда жуда кўп нарсаларга умид-илинж қилиб, ҳаётдан кўп, жуда ҳам кўп нарсаларни кутиб, аммо на орзу, на умид-илинжларини аниқ-тиниқ белгилай олмай борарди. Лекин ушбу сонияларда унинг кўксини ҳақиқатан ҳам янгилик ҳамда номаълумликнинг ғашлиги қоплаган бўлса-да, уни азоблаётган нарса бошқа эди. “Бу ота-онамнинг уйидан нафратланиш эмасмикин мабодо, – ўйланиб қолди у ўз ичида. – Шунақага ўхшайди, шу қадар жонимга тегиб кетган, мен бугун бу ярамас остонадан охирги маротаба ўтсам-да, барибир жуда ёқимсиз, бадимга уриб кетди...” Э, йўқ, бу ҳам эмас. Ё Алеша билан хайр-хўшлашиш ва ораларида бўлиб ўтган гап-сўзлардамикин боиси:

¹ Давоми. Бошланиши ўтган 8, 9, 10, 11-сонларда.

“Шунча замонлардан буён ҳеч кимга ёрилмадинг, бир оғиз сўз айтишни лозим кўрмадинг ва бирдан шунча нарсаларни валдирадинг”. Ҳақиқатан, бу ғўр ёшликнинг ғўр тажрибасизлиги ва ғўр ўқинчлари эҳтимол ва ўз ди-лидагиларни тўла изҳор этолмаганлик ўқинчи, яна Алеша каби бир хилқат олдида-я, ахир унга қанчадан-қанча умидлар боғлаган эди-я кўнглида. Ал-батта, шу ғашлик ҳам ўзи йўқ эмасди, бўлмаслигининг ҳеч иложи ҳам йўқ эди, аммо барибир бу эмас, бу эмас, бу бутунлай бошқа. “Беҳузур қилиб юборди бу ғашлик, нима истаётганимни ўзим ҳам билмайман, бундан ожизман. Балки ўйлаб ўтирмасаммикин...”

Иван Федорович ўйламасликка ҳаракат қилиб кўрди, аммо уддасидан чиқолмади. Бас, бу ғашлик шуниси билан юракни сиқар ва шуниси билан алам қилардики, қандайдир тасодифий, мутлақо ташқи бир кўринишга эга эди у: бу сезилиб турарди. Мисолига, қаердадир қандайдир бир нарса ёхуд жонзот алланечук кўнкайганча турарди, баъзан нимадир кўз ўнгингда шундай қакқайиб туриб қолади, уни ишга берилиб ёки қизғин гапга тушиб кетиб пайкамай ҳам кўясан, ҳолбуки, у ғашингга тегади, кўзингни хира қилиб, асабни ўйнатади, ниҳоят, охири ортиқча нарсани олиб ташлаш мумкинлиги эсингга тушади, бу, одатда, жуда ҳам арзимаган, кулгини қистатадиган унутиб қолдирилган, ўз жойида турмаган алланарса бўлади, майли-да, ерда ётган рўмолми ё жавонга жойига қўйилмаган китобми ва ҳоказо, ҳоказо. Ниҳоят, Иван Федорович жуда диққати ошиб, куфри кўзиган ҳолда ота уйига етиб келди ва бирдан, уй эшигидан ўн беш одимча наридан дарвозага қараб туриб дарҳол ўзини бунчалар қийнаб, хавотирга солган нарсани фаҳмлаб етди.

Дарвоза ёнидаги ўриндикда малай Смердяков ўтирар ва кечки салқинда ҳордиқ чиқарарди. Иван Федорович унга кўзи тушибок ўзининг юраги ту-бида малай Смердяков ўтирганини англади ва баайни шу одамни кўргани кўзи йўқлигини билди. Ҳаммаси бирдан ёришиб, аён бўлди қолди. Боя-гина Алешанинг Смердяковни кўргани ҳақидаги ҳикоясини эшитгандаёқ бирдан унинг юрагига оғир, хунук бир нарса санчилгандай бўлди ва шу захоти хуноби ошди. Кейин гапга тушиб кетиб чақчақлашиб ўтирганларида Смердяков вақтинча хаёлдан кўтарилди-ю, аммо юрагидан бутунлай чиқиб кетмади, Иван Федорович Алеша билан хайр-хўшлашиб, бир ўзи уйга қараб йўл оларкан, шу захоти вақтинча унутилган сезги яна бирдан тез юзага чиқа бошлади. “Э, наҳотки шу ярамас аблаҳ мени шу қадар ташвишга со-либ қўйса!” – жиғибийрон бўлиб ўйлади у.

Гап шундаки, Иван Федорович охирги пайтлар ва айниқса, кейинги кунларда, ҳақиқатан, бу одамни жонидан ҳам ёмон кўриб қолганди. Бу кимсага нисбатан тобора кучайиб бораётган нафрати ҳатто ўзига ҳам сезила бошлади. Иван Федорович биз томонларга қадам ранжида қилган дастлабки кунларда иш бутунлай бошқача эди, балки нафратнинг ортиб бориши айни мана шундан бошлангандир. Ўшанда Иван Федорович уни кутилмаганда ўзига ўзгача бир тарзда яқин олган, ҳатто кўзига у қизик одам бўлиб кўринганди. Уни ўзи билан гаплашиб туришга кўниктирди-ю, бироқ доим унинг ақлу идрокининг калтафаҳмлиги, яна ҳам яхшироқ айтиладиган бўлса, бирмунча телба-гескарилигидан ажабланиб юрди ва бу “хаёлпараст”ни нималар доим бунчалар қўймай безовта қилаверишини тушунолмади. Икковлари фалсафий мавзуларда ҳам гаплашар ва ҳатто ибтидо куни – куёш, ой ва юлдузлар фақат дунё яратилишининг тўртинчи

кунигина ёкилганига карамай – ёриб турганини қандай тушуниш керак дейишарди; бироқ Иван Федорович тез орада гап умуман қуёш, ой, юлдузларда эмаслиги, қуёш, ой, юлдузлар гарчи қизиқарли нарсалар бўлса ҳам, аммо Смердяков учун мутлақо учинчи даражали экани, унга қандайдир тамомила бошқа бир нарсга кераклигига тўла ишонч ҳосил қилди. Шу-шу, шундайми ё бошқачами, ҳар ҳолда, чексиз-интихосиз бир иззат-нафс ўзини кўрсатиб, фош қилишга тушди, бу яна иззат-нафс бўлганда ҳам, таҳқирланган иззат-нафс эди. Иван Федорович буни жуда ҳам ёқтирмади. Ундаги нафрат мана шундан бошланди. Кейинчалик уйдан ғалвалар чиқди, Грушенька пайдо бўлди, биродар Дмитрийнинг низолари кўтарилди, уй бесаранжомликда қолди – улар буларни ҳам гаплашишар, гарчи Смердяков булар ҳақида жуда қизишиб сўйласа ҳам, барибир унинг ўзи бу ҳолда нима истагини сира билиб бўлмасди. Унинг айрим хоҳиш-истакларининг тартибсизлиги ҳамда бемаънолиги ажабланарли эди, улар доим беихтиёр ташқарига чиқиб турар ва доим бир хилда мужмал бўларди. Смердяков нукул сўраб-суриштирар, қандайдир ўсмоқчилаб, чамаси, ўйлаб топилган саволлар ёғдирар, лекин нимагалигини айтмас ва одатда, ўзининг сўраб-суриштиришлари энг қизиқ жойига келганда, кутилмаганда бирдан жимиб қолар ёки бошқа бир ёққа ўтиб кетарди. Аммо Иван Федоровичнинг тоқатини тоқ қилиб, аччиғини бўғзига келтирган ҳамда тамом нафратини кўзитган асосий нарсга – Смердяков зўр бериб унга кўрсата бошлаган қандайдир ўта расво ва бошқача бир тарздаги тақаллуфбозлик эдики, кун-кундан бунинг салмоғи ортиб борарди. Бироқ у одоб чизигидан асло ташқарига чиқмас, доимо хурмат-эътиборни ғоятда жойига қўйиб муомала қилар, аммо, чамаси, бу шундай бир йўлга қўйилган эдики, Смердяков, худо билади нима учундир, Иван Федорович билан бирга ўзини ҳамдаст ҳисоблар, худди ўрталарида илгаридан қандайдир шартлашилган, қандайдир махфий, аввалдан фақат икковлари томонидан ўзаро келишилган, теварак-атрофда ўралашиб, ўрмалашиб юрган бошқа кимсалар умуман билмайдиган, ақли етмайдиган бир нарсалар бордай тутар ва сўйларди. Бироқ Иван Федорович шунда ҳам узоқ вақт кундан-кунга зўрайиб бораётган нафратининг ҳақиқий сабабини тушунмай юрди ва фақат энг охириги пайтларга келиб, ниҳоят гап нимада эканлигини англаб етди. У ижирғаниб, хуноби ошиб, Смердяковга карамай, индамасдан эшикка қараб ўтиб кетмоқчи бўлди, аммо Смердяков ўтирган жойидан турди ва шунинг ўзиданоқ Иван Федорович унинг ўзига алоҳида бир гапи борлигини дарҳол фаҳмлади. Иван Федорович унга қаради-да, юришдан тўхтади, бир дақиқа олдинроқ у тўғри тўхтамасдан ўтиб кетмоқчи бўлганди, энди эса тўхтаб унга қараганидан бошидан тутуни чиқиб кетай деди. У Смердяковнинг ичкиликдан бўртган, ахтамонанд, чакка сочлари қайрилма таралган, манглайи чўққисида сочи тож қилиб мўъжаз кўпиртирилган башарасига нафрат ёғдириб, ўқрайиб тикилди. Смердяковнинг қисикроқ чап кўзи қисилиб-қисилиб кўяр ва худди: “Нимага ўтиб кетаяпсан, ўтиб бўпсан, сен билан менга ўхшаган ақлли одамга сўйлашгани гап топилади”, деб кулимсираётганга ўхшарди. Иван Федорович зир титради.

“Қоч, аблаҳ, мен сенинг шеригинг эмасман, тентак!” – демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, лекин тилидан тамомила бошқа сўзлар отилиб чиққанига ўзи ҳам ҳайрон қолди:

– Нима, отам ухлаптимми ё уйғондимми? – деди у кутилмаганда мулойим ва секин ўзига ўзи гапиргандай, сўнг бирдан, кутилмаганда ўриндикқа

ўтирди. Бир зум қўрқиб юраги кинидан чиқиб кетай деди, бу кейин эсига тушди. Смердяков унинг рўпарасида кўлини орқасига қовуштириб турар, ишонч билан кўзига дадил тикиларди.

– Ҳали уйғонганлари йўқ-а, – деди у бамайлихотир. (“Мен эмас, ўзинг биринчи бўлиб оғиз очдинг”) – Сизга хайрон қоламан-да, жаноблари, – деб қўшиб қўйди у бироз сукут сақлагач, кўзларини алланечук сузиб ерга қараб, у ўнг оёғини олдинга чиқариб, локланган ботинкасининг учи билан ердаги қумни ўйнади.

– Сен нимага менга хайрон бўласан? – бор кучи билан ўзини тутган ҳолда ҳирқираб жиддий сўради Иван Федорович ва бирдан ғижиниб бўлса ҳам ғоят қизиқиб қолганини тушунди, бу ердан барини билиб олмагунча кетмаслигини англади.

– Нима учун жаноблари Чермашняга бориб келмаяптилар? – бирдан кўзларини ўйнатиб сўради Смердяков ва такаллуфона табассум қилди. “Агар ақлли одам бўлса ўзи тушуниб олиши керак мен нега кулганимни ахир”, – дегандай бўлди унинг қисилган чап кўзи.

– Нега энди мен Чермашняга боришим керак? – хайрон бўлди Иван Федорович.

Смердяков сукут сақлади.

– Федор Павловичнинг ўзлари сиздан буни илтимос қилиб эдилар-да, – ниҳоят шошилмасдан бамайлихотир тилга кирди у, худди ўзининг жавобига ўзи бовар қилмагандай: арзимаган сабабни эслатиб ўтаяпман, барибир нимадир дейишим керак-ку.

– Э, шайтон, аниқроқ қилиб гапир, сенга нима керак ўзи? – куфри кўзиб қичқирди ниҳоят Иван Федорович, мулойим бўлиб турган одам кўрсликка ўтиб.

Смердяков ўнг оёғини чап оёғи устига қўйди, қаддини андак ростлагандай бўлди, аммо у ҳамон ўша-ўша бамайлихотир ва ўша-ўша илжайиб боқарди.

– Арзийдиган бир гап ҳам йўқ ўзи... шунчаки, омади гап...

Ўртага яна сукунат чўкди. Бир дақиқалар жим бўлиб қолишди. Иван Федорович ҳозир ўрнидан туриб қаҳру ғазаб қилиши кераклигини биларди, Смердяков эса унинг қошида кўкқайиб буни кутарди: “Қани кўраман, жаҳлинг чиқадими, йўқми?” дегандай. Ҳар ҳолда Иван Федоровичга шундай туюлаётгандай эди. Ниҳоят, у ўрнидан туриш учун кимирлади. Смердяков ана шу лаҳзани пойлаётганди.

– Ахволим жуда оғир, Иван Федорович, бундан қандоқ қутулишимни ҳам билмайман, – деди у бирдан қатъият билан дона-дона қилиб ва охириги сўзини хўрсиниб айтди. Иван Федорович дарҳол яна жойига ўтирди.

– Икковининг ҳам феъли айниган, иккови ҳам худди ёш боладай бўлиб қолган-да, – давом этди Смердяков. – Мен отангиз билан акангиз Дмитрий Федоровични айтяпман. Мана ҳозир Федор Павлович ўрнидан туради-ю, сўрайвериб кулоқ-миямни ейди: “Нима, келмадими? Нега келмади?” – ярим кечагача аҳвол шундай, ярим кеча ўтиб ҳам тугамайди. Агар Аграфена Александровна келмасалар (у кишим, чамаси, умуман, ҳеч қачон келмоқчи эмаслар), эртасига эрталаб яна менга ташланадилар: “Нега келмади? Нима учун? Қачон келади?” Худди мен у кишининг олдида келмагани учун гуноҳкордай. Бошқа томондан яна бир оҳанжама, қоронғи тушиши билан ва ҳатто ундан ҳам илгарироқ оғайнингиз кўлида курул кўтариб қўшни

тарафдан пайдо бўлади: “Кўзингга қара, масхарабоз ошпаз, уни кўздан кочириб, келди деб, менга хабарини бермасанг, ҳаммасидан бурун сени ўлдираман”. Тун ўтиб, тонг отиб, у кишим ҳам худди Федор Павловичга ўхшаб мени қийнагани-қийнаган: “Нега келмади? Қачон келади, дараги борми?” ва яна мен оймқизнинг келмагани учун айбдор бўлиб чиқаман. Ҳар икковлари дам сайин, соат сайин баттар жаҳллари чиқаётганини кўраман-да, баъзи вақтлар кўрққанимдан ўзимни ўзим ўлдириб қўйай дейман. Мен, жаноблари, улардан тўйдим-е.

– Нега ўзинг аралашдинг? Нега Дмитрий Федоровичга чақимчилик қилдинг? – энсаси қотиб деди Иван Федорович.

– Қандай қилиб аралашмай? Тўла аниғини билмоқчи бўлсангиз, мен умуман аралашганим йўқ. Мен бошиданок бир оғиз сўз кўшишга кўрқиб, аралашмадим. Улар мени бошданок ўзларининг Личардага¹ ўхшаган майлайлари қилиб олишди. Ўшандан бери фақат: “Агар шамғалат қилсанг, ўлдираман сен масхарабозни!” деганлари-деган. Жаноблари, ўзимча кўнглимга келтиряпманки, мени эртага узоқ тутқанок тутса керак.

– Узоқ тутқаноғинг нимаси?

– Шунақа узоқ тутқанок, кўп узоқ чўзиладиган тутқанок-да. Бир неча соат ёки балки, бир кун-икки кун чўзиладиган тутқанок. Бир марта у уч кун давом этди, ўшанда болохонадан йиқилгандим. Босилиб кетади-ю, кейин яна бошланади, ўшанда уч кун ҳушим ўзимга келмай ётдим. Бу ерда Герценштубе деган доктор бор, Федор Павлович ўшани чақиртирдилар, у энсамга муз қўйди ва яна бир дори қилди... Бўлмаса ўлиб қолардим.

– Бу ахир, айтишларича, тутқанокни олдиндан билиб бўлмас эмиш, шундай соатда бўлади деб. Сен нимага эртага деб айтяпсан? – тажанглик билан қизиқиб сўради Иван Федорович.

– Рост, буни аниқ билиб бўлмайди.

– Бунинг устига сен ўшанда болохонадан йиқилгансан.

– Болохонага ҳар куни чиқаман, хоҳласам, эртагаёқ болохонадан йиқилиб тушаман. Болохона бўлмаса, ертўлага йиқиламан, ертўлага ҳам ҳар куни кираман, ишларим бор.

Иван Федорович унга узоқ тикилиб қолди.

– Лақилляпсанми дейман-а, гапларингга тушунолмай қолдим, – секин, лекин ҳиддат билан деди у, – сен эртага уч кунга ўзингни тутқанок тутганга солмоқчимисан, а?

Смердяков ерга қараб ўнг оёғининг учи билан қум чизиб турган эди, ўнг оёғини ўз ўрнига қўйиб, унинг ўрнига чап оёғини олдинга чиқарди, бошини кўтариб, илжайган қўйи деди:

– Мен ўзимни касал қилиб кўрсатганимда ҳам, бу тажрибали одамга қийин эмас, ўзимнинг ҳаётимни сақлаб қолиш учун шу чорани қўллашга тўла равишда ҳақлиман, зотан, мен касал бўлиб ётганимда Аграфена Александровна у кишимнинг отасининг олдига келганларида ҳам, у кишим касал одамдан: “Нега айтмадинг?” – деб сўраб ўтирмайдилар. Уялсалар керак.

– Э, шайтон! – юзи ғазабдан қийшайиб кетган Иван Федорович бирдан чирпинди. – Мунча жонинг учун қалтирайсан, лодон! Акам Дмитриининг барча бу сўзлари пўписалар, холос, бошқа ҳеч нарса. У сени ўлдирмайди, ўлдирса ҳам бошқани ўлдирди!

¹ Личарда – XVI асрда Россияда таржима қилиб чиқарилган Европа қиссаси қаҳрамони, қирол Гвидоннинг хизматкори. У қиролга ҳам, унинг ёвуз хотинига ҳам баравар хизмат қилади.

– Ҳаммадан бурун мени пашшадай ўлдиради. Мен бошқа нарсдан кўрқаман: ўз отасини бир нарса қилиб қўйса, ишқилиб, мени шерикка чиқармасалар бас.

– Нега энди сени шерикка чиқаришаркан?

– Чунки мен анов ишораларни жуда махфий равишда айтганман.

– Қанақа ишоралар? Кимга айтгансан? Жин чалсин сени, тушунтириброк гапир!

– Тўла тан олишим керакки, – дея олифтанамо чўзилди Смердяков, – Федор Павлович билан ўртамизда битта яширин сиримиз бор. У киши агар билсангиз (билишни истасангиз), бир неча кунлардан бери, хоҳ кечда бўлсин, хоҳ тунда, дарҳол ичкаридан эшикни беркитиб оладилар. Сиз ҳар сафар кун охирида ўз хонангизга эрта қайтпасиз, кеча эса умуман ҳеч қаёққа чиқмадингиз, шунинг учун у киши тунда эшикларни маҳкам беркитиб олишларини билмаслигингиз мумкин. Григорий Васильевичнинг ўзи мабодо келса ҳам, фақат овозидан таниб очишлари мумкин. Аммо Григорий Васильевич келолмаяпти, шунинг учун ичкаридаги юмушларини мен ўзим қилиб турибман. Аграфена Александровна борасида машмашалар бошлангандан бери ўзлари шунга қарор қилдилар. Тунда мен ўзим ҳам, у кишининг буйруқлари бўйича ҳовлидаги уйга бориб ётаман. Аммо ярим кечагача уйкуга ётмайман, навбатчилик қиламан, ўрнимдан туриб ҳовлини айланаман, Аграфена Александровна қачон келаркин деб кутаман, у кишим мана бир неча кундан бери унинг келишини эс-хушдан оғғудай бўлиб кутиб ётибдилар. У кишининг фикрича, ойимқиз Дмитрий Федоровичдан кўрқади (у киши уни Митька деб қакирадилар), шунинг учун кечаси орқадаги овлок йўллардан билинтийрмай олдимга келади дейдилар; менга айтадиларки, сен уни ярим кечагача, ҳатто ундан ҳам ортиқроқ кутиб ўтир. У келиб қолса, чопиб эшигимга кел-да эшикни ёки боғ деразасини тикирлат, биринчи марта астагина манавиндай тақ-тақ тақирлат, кейин эса уч маротаба тез-тез тақ-тақ-тақ ур. Ана шунда мен ойимқиз келганини биламан, кейин оҳиста сенга эшикни очаман. Фавқулудда бир ҳодиса бўлиб қолса, менга бошқа бир ишора билан хабар қилишни буюрганлар, аввал икки марта тез-тез чертаман: тақ-тақ, кейин яна бир сония кутиб, қаттиқроқ чертаман. Ана шунда у киши фавқулудда бир ҳодиса рўй берганини биладилар ва мен билан дарҳол кўришиш зарурлигини тушунадилар, эшикни очадилар, мен ичкарига кириб аҳволни маълум қиламан. Шуниси ҳам борки, Аграфена Александровнанинг ўзи келмаслиги ҳам мумкин, бирон хабар жўнатиши ҳам эҳтимолдан узоқмас, яна бундан ташқари, Дмитрий Федоровичнинг ўзи балки келиб қолар, у яқинлашиб қолди деб, буни ҳам билдириш керак. Хўжайин Дмитрий Федоровичдан ўлардай кўрқади, шунинг учун Аграфена Александровна келган бўлсалар, икковлари бирга яшириниб ётишган бўлса ва бу орада Дмитрий Федорович яқин ўртада пайдо бўлиб қолса, мен зудлик билан уларга уч марта чертиб хабар беришим зарур, биринчи марта беш маротаба чертиб шуни маълум қиламан: “Аграфена Александровна келдилар”; иккинчи марта уч бора тикирлатсам – “Жуда ҳам зарур иш чиқиб қолди” деганим бўлади, хўжайиннинг ўзлари мисол кўрсатиб буни менга ўргатиб, тушунтирдилар. Бутун дунёни олиб қарсангиз ҳам, бу ишораларни ёлғиз мену ўзлари билишларини ҳисобга олганда, улар ҳеч қандай иштибога бориб ўтирмай ва жиндак ҳам овоз чиқармай (овоз чиқариб жавоб беришдан ўлгудай кўрқадилар) эшикни очадилар. Мана шу ишоралар энди Дмитрий Федоровичга маълум бўлиб қолди.

– Нега маълум бўлади? Сен айтдингми? Бунга қандай журъат қилдинг?

– Азбаройи кўрқанимдан. Мен у кишининг олдида айтмасликка қандай ҳаддим сиғади? Дмитрий Федорович ҳар куни менга зуғум қиладилар: “Сен мени лақиллатаяпсан, мендан нималарни яширяпсан? Сенинг иккала оёгингни синдираман!” Ана ўшанда мен у кишига яширин ишораларни айтиб бердим, менинг кулдай хизматимни билсинлар ва лоақал алдамаётганимга ишонсинлар, ҳаммасини ипидан-игнасигача билдириб турганимни кадрласинлар дедим.

– Мабодо бу ишоралардан фойдаланиб ичкарига кирмоқчи бўлса, уни киритма, ўйлаб кўр.

– Мен ўзим тутқаноқ тутиб ётган бўлсам, унда қандай қилиб киритмайман, унинг бу қадар ваҳшатини кўриб туриб, хоҳлаганимда ҳам кўлимдан нима келади ахир?

– Э, жин чалсин сени! Нега тутқаноғим тутади деб шунчалар ишоняпсан, эй, шайтон ургур? Менинг устимдан куляпсанми, нима бало?

– Устингиздан кулишга нима ҳаддим бор? Кўрқиб ўлай деяпман, кулгига бало борми? Сезиб турибман, тутқаноқ тутади, юрагим сезяпти, кўрқанимдан тутади ҳали.

– Э, шайтон! Сен ётиб қолсанг, Григорий кўриқлайди. Григорийга олдиндан айтиб қўй, уни яқин йўлатмайди.

– Хўжайиннинг буйруғисиз мен ишоралар ҳақида Григорий Васильевичга оғиз очолмайман. Григорий Васильевич кўриқлайди, йўл қўймайди деяпсиз, у кишим эса кечадан бери бетоб бўлиб ётиб қолдилар, Марфа Игнатъевна эртадан бошлаб уларни даволашга киришмоқчилар. Боя шуни гаплашишди. Уларнинг даволаши ҳам жуда қизиқ: Марфа Игнатъевна шунақа бир суюқ дори тайёрлайдилар ўтлардан, жуда ўткир, доим қўл остиларида бўлади, унинг сирини фақат ўзлари биладилар. Мана шу дори билан Григорий Васильевични ҳар йили уч марта даволайдилар, у кишининг бели оғрийди, тахтадай бутун қотиб қолади худди шол бўлгандай, ҳар йили уч марта такрорланади. Касал кўзиганда Марфа Игнатъевна сочиқни олиб уни ўта суюқ дорига хўллайдилар-да, бутун бели, елкаларини ярим соат қуригунча ишқайдилар, орқалари қизариб, шишиб кетади, кейин идишда қолганини касалга ичиради, бу пайтда дуо ҳам ўқиб туради, аммо ҳаммасини ичирмайди, бирозгинасини ўзига ҳам қолдиради ва ўзи ҳам буни ичади. Сизга айтсам, икковлари ҳам ичкилик ичмайдиган одамлар, худди маст бўлиб қолгандай тўшакка қулашади ва узоқ вақт қаттиқ уйқуга кетишади; Григорий Васильевич шундан кейин уйқудан кўзини очганда, ўзини соғайиб кетгандай сезади, Марфа Игнатъевнанинг эса уйқудан турганда боши оғрийди. Шунинг учун эртага Марфа Игнатъевна даволашни бошласа, улар Дмитрий Федорович келганини эшитишармикин ва қандай қилиб уни уйга қўймасликлари мумкин. Донг қотиб ухлаб ётган бўлишади.

– Э, нима бу бош оғриғи! Шуларнинг ҳаммаси бирданига атай қилгандай рўй беради дейсанми: сени тутқаноқ тутади, улар донг қотиб ухлашадими! – қичқириб юборди Иван Федорович, – э, сен ўзинг буларнинг ҳаммасини атай бир ерга тўпламоқчимасми? – Унинг оғзидан бу сўзлар бирдан отилиб чиқди ва у қошларини қаттиқ чимирди.

– Мен қандай қилиб буларни тўғри келтираман... ва нега энди тўғри келтиришим керак, бу ерда ҳаммаси ёлғиз Дмитрий Федоровичга, унинг фикрига боғлиқ... У кишим бир нима қилмоқчи бўлсалар – қилмай



қўймайдилар, бўлмаса, мен уларнинг қўлларидан ушлаб оталарининг олдига киритиб қўймайман-ку.

– Нима учун у отамнинг олдига кириши керак, яна оҳистагина, бунинг устига, гапинга қараганда, Аграфена Александровнанинг ўзи ҳам келмайдиган бўлса, – давом этди Иван Федорович ғазабланганидан ранги туси ўчиб, – сен ўзинг шундай деяпсан, мен ўзим ҳам бу ерда яшаб туриб, чол ўзича бичиб-тўкиб юрибди-да, деб ўйлардим, анов махлуқ унинг олдига ҳеч қачон келмайди дердим. Агарда ўша махлуқ келмайдиган бўлса, Дмитрий нима қилади отамнинг олдига зўрлик қилиб кириб? Гапир! Мен сенинг фикрингни билишни истайман.

– Нимага кирмоқчи эканликларини ўзингиз биласиз, менинг фикрларимнинг бу ерда нима кераги бор? Келса, аччиғи чиққани учун келади, худди, мисол учун менинг касалимга ўхшаган, шубҳаларда ўртаниб хонама-хона кидириб чиқадилар худди кечагидай қилиб, мабодо менинг кўзимни шамғалат қилиб қандайдир секингина ойимқиз кириб олмадимикин деб. У кишига яна Федор Павлович катта бир конверт тайёрлаб қўйганлиги ҳам маълум, унга уч минг рубль жойланган, уч ерига муҳр босилган, шойи ип билан боғланган ва ўз қўллари билан шу сўзлар ёзилган: “Фариштам Грушенькага, мабодо қадам ранжида қилса”. Кейин уч кун ўтиб яна қўшимча қилиб, “момик палапонимга” деб ёзиб қўйдилар. Ана шунақа. Худди шуниси шубҳали-даргумон-да.

– Бекор! – деб қичқирди Иван Федорович худди қутуриб кетгандай бўлиб. – Дмитрий пул ўғирлаш учун ҳеч қачон бормайди, отасини ҳам ўлдирмайди. У қутурган тентакка ўхшаб кеча балки отасини ўлдириб қўйиши мумкин эди Грушенькани деб, аммо ҳеч қачон пул учун босқинчилик қилмайди!

– У кишимга ҳозир пул жуда керак, жуда ҳам керак, Иван Федорович. Сиз ҳозир тасаввур ҳам қилолмайсиз қанчалар кераклигини, – бениҳоя хотиржамлик билан аниқ-равшан қилиб тушунтирди Смердяков. – У кишим ўша уч мингни ўзларига тегишли деб ҳисоблайдилар ва ўз оғизлари билан менга шундай дедилар: “Менга, дедилар, падар яна уч минг бериши керак”. Бунинг устига ўзингиз ҳам ўйлаб кўринг, Иван Федорович, соф бир ҳақиқат бор бу ерда: бу ўзи асли шундай бўлса керак, айтиш жоизки, Аграфена Александровна фақат ўзлари хоҳласалар, хўжайинни, яъни Федор Павловични ўзларига уйланишга мажбур қиладилар, албатта, ҳа, фақат ўзлари хоҳласаларгина, ахир хоҳлаб қолишлари ҳам мумкин-да. Мен у келмади деб, шунчаки ўзим айтяпман, унинг эса ҳаммасидан бурун бегойим бўлгиси келиб қолар. Мен ўзим эшитганман, ойимқизнинг савдогари Самсонов у кишимга очиқдан-очиқ қилиб бу ишни маъқуллаган ва боз устига кулиб-кулиб қўйган эди. Ойимқизнинг ақли ҳам ўзига етгунча. У кишига шир яланғоч Дмитрий Федоровичга турмушга чиқиш чикора. Мана энди шуларнинг ҳаммасини ақллаб кўринг-чи, Иван Федорович, ўшандоқ бўлган тақдирда, на Дмитрий Федорович, на сиз ва на укангиз Алексей Федоровичга отангиз ўлимидан сўнг бир тийин ҳам қолмайди. Чунки Аграфена Александровна хўжайинга турмушга чикса ҳам, ҳаммасини ўз номига ёздириш ва қанча пули бўлмасин, ўз ҳисобига ўтказиш учун чиқади. Ҳолбуки, отангиз ҳозир – ҳали буларнинг ҳеч бири рўй бермасдан туриб қазо қилсалар, ака-ука ҳар бирингизга камида қирқ мингдан шу заҳоти тегади, ҳатто шу қадар ёмон кўрсалар ҳам. Дмитрий Федоровичга ҳам улуш тегади, чунки хўжайин ҳали васиятларини ёзган эмаслар... Буларнинг ҳаммаси Дмитрий Федоровичга жуда яхши маълум...

Иван Федоровичнинг башараси нечукдир қийшайиб, қинғайиб, титраб кетди. У бирдан қизарди.

– Унда нега сен, – деб Смердяковнинг гапини бўлди у бирдан, – шуларнинг ҳаммасидан кейин ҳам менга Чермашняга жўнашни айтяпсан? Бу билан нима демокчи эдинг? Мен жўнаб кетаман-у сўнг воқеалар бошландими сизда. – Иван Федоровичнинг бўғзига нафаси тикилди.

– Жуда ҳам тўғри, – аста мулоҳазакорлик билан деди Смердяков, бироқ у Иван Федоровични диққат билан кузатиб турарди.

– Нимаси жуда ҳам тўғри? – қайталаб сўради Иван Федорович ўзини ушлашга ҳаракат қилиб кўзлари қахрли чакнаган ҳолда.

– Сизга ачинганим учун гапирдим. Сизнинг ўрнингизда мен бўлганимда, ҳаммасини шу заҳоти ташлаб кетардим... бунақа ишларнинг ичида ўтиргандан кўра-е... – жавоб берди Смердяков Иван Федоровичнинг ўт чакнаган кўзларига очикчасига тикка қараб. Икковлари жим қолдилар.

– Сен, афтидан, ўлардай жиннисан, яна... ўта кетган аблаҳсан! – бирдан ўрнидан турди Иван Федорович. Кейин дарҳол эшикка қараб юрмоқчи бўлди-ю, сўнг тўхтаб, Смердяковга ўгирилиб қаради. Ғалати бир ҳол содир бўлди: кутилмаганда Иван Федорович худди ваража тутгандай лабларини тишлади, муштларини тугди ва яна бир зум ичида Смердяковга ташланмоқчи бўлди. Смердяков ҳар қалай дарҳол буни фаҳмлади-да, бир силкинди-ю бутун гавдасини орқага тортди. Бироқ лаҳза Смердяков учун хайрли тугади ва Иван Федорович индамай, лекин қандайдир фаромуш ҳолда эшик томон юрди.

– Агар билгинг келса, мен эртага Масковга жўнаб кетяпман, эртан эрталаб вақтли жўнайман, ана, тамом! – у қахр билан дона-дона қилиб овозини баланд қўйиб сўзлади, кейинчалик буни нега ўшанда Смердяковга шу тарзда айтгани ва бу унга нима учун керак бўлганига ўзи ўзидан ҳайрон бўлиб юрди.

– Энг яхшиси шу, – деб илиб кетди Смердяков худди шуни кутиб тургандай, – фақат бирон воқеа бўлиб қолса, сизни Масковдан телеграф орқали чақириб қолишлари мумкин.

Иван Федорович яна тўхтади ва яна ялт этиб Смердяковга ўгирилиб қаради. Смердяков ҳам худди шундай ҳолга тушди. Унинг бутун такаллуфи ва беписандлиги бир зумда ғойиб бўлди; бутун қиёфасида ҳаддан ортик диққат-эътибор ва мунтазирлик акс этди, аммо энди бунда ийманиш ва ялтоқилик ифодаланарди: “Мабодо, яна бир нарса демайсанми”, – унинг Иван Федоровичга ўқдай қадалган нигоҳида худди шу сўзларни уқиш мумкин эди.

– Э, ахир Чермашнядан ҳам чақириб олишмасмиди... мабодо шунақа бир воқеа содир бўлиб қолса? – бўкириб юборди бирдан Иван Федорович нима учундир овозини баланд кўтариб.

– Ҳа... Чермашнядан ҳам... чақириб олишарди... – худди эсанкирагандай овози чиқар-чиқмай ғўлдиради Смердяков, аммо у ҳамон Иван Федоровичнинг кўзига диққат билан тикка қараб турарди.

– Фақат Масков узок, Чермашня эса яқин, сен, нима, узок йўлга пул кўп кетади деб ачинапсанми, а, ё мени узок юриб саргардон бўлмасин дейсанми?

– Жуда ҳам тўғри, – хириллаб деди Смердяков ғўлдираб, у хунук илжайиб бир кори ҳол рўй бергудек бўлса, сапчиб ўзини орқага олишга



тайёр турарди. Бироқ Иван Федорович Смердяковни хайрон қолдириб, кулиб юборди-да, кулишдан тўхтамай эшикдан кириб кетди. Аммо унинг афт-ангорига диққат билан қараган киши, афтидан, у хурсандчиликдан кулмаётганини пайқарди. Лекин унинг ўзи ҳам ўша дамларда бошидан нималар кечаётганини ҳеч бир тушунтириб бера олмасди. У худди ваража тутаётгандай юриб борарди.

VII

“АҚЛИ ОДАМ БИЛАН ГАПЛАШСАНГ, ҲУЗУР ҚИЛАСАН”

Гаплашиб ҳам кўрди. Эндигина ичкарига кириб, у залда Федор Павловични учратди ва дарҳол унга қўлларини силкитиб: “Мен тепага чиқаман, сизда эса ишим йўқ, ҳозирча хайр”, деб кичкирди-да, отасининг ёнидан қарамасдан ўтиб кетди. Балки ушбу дақиқаларда чолни кўргиси келмагандир, аммо бунчалар такаллуфсизлик ва ёқтирмай қарашни ҳатто Федор Павлович ҳам кутмаганди. Афтидан, чол, ростдан ҳам, тезроқ ниманидир айтмоқчи бўлиб атай уни залда кутиб олишга чиққанди; бундай муомалани кўргач, индамай тўхтаб қолди ва пиллапоядан кўтарилиб бораётган ўғлини то бўлмасига кириб кетгунича илжайганча кузатиб турди.

– Унга нима бўлган? – тезгина сўради у Иван Федорович билан изма-из кириб келган Смердяковдан.

– Нимадандир жаҳли чиққанми, ким билсин, – ётиғи билан жавоб берди малай.

– Ҳай, майли, шайтон! Жаҳли чиқса чиқар! Самоварни келтир, ўзинг тезроқ жўна, тез. Янги гап йўқми?

Кейин боя Смердяков Иван Федоровичга нолиган гаплар, ойимкиз келдими, йўқми деб, сўраб-суриштиришлар бошландики, биз буни бу ерда ташлаб ўтамиз. Ярим соатдан сўнг уй тапа-тақ беркитилди, ёлғиз эс-хушини йўқотган қариянинг ўзи хонама-хона мунтазир бўлиб айланар, бешта шартлашилган тикирлашни кутар, қоронғи деразаларга кўз югуртирар ва унда қоронғиликдан бошқа ҳеч нарсани кўрмасди.

Вақт алламаҳал бўлган, Иван Федорович ҳамон уйқуга ётмас, тинмай ўйларди. Бу кеча у жуда кеч, соат иккиларда ётди. Аммо биз унинг бутун фикрлари оқимини келтириб ўтирмаймиз, бу юракнинг ичига киришнинг вақти ҳам эмас: ўз вақти-соати келади бу юракнинг. Ҳаттоки бунга уриниб кўрганимизда ҳам, адо этиш у қадар осон бўлмас, чунки булар фикрлар эмас, балки қандайдир ғоят шубҳали нарсалар эди, асосийси – ичи жунбушга тўлган эди. Ўзини калавасининг учини йўқотиб қўйгандай сезарди. Уни яна ҳар турли ғалати ва бирмунча кутилмаган хошиш-истаклар қийнарди, мисол учун, тун ярим кечадан ўтгач, чидаб бўлмайдиган даражада пастга тушгиси келиб қолди, эшикни очиб, ҳовлидаги уйга ўтгиси ва Смердяковни калтаклагиси келди, аммо сиз ундан нима учун деб сўрасангиз, унинг ўзи лоақал биронта жўяли сабабни аниқ айтиб бера олмасди, фақатгина шунини айтиши мумкин эдики, бу малай дунёда мени ҳаммадан ҳам ёмон ҳақорат қилди, шунинг учун уни кўргани кўзим йўқ, ундан нафратланаман. Бунинг устига бу кеча унинг юраги ёмон пўкиллаб қолди, буни сира тушунтириб бўлмас, жуда аянчли эди, у сезиб турарди, шундан ҳатто бутун

жисмоний кучини бирдан йўқотаётгандай беҳол бўларди. Боши оғрир ва айланарди. Худди бировдан қасд олишга отлангандай юраги ёмон бир нарсадан сиқиларди. Ўрталарида боя бўлиб ўтган гап-сўзларни эслаб у ҳатто Алешадан ҳам хафа бўлиб кетарди, шундай дақиқалар бўлардики, ўзидан ҳам куфри кўзирди. Катерина Ивановнани эса у деярли бутунлай эсидан чиқарганди ва кейинчалик бундан жуда ҳам ҳайрон бўлиб юрди, ҳолбуки, яхши эсида эдики, куни кечагина эрталаб Катерина Иванованинг уйида оғзининг таноби қочиб, эртан Масковга кетяпман деб мақтанган ҳам эди, ҳолбуки, ҳали ўшандаёқ дилининг тубида ўзига ўзи: “Ахир, бу ҳаммаси бекор, сен ҳеч қаёққа жўнаб кетмайсан, сен бу ердан осон узилиб чиқолмайсан, мунча керилмасанг, мақтанчок”, – деб шипшиётгандай туюларди. Кейин узоқ вақтлар ўтиб мана шу кечани кўз ўнгидан ўтказаркан, яна шуни ҳам қаттиқ ижирғаниб, нафратланиб эсларди, у бирдан дивандан оҳиста турарди-да, худди биров кўриб қоладигандай қаттиқ кўрқиб, секин эшикни очиб, зина саҳнига чиқиб, пастдаги хоналарга қулоқ тутар, у ерда Федор Павловичнинг қандай шипирлаб юрганини эшитар, қандайдир жуда ғалати кизиқиб, нафаси бўғзига тикилиб, юраги кинидан чиққудай гурсиллаб уриб, узоқ вақтлар – беш дақиқаларча тинглаб турар, лекин нима учун бундай қилаётгани, нимага тинглаётганини ўзи ҳам билмасди. Бу “қилиғини” у кейин “разиллик” деб юрди, бутун умр юрагининг қаърлари, энг теран пучмоқларидан энг тубан, пасткаш қилиғим деб юрди. Ўша дамларда Федор Павловичнинг ўзига нисбатан ҳеч қандай нафрати йўқ эди, лекин негадир жон-жаҳди билан билгиси келарди: пастда отаси қандай қилиб юрибди, мисол учун, у энди нима қилиши керак, отаси у ерда қоронғи деразаларга қандай қараётганини кўз ўнгига келтирар, фикрларди, ана у бирдан хона ўртасида юришдан тўхтади ва муштоқ кутаяпти, кутаяпти – кимдир тақиллатиб қолармикин. Иван Федорович мана шу машғулот учун икки бора зинага чикди. Охири жимжитлик чўкиб, соат иккиларда Федор Павлович тўшакка ётгач, энди ётиб ухлайман деб, Иван Федорович ҳам ўрнига чўзилди, у ғоятда ҳолдан тойганди. Ва ростига, бирдан қаттиқ уйқуга кетди, туш кўрмай ухлади, у соат еттиларда эрта уйғонди, тонг оқарган эди. Кўзларини очиб, вужудидан қандайдир куч ёғилаётганини ажабланиб ҳис қилди, дик ўрнидан турди, апил-тапил кийинди, кейин чамадонини олди ва шошилиб унга нарсаларини жойлади. Кеча эрталаб кийим-бошларини хизматкор тайёрлаб берганди. Иш ўнғайдан келганидан Иван Федорович табассум қилиб кўйди, жўнаб кетишлик учун ҳеч қандай монелик қолмаганди. Жўнаш эса ҳақиқатдан қутилмаган тарзда бўляпти. Гарчи Иван Федорович (Катерина Ивановна, Алеша ва кейин Смердяковга) эртага жўнайман деган бўлса-да, кеча уйқуга ётаркан, шуни жуда ҳам яхши эслардики, ўша дамда у жўнашни ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган, ҳар ҳолда эртага эрталаб ўрнимдан туриб, дарҳол чамадонни йиғиштира бошлайман деб асло ўйламаганди. Ниҳоят, чамадон ва юк ҳалта тайёр бўлди. Марфа Игнатъевна унинг олдига кириб, одатдагича: “Чойни қаерда ичасиз? Ўз хонангиздами ё пастга тушасизми?” – деб сўраганда, соат тўққизлар бўлиб қолганди. Иван Федорович пастга тушди, у хушҳол кўринарди, аммо сўзлари ва ҳаракатлари алпонг-талпонг, шошилаётгани сезиларди. Отаси билан очиқ юз-ла ҳол-аҳвол сўрашиб, соғликларини алоҳида суриштиргач, у отасининг жавобларини ҳам охиригача кутиб ўтирмай, бир соатдан сўнг бутунлай Масковга кетяпман деб гапнинг пўст палласини айтди кўйди ва



отасидан отларни қўштиришни сўради. Қария бу хабарни асло ажабланмай қабул қилди, ҳатто ўғлининг кетаётганидан таассуф билдириб қўйиш манзирати ҳам эсидан чиқди, бунинг ўрнига бирдан ўзининг бир зарур иши борлиги эсига тушиб, ғоятда питирлаб қолди.

– Вой сен-ей! Ана холос! Кеча айтмабсан-да... майли, барибир ҳали ҳам кеч эмас, ёпиштирамиз. Отагинам, сен менга каттакон бир яхшилик қил, Чермашняга бор. Сен Воловий бекатидан чапга бурилсанг бас, атиги ўн икки чақиримча келади, Чермашнядан чиқасан.

– Мени кечиринг, иложи йўқ, темир йўлгача саксон чақирим, поезд бекатдан Масковга кеч соат еттида жўнайди – учма-уч етиб бораман.

– Эртан улгурасан, бўлмаса индинига, бугун Чермашняга кириб ўт, отангни кўнглини хотиржам қил! Агар бу ерда ишларим бўлмаса, аллақачон ўзим учиб бориб келардим, у ердаги иш қараб турмайди, жуда зарил, менинг бу ердаги вақтим йўл қўймапти... У ерда менинг икки ерда ўрмоним бор, Бегичев ва Дячкино ялангликларида. Савдогар ота-бола Масловлар ўрмонни кесиб олишни бор-йўғи саккиз мингга баҳолашяпти, ўтган йили сотиб оламан деган харидор эса ўн икки минг бераман деб чираниб турган эди, у бу ерлик эмас, фарқи мана шунда. Нега десанг бу ердагиларнинг бозори касод, ота-бола Масловларгина семиришяпти, юз мингдан ортиқ сармоялари бор: қанча берсалар, шунга рози бўласан, бу ердагиларнинг ҳеч бири улар билан беллашолмайди. Отахон Ильинский кутилмаганда ўтган ҳафта пайшанба кунни бу ёққа мактуб жўнатди. Горсткин деган савдогарвачча келганмиш, унинг кимлигини биламан, авло жойи шуки, бу ерлик эмас, Погребовдан, инчунин у Масловлардан тафт тортмайди, чунки бошқа жойдан. Битта ўрмонга ўн бир минг бераман деяпти, эшитяпсанми? Отахоннинг ёзишича, у бу ерда яна бор-йўғи бир ҳафта турармиш. Шунинг учун сен борсанг, у билан келишиб келардинг...

– Сиз отахонга ёзиб юборинг-да, у шартлашиб қўяди.

– Қўлидан келмайди, гап шунда. Отахоннинг чамаси етмайди. Тилла одам, мен ҳозир унга тилхат олмай йигирма мингни қўлига тутқазаман сақлаб туриш учун, лекин қараб туришга ярамайди, одам эмас, фаришта, чумчуққа ҳам алданади. Ҳолбуки, олим одам, ўзинг тасаввур қил. Анов Горсткин кўринишдан эркакка ўхшайди, кўк нимча кияди, аммо феъл-атвори турган-битгани аблаҳ, бу бизнинг умумий касалимиз, у ғирт ёлғончи, ол-а шайтон. Баъзан ёлғонни ҳам шундай ҳаддан ошириб юборадики, бу унга нимага керак экан деб ажабланасан. Уч йил олдин хотиним ўлди, бошқасига уйланиб олдим деб гап тарқатди, холбуки, ҳеч бунақа гап йўқ экан, тасаввур қил, хотини ҳеч қачон ўлиб-нетмаган, ҳозир ҳам тирик, ҳозир ҳам уни ҳар уч кунда бир калтаклаб туради. Ана шунинг учун энди билиш керак, унинг гапи чинми, ёлғонми, сотиб олмақчимми, йўқми, ўн бир минг бераман дегани ростми, йўқми?

– Менинг ҳам бунга ақлим етмайди, ҳисоб-китобини чиқаролмайман.

– Тўхта, шошмай тур, сен ҳам ярайсан, мен сенга Горсткиннинг кимлигини айтиб бераман, у билан анчадан бери ҳамкорлик қиламан. Биласанми, унинг соқолига қараб туриш керак: соқолгинаси малла-сарик, суфта ва сийрак. Мабодо соқоли силкиниб қимирлаётган бўлса-ю ўзи жаҳл билан гапираётган бўлса демак, иш пишибди, рост сўзлаётган ва ишни битираётган бўлади; агарда соқолини чап қўли билан сийпаб, ўзи хихилаб кулса – унда, демак, чув туширмоқчи, муғомбирлик қиляпти. Ҳеч қачон унинг

кўзига қарама, кўзидан ҳеч нарса уқолмайсан, лойқа сув, айёр, соқолига бок. Унга хат ёзиб бераман, ўзига кўрсат. Ўзи Горсткин бўлгани билан Горсткин эмас, Лягавий, лекин сен уни Лягавий¹ деб чақирма, хафа бўлади. У билан тил топишсанг, иш пишганини кўрсанг, дарҳол менга хат билан маълум қил. Бир оғиз сўз ёзсанг, бас: “Алдамаяпти” де. Ўн бир мингда оёқ тираб тур, бир мингга ўтсанг майли, аммо ортиқ ён босма. Ўзинг ўйлаб кўр, саккиз қайда-ю ўн бир қайда – уч минг фарқи бор. Шу уч мингни мен худди кўчадан топиб олгандайман, яна қачон харидор чиқади, пулга эса зориқиб турибман. Иш жиддийлигини билдирсанг, унда ўзим учиб бораман-у охирига етказаман, бир амаллаб вақт топарман. Мабодо бу отахоннинг ўйлаб топган гапи бўлса, унда ҳозир мен у ерга от чоптириб нима қилдим? Хўп, борасанми, йўқми?

– Э, вақт йўқ, кўйинг.

– Оҳ, отангга кўмаклаш, ҳеч эсимдан чиқармайман! Ҳаммаларингни юракларинг тош, ана! Бир ёки икки кун сенга нима бўлибди? Қаёққа кетяпсан, Венециягами? Икки кунда сенинг Венециянг ер юзидан кўчиб кетмас ахир. Мен Алешкани юборсаммикин дедим, лекин Алешка бу ишларни қандай эплайди? Сен эса эсли-хушли, ақлли одамсан, мен ахир кўриб турибман-ку. Ўрмон сотмасанг ҳам, фаросатинг бор. Бу ерда фақат разм солиш керак: ўша одамнинг гапи жиддийми ёки йўқми. Айтяпман-ку, соқолига бок: соқоли силкинса – демак, иш пишган.

– Мени ўзингиз шу лаънати Чермашняга гумдон қилмоқчимисиз, а? – деб чинқирди Иван Федорович ғазаб билан лабини қийшайтириб.

Федор Павлович унинг ғазабини фаҳмламади ёки фаҳмлагиси келмади, лекин лабини қийшайтирганини пайқади:

– Демак, борасан, борасан-а? Сенга ҳозир хат ёзиб бераман.

– Бораманми, йўқми, билмадим, йўлда бир қарорга келарман.

– Йўлда нима қиласан, ҳозир айт. Бўталоғим, ҳозир айт! Келишиб олсанг, менга бир оғиз ёзиб юбор, отахонга берсанг, менга хатингни бирпасда етказди. Ундан кейин сени тутиб турмайман, кетавер Венециянга. Отахон сени кейин Воловий бекатига ташлаб қўяди ўзининг от-аравасида...

Қария ғоятда хурсанд бўлди, хат ёзди, от-арава қўштирди, яна егуликлар, коньяк келтиришди. Қария хурсанд бўлган чоғларида жуда талтайиб кетар, аммо у бу сафар ўзини тутарди. Мисол учун, Дмитрий Федорович ҳақида бир оғиз ҳам гапирмади. Ўғли кетаётганидан қайғурмасди. Ҳатто нимани гапиришни ҳам билмагандай эди, Иван Федорович бунга эътибор берди: “Унинг жуда жонига тегибман”, – деб ўйлади у ичида. Фақат ўғлини кузатиб бўсағага чикқанда у бироз типирчилаб қолди, қучоқлашиб, ўпишгани интилди. Аммо Иван Федорович, афтидан, бундан қочиб отасига шошиб кўлини чўзди. Қария буни дарров тушунди ва дарҳол ўзини босди.

– Хўп, худонинг паноҳига, худонинг паноҳига! – тақрорларди у бўсағада туриб. – Лекин ҳали ҳаётда яна келарсан ахир? Келсанг, жуда хурсанд бўламан. Хўп, худо ёринг бўлсин!

Иван Федорович тарантас арава ичига кирди.

– Хайр энди, Иван, рози бўл! – охирги маротаба кичқирди отаси.

Уйдагилар барчалари хайрлашишга чиқишди: Смердяков, Марфа ва Григорий. Иван Федорович ҳаммаларига ўн рублдан ҳадя улашди. У аравага ўтириб олгач, Смердяков югуриб келиб оёқ остидаги гиламчани тўғрилади.

¹ Лягавий – тепонгич.

– Кўрдингми... Чермашняга кетяпман.... – худди кечагидай тагин кўкрагидан чиқиб кетди Иван Федоровичнинг, яна худди бу ўз-ўзидан бўлгандай асабий кулиб қўйиб. Кейин у буни узоқ вақт эслаб юрди.

– Демак, одамлар тўғри айтишаркан-да, ақлли одам билан гаплашсанг, садағаси кетасан деб, – қатъият билан жавоб берди Смердяков Иван Федоровичга чуқур тикилиб.

Тарантас йўлга тушди ва тез учиб кетди. Сайёҳатчининг юраги бўм-бўш эди, аммо у атроф далалар, адирлар, дарахтлару баланд тиник осмонда ўз устидан учиб ўтаётган ғозлар галасига шодумон назар соларди. Бирдан у жуда ҳам енгил тортди. Шунда извошчи билан гаплашгиси келди, мужикнинг жавоблари ичида бир нарса уни қаттиқ қизиқтириб қўйди, аммо бир зумдан сўнг ҳаммаси қулоғидан чиқиб кетганлигини пайқади ва ростини айтганда, мужикнинг нима жавоб берганини тушунмади. У жимиб қолди, шунда ҳам жуда соз эди: хаво соф, мусаффо, сарин, осмон тиник. Хаёлидан Алеша билан Катерина Ивановнанинг сиймолари лип этиб ўтгандай бўлди, аммо у оҳиста кулимсаб қўйди ва оҳиста яқин шарпаларга уфурди, улар пўпанак каби ғойиб бўлдилар: “Ҳали уларнинг вақти келади”, – деб ўйлади у. Бекатга тез етиб боришди, отларни алмаштиришди-ю Воловийга қараб учишди. “Нега ақлли одам билан гаплашсанг, садағаси кетасан, деб айтди, бу билан нима демокчи бўлди? – бирдан нафаси бўғзига тикилди. – Мен ўзим нега унга Чермашняга кетяпман дедим?” Воловий бекатига етишди. Иван Федорович тарантасдан тушди, уни ямшиқ аравакашлар қуршаб олишди. Чермашняга дала-туз йўллардан ўн икки чақиримга олиб боришга ёлланишарди. У от қўшишни буюрди. Бекат биноти томон қадам ташлади, атрофига назар солди, бекатдаги назоратчи аёлга кўзи тушди-ю, бирдан орқага қайтиб бўсағага чиқди.

– Чермашняга керакмас. Оғайнилар, соат еттига темир йўлга кечикмай бораманми?

– Айни улгурамиз. Отни қўшайликми?

– Дарров қўш. Эртага кимдир шаҳарга бормайдими?

– Бўлади. Мана, Митрий боради.

– Митрий, бизга бир хизмат қилмайсанми? Сен бориб, отам Федор Павлович Карамазовнинг олдига кирасан, унга менинг Чермашняга бора олмаганимни айтасан. Бу қўлингдан келадими, йўқми?

– Нега кирмай, кираман, Федор Павловични анчадан бери биламиз.

– Манави сенга чой-чақа, ҳойнаҳой отам сенга бермаслиги ҳам мумкин... – қувноқ кулди Иван Федорович.

– Ростданам бермайдилар, – кулиб юборди Митрий ҳам. – Раҳмат, жаноблари. Албатта, бажарамиз...

Оқшом соат еттида Иван Федорович вагонга ўтирди ва Масковга қараб учди. “Ҳаммаси орқада қолсин, ўтмиш олам абадул-абад тугади, ундан энди на сас, на хабар керак, энди янги дунё, янги жойлар керак, орқага аланглашнинг хожати йўқ!” Аммо шодумонлик ўрнига унинг юрагига бирдан тундай қоронғилик чўкдики, жони-жаҳонидан шунчалар қайғу-алам оқдики, илгари ҳеч қачон, бутун умри бино бўлиб, бундайига дуч келмаганди. У тун бўйи ўйга ботди, вагон гўё учарди; фақат тонг қоронғисига Масковга кириб бораркан, кўзлари худди очилгандай бўлди.

– Э, аблаҳ! – пичирлади у ўзига ўзи.

Федор Павлович эса ўғлини йўлга кузатиб жуда мамнун бўлди. Бутун икки соат у ўзини жуда бахтли сизди, коньякдан тортиб турди, аммо уйда

юракни ёмон ғаш қиладиган хунук бир воқеа содир бўлиб қолдики, бу Федор Павловични қаттиқ шошириб қўйди: Смердяков қай иш билан ертўла омборга борган экан, юқоридаги зинадан пастга йиқилиб тушибди. Яхшиямки, шу пайтда ҳовлида Марфа Игнатъевна юрган экан, дарров эшитибди. У қандай йиқилганини кўрмабди-ю, қичқирган товушни эшитибди, бу бошқача, ғалати бир бақирик бўлиб, Марфа Игнатъевнага анчадан бери маълум эди – бу тутқаноқ тутган пайтда йиқилаётгандаги овоз эди. Смердяков омбор зиналаридан пастга тушаётганида тутқаноғи бошланиб, сўнг дарҳол пастга қараб беҳуш қуладими ёки аксинча, йиқилиб тушганидан кейин ларза натижасида тутқаноқ тутдими, аниқлаб бўлмасди, бироқ уни омбор тагида оғзидан кўпик сочиб, қақшаб, чангак бўлиб ётган маҳалда топишди. Аввалига у қўл-оёғини синдириб қўйдимикин, деб ўйлашди, бироқ Марфа Игнатъевнанинг тили билан айтганда, “худо сақлаб”, бундай кори ҳол рўй бермаган, фақат уни омбор тагидан юқорига олиб чиқиш анча мушкул кечганди. Кўни-қўшнилардан кўмак ўтиниб, амаллаб уни юқорига кўтариб чиқишди. Федор Павловичнинг ўзи бу ишларда бош-қош бўлиб турди, ёрдам берди, чамаси, у қўрқиб кетган ва ўзини йўқотиб қўйганга ўхшарди. Аммо бемор ўзига кела қолмасди, тутқаноқ вақтинча тўхтаса ҳам, кейин яна қайталанар ва ҳамма бундан шундай хулосага келдики, у бултур бехос болохонадан йиқилганида рўй берган ҳодиса энди яна такрорланади. Ўшанда унинг энсасига муз қўйганларини эслашди. Ҳартугул муз омборда ҳали бор экан ва Марфа Игнатъевна уни дарров малҳам қилиб қўйди, Федор Павлович эса кечга томон доктор Герценштубега одам жўнатди, у ҳаялламай етиб келди. У беморни диққат билан кўриб (у музофотдаги энг синчков ва эътиборли доктор бўлиб, кексайиб қолган, ҳурмат-эътиборга сазовор зот эди), тутқаноқни фавқулудда ва “жуда хавфли” деб топди, аммо ўзи ҳали ҳаммасини охиригача тушуниб етмаганлиги, агар бугунги муолажалар фойда қилмаса, эртага эрталаб бошқа чоралар қилиб кўришини айтди. Беморни ҳовлидаги уйга, Григорий билан Марфа Игнатъевнанинг ёнидаги хонага ётқизишди. Кейин кун бўйи Федор Павловичнинг бошига бахтсизлик устига бахтсизлик ёғилиб турди: тушлик таомни Марфа Игнатъевна ҳозирлади, шўрва Смердяков пиширадиган шўрвага ўхшамади, “ювинди”дан асло фарқ қилмади, товук эса шу қадар қоқланган эканки, уни чайнашнинг сира иложи бўлмади. Марфа Игнатъевна хўжайиннинг аччиқ, аммо тўғри таъналарига товукнинг ўзи жуда қари эди, мен ҳам ошпазликка ўқимаганман, деб жавоб берди. Кечга яқин яна бир ташвиш чиқди: уч кундан бери сирқовланиб юрган Григорий бутунлай тўшаққа ётиб қолди, белини кўтаролмаяпти, деб Федор Павловичга хабар беришди. Федор Павлович кечки чойни апил-тапил ичди-да, бир ўзи уйни ичидан қулфлаб олди. У жуда ҳам кўрққан ҳолда хавотирга тўлиб кутарди. Гап шундаки, у худди мана шу оқшом Грушеньканинг келиб қолишидан умидвор эди, ҳар қалай, уни тонг саҳарлаб Смердяков “ойимқиз бугун, албатта, келаман деб ваъда берганлар”, деб ишонтирганди. Тийиқсиз қариянинг юраги хавотир ичида гурсиллаб урар, у бўм-бўш хоналарда у ёқдан-бу ёққа бориб келар, қулоғи динг тингларди. Ҳозир-нозир турмоқ керак эди: ойимқизни бирон ерда Дмитрий Федорович бикиниб пойлаб турган бўлса, эҳтимол, ойимқиз деразани тикиллатса (Смердяков бундан уч кун бурун қизга қаерни қандай тақиллатишни тушунтириб айтганман, деб Федор Павловични хотиржам қилганди), унда эшикни зудлик билан очиш, бўсағада уни бир зум ҳам



кутдириб кўймаслик керак эди, худо кўрсатмасин, қиз бирон нарсадан ногаҳон кўрқиб, қочиб кетмагай. Федор Павлович жуда безовта эди, аммо унинг юраги ҳеч қачон бундай ширин умид ичида чўмилмагани, мана энди шу сафар дадил айтса бўларди: бугун у, албатта, келади!..

ОЛТИНЧИ КИТОБ

РУС ДАРВЕШИ

I

ОТА ЗОСИМА ВА УНИНГ МЕҲМОНЛАРИ

Алеша хавотирга тўлиб, юраги санчиб, қариянинг хужрасига кириб борди-ю, хайратдан ёқасини ушлаб тўхтаб қолди: у балки ҳозир ҳушсиз ётган касални кўраман деб кўрққан эди, энди жон таслим қилиш талвасасида ётган касал ўрнига уни кутилмаганда креслода ўтирган ҳолда кўрди, унинг афт-ангори заифликдан абгор бўлса-да, аммо тетик ва қувноқ эди, у атрофини қуршаган меҳмонлари билан оҳиста, мунаввар суҳбат тутарди. Дарвоқе, у Алеша келмасдан чорак соат аввалроқ тўшақдан турганди, меҳмонлар то у уйғонгунча хужрасида жам бўлиб кутиб ўтиришарди, ота Паисийнинг қатъият ила ишонтириб айтишича, “устоз боя эрталабданок ўзи ўз тили билан ҳали яна, албатта, қадрдонларим ила суҳбат кургани ўрнимдан тураман, деб ваъда қилган” эди. Ота Паисий уни ҳатто ҳушидан кетган, нафас олишдан тўхтаган ҳолда кўрганда ҳам, ҳолати размда ётган қариянинг бу ваъдасига ва умуман, унинг ҳар битта сўзига қатъий ишонар, мен ҳали ўрнимдан тураман, сен билан видолашаман деб ишонтиргач, бунинг таъсирида энди балки ўлимнинг ўзига ҳам бовар қилмас, ҳамон қария ўлим тўшагида кўзларини очади ҳамда ваъдасини бажо келтиради, дерди. Эрталабга яқин кўзи уйқуга кетаркан, қария Зосима унга ҳақиқатан шундай сўзларни айтганди: “Сиз азиз маҳбубларим билан яна бир тўйиб суҳбатлашмагунча асло ўлмагайман, маҳбуб дилкушо чехраларингизга тўйин, юрак изҳорларимни яна бир карра сизга нисор қилайин”. Бузрукворнинг мана шу, чамаси, охириги суҳбатига жам бўлганлар унинг узоқ йиллардан бери энг садоқатли дўст-биродарлари эдилар. Улар тўрт киши эди: иеромонахлар ота Иосиф ва ота Паисий, риёзатхона нозири ота Михаил – бу одам ҳали унча қариб қолмаган, уламоликда унчалик ҳам ном чиқармаган, одми халқ ичидан чиққан, аммо иродаси мустаҳкам, аҳд-паймони содда, аммо қаттиқ, кўринишдан жуда қатъиятли, лекин кўнгли юмшоқ ва тийран бир зот эдики, ташқаридан қараганда ўз ҳалимлигини уят-андиша остига яширарди. Тўртинчи меҳмон биродар Анфим бўлиб, камбағал-қашшоқ деҳқонлардан чиққан, жуда ҳам қартайган, шумлик-қувликни билмайдиган жайдаригина роҳиб эди, илми-саводи ҳам чалароқ, индамас ва минғайган, ўта камгап, мулойимлар орасида энг мулойими, қандайдир чексиз буюк ва даҳшатли ҳар нарсадан, ақлига ҳеч тўғри келмайдиган ва кўтаролмайдиган нарсадан бир умрга кўрқиб қолган одамга ўхшарди. Талпиниб-қалқиниб турадиган бу кимсани Зосима ота жуда яхши кўрар ва бутун умри бўйи унга беҳад хурмат-этибор кўрсатар, бир маҳаллар у билан бирга кўп замонлар

Руснинг муқаддас ерларини зиёрат қилиб чиққанига қарамай, дунёда энг кам гаплашган одами ҳам шу эди. Бунга узоқ вақтлар, қирқ йиллар бўлди, ўшанда ота Зосима ўзининг илк жасоратли қаландарлик йўлини ҳеч ким билмайдиган, қашшоқ Кострома монастиридан бошлаганди ва ўшандан кейин сал ўтмай Анфим ота ҳамроҳлигида Костроманинг қашшоқ монастири фойдасига хайру эҳсон йиғиш учун йўлга тушган эдилар. Ҳаммалари, бузруквор ва унинг меҳмонлари қариянинг иккинчи хонасида жойлашиб ўтиришарди, бу ерда унинг тўшаги ҳам ўрнашганди, аввал кўрсатиб ўтганимиздай, у жуда тор бўлиб, шу важдан (тик оёқда турган толиб мурид Порфирийдан ташқари) тўртовлари бузрукворнинг креслоси теварагида биринчи хужрадан келтирилган курсиларда ўтиришардилар. Хуфтон кирган, хона катта чироклар ва санамлар тагига ёқилган шамлардан ёруғ эди. Қисиниб кириб келган ва бўсаға олдида туриб қолган Алешани кўриб, бузрук уни шодон қарши олди ва қўлини узатди:

– Салом, эй ювош, салом, эй, азиз, мана сен келдинг. Билардим ахир келишингни.

Алеша унинг қошига борди, ергача бошини эгиб таъзим қилди ва йиғлаб юборди. Унинг юрагидан бир нарса отилиб чиққандай бўлар, жони питирлар ва хўнграб йиғлагиси келарди.

– Қўй, бўтам, йиғлама, – табассум қилди бузрук ва ўнг қўлини унинг бошига қўйди, – мана, суҳбатлашиб ўтирибмиз, балки ҳали яна йигирма йил умр кўрарман, кеча Вишегоредан келган, кичкина қизчаси Лизаветани кўтариб олган меҳрибон, оқкўнгил аёл шундай тилак билдирди. Худойим, онаси ва кичкина Лизаветага ўзинг раҳм қил! (У чўқинди.) Порфирий, унинг ҳадясини мен айтган жойга элтиб бердингми?

У шўх зиёратчи аёл ҳадя қилган олти тангани эслади, уни “мендан кўра ҳам камбағалроққа” олиб бориб беришни тайинлаганди. Бундай ҳадялар ихтиёрий суратда гуноҳларни ўз елкасига олиш ҳамда кафорат учун қилинади ва албатта, ўз меҳнати эвазига топилган танга-чақадан адо этилади. Бузрук Порфирийни яқинда уйи ёниб кетиб, болалари билан қолган, кейин тиланчилик қила бошлаган бева хотиннинг олдига жўнатганди. Порфирий дарров иш битганини маълум қилди, ўзига тайинлангандай, эҳсонни “номаълум аёл номидан” қилганини айтди.

– Қадингни кўтар, қоқиндик, – давом этди бузрук Алешага қараб, – кани, бир юзингни кўрай. Қардошларингга бордингми, акангни кўрдингми?

Бузрук аниқ-таниқ қилиб катта акасини сўраётгани Алешага ғалати кўринди, аммо қайси бири: демак, мана шу акасининг олдига, афтидан, уни ўз хузуридан кеча ва бугун жўнатган экан-да.

– Акаларимдан бирисини кўрдим, – жавоб берди Алеша.

– Кечаги тўнғичини айтаман, унга бошимни ерга эгиб таъзим қилдим.

– Уни фақат кеча кўрдим, бугун эса тополмадим, – деди Алеша.

– Дарров топ, эртага яна бор, дарров топ, бошқа ишларингини қўй, тез бўл. Балки ҳали бирон ёмон кори холнинг олдини оларсан. Мен кеча унинг олдида турган улкан азоб-уқубатларга бошимни эгдим.

У бирдан жим бўлиб қолди ва ўйга ботди. Сўзлар ғоятда ажабланарли эди. Бузрукнинг кечаги таъзимидан хабардор ота Иосиф шу ерда ўтирган ота Паисийга қаради. Алеша чидолмади.

– Бузрук падарим, – деди у қаттиқ тўлқинланиб, – сўзларингизни тушунолмадим... Қандай азоб-уқубатни айтяпсиз?



– Ўсмоқчилама. Кеча менга қандайдир кўрқинчли бир нарса кўринди... кеча унинг нигоҳида ўзининг тақдири кўрингандай бўлди. Шундай бир нигоҳ акс этди унда... шундан бир зумда юрагим орқага тортиб кетди бу одам ўзи учун тайёрлаётган нарсани кўриб. Ҳаётда бир-икки марта кўрганман айримларнинг шундай юзини... ўша одамларнинг бутун тақдирини ифодалаган, э воҳ, ўша толелар юзага чиқди. Мен сени унинг олдига юбордим, Алексей, сенинг қон-қардош чехранг унга ёрдам берар деб ўйладим. Аммо ҳаммаси худойимдан ва барча толеларимиз худойимда. “Магарким буғдой донаси ерга тушиб, у ўлмаса, бир ўзи қолажак, магарким, у ўлса унда кўп ҳосил беражак”. Шунини ёдингда тут. Сени эса, Алексей, ҳаётим давомида кўплаб марта дуо қилганман сенинг оразинг учун, шуни билиб қўй, – деди бузрук беозор кулиб. – Сенга фикрларим шундай, ушбу даргоҳдан чиққайсан, очик дунёда эса худди қаландар каби бўлгайсан. Рақибларинг жуда кўп бўлади, аммо ғанимларинг ҳам сени севадилар. Ҳаёт сени кўп бахтсизликларга дучор қилади, аммо сен худди шулар билан бахтли бўласан, ҳаётни алқайсан – ҳаммасидан яхшиси шу. Сен ана шундайсан. Падарларим ва устозларим, – табассум билан меҳмонларига мурожаат қилди у, – мен шу кунгача ҳатто унинг ўзига ҳам, не боисдан менинг юрагимга ушбу ўғлоннинг орази бунчалар яқин бўлганини сўйламаган эдим. Энди эса айтаман: унинг орази мен учун эслатма ва башорат бўлди. Ҳаётимнинг тонги отган чоғларда, сабий болалигимда менинг акам бор эди, у кўз ўнгимда ўсмир пайтим бор-йўғи ўн етти ёшида хазон бўлди. Кейин ҳаётим йўлларидан бир-бир ўтиб, мен аста шунга амин бўлдимки, шу акам толейимда юқоридан менга кўрсатма ва қадар бўлди, зеро, ҳаётимга у кириб келмаганда, умуман у бўлмаганда, эҳтимол, ҳеч қачон, назаримда, қаландарлик мартабасига эришмасдим ва ушбу бебаҳо йўлга кирмасдим. Ул башорат ҳали бола чоғимда рўй бериб эди, мана энди йўлим ниҳоясида менинг кўз ўнгимда туғишганим такрорлангандай бўлди, менга башорат тушди. Ажабдур бу, падарларим ва устозларим, ки туғишганимга тархи орази гарчи ўхшамаса-да, фақат андаккина, Алексей туғишганим билан шу қадар руҳан яқин эдики, мен кўп марта лаб уни худди ўша ўсмир ўғлон деб қабул қилдим, акам дедим, акам ҳаёт поёнида қандайдир эслаш ва ўтиниш учун сирли равишда кириб келди дедим, ҳатто бундай ғалат ҳаёлим учун ажабланиб юрдим. Бу гапларни эшитяпсанми, Порфирий, – мурожаат қилди у хизмат қилиб турган толибга қараб. – Алексейни сендан кўра кўпроқ суйганим учун ўкинганингни чехрангдан сезган ва кўп бора кўрганман. Нега бундай бўлганини энди биласан, лекин билиб қўй, сени ҳам суяман ва сен ўкиняпсан деб, кўп бора азият чекдим. Сизга эса, азиз кўноқларим, шу ўғлон ҳақида, биродарим ҳақида айтгим келди, зероки, менинг бутун ҳаётимда бундан кўра башоратлироқ, бундан кўра ғойибона ва таъсирлироқ бошқа нарса бўлмаган. Юрагим тўлиқиб-тошиб кетди, ушбу дамларда бутун ҳаётим кўз ўнгимдан ўтяпти ва ҳаммаси қайта бошимдан кечяпти...

Мен бу ерда изоҳ бериб ўтишим керакки, бузрукнинг охириги куни уни кўриш учун келган ўз меҳмонлари билан қилган сўнгги суҳбати қисман ёзиб олинди, сақланган. Уни Алексей Федорович Карамазов бузрукнинг қазосидан сўнг бироз вақт ўтгач, эсдалик учун ёзиб қўйган. Аммо бу ўша пайтдаги суҳбатнинг айни ўзими ёки бунда устозининг бурунги суҳбатлари баёнини ҳам қўшганмиди, буни мен ҳал қилолмайман, бундан ташқари

ушбу баёнда бузрукнинг сўзи узлуксиз тўхтамай давом этади, ўз ҳаётини худди қиссадай сўзлайди, маҳбуб дўстларига мурожаат қилади, ҳолбуки, кетма-кет келган ҳикояларга қараганда, амалда бирмунча бошқачароқ бўлган, зеро, ўша кеча суҳбат умумий тарзда кечган ва гарчи меҳмонлар мезбоннинг гапини кўпам бўлмаган эсалар-да, лекин орада барибир ўз мулоҳазаларини ҳам кўшиб турганлар, зотан баёнда ундай узлуксизликнинг ўзи бўлиши мумкин эмасди, зеро, бузрук баъзан ҳарсиллаб қолар, овози чиқмай кўяр ва ҳатто нафас ростлаш учун ўрнига беҳол чўзилиб ётарди, аммо ухламасди, меҳмонлар эса ўринларидан жилишмасди. Бир-икки марта суҳбат Инжил шариф ўқиш билан бўлиниб турди, ота Паисий қироат қилди. Ажойиб томони яна шундаки, улардан ҳеч ким қария худди ушбу кеча ўлади деб хаёлига ҳам келтирмасди, шу билан бирга ўз ҳаётининг шу охири кечаси у кундузги теран уйқудан кейин худди бирдан яна янгидан куч-қувватга тўлгандай эди, бу биродарлари билан узундан-узоқ суҳбатида унга мадор бўлди, бу ундаги ақл бовар қилмас жонланишни келтириб чиқарган ва қувватлантирган сўнгги таважжуҳ эди, фақат муддати жуда қиска, зеро, жон бирдан узилди... Аммо бу ҳақда кейин. Лекин ҳозир шуни эслатиб ўтмоқчиманки, мен суҳбатнинг барча тафсилотларини баён қилиб ўтирмай, фақат Алексей Федорович Карамазовнинг қўлёмасидаги қариянинг ҳикояси билан чекланишни лозим кўрдим. Бу қисқароқ бўлади, у қадар зерикарли ҳам туюлмади ва яна қайтараман, Алеша ҳар қалай, албатта, кўп нарсаларни илгариги суҳбатлардан олиб бир ерга жамлаган.

II

ХУДО РАҲМАТ ҚИЛГУР РОҲИБ ҚАРИЯ ЗОСИМА УМРИ БОҚИЯСИНИНГ САРДАФТАРИДАН, УНИНГ ЎЗ ОҒЗИДАН АЛЕКСЕЙ ФЕДОРОВИЧ КАРАМАЗОВНИНГ ЁЗИБ ОЛГАНЛАРИ

Таржимаи ҳол маълумотлари

а) қария Зосиманинг биродари бўлмиш ўғлон ҳақида

Маҳбуб падарларим ва устозларим, мен шимолдаги узоқ музофотда, В. деган шаҳарда унча насабдор бўлмаган, амали ҳам кичикроқ дворян ота оиласида туғилдим. Ёшим иккига кирганда, у қазо қилди, уни ҳеч эслолмайман. У онамга ўрточароқ ёғоч уй ва болалар билан муҳтожлик билмай яшаши учун катта бўлмаган, аммо бирмунча етарли сармоя қолдирди. Онаминг икки боласи: мен – Зиновий ва акам Маркел эдик. Акам мендан саккиз ёш катта бўлиб, феъл-атвори қизиққон ва тажанг, аммо оққўнгил эди. У ҳадеганда кулавермас, қандайдир ғалати индамас, айниқса, ўз уйимизда – мен, онам, хизматкорлар билан гаплашавермас эди. Гимназияда яхши ўқир, ўртоқлари билан чиқишмаса-да улар билан жанжаллашмас, ҳар ҳолда онам уни шундай эслаб қолганди. Ёши ўн еттилардан ўтганда, ўлимига ярим йилча қолганда шаҳримизда ёлғиз яшайдиган, Масковдан хур фикри учун ҳайдалиб, қандайдир сиёсий сургунда бўлган бир одамнинг олдига борадиган одат чиқарди. Бу одам катта олим ва университетда машҳур файласуф бўлган экан. У Маркелни негадир ёқтириб қолиб, уйига

чакириб турган. Ўғлон бутун киш бўйи то кечгача унинг олдида ўтирарди, кейин қувғиндини яна қайтадан Петербургга, давлат хизматига чакиришди, ўзи илтимос қилибди, у ерда ҳомийлари ва раҳнамолари бор экан. Катта рўза бошланди, Маркел эса рўза тутишни истамасди, куфри келади ва бундан кулади: “Ҳаммаси ёлгон-яшиқ гаплар, деди, ҳеч қандай худонинг ўзи ҳам йўқ”, – ҳаммамизни: онамни, мени, хизматкорларни ҳам кўрқитиб юборди, бор-йўғи тўққизга кирган бўлсам-да унинг сўзларидан ҳатто мен қаттиқ кўрқиб кетдим. Хизматчиларимиз крепостнойлар бўлиб, тўрталаси ҳам бизга таниш помешчик номига сотиб олинганди. Шу ҳам эсимда қолганки, онам шу тўрт кишидан бири – кекса ошпаз аёл, чўлок Афимьяни олтмиш рубль қоғоз пулга сотиб, унинг ўрнига озод бўлган хизматкорни олганди. Рўзанинг олтинчи ҳафтасида акам оғриб қолди, ўзининг аввалдан соғлиги яхши эмас эди; бўйи ғоятда дароз, ингичка ва заиф, аммо юзи жуда нурли ва кўҳлик эди. У шамоллаб қолдимикин, доктор келди ва кўп ўтмай онамнинг қулоғига узоққа бормайди, баҳоргача етмайди, деб шипшиб кетди. Онам йиғига тушди, жуда эҳтиёткорлик билан (уни кўрқитиб юбормаслик учун) рўза тутиш, худонинг муқаддас сирларига етиш учун покланишга ундай бошлади, акам ўшанда ҳали оёқда юрганди. Буни эшитиб акам тутақиб кетди, худойимнинг ибодатхонасини қоралади, бироқ ўйланиб ҳам қолди: касали оғир эканлигини дарров сизди, шунинг учун ҳам онаси ҳали куч-қуввати борлигида рўза тутиш ва покланишга илтижо қияпти. Анчадан бери касал эканлигини ўзи ҳам биларди, бир йил олдин стол атрофида ўтирганимизда мен билан онамга очиқ айтди: “Ёруғ дунёда сиз билан тирик юрадиганга ўхшамайман, балки бир йилга ҳам етмасман”, мана, худди башорат қилгандай бўлди. Уч кун ўтиб, муборак ҳафта бошланди. Акам сешанба куни эрталабдан рўза тутиш учун борди. “Онажон, мен буни, тўғриси, сиз учун қиялман, сиз хотиржам бўлинг деяпман”, – деди у онамга. Онам хурсанд бўлганидан ва бир ёқаси алаמידан йиғлаб юборди: “Шўрим курсин, унинг куни битганга ўхшайди, бирдан бундай ўзгарди-қўйди”. Аммо акам черковга узоқ ҳам қатнагани йўқ, ётиб қолди, покланиш дуоларини уйда ўқиб, маросимларини адо этишди. Ёруғ, чароғон, муаттар кунлар келди, ҳайит кеч бошланди. Эсимда, у тун бўйи йўталиб чиқди, уйқуси қочади, эрталаб туриб кийинади-да юмшоқ ўриндикда ўтиришга ҳаракат қилади. У шундай эсимда: жимгина мулоким ўтиради, жилмаяди, ўзи оғир касал, чеҳраси эса қувноқ, шодумон. У юракдан бошқача бўлиб қолди, унда ажиб бир ўзгариш рўй берди! Унинг хонасига қари энага киради-да: “Ижозат бер, қароғим, санам олдига чирок ёқиб қўй”, – дейди. У эса илгари бунга йўл қўймасди, ҳатто пуфлаб ўчириб қўярди. “Ёқавер, муштипарим, ёқавер, олдин ёқтирмасдим, мен ваҳший эканман. Сен санамга чирок ёқиб, худога ибодат қиласан. Мен эса сендан хурсанд бўлиб, ибодат қиламан. Бундан чиқди, бир худога ибодат қиламиз”. Бизга бу сўзлар жуда ғалати туюларди, онам эса ўз хонасига кириб кетади-да кўз ёши тўкаверади, фақат акамнинг ёнига кирганда ёшларини артар ва юзига қувноқ тус берарди. “Онажоним, йиғламанг, муштипарим, – дейди у гоҳо-гоҳо, – мен ҳали кўп яшайман, сизлар билан кўп шод-хуррам бўламан, қаранг ҳаётни, қандай яхши, шод-хуррам!” “Оҳ, болагинам, яна қандай шод-хуррамлик бўлсин, кечаси билан алангаю оташ бўлиб ёниб чиқасан, кўкрагинг худди ёрилиб кетадигандай тинмай йўталасан”. “Ойижон, – деб жавоб беради унга, – йиғламанг, ҳаёт бу жаннат-ку, ҳаммамиз

жаннатдамиз, лекин буни билишни истамаймиз, агарда билганимизда эди, эртагаёқ бутун дунё жаннатга айланиб кетарди”. Ҳамма унинг сўзларидан ажабланарди, шунчалар буларни ишонч билан ғалати қилиб айтарди; ҳамманинг кўнгли бўшаб, йиғлашарди. Уйимизга таниш-билишлар келишарди: “Азизларим, кадрдонларим, мен нима қилибманки, сиз мени сева-сиз, мени нимамни яхши кўрасиз, нега буни аввалдан билмабман, аввалдан бунга сазовор бўлмабман”. Хизматкорлар дам-бадам кириб туришса, уларга дерди: “Азизларим, кадрдонларим, нега менга хизмат қиласиз, ахир мен бу хизматингизга арзийманми? Мабодо худойимнинг раҳми келиб мени тирик қолдирса, ўзим сизга хизмат қилардим, зеро, ҳамма бир-бирига хизмат қилиши керак”. Онажоним буларни эшитиб, бошини чайқарди: “Болажоним, касал бўлганинг учун шундай деяпсан”. – “Ойижон, шодлигим, кувончим, хўжайинлар ва хизматкорлар бўлмасдан иложи йўқ, аммо майли мен ҳам хизматкоримнинг хизматкори бўлайин, улар менга қандок, мен ҳам уларга шундоқ бўлай. Сизга яна шуни ҳам айтайки, онажоним, бизнинг ҳар биримиз бошқа ҳамма олдида ҳаммаси учун айбдор, мен эса барчадан ортиқ айбдорман”. Шунда онажоним илжайиб кўяди, кўзларидан ёш куйилиб ночор жилмаяди: “Хўп, сен нима учун бошқалар олдида ҳаммадан кўпроқ айбдорсан? Ана, қотиллар, одамқушлар, қароқчилар, сен эса ҳали нима ҳам гуноҳ қилиб улгурибсанки, ҳаммадан кўпроқ ўзингни айблаёсан?” – “Онажоним, жигарим, жоним (у ўшанда шундай кутилмаган ширин сўзларни топиб айтарди), жону жаҳоним, жигаримсиз, кувончимсиз, билиб қўйингки, ҳақиқатан, ҳар бир кимса ҳамманинг олдида ҳамма учун ва ҳаммаси учун айбдор. Мен билмайман, буни сизга қандай тушунтирсам экан, аммо сезиб турибманки, жуда аламли бўлса ҳам, бу шундай. Биз ахир қандок яшаган эканмиз, аччиқ-тиззиқ қилган эканмиз ва ҳеч нарсани билмаган эканмиз?” У худонинг берган куни уйқудан шундай бош кўтарар, ҳар кун юраги сувдай эриб оқар, кувонар, муҳаббатдан жонсарақ талпинарди. Баъзи кунлар қари чол доктор Эйзеншмидт кириб келади: “Қани, муҳтарам доктор, айтинг, менга яна бир кун яшашга рухсат берасизми, йўқми?” – деб ҳазиллашарди. – “Бир кун эмас, ҳали яна неча минг кунлар яшайсиз, – деб жавоб қиларди доктор, – ойлар, йиллар яшайсиз ҳали”. – “Қандай йиллар, қандай ойлар бўлсин! – деб ёзғирарди у, – кунларни санаб нима қиламиз, бахт нималигини билиш учун бир куннинг ўзи ҳам етади. Менинг жондан азизларим, нега жанжаллашамиз, бир-биримизга мақтанамиз, бир-биримиздан хафа бўлиб, буни эсимиздан чиқармаймиз, бўлди, тўғри боғчага борамиз, ўйнаймиз, шўхликлар қиламиз, бир-биримизни севиб алқаймиз, ўпиб эркалаймиз ва ҳаётга шукрона айтаммиз”. – “Ўғлингиз бу дунёнинг одами эмас, – деб кўяди доктор уни эшикка кузатиб чиққан онамга, – касалнинг зўридан мияси оғиб боряпти”. Акамнинг деразалари боққа қараган эди, боғимиз эса соя-салқин, унда қадим дарахтлар бўй чўзган, кўклам куртаклари бўрта бошлаган, баҳор қушлари учиб келган, ҳув-хувлаб сайрашар, унга куйлаб беришарди. Бемор уларга қараб севиниб ўтираркан, бир замон улардан ҳам узр сўрай бошларди: “Худойимнинг қушлари, эй кувноқ қушчалар, сиз ҳам мени кечирингиз, чунки сизнинг олдингизда ҳам гуноҳкорман”. Буни ўшанда ҳеч ким англаб етмас, у эса кувончдан кўзига ёш оларди: “Ҳа, – дерди у, – атрофим худойимнинг мўъжизасига тўла эди: қушлар, дарахтлар, ўтлоқлар, кўк осмон, фақат мен шарманда яшардим, бир ўзим ҳаммасини булғардим, мўъжизалару



гўзалликларни асло фаҳлмасдим”. – “Ўз устингга кўп гуноҳларни юклаб оляпсан”, – деб йиғларди онажоним. “Онажоним, шодлигим, қувончим, мен аламимдан эмас, қувончимдан йиғлайман, мен ўзим уларнинг олдида айбдор бўлгим келади, фақат буни сизга тушунтириб беролмайман, чунки уларни қандай яхши кўришни ҳам билмайман. Майли, мен ҳамманинг олдида гуноҳкор бўлай, ўшанда мени ҳамма кечиради, ана шу жаннат. Мен ахир энди жаннатдаман-ку”.

Эслай десам, ёзай десам, яна кўп нарсалар бўлган. Эсимда, бир куни унинг олдида бир ўзим кирдим, ёнида ҳеч ким йўқ эди. Ҳаммаёқ тиниқ, оқшом чоғи эди, куёш ботиб борар, унинг қиялаб тушган шуълалари хонани ёритарди. Менга кўзи тушгач, ёнига имлади, яқин бордим, у иккала кўли билан елкадан тутди, юзимга майин эриб, суюб тикилди, бир зум индамай шундай қараб турди: “Бўпти, деди, бор энди, мен учун яша, мен учун ўйна!” Ўшанда олдидан чиқиб, ўйнагани кетдим. Кейин ҳаётимда кўп бора кўзимда ёшим билан унинг мен учун яша деган сўзларини эслаб юрдим. У яна кўплаб мана шундай ажойиб ва гўзал, ўша пайтда бизга тушунарли бўлмаган сўзларни айтарди. У пасхадан кейинги учинчи ҳафтада қазо қилди, хотирасини йўқотмади, гарчи энди гапирмай қўйган бўлса-да, аммо энг охири дамгача ўзгармади: шод-хурсанд боқади, кўзлари қувноқ, нигоҳи билан бизни қидиради, табассум қилади, бизни чорлайди. Ҳатто шаҳарда ҳам унинг ўлими устида кўп гап-сўзлар бўлди. Ўшанда булар мени ларзага солди, аммо жудаям қаттиқ эмас, барибир уни кўмишаётганда уввос солиб йиғладим. Ёш сабий болакай эдим, юрагимда ўчмас из қолди, туйғуларим кўнглимга чўқди. Вақти келиб ҳаммаси уйғонади ва акссадо беради. Шундай ҳам бўлди.

б) ота Зосима ҳаётида Муқаддас битик ҳақида

Ўшанда онам билан ёлғиз қолдик. Кўп ўтмай яхши таниш-билишлари онамга маслаҳат беришди, мана, ёлғиз ўғлингиз билан қолдингиз, давлатингиз етарли, сармойангиз бўлса бор, шундоқ бўлгач, нима учун бошқалардан ўрнак олиб, ўғлингизни Петербургга жўнатмайсиз, бу ерда қолиб уни балки улуғ йўлдан маҳрум қилиб қўясиз. Улар онамга мени Петербургга кадетлар корпусига олиб боришни маслаҳат беришди, кейин император гвардиясига киради дейишди. Онам узоқ вақт иккиланди: қандай қилиб ёлғиз ўғлимдан айриламан деди, аммо бахт-иқболимни таъминлайман деб, кўп йиғи-сиғи, кўз ёшлардан сўнг бир қарорга келди. У мени Петербургга элтиб, жойлаштирди, мен уни ўшандан бери кўрмадим; уч йилдан сўнг онам ҳаётдан кўз юмди, икки ўғилнинг ҳажрида адои тамом бўлди. Ота-онамнинг уйида мен фақат қимматбаҳо хотиралар орттирдим, одам боласининг илк болалик чоғлари ота-она уйида олган хотираларидан ҳам қимматлироқ ҳеч нарсаси йўқ, бу доим ўзи шундай, оилада жиндак муҳаббат ва аҳлик бўлса, бас. Агар сенинг қалбинг қимматли нарсаларни излаб топишга кодир бўлса, ҳатто энг нобоп оилаларда ҳам жуда қимматли хотиралар сақланиб қолади. Мен уйдаги хотираларга яна муқаддас тарих ҳақидаги хотираларни ҳам қўшаман, бола бўлсам ҳам, ота-онамнинг уйида мен буни билишга ғоятда қизиқардим. Менинг бир муқаддас тарих китобим бор эди, унга жуда чиройли расмлар чизилган, номи “Кўҳна ва Янги Аҳднинг бир юз тўрт муқаддас тарихи” эди, мен ундан ўқишни ўргандим¹.

¹ Ф.М.Достоевский ўқишни шу китобдан ўрганган.

Ҳозир ҳам у тоқчамда шу ерда турибди, қимматли хотира каби сақлаб юраман. Ўқишни ўрганиб олгунимча ҳам, эсимда, саккиз ёшимда менинг юрагимга руҳоний бир шуъла тушди. Онажоним мени (акам унда қаерда эди, ёдимдан кўтарилган) муборак ҳафтанинг душанбасида худонинг уйига ибодат маросимига олиб борди. Ҳаво тиниқ эди, эсласам, шундоқ кўз ўнгимда туради, бухурдан ҳовур кўтарилади ва оҳиста юқорига ўрлайди, тепада кубба остида тор туйнукдан бизнинг устимизга – бутун ибодатхонага худойимнинг шуълалари қуйилади, бухур ҳовурлари шуълаларга қўшилиб худди улар ичида эриб кетаётгандай бўлади. Мен мумдай эриб энтикиб қараб турардим ва ўшанда умримда биринчи марта худойимнинг каломи маъносини юрагимда англаб қабул қилдим. Ибодатхона ўртасида катта китоб кўтариб бир ёш ўғлон чиқди, китоб шунчалар катта эдики, назаримда, уни зўрға кўтариб борди ва минбар устига қўйди, китобни очиб ўқишга тушди, мен ўшанда бирдан илк бора ниманидир тушундим, умримда биринчи марта худойимнинг ибодатхонасида китоб ўқиладиганини тушундим. Ус деган ерда бир ростгўй ва тақводор одам бор эди, унинг мислсиз бойликлари, тўда-тўда туялари, дашту биёбонга сизмас қўй-кулонлари бор эди, болалари шод-хуррам ўйнаб-кулиб юришар, уларни ота жонидан ортиқ яхши кўрар, балки ўйин-кулгига овора бўлиб кетиб, бирон гуноҳ иш қилиб қўйишгандир деб, худойимга истиғфор айтар, дуолар ўқирди¹. Мана, худойимнинг аршига унинг бандалари билан бирга иблис ҳам кўтарилади, худойимга бутун ер юзи ва ер остини кезиб чиқдим дейди. “Сен менинг Айюб деган бандамни кўрдингми?” – деб сўрайди худо ундан. Шунда худойим ўзининг авлиё бандасини кўрсатиб, иблисга мактанди. Шунда иблис худойимнинг сўзларига тиржайди: “Сен уни менга бер, ана ўшанда банданг шикоят қилгани ва номингни лаънатлаганини кўргайсан”. Шунда худойим ўзининг шунчалар суюкли, порсо бандасини иблисга топширди ва шунда иблис унинг болаларини маҳв қилди, мол-қўй подаларини қирди, бутун чексиз давлатини совурди, ҳаммасини бирдан худойимнинг чақмоғига дучор қилгандай, барбод этди. Шунда Айюб либосларини парча-парча қилиб йиртди, ўзини урён ерга отди ва фарёд қилди: “Онам қорнидан яланғоч чиқдим, ерга ҳам яланғоч қайтурман, худо берганди, худо олди, худойимнинг номи ҳамиша, дунё тургунча азиз бўлгай!” Падарларим ва устозларим, менинг бу кўз ёшларимга қарам қилгайсиз, зеро, менинг бутун сабий чоғларим кўз ўнгимда гавдаланиб турибди, ўшанда саккиз ёшимда мурғак кўксим билан қандай нафас олган бўлсам, ҳозир худди ўшандагидай хайрат, хайбат ва шодмонлик сезаётирман. Ўшанда туялар бутун хаёлимни эгаллаб олдилар ва худойим билан шундай сўзлашаётган иблис, ўз порсо бандасини ҳалокат чангалига тутқизган худойим ва унинг: “Номинг мангу азиз бўлгай, парвардигорим, майлига, мени тамом барбод айласанг”, – деб фарёд қилаётган бандаси; кейин ибодатхонада оҳиста янграган лазиз оҳанг: “Дуоларимни қабул эт, худойим” ва яна бухурдан чиққан ҳовурлар, тиз чўккан банданинг дуо салламноси! Ўшандан буён шу муқаддасларнинг муқаддаси бўлмиш қиссани кўз ёшларимни тўкмасдан ўқиёлмайман – кеча яна уни кўлимга олдим. Қанчалар буюк, сирли ва ақл бовар қилмас нарсалар булар! Кейин мазах қилувчилар ва қоралаб сўзловчиларнинг такаббур гапларини қанчалаб эшитдим: ху-

¹ Айюб нидоси. Ўзбек тилидаги таржимаси. Қисса “Ус деган заминда бир одам бўларди”, деб бошланади. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, – Б.14. Манбаларда кўрсатилишича, Айюб пайғамбар макон тутган бу жойлар Арабистоннинг шимолий қисмида жойлашган бўлиши мумкин.

дойим ўзининг суюкли бандаларидан бўлмиш авлиёни қандай қилиб иблисга хору зор қилиб қўйди, бола-бақрасини тортиб олди, ёмон касаллар, яра-чақа, моховга дучор қилди, сопол синиқлари билан яраларни, кўтирларни қашиб, кўчириб ўтирадиган аҳволга солди ва булар билан нима демоқчи бўлди, нима, шайтон лаин олдида мақтангиси келдими: “Мени севган авлиё ҳар қанча қийинчилик, йўқчилик бўлса ҳам, сабр қилади”, демоқчими? Аммо улуғлиги шундаки, бу ерда сир бор, бу ерда ўткинчи дунё ва мангу ҳақиқат бир-бирига яқинлашиб келди. Ердаги ҳаётнинг ҳақиқати қатида мангу ҳақиқатнинг ҳаракати бўй кўрсатади. Бу ерда яратган худди яратишнинг илк кунларидек, ҳар янги кунни барпо қилиб якунига етказаркан, “Мен яратган нарсалар қандай яхши”, деб мақтанади ва Айюб Сабборга қарамайди-да, яна ўз яратган нарсаси билан мақтанади. Айюби Саббор эса худойимга ҳамду сано ўқиб, фақат холиққагина эмас, унинг барча халқ қилганларига қавмлардан қавмларга, замонлардан замонларга хизмат қилади, зероки, у шунга чорланмиш эди. Худойим, бу қандай китобу қандай ибратлар экан-а! Қанчалар куч-қудрат бор ушбу муқаддас битикларда ва қанча мўъжизалар ато этилмиш уларда инсонга! Бамисоли олам ва башар ва башарият феъл-атворининг мужассами, ҳаммаси айтилмиш ва ҳаммаси азалу абадга кўрсатилмиш. Ва қанчадан-қанча сирлар ечилди ва очилди: худойим яна Айюбни тиклади, яна унга дов-давлат ато этди, яна бисёр-бисёр йиллар ўтди, яна кўп бошқа янги фарзандлар кўрди, уларни жонидан ортиқ суяди – о, худойим, “Аввалги болаларидан айрилиб, ахир қандай у энди янгиларини суяди, маҳрум бўлган эди-ку ҳаммасидан? Олдинги фарзандларини эсласа, янгилари билан бахтли бўлоладими булар қанчалар ширин ва азиз бўлган тақдирда ҳам?” Аммо мумкин, мумкин: эски қайғу-алам инсон ҳаётининг улуғ сир-синоатига кўра аста-секинлик билан осуда ҳам майин шодликка айланади, ёшликнинг жўшқин қони ўрнига мулойим, тиниқ кексалик келгай: ҳар кун тонгда куёш чиқишини шод-хуррам қарши оламан, юрагим унга мадҳиялар куйлайди, лекин энди кўпроқ унинг ботишини севаман, қиялаб тушаётган узун шуълалари ҳамда улар билан бирга сокин, майин, мулойим хотираларни севаман, узоқ муруватли ҳаётнинг жондан ортиқ сиймолари ва буларнинг бари узра худойимнинг кўнгилни мумдай эритадиган, муроасага, кечирришга ундовчи ҳақиқати! Ҳаётим тугаб боряпти, буни биламан ва сезаман, аммо ҳар бир қолган куним учун ҳис қиламанки, менинг ер юзидаги ҳаётим энди янги, бепоён, ноаён, лекин елиб келаётган бўлажак ҳаёт билан тўқинади, уни сезиб юрагим шодумон талпинади, ақлим ярқирайди ва қалбим шодланиб йиғлайди... Ошноларим ва муаллимларим, тез-тез қулоғимга чалинади, кейинги пайтларда янада бот-бот эшитмоқдаманки, бизнинг ва айниқса, қишлоқдаги роҳибларимиз ҳамма ерда баравар йиғлаб таъминотлари камлигидан зорланишади, хўрликлари келади ва ҳатто матбуотларда чиқиб – ўзим ўқидим – шиква-шикоят қилишадик, биз муқаддас битикларимизни ҳозир халққа талқин этолмай қолдик, чунки яхши таъминланмаганмиз, шу сабаб билан бошқа мазҳаб кишилари келиб қавмни ўз томонларига тортиб кетмасмикинлар, майли, тортиб кетаверсинлар, зеро, бизнинг таъминотимиз жуда ночор. О, худойим! Яратган уларга таъминотларини мўл қилсин (зеро, уларнинг шикоятлари ҳам ўринли), аммо чин айтаман, бунга ким айбдор десак, кўпроқ ўзимиз бўлиб чиқамиз! Майли вақт бўлмасин, майли, у ишнинг кўплиги ва муҳтожликдан эзилаётгани ҳақида ҳақ гапларни

айтаётган бўлсин, лекин ахир ҳамма вақт шундай эмас-ку, ахир унинг бутун ҳафта давомида бир соатгина вақти бордир-ку худойимни эслаб, ёд этгали. Иш дегани ахир йил бўйи эмас-ку. У ҳафтада бир кун бўлса ҳам, кечки пайтлар олдинига фақат жужукларни ўз уйида йиғса, буни оталар ҳам эшитиб, улар ҳам шояд қатнай бошласа. Э, бу иш учун қаср куриш шарт эмас, шундоқ ўз ёғоч уйингда тўпла уларни, кўркма, уйингни ифлос қилиб қўйишмайди, ахир йиғсанг, бор-йўғи бир соатга йиғасан. Мана шу китобни очиб, оҳанжама сўзлар қўшмай, кеккаймачоклик қилмай, улардан ўзингни устун қўймай, майин ва мулойим ўқиб бераётганинда улар ҳам сени тушуниб, эшитаётганидан ўзинг-да қувониб, ушбу калималарни севиб, гоҳо-гоҳо нафас ростлаб, оддий кишиларга тушунарли бўлмаган баъзи сўзларни изоҳлаб бер, ташвиш тортма, ҳаммаси, ҳаммасини тушунишади художўй юраклар! Уларга Иброҳим ва Сорани, Исҳоқ ва Робияни, Ёқуб қандай қилиб Лаван ҳузурига боргани ва тушида худойим билан олишиб чиққани-ю “Қандай кўркинчали бу ер” деганларини ўқиб бер, шунда имонга ташна оддий кишиларнинг ақлини лол қилгайсан. Уларга ва айниқса, сабийларга суюкли ўғлон Юсуф ҳақида ўқи, у тушларни таъбир қиларди, буюк набий эди, биродарлари уни, туғишган укаларини кул қилиб сотиб юборишди, отасига эса ваҳший ҳайвон ғажиб ташлади дея қонга булганган қўйлагини кўрсатишди. Кейин биродарлари нон сўраб Мисрга келганларини ўқи, улар вазири аъзам Юсуфни танишмади, Юсуф уларни қамади, айблади, укаси Ибнияминни олиб қолди: “Сизларни севаман, севиб қийналдим”, – деди. Зеро, у бутун умр ўзини кимсасиз даштда, қудуқ ёнида савдогарларга омонсиз сотиб юборишганини тинмай эсларди, акаларига мени бегона юртларга кул қилиб сотиб юборманглар деб зорланиб, қўллари қақшаб ёлворганлари, кўз ёшлари тинмай йиғлаганлари бот-бот эсига тушарди. Акаларини шунча йиллар ўтгандан кейин кўриб, яна уларга кўнглида чексиз муҳаббат уйғонди, уларни қийнади, аммо меҳрини дариғ тутмади. Улар олдидан кетгач, юрагининг азобларига чидолмай, ўзини тўшагига отди ва тинмай йиғлади, кейин ўзини тутиб, юз-кўлларини тартибга солиб, чехраси ял-ял ёниб, порлаб, акаларига пешвоз чиқди: “Биродарларим, мен Юсуф-дирман, инингизман!” – деди. Кейин бу қиссанинг давомини ҳам ўқисин: Юсуфнинг отаси Ёқуб жондан азиз ўғли тирик эканлигини билиб, мислсиз шод бўлиб Мисрга қараб йўлга тушди, туғилган юртини ҳам ташлаб, бегона ерларда жон берди, замон-замонлар учун ўз васиятида улуғ бир башоратни айтиб қолдирди, бу сўз унинг худотарс ва мўмин кўксига бир умр сирли бир тарзда оруланмиш эди, у менинг наслимдан Яхудо чиқади, ер юзининг орзуси, булагоси ва халоскори бўлмай, деди! Падарларим ва муаллимларим, сиз аллақачон билган нарсаларни худди ёш боладек ҳикоя қилаётганим учун жаҳлингиз чиқмасин, мени кечиринг, уларни сиз аҳли имон менга ўргатинг, юз бора чиройлироқ, нафисроқ талқин қилинг. Буни фақат юрагим тўлқин уриб айтаётирман, кўз ёшларимни кечиринг, зотан мен бу китобни севаман! Майли, ўша худойимнинг роҳиб бандаси ҳам йиғласин, унга қараб сомеларининг ҳам қалблари ларзага тушиб ўртаниб ёнмай. Заррадек бир тухум бўлса бас: уни оддий одамлар кўксига экин ва тухум яшайди, ўлмамай, унинг кўксига қоронғи зулмат ичра яшириниб, барча журму гуноҳларининг уфунатида бир нурафшон нуқта, ўлмас эслатма бўлиб тирик яшайди. Кўп сўз, кўп талқин асло, асло керакмас, оддий инсон ҳаммасини шундай тушунмайди. Сиз оддий одамлар тушунмайди деб ўйлайсизми? Ундан



кейин гўзал Эсфира (Сафира) ва такаббур Вастия ҳақидаги ҳаяжонли ва кўнгилга ҳузур бахш этадиган қиссани¹ унга ўқиб беришга ҳаракат қилиб кўринг ёхуд хут балиғи қорнига тушган набий Юнус ҳақидаги мўъжизакор битикни қироат қилинг. Ҳазратимизнинг масалларини ҳам унутмангиз, айникса, Луканинг Янги Аҳдидаги (мен шундай қилардим), ундан сўнг саҳобаларнинг мурожаатларидан Савлни² мурожаати (албатта, албатта!) ва ниҳоят, Четъи-Минеидан ҳазрат Алексейнинг бошидан кечирганлари, у худотарс одам эди; кейин улуғларнинг улуғи, шодумон азобқунанда, худойимни кўрган ва Масиҳони ўз батнида кўтарган модар Марям Мисрияни ҳам ўқигилки, ушбу ажиб латоифлар билан соменинг юрагига ёриб кириб боргайсан; ҳафтасига бир соатгина вақт ажратсанг, қорнинг оч, таъминотинг етмаса ҳам, бир соатгина нима бўлибди. Ва ўзинг кўргайсан, халқимиз раҳмдил ҳам меҳрибон, юз қарра миннатдор бўлмай, ёдинда тут, роҳибнинг ғайрати, ширин каломи унинг хизматида мадакдор бўлмай, уйига ҳам кўмак етказмай ва обрўси аввалгидан ҳам кўтарилмай – ана ўшанда унинг фароғати ҳам кўпроқ, таъминоти ҳам беҳроқ тузилмай. Булар шунчалар содда, одми ишларки, ҳатто гапиришга ҳам кўрқамиз, зеро, устингдан кулишади, ҳолбуки, жуда ҳам тўғри иш бу! Худога ишонмаган худонинг бандаларига ҳам ишонмайди. Худонинг бандаларига ишонганлари унинг муқаддаслигига ҳам ишонгайлар, аввал умуман ишонмаган бўлсалар, энди ишонгайлар. Фақат халқ ва унинг келар руҳонияти она еримиздан узилиб қолган даҳрийларни ортларига қайтармай. Масиҳонинг каломи асло мисолсиз бўлмайми? Худойимнинг каломисиз халқ ҳалокатга учрамай, зеро, халқнинг дили унинг каломига ташна ва идрок гўзаллигини истар. Бунга узоқ вақтлар бўлди, ёшлик чоғларимда, қирқ йиллар илгари мен ота Анфим билан бутун рус ерларини кезганмиз, монастирга хайру эҳсон йиғганмиз; бир қуни кемалар қатнайдиган қатта дарё бўйида балиқчилар билан бирга тунаб қолдик, биз билан кўринишдан ўн саккиз ёшлардаги, дехқонлардан чиққан, истараси иссиқ бир ўғлон ҳам ўтирарди, у эртага савдогарлар кемасини дарё бўйида тортиб бориш учун шошилиб кетаётган экан. Унинг тиниқ кўзларида раҳм-шафқат акс этарди. Июлнинг ёруғ, осуда, илиқ бир кечаси, дарё бўлса жуда кенг, ундан ҳовур кўтарилади, бундан эт енгил жунжикади, балиқлар сув юзида чўлпиллайди, қушларнинг эса овози тинган, ҳамма ёқ жим-жит, фароғат, ҳаммаси худога сано ўқийди. Мен ушбу ўғлон иккимизнинг кўзимизга уйқу келмайди, биз худойимнинг шу ёруғ дунёси ва унинг улуғ сир-синоатлари ҳақида гаплашиб ўтирардик. Ҳар бир майса-киёк, ҳар бир зарра, чивин, чумоли, тилла ари – ҳаммалари ақллари бўлмаса ҳам, ўз йўллариини ҳайратомуз билишар, худойимнинг сир-асрорига гувоҳ ва ўзлари шу асрорни бино қилишар, шунда кўрдим азиз ўғлоннинг юраги ёнди. У менга ўрмон, қушларни севишини айтди; у қуш овлар экан, уларнинг сайрашларини тушунар, ҳар бир қушни ўзига жалб қила биларкан; мен ўрмончалик яхши жойни билмайман, дейди у, аммо барибир ҳаммаси яхши. “Чин айтдинг, – дедим унга, – ҳаммаси яхши ва ажойиб, чунки ҳаммаси ҳақиқат. Қара, – дедим унга, – от ғаройиб махлуқ, одамга яқин туради ё кўр ана кўтосни, одамни боқади, хизматни қилади,

¹ Қиссада баён қилинишича, етим қиз Эсфира ҳусни-камол билан такаббур форс маликаси Вастиядан устун келади ва ўз халқи халоскорига айланади.

² Библия ривоятларига кўра, Савл насронийлик динининг ашаддий душманларидан бўлган, Дамашқ йўлида кетар экан, у Исо Масиҳ билан юзма-юз келади ва унинг таълимоти тарғиботчисига айланади.

яна бошини эгиб, ўйланиб туради, кўргил уларнинг киёфаларини: қанчалар маъсум, қанчалар вафодор одам зотига, қанчалар у муте, қанчалар ишонар одамга ва қанчалар чиройли унинг ликоси. Одам эса уни бераҳм уради. Унда эса ҳеч қандай гуноҳ йўқ, билиб қўй буни ва ҳаммаси бу қадар мукаммал, одамдан ташқари ҳаммаси бегуноҳ, улар билан Масихо бирга биздан ҳам бурун”. – “Наҳот шундай, – сўради ўғлон, – наҳот уларнинг ҳам Масихоси бор?” – “Қандай бошқача бўлсин, – дейман унга, – зеро, ҳамма учун калом, барча кавну маконлар, барча махлуқот, ҳар бир япроқча каломга интилади, худойимга ҳамду сано ўқийди, Масихога йиғлайди, ўзи билмай ўзининг маъсум ҳаётининг сир-асрорини яратади. Ана, – дейман яна, – ўрмонда қаҳрли ва даҳшатли айиқ кўрқув солиб кезиб юрибди, унинг ҳеч нарсада айби йўқ”. Кейин унга ўрмондаги хилват ҳужрада яшаб халос топган бузруквор валий ҳақида сўйлаб бердим. Айиқ унинг олдида келибди, валий унга раҳм қилиб пешвоз чиқибди, бир бўлак нон берибди ва: “Энди йўлингга бор, Масих йўлдошинг бўлсин”, дебди. Шундан сўнг ваҳший айиқ унга зиён етказмай ўз йўлига кетибди. Ўғлон айиқнинг ювош тортиб, зиён бермай кетгани ва Масихо унга ҳам йўлдош эканидан ҳаяжонга тушибди. “Оҳ, бу қандай яхши, – дебди, – худойимнинг ҳамма нарсаи яхши ва ажойиб!” У тўлиқиб, жимгина ўй суриб ўтирди. Унинг гапимни тушунганини кўрдим. У ёнимда қушдай ётиб хафиф уйқуга чўмди. Ёшларга ўзинг раҳм қил, худойим! Мен кўзим уйқуга кетмай, унинг учун худога ёлвордим. Худойим, ўзинг шундай бандаларингга саломатлик ва рўшнолик ато эт!

в) ота Зосиманинг ўсмирлик ва ёшлик чоғлари хотиралари. Яккама-якка олишув

Петербургдаги кадет мактабида мен узоқ саккиз йил ўқидим, янги тарбия ўчоғида болаликдаги кўп таассуротларим ўчиб кетди, лекин ҳеч нарса эсимдан чиқмагани. Улар ўрнига шунчалар кўп янги одатлар ва фикру қарашлар орттирдимки, натижада, бирмунча одамови, бераҳм, бемаъни энтак-тентак махлуқча айланиб қолдим. Француз тилини эгаллаш билан бирга назокатли ва киборларча силлиқ муомалага ўргандим, ўқув даргоҳида бизга хизмат қилиб турувчи аскарларни эса одам ўрнида кўрмас, уларга ҳаммамиз, жумладан, мен ҳам ҳайвонга қарагандай қарардик. Балки бу борада мен бошқалардан кўра кўпроқ ошириб-тошириб юборгандирман, чунки мен барча ўртоқларимга қараганда таъсирчанроқ эдим. Биз зобит бўлиб чиққанимиздан кейин полкимизнинг шарафи учун ўз қонимизни тўкишга ҳам тайёр эдик, лекин ҳақиқий номус-орнинг ўзи нималигини ичимизда қарийб ҳеч ким билмас, мабодо билганда ҳам дархол унинг устидан биринчи бўлиб масҳара қилиб кулган бўлардик. Бир чеккаси, ичкиликбозлик, жанжалкашлик, чапанилигимиз билан мағрурлардик. Учига чиққан расво эдик деб айтолмайман, бу ёш-ёш йигитларнинг ҳаммаси яхши болалар эди, фақат ўзларини жуда расво тутишар, мен бўлсам уларнинг ҳаммасидан ўтиб тушардим. Муҳими, пулим кўп эди, шунинг учун ялло қилиб яшашга бошим билан шўнғидим, ёшлик шўхликларига берилдим, ўзимни ҳеч тўхтатолмасдим, тараллабеод, жон ғанимат. Лекин ажойиби яна бундоқ, мен ўша пайтлар китоб ҳам ўқирдим ва бундан жуда роҳатланардим, ўша чоғларда Инжилни ҳеч ёнимдан қўймас ва доим ўзим билан олиб юрардим, ўзим ҳам англамаган ҳолда бу китобни авайлаб, “кун сайин, соат сайин, ой сайин ва йил сайин” асрардим. Шу

тариқа тўрт йилча хизматни адо қилиб, ниҳоят, бизнинг полкимиз турган К. шахрига бориб қолдим. Шаҳар аҳли ранг-баранг, одам кўп ва қувноқ, меҳмондўст ҳамда бадавлат эди, мени ҳамма ерда яхши қабул қилишарди. Зеро, табиатан шўх-қувноқ, боз устига пулим кўп, бунинг эса жамоат ичида аҳамияти катта. Бу орада бир воқеа бўлиб қолдики, ҳаммаси шундан бошланди. Мен бир ақлли ва муносиб, феъл-атвори чиройли, олийжаноб, ота-онаси обрў-эътиборли гўзал бир қизга ошиқ-бекарор бўлиб қолдим. Булар бой-бадавлат, қурб-қудрати кўп нарсаларга етадиган одамлар бўлиб, мени очик юз ва меҳмоннавозлик билан қабул қилишарди. Қизгина мени ёқтириб қолганга ўхшаб кўринди-да, юрагимда орзу алангаланди, кейин шунга ақлим етиб, ишонч ҳосил қилдимки, мен уни унчалар қаттиқ яхши кўрмаган бўлсам ҳам керак, фақат унинг ақл-идроки ва олийжаноб феъл-атворини эъзозлагандирман, булар эса унда тўла мужассам эди. Ўша пайтда мендаги кибру ҳаво унинг кўлини сўрашимга йўл қўймади, чўнтагимда шунча пулдунё бўла туриб, энг ўйнаб куладиган жуда ёш чоғимда, бўйдоқлик ва эринчоқликда давру даврон суриб яйраб яшашдан айрилиб қолиш менга жуда оғир ҳамда кўрқинчли бўлиб туюлди. Аммо барибир имо-ишоралар қилиб қўйдим. Ҳар қалай дадил қадам қўйишдан ўзимни бироз вақт тийдим. Шунда бирдан икки ойга бошқа вилоятга сафар чиқиб қолди. Икки ойдан сўнг қайтиб келсам, қизгина шаҳар чеккасида яшовчи бой-бадавлат помешчикка турмушга чиқиб кетибди, у кишининг ёши мендан каттароқ бўлса-да, ҳали куч-қувватга тўла, пойтахтда эътиборли давралар билан алоқалари мустаҳкам, сертакаллуф, сермулозамат ва ниҳоятда маълумотли бир зот экан, менда буларнинг на униси ва на буниси бор эди. Бу қутилмаган воқеадан шунчалар лол бўлиб қолдимки, ақлу ҳушимни йўқотдим. Ўшанда, билишимча, асосий гап шунда эдики, ушбу ёш помешчик анчадан буён қизгинанинг қаллиғи экан, мен уни қизнинг хонадонида кўплаб маротаба учратган, аммо ўзимга қаттиқ бино қўйганлигим боисдан бунга ҳеч эътибор бермаган эканман. Мени кўпроқ худди мана шу нарса хафа қилди, ахир буниси қандоқ бўлди, ҳамма бундан хабардор экан-у, фақат мен билмас эканман? Бирдан жуда аччиғим чиқди. Уятдан икки юзим қизариб, қизгинага неча-неча бор деярли севгимни изҳор қилганларим, қиз эса билиб туриб мени тўхтатмаганлари, огоҳлантириб қўймаганларини эсладим ва бундан, демак, қиз менинг устимдан кулган экан-да, деган хулоса чиқардим. Аммо кейинроқ қизгина асло кулмагани, буни хаёлига ҳам келтирмаганини эслаб фаҳмига етдим, аксинча, у бундай гапларни ҳазил-ҳузулга йўйиб тўхтатар ва гапни бошқа томонга буриб юборарди, лекин ўша пайтлар мен буни англамай ўч олиш иштиёқида ёндим. Бу ўч олиш иштиёқи ва қаҳру ғазаб ўзимга ҳам жуда оғир ҳамда ўта жирканч туюларди, буни эсласам, ўзимдан ўзим ҳайрон бўламан, негаки, феъл-атворимдаги енгилтаклик туфайли ҳеч вақт бировдан узоқ хафа бўлиб юрмасдим, шунинг учун ўзимни ўзим атай қизитар ва тобора баднамо, бемаъни бўлиб борардим. Пойлаб юриб вақтини топдим-у, катта давра жам бўлган ерда арзимаган чет бир нарсани баҳона қилиб бирдан “рақибим”ни таҳқирладим, ўшанда – бу йигирма олтинчи йилда бўлганди – унинг қандайдир муҳим воқеа ҳақидаги билдирган фикри устидан масхаралаб, боплаб кулган эдим, одамлар шундай дейишувди¹. Кейин уни тушунтириш беришга мажбур қилдим ва бунда шунчалар кўполликка бордимки, ўртамиздаги бениҳоя катта фарқ

¹ 1826 йилда бўлиб ўтган муҳим воқеа шундан иборат эдики, декабристлар иши бўйича ҳукм ўқилганди.

борлигига қарамасдан, зеро, мен ундан ёшроқ, мансабим пастроқ, аҳамиятсизроқ эдим, – у менинг чақириғимни қабул қилди. Кейинроқ аниқ билдимки, менинг чақириғимни у рашки келгани учун қабул қилган экан: у авваллари ҳам мени бўлажак хотинига бироз ғаш кўриб юраркан, энди хотиним ҳақоратланганимни билиб қолиб, унга жавоб беришга журъатим етмаганини эшитса, мендан беихтиёр нафратланиб юрмасин, ўртага совуқчилик тушмасин деб, иккиланган. Мен ўртада турадиган одамни дарров топдим, у ўзимнинг ўртоғим, полкимизнинг поручиги эди. Ўша пайтларда яккама-якка отишувлар қаттиқ таъкиб остида бўлса ҳам, лекин ҳарбийлар орасида расмдан қолмаган – ваҳшиёна хурофот ҳамон сақланиб, давом этиб келарди. Ёзнинг июнь ойи охирлари, эртага шаҳар чеккасида, эрталаб соат еттида отишув – ана шунда менга бир нарса бало бўлди. Кечкурун уйга жаҳлим чиққан, дарғазаб ҳолда қайтиб, денцигим Афанасийга захримни сочдим, юзига икки марта қаттиқ мушт туширдим, қора қонга беланди. У яқиндан бери менинг хизматимни қилар, илгари ҳам баъзан уни калтаклаб турар, аммо ҳеч қачон бунчалар бераҳмлиқ билан қаттиқ урмагандим. Ишонасизми, азизларим, ўшандан бери қирқ йил вақт ўтди, эсласам, ҳамон уялиб қора терга тушаман. Уйқуга ётиб уч соатча ухладим, тонг ёришганда уйғондим. Уйқум ўчди, ўрнимдан туриб дераза олдига бордим. Боғ томонга қараган деразани очдим, куёш чиқа бошлаган, ҳаво илик, чиройли, қушлар сайрашарди. Менга нима бўляпти ўзи, деб ўйладим, юрагимда аллақандай шармандали ва тубан ҳиссиётлар бош кўтардимикин? Қон тўқаман деб бораётганим учун эмасмикин? Йўқ, дедим, ундайга ўхшамайди. Ўлимдан кўрққанимдан, ўлиб кетишдан кўркаётганимданмикин? Йўқ, ундай эмас, ҳечам ундаймас... Бирдан кеча Афанасийни урганим эсимга тушди. Ҳамма гап шунда экан-да! Бирдан яна ҳаммаси кўз ўнгимга келди, ҳаммаси яна такрорланди: у рўпарамда турибди, мен кулочкашлаб унинг башарасига бор кучим билан туширяпман, у эса икки кўли ёнида, бошини тик тутиб, худди уруш пайтидай кўзлари шоҳқосасидан чиқиб турибди, ҳар урганимда қалтирайди, ҳатто зарбадан ўзини тўсиб кўлини кўтаришга журъати етмайди – одам ҳам шунчалар муте бўладими, одам ҳам одамни шунчалар урадими! Бу жинойат-ку! Юрагимни ўткир бигиз санчиб ўтгандай бўлди. Шундай эс-хушим оғиб туриб қолдим, куёш эса мўл-кўл нур сочар, япроқлар шодумон қарс чалар, қушчалар эса, қушчалар худойимга ҳамду сано айтишиб сайрашарди... Мен кафтларимни юзимга босдим-да, ўзимни тўшакка отиб, хўнграб йиғлаб юбордим. Шунда акам – биродарим Маркелни, унинг ўлими олдидан хизматкорларга айтган сўзларини эсладим: “Азизларим, кадрдонларим, нега менга хизмат қиласиз, нега мени севасиз, ахир мен сизнинг бу хизматингизга арзийманми?” – “Ҳа, арзийманми?” – деган сўз бошимга михдай қоқилди. Ростдан ҳам, бошқа, худди менинг ўзимга ўхшаган, худди мендек худойимнинг бир бандаси менга хизмат қилишига арзийманми, бунга муносибманми? Умримда биринчи маротаба шундай савол миямга ўқдай санчилди. “Онажоним, жигарпорам, чиндан ҳар биримиз ҳамманинг олдида барча учун гуноҳкор, фақат одамлар буни билмайдилар, агар билганларида эди – ер юзи жаннат бўларди!” “Оҳ, худойим-ей, наҳотки шу нарса ҳам нотўғри бўлса, – деб йиғлаб ўйлардим, – мен чиндан балки ҳамма учун ҳаммадан кўра гуноҳкорроқдирман, оламдаги бошқа ҳамма одамлардан кўра ёмонроқдирман! Шунда бор ҳақиқат бутун бўй-баста билан кўз

ўнгимда намоён бўлди: нима қилгани кетяпман ўзи? Менинг олдимда ҳеч қандай айби бўлмаган, яхши, олийжаноб, ақлли одамни ўлдиргани бора-япман, хотини эса ўз бахти-иқболидан абадулабад жудо бўлади, азоб-укубатда ўлиб кетади. Тўшакда шундай юзимни ёстикқа босиб ётавердим. Вақт қандай ўтганини ҳам билмай қолдим. Шу вақт поручик ўртоғим тўппончаларни кўтариб кириб келди: “Э, яхши, ўрнингдан турибсан, вақт бўлди, кетдик”. Эсанкираб, довдираб қолдим, коляскага ўтириш учун ташқарига чикдик. “Бир зумга тўхта, – дедим унга, – дарров кириб чиқай, ҳамёнимни унутибман”. Бир ўзим уйга чопиб қайтиб кирдим, тўғри Афанасийнинг хужрасига ўтдим: “Афанасий, мен кеча икки марта юзингга урдим, сен мени кечир”, – дедим. У шундоқ титраб кетди, жуда кўрқди, қараб турибди – кўрдимки, бунинг ўзи етмайди, кам ва бирдан эполетларда бўлишимга қарамай унинг оёғига ўзимни ташладим, пешонамни ерга урдим: “Мени кечир!” – дедим. Унинг хуши бошидан учиб, анграйиб қолди: “Жаноби олийлари, хўжам, отагинам, бу нима қилганингиз... мен бунга арзийманми...” – шунда у худди боя менга ўхшаб кафтлари билан юзини яшириб, ойнага ўгирилганча силкиниб йиғлаб юборди, мен эса югуриб коляскага чикдим, ўртоғимга “бошла” деб кичқирдим. “Мана, ўзинг кўр, – деб бақирдим унга, – олдинда ғолиб аканг қарағай!” Ўпкам жуда тўлиб кетди, нуқул куламан, оғзим тинмайди, йўл бўйи гапириб бордим, нима деганим ҳозир эсимда йўқ. Ўртоғим менга қараб: “Э, оғайни, азамат бола экансан-ку, бўш келмайсан” – дейди. Мўлжалланган жойга етиб бордик, у ерда бизни кутиб туришган экан. Орамизда ўн икки қадам қолдириб, бизни ўз маррамизга қўйишди, у биринчи бўлиб отадиган бўлди – рўпарасида қувноқ бир алфозда юзма-юз турибман, ундан кўзимни узмайман, хушчақчақ тикиламан, нима қилишимни билмайман. У ўқ узди, ўқ бир юзимни тирнаб қулоғимга тегиб ўтди. “Худога шукур, – деб кичқирдим, – одам ўлдирмадингиз! – ўзимнинг тўппончам қўлимда, орқага ўгирилдим ва уни осмонга отиб ўрмонга улоқтирдим, – сенинг жойинг ўша ёқда!” – деб яна кичқирдим. Рақибимга қардим: “Марҳаматли жаноб, – дедим, – мен тентак ёш йигитни кечиринг, сизни хафа қилиб қўйдим, менга қараб отишга мажбур қилдим. Мен сиздан кўра ўн бора ёмонроқман, балки ундан ҳам ортик бўлса ажабмас. Буни сизга ҳаммадан ҳам азизроқ бўлган кимсага айтиб қўйинг”. Мен шу гапимни тамом қилишим билан учовлари бақириб юборишди: “Бизни бағишланг, – деди менинг рақибим, унинг ҳатто жаҳли чикди, – уришмоқчи эмас экансиз, нега бизни овора қилдингиз?” – “Кеча, – дедим унга, – тентак эдим, бугун эса ақлим кирди”, – хушчақчақ жавоб бердим. “Кечагисига ишончим комил, – деди, – аммо бугунгисини сизнинг фикрингизга қараб тушуниш қийин”. – “Қойил, – деб қичқирдим унга, ҳатто қарсақ чалиб юбордим, – мен бунда ҳам гапингизга қўшиламан, айб ўзимда!” – “Марҳаматли жаноб, отасизми, йўқми?” – “Отмайман, – дедим. – Сиз эса агар истасангиз, яна отинг, фақат энди отмаганингиз маъқул”. Секундантлар ҳам бақир-чақир қилишди, айникса, менинг одамим ошиб тушди: “Полк шарманда бўлди, маррада туриб ҳам кечирим сўрайдими, афсус, буни олдинроқ билмабман!” Уларнинг олдиларида туриб, энди кулмай, жиддийлашдим: “Жаноблар, – дедим, – наҳотки бизнинг кунларимизда ўз қилиб қўйган ножўя иши учун тавба қилиб, кечирим сўраса, бу энди ғалати кўринадими, айбини бўйнига олса ёмонми?” – “Маррага тургандан кейин эмас-да”, – деб қичқирди яна менинг одамим. “Худди ана

шунақа-да, – жавоб қиламан унга, – худди мана шуниси қизиқ-да, мен шунинг учун ҳам улар ҳали ўқ узмасдин бурун айбимни бўйнимга олишим керак эди, биз энди бу ерга келгач, уларни оғир гуноҳга ботирмаслигимиз лозим эди, аммо биз дунёда ўзимизни ўзимиз шунчалар ноқулай аҳволга солиб қўйганмизки, олдин кечирим сўрашнинг ҳеч иложи йўқ эди, зеро, мен ўн икки қадам нарида туриб ўқ узишларига чидаб берганимдан кейингина сўзларим улар назарида эътиборли бўларди, агарда ўқ узилмасдан олдин бу ерга келганимиздаёқ бу сўзларни айтсам, о, кўрқоқ, тўппончадан кўркиб ўтирибди, кулоқ солманглар унга, дейишарди. Жаноблар, – деб мурожаат қилдим мен бирдан чин юракдан чиқариб, – гир атрофга қаранг худойимнинг туҳфаларига: осмон мусаффо, ҳаво тоза, ўт-ўлан барра, кушлар, табиат гўзал ва бокира, фақат биз худони танимаймиз, аҳмоқмиз, ҳаёт жаннат эканлигини тушунмаймиз, агар биз уни тушунишни истасак, ўша ондаёқ у бор гўзаллиги билан намоён бўлади, келинг кучоклашайлик ва дардларимизни кўз ёши билан ювайлик...” Мен яна шу тарзда давом эттирмакчи эдим, қурбим етмади, дамим қайтиб кетди, ёш бошимдан завқим тошди, юрагим бахт-икболга тўлди, илгари ҳеч бундай ҳолга тушмагандим. “Ақлли, диёнатли одамнинг иши бу, – деди рақибим, – нима бўлганда ҳам сиз топилмас одам экансиз...” – “Кулинг, кулаверинг, дейман унга кулиб қараб, – кейин ўзингиз мактайсиз”. – “Э, мен ҳозирнинг ўзида, – дейди, – макташга тайёрман, ижозат этинг, мен сизга қўлимни узатай, чунки сиз, чамаси, ҳақиқатан самимий инсон экансиз”. – “Йўқ, – дедим, – ҳозир керакмас, кейин, мен яхши бола бўлганимдан кейин сизнинг ҳурматингизга сазовор бўлсам, ўшанда қўлингизни беринг – яхши қиласиз”. Биз уйга қайтдик, секундантим йўл бўйи тинмай сўкиб келди, мен эса уни ҳадеб ўпиб қўявердим. Барча ўртоқларим бўлган гапдан дарҳол хабар топишди, ўша куниёқ устимдан ҳукм чиқармоқчи бўлишди: “Мундирини булғади, истеъфога чиқсин”. Мени ҳимоя қилувчилар ҳам бўлди: “Ҳар қалай ўққа ўзини тутиб берибди-ку”. – “Шундайку-я, лекин бошқа отишмадан кўрққан ва маррада туриб кечирим сўрабди”. – “Агар яна отишмадан кўрққанда, – деб эътироз билдиришган мени ёқловчилар, – кечирим сўрашдан аввал ўзи тўппончасидан отарди, у эса қуролни ўқлаган ҳолда ўрмонга улоқтирибди, йўқ, бу ерда бошқа бир ўзгача нарса бор”. Уларни эшитиб завқим тошди. “Илтифотли азиз дўстларим, – дейман, – ошноларим ва ўртоқларим, мени истеъфога чиқсин деб, безовта бўлманг, чунки буни қилиб қўйдим, шу бугуноқ идорага истеъфони топширдим, эрталаб истеъфога чиқсам, дарҳол монастирга бораман, шунинг учун истеъфога чиқяпман”. Мен бу сўзларимни айтиб бўлишим биланоқ битта қолмай ҳаммалари қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборишди: “Э, сен ҳаммасини олдиндан билдириб қўймабсан-да, энди ҳаммаси равшан бўлди, дарвешни суд қилиб бўлмайди”, – деб ҳеч қўймай кулишгани-кулишган, яна мазах қилиб эмас, суюб, эркалатиб. Бирдан мени ҳаммалари, ҳатто ашаддий қарши бўлганлар ҳам яхши кўриб қолишди, ундан сўнг то истеъфо қоғози чиққунча бир ой мени бамисоли қўлларидан кўтариб юришди: “Вой, сен дарвеш-ей”, – дейишади. Ҳаммалари менга ширин сўзлар айтишади, ҳатто бу йўлдан қайтаришмоқчи бўлишади, менга ичлари ачийди: “Ўз бошингга нима кунларни соляпсан?” “Йўқ, – дейишади яна, – у мард йигит, бошини ўққа тутиб берди, тўппончасидан отса ҳам бўларди, у ўша куни туш кўрган экан монастирга боришни, шунинг учун қилаётибди бу ишларни”. Шаҳар жа-

моати ўртасида ҳам худди мана шундай бўлди. Илгари унчалар ҳам эътибор беришмасди, фақат очиқ юз билан қарши олишарди, энди эса ҳаммалари барабар билиб қолишиб, бир-бирларига гал бермай уйларига чақиришар, устимдан кулишар, ўзлари эса мени яхши кўришарди. Шуни ҳам айтиб ўтай, бизнинг отишувимиз ҳақида ўшанда ҳамма гапириб юрган бўлса-да, бироқ бошлиқлар бу ишга чек қўйишди, зеро, рақибим бизнинг генерализмнинг яқин қариндоши экан, низо қон тўкилмай тугагач, уни гўё ҳазил-хузулга йўйишди, мен ҳам истеъфога чиқадиган бўлганимдан кейин, ҳақиқатан ҳам ҳазилга айлангай деб қўя қолишди. Улар қанча кулмасинлар, мен ўшанда кўркмасдан бемалол гапираверардим, чунки уларнинг кулгиларида бир ёмонлик кўрмасдим, беозор кулишарди. Ушбу гап-сўзларнинг ҳаммаси оқшомлари хонимлар давраларида бўлиб ўтар, кўпроқ аёллар мени тинглашни яхши кўришар, эркакларни ҳам суҳбатларига кўндиришарди. “Мен ҳамма учун қандай айбдор бўлишим мумкин, – деб кулишарди ҳар бирлари кўзимга қараб, – масалан, мана мен – сиз учун айбдор бўлишим мумкинми?” “Сиз буни қаердан ҳам билардингиз, – деб жавоб қилардим уларга, – ҳолбуки, бутун дунё аллақачонлар бошқа бир йўлга чиқди, ғирт ёлғон нарсани ҳақиқат ўрнида қабул қиламиз, бошқа одамлардан ҳам шундай ёлғонни талаб қиламиз. Мана мен умримда бир марта шартта самимий иш қилдим, оқибатда, ҳаммаларингиз менга худди телба тентак деб қараяпсиз, гарчи мени яхши кўрсангиз ҳам, барибир устимдан кулиб юрибсизлар”, дедим. – “Сиздай бир йигитни севмай бўладими?” – юзимга қараб кулади уй бекаси, уйда эса тумонат одам тўпланган. Кейин бундоқ қарасам, хонимлар орасидан ўша отишув сабабчиси бўлган ёш хоним ойим ўрнидан туриб келяпти, қуни кеча уни ўз қайлиғим деб ҳисоблаб юргандим, мен унинг оқшом зиёфатига келганини пайқамай ҳам қолибман. У қошимга келиб, менга қўлини узатди: “Менга изн беринг, – дейди, – сизнинг устингиздан кулишни хаёлимга ҳам келтирмадим, аксинча, кўзда ёшим билан сизга миннатдорлик билдирай ва ўшандаги олийжаноблигингиз учун ҳурматимни изҳор этай!” Шу пайт унинг эри ҳам келди, кейин ҳамма мени ўраб олди, кучоклашиб, худди ўпиб олгудай бўлишди. Қувониб кетдим, бошим осмонга етди, шунда улар орасида бир жаноб ҳаммадан кўра кўпроқ диққатимни тортди, у ўрта ёшларда бўлиб, у ҳам менинг ёнимга келганди, унинг исми шарифини билсамда, ўзи билан таниш эмасдим, ҳозиргача бир оғиз ҳам гаплашмагандим.

2) сирли меҳмон

У анчадан буён шахримизда хизматда эди, кўзга кўринган мансабни эгаллаганди, ҳамманинг ҳурмат-иззатига сазовор, бой-бадавлат, хайру эҳсонлари билан ном қозонган, доруложизин ва етимхонага катта маблағ эҳсон қилиб ўтказган, булардан ташқари яна қанчадан-қанча эҳсонларни ҳеч кимга билдирмай, овоза қилмай хуфийа адо этмиш эди, буларнинг ҳаммаси у оламдан ўтгандан сўнг маълум бўлди. Ёши элликларга борган, ўзини ғоятда жиддий ва сипо тутар, камгап эди; уйланганига чамаси ўн йилча бўлган, хотини ёш, ундан учта гўдак фарзандлари бор эди. Эртаси кечки пайт уйимда ўтирсам, бирдан эшигим очилиб, ҳузуримга шу жаноб кириб келди.

Шуни ҳам айтиб ўтишим жоизки, ўшанда мен олдинги уйимда турмасдим, истеъфога чиқиш ҳақида ариза бергач, ижарага бошқа уй топгандим,

у хизматчининг беваси, кексароқ бир аёлга қарашли бўлиб, хизматкорлари ҳам бор эди; менинг ушбу ижара уйга ўтишим шундоқ бўлди: отишувдан қайтиб келганимдаёқ Афанасийни ротага қайтариб юбордим, ундан анави қилиғим учун жуда уялар, кўзига қарашга ботинмасдим, зеро, олдиндан ҳозирлиги бўлмаган баъзи бир одми одамлар ўзининг энг адолатли ишидан ҳам кези келса, уялиб юришга мойил бўлади.

“Мен, – деди хонамга кириб келган жаноб, – сизни бир неча кундан бери турли давраларда жуда қизиқиб эшитиб юрибман, сиз билан бафуржа батафсилроқ гаплашиб олгим келяпти. Марҳаматли жанобим, каминага шундай изн бероласизми?” – “Жоним билан бу таклифингизга розиман, бош устига”, – деб жавоб бердим-у ўзим кўрқиб кетдим, зеро, уни ўшанда илк бора кўрганимдаёқ хайратга тушгандим. Зотан, мени давраларда тинглашаётган, қизиқишаётган бўлсалар-да, ҳеч ким бундай жиддийлик ва ички бир ихлос ҳамда сиполик билан менга мурожаат қилмаган эди. Бу одам эса ўзи кулбамга қадам ранжида қилди. У ўтирди. “Сизнинг феъл-атворингизда, – деб давом этди у, – улуғ бир куч борлигини кўраман, шундай бир ишда ҳақиқатни очишдан кўрқмадингиз, ҳолбуки, бу ҳақиқат учун ҳамманинг нафратига учрашингиз ҳам мумкин эди”. – “Сиз мени бу қадар мақтаб муболаға қилаётгандирсиз”, – дедим унга. “Йўқ, муболаға қилмаяпман, – деб жавоб берди у менга, – ишонинг, бундай ишга жазм этиш сиз ўйлагандан кўра анча қийин. Мен ўзим худди шундан, – давом этти у, – қаттиқ хайратландим ва шунинг учун олдингизга келдим. Менинг бу сурбетларча талабим сизга мабодо малол келмаса, ўшанда, отишувга борган пайтингизда сизни кечирим сўрашга нима ундади, бошингиздан нима хаёллар кечди, агар эсингизда бўлса, менга айтиб беролмайсизми? Бу саволимни, илтимос, енгилтакликка йўйманг, аксинча, борингки, шунга қизиқаётган бўлсам, бунда ўз яширин бир мақсадим ҳам йўқ эмас, уни мен сизга кейинроқ, худойим бизни бир-биримизга яқинроқ қилишни хоҳласа, айтиб бергайман”.

Буларни менга сўзлаб бераркан, унинг юзидан кўз узмадим, бирдан унга нисбатан ўзимда кучли ишонч туйдим ва ҳаддан ташқари бунга қизиқиб қолдим. Зеро, унинг юрагида аллақандай бошқача бир сир ётганини сездим.

– Сиз мен рақибимдан кечирим сўраган пайтда айни нималарни бошдан кечирганимни сўраяпсиз, – жавоб бердим унга, – сизга бошдан айтиб берай, буни бошқаларга ҳали айтган эмасман, – деб Афанасий билан бўлган воқеани, ерга бош уриб таъзим қилганимни сўйладим. “Бундан ўзингиз ҳам кўриб турибсизки, – деб унга хулосамни айтдим, – менга отишув пайтида анча енгил бўлди, чунки уйдаёқ тайёргарлик кўргандим, ҳамонки мен шу йўлга кирдимми, ундан кейинги ҳаммаси ҳеч қийин бўлмайди, аксинча, роса шоду хуррамлик келтиради”.

Ҳаммасига кулоқ солиб ўтириб, бирдан у менга яхши кўз билан қаради: “Буларнинг бари, – деди, – ҳаддан ортиқ қизиқ, мен сизнинг олдингизга яна ва яна келаман”. Ўшандан бери деярли ҳар кеч меникига келадиган бўлди. Агар у ўзи ҳақида ҳам гапирганда эди, биз жуда дўстлашиб кетган бўлардик. Бироқ у ўзи ҳақида бир оғиз ҳам гапирмас, доим мендан ўзим ҳақимда ҳикоя қилиб беришимни сўрарди. Шунга қарамай уни ортиқ яхши кўриб қолдим, бутун ҳиссиётларимни унга ишондим ва буни шундоқ фикрладим, менга унинг сирлари нимага керак, шусиз ҳам одил одам эканлигини кўриб турибман. Бунинг устига нақадар сипо, ёши мендан анча катта одам. Ёш

демай ёнимга келади, тенг кўриб гаплашади. Мен ундан кўп фойдали нарсаларни ўргандим, ақли ҳар нарсага етадиган киши эди. “Ҳаёт жаннат эканлиги ҳақида, – деди у менга, – кўпдан бери ўйлайман, – кейин бирдан кўшиб қўйди, – фақат шуни ўйлайман”. Менга қараб кулимсирайди. “Бунга сиздан кўра кўпроқ ишонаман, – дейди, – негалигини кейин биласиз”. Мен бу гапларни эшитаяпман-у, ўзимча хаёл сураман: “Менга юрагини бир очмоқчи бўлса керак”. – “Жаннат, – дейди, – бизнинг ҳар биримизда яширинган, мана, у ҳозир менда ҳам беркиниб ётибди, агар хоҳласам, у эртагаёқ менда ҳақиқатан юзага чиқади, кейин умрим борица менга етади”. Қарасам, юраги шундай эриб гапиряпти, худди мени сўроқлагандай юзимга сирли боқади. “Ҳар бир одам, – деб давом этади у, – ҳамма учун ва ҳаммаси учун ўзининг гуноҳларидан ташқари айбдор деганингизда, сиз тамомила ҳақсиз ва ўзингизнинг бу фикрингизни ҳайратомуз тарзда тўла камраб олгансиз. Алалҳақ, шундай, одамлар бу фикрни тушуниб етганларида, улар учун осмон шоҳлиги фақат орзуларда эмас, чиндан ҳам рўёбга чиқади”. – “Қачон бўлади бу, – дейман аламимдан мунграйиб, – қачонлардир бу орзу юзага чиқармикин? Фақат орзулигича қолиб кетмасмикин?” – “Мана, кўринг, сиз ишонмаяпсиз, тарғиб қиласиз-у, аммо ўзингиз ишонмайсиз. Шуни билиб қўйингки, сиз орзу деб айтган бу нарса, албатта, рўёбга чиқади, бунга имонингиз комил бўлсин, бироқ ҳозир эмас. Зеро, ҳар бир ишнинг ўз қонуни бор. Бу юрак иши, руҳоният иши. Оламни янгидан қуриш учун одамларнинг ўзи руҳониятлари билан янги йўлга ўтишлари зарур. Ҳақиқатан ҳам, аввало, ҳар кимга биродар бўлмай туриб, биродарлик юзага келмайди. Одамлар ҳеч қачон ҳеч қандай илм ва ҳеч қандай манфаат билан ўз хусусий мулклари, ўз ҳақ-ҳуқуқларини осонлик билан беозоргина бериб қўймайдилар. Қанча бўлса ҳам ҳар бирига оз кўринади ва ҳаммалари ғалаён кўтарурлар, кўролмайдилар, бир-бирларини қирғин қилурлар. Сиз бу орзу қачон ушалади, дейсиз. Албат, ушалгай, аммо олдин инсонларнинг *бирлашиши* даври бошланиши даркор”. – “У қандай бирлашиш”, – деб сўрайман ундан. “У ҳозир *ҳамма ёқда* ҳукм суряпти, – дейди у, – айниқса, бизнинг асримизда, лекин ҳали тугаллангани йўқ ва ҳали фурсати етмади. Ҳозир ҳар бир кимса ўз қиёфасини ҳаммадан ортиқ ажратишга интиляпти, ўзида ҳаётнинг бутун тўлалигини ҳис қилмоқчи, ҳолбуки, унинг барча уринишлари пировардида ҳаётнинг бутун тўлалигига эришиш эмас, фақат ўз-ўзини ўлдиришгагина қоляпти, зеро, ўз борлиқларини тўлалигича аниқлаб олиш ўрнига мутлақ ажралишга маҳкум бўлмоқдалар. Бизнинг асримизда бари якка бўлиб ажралишди, ҳаммаси ўз уясида холи бўлишди, ҳар бири бошқасидан ажралади, яширинади, мол-мулкани беркитади ва охирида ўзи одамлардан қочади ҳам одамларни ўзидан қочиради. У танҳо бойлик йиғиб, шундай ўйлайди: мен энди жуда қудратлиман, ҳаммадан кўпроқ таъминланганман, аммо бу телба билмайдик, қанча кўп йиғса, шунча ўз-ўзини ҳалок қилишга яқинлашади ва ожиз тортади. Зеро, фақат ўзига ишонишга одатланди, бутундан яккаланиб ажралиб чиқди, ўзини бошқаларнинг ёрдамидан умидвор бўлмасликка ўргатди, у одамларга, инсониятга ишонмайди ва фақат топган пулларим нест-нобуд бўлади, ҳақ-ҳуқуқларим топталади, деб қайғуради. Ҳозирда инсон ақли ёппасига кулгили бир тарзда шуни тушунмай қўйдик, шахснинг ҳақиқий таъминоти унинг интилишларининг ёлғизликда кечишида эмас, балки бошқа одамлар билан бир бутунлигидадир. Аммо шубҳасиз шундай бир фурсат

келадики, бу даҳшатли ёлғизланиш ҳам барҳам топади, ўшанда ҳаммалари бирдан бараварига бир-бирларидан қанчалар нотабий равишда ажралиб қолганларини тушуниб етадилар. Замоннинг нишонаси шундай бўлади, шунда узоқ вақт зулматда ўтирган эканмиз, ёруғлик кўрмаган эканмиз деб, ҳайрон қолишади. Ана ўшанда одам ўғлининг кўкларда башорати пайдо бўлади... Аммо унғача ҳар қалай байроқни сақлаб бормоқ лозим ва гоҳ-гоҳ яккам-дуккам бўлса-да, инсон ибрат кўрсатиб турмоғи жоиз ва юракни ёлғизликдан биродарпарварлик жасоратига олиб чиқмоқ фарздир, майли бу ҳатто девоналик даражасида бўлса ҳам. Бу улуғвор ғоя йўқолиб кетмаслиги учун керак...”

Бизнинг оқшомларимиз бирин-кетин мана шундай алангали ва кўтаринки руҳдаги суҳбатларда ўтарди. Мен ҳатто давралардан ҳам четлашдим, меҳмондорчиликларга унда-мунда борардим, ундан ташқари менга бўлган қизиқишлар ҳам анча совиди. Мен буни таъна қилиб айтаётганим йўқ, илло, мени ҳамон яхши кўришар ва шод-хуррам қаршилашарди. Умуман, киборлар жамиятида менга қизиқиш анча кучли бўлган, буни тан олмай илож йўқ. Аммо ўзимнинг сирли меҳмонимга мен энди ҳайрат тўла кўзларим билан боқардим, зеро, унинг ақлу ҳушидан ҳайратим ортиб бориши баробарида, аниқ идрок қила бошладимки, унинг қандайдир бир нияти бор ва қандайдир улуғ бир жасорат кўрсатишга ҳозирланарди. Мен ташқи томондан унинг сир-асрорини билишга қизиқаётганлигимни билдирмасдим, на тўғридан-тўғри сўрар, на имо-ишоралар қилардим, бу эҳтимол, унга маъкул келгандир ҳам. Аммо бора-бора мен пайқаб қолдимки, у менга юрагини қандайдир очиш иштиёкида ўртанарди. У ҳузуримга кела бошлаганидан тахминан бир ойлар ўтгач бу ҳар ҳолда анча аён кўзга ташланиб қолди. “Биласизми, – деб қолди у бир кун, – шаҳарда икковимизга жуда қизиқиб қолишган, сизнинг олдингизга тез-тез келаётганимдан ажабланишади, майли, худо хайрларини берсин, зеро, *тез орада ҳаммаси тушунарли бўлади*”. Баъзан у бирдан қаттиқ ҳаяжонга тушарди, бундай пайтларда дарров ўрнидан туриб кетиб қоларди. Баъзан эса менга узоқ қаттиқ тикилиб қолар, шунда ўйлардимки, ҳозир бир нарса дейди, у эса бирдан гапни бошқа ёққа буриб, одми ва жўн нарсаларни сўйлай бошларди. Тез-тез боши оғриётганидан нолирди. Ниҳоят, бир куни узоқ жўшиб гапирганидан сўнг, кутилмаганда бирдан ранг-туси оқарди, башараси қийшайиб кетди, кўзларини тешиб юборгудай менга тикди.

– Сизга нима бўлди, – дедим, – мазангиз қочдимми?

У эса айнан боши оғриётганидан шикоят қилиб турганди.

– Мен... биласизми... мен... одам ўлдирганман.

Айтди-ю жилмайиб туриб бўздай оқариб кетди. У нега жилмаяди, – бу фикр юрагимни тешиб ўтди, бошимга бошқа ҳеч нарса келмади. Ўзимнинг ҳам рангим оқарди, шекилли.

– Сиз нима деяпсиз ўзи? – деб қичқираман унга.

– Кўряпсизми, – деб жавоб қилди у туси ўчиб кулимсираб, – биринчи сўзни айтишим қанчалар оғир бўлди. Мана алоҳа айтдим, чоғи йўлга тушдим. Кетаман.

Анчагача унга ишонмадим, фақат олдимга уч кун кетма-кет келиб ҳаммасини батафсил ҳикоя қилиб бергандан кейингина бир эмас, бир неча марта ишондим ҳам. Уни савдойи бўлиб қолган деб ўйлардим, аммо охири оғир қайғу ва ҳайратга ботиб у ҳақни айтаётганига ишонч ҳосил

қилдим. Бундан ўн тўрт йил илгари у ёш ва бениҳоя гўзал, жуда бадавлат бир хоним бека, бева қолган помешчик аёл устидан ўта оғир ва даҳшатли жиноят содир этган эди, ул хоним беканинг бизнинг шаҳарда ҳам ўз муқим уй-жойлари бор эди. Ҳалиги одам бу аёлни жуда қаттиқ севиб қолади, усиз яшолмаслигини билиб, севги изҳор қилади ва уни ўзига турмушга чиқиш учун кўндириш пайига тушади. Аммо аёлнинг кўнгли бошқа одамда бўлади, ҳозир хизмат сафарига кетган аслзода бир катта ҳарбий амалдор билан аҳду паймон қилган ва уни тўрт кўз тугал кутаётган экан. Хоним унинг таклифини рад этган ва қайта уникига келмасликни сўраган. У хонимнинг уйдан оёғини узган, аммо бир куни тунда хоним уйининг қандай жойлашганидан хабардор бўлгани учун, боғ орқали томга чиқиб, қўлга тушишдан ҳам кўрқмай, таваккал қилиб ичкарига кирган. Аммо фавқулодда жасорат билан дангал қўл урилган шундай ишлар, одатда, бошқалардан фарқли равишда амалга ошади. Тепадаги дарчадан у болохонага, болохонадан пастдаги қаватларга тушадиган пиллапоя зина орқали уй эгаси яшайдиган хоналарга ўтган, пиллапоя охиридаги эшик хизматкорларнинг фаросатсизлиги туфайли ҳар доим ҳам ёпиб қўйилавермаслигини билган, мана шу хатодан фойдаланмоқчи бўлган ва бу сафар бунинг уҳдасидан чиққан. Қоронғида чироқ ёниб турган аёлнинг ётоғига кирган. Қарангки, худди атай қилгандай, хонимнинг икки қиз канизаги сўрамай-нетмай шу кўчадаги қўшниникида бўлаётган ақиқа зиёфатига чиқиб кетишган. Бошқа эркак ва аёл хизматкор, ходималар эса пастки қаватларда ўз бўлмаларида ухлаб қолишган. Уйқуда ётган хонимни кўриб унинг ҳирси жўш урган, кейин юрагида қасд ва рашк ўти аланга олган, худди мастдай ақлу ҳушини йўқотиб яқин борган-да, пичоқни хонимнинг кўксига санчган, аёл шўрлик қичқиришга ҳам улгурмаган. Кейин дўзахий жинояткорлардек ҳисобкитоб қилган, қотиллик нишобини хизматкорларга тўғрилаган: хонимнинг ҳамёнини олган, ёстиқ тагидан топилган калитлар билан жавонни очган, ундан атай нодон хизматкордай бўлиб, қимматбаҳо қоғозларни қолдириб, барча пулларни, бир қанча йирикроқ тилла буюмларни олган, ўн карра қимматроқ, аммо майда нарсаларга тегмаган. Яна ўзига хотира учун бир қанча нарсаларни ҳам олган, аммо бунинг сал кейинроқ айтаман. Ушбу мудҳиш ишларни қилиб бўлгач яна аввалги йўл билан чиқиб кетган. На эртасига қий-чув кўтарилганда ва на шунча узоқ йиллар ўтиб, бирор кимса ҳақиқий бадкорни шубҳа остига олишни хаёлига келтирган! Унинг хонимга муҳаббатини ҳам ҳеч кимса билмаган, чунки бу феъл-атвори индамас одам ҳеч ким билан борди-келди қилмаган, юрагини очишга яқин дўсти ҳам бўлмаган. Уни хонимнинг шунчаки, унчалик яқин бўлмаган бир таниши деб билишган, зеро, охириги икки ҳафта ичида у хонимникига ҳам бормаган. Дарҳол хонимнинг крепостной хизматкори Петрдан кўришган, барча ҳол-аҳволлар шубҳаларнинг барини тасдиқлагандай тўғри келган, хоним бу хизматкорини деҳқонларидан олинган рекрутлик мажбуриятини қоплаш ҳисобига аскарликка жўнатмоқчи бўлиб юрган, хизматкор эса бундан хабардор бўлган, ўзи эса сўққабош ва бундан ташқари бевошроқ юрган. У ковоқхонада ичиб, маст-аласт бўлиб, бекасини ўлдираман дея дўк-пўписа қилиб юрганини одамлар эшитган. Хоним ўлмасидан икки кун бурун қочиб кетган, шаҳарда номаълум жойларда беркиниб юрган. Қотиллик юз берганининг эртасигаёқ уни шаҳардан чиқаверишдаги йўлда, ўлардай маст холда топишган, қўйнида пичоқ бўлган, негадир ўнг қўлининг

кафти қонга беланган. Бурним қонаган эди, деб ишонтирмоқчи бўлган, аммо ҳеч ким ишонмаган. Оқсоч қизлар эса зиёфатга чиққан эдик, уйга кирадиган эшик то қайтгуниimizча очик эди, деб бўйниларига олишган. Бундан бошқа яна кўпгина далолатлар маълум бўлдики, охири гуноҳсиз хизматкорни айбдорга чиқаришди. Уни қамаб, суд қилишди, аммо роса бир ҳафтадан сўнг у оғир иситмага чалиниб, касалхонада ҳушига келмай жони узилди. Иш шунинг билан яқун топди, барини худонинг иродасидан кўрдилар ва ҳамма – судьялар, бошлиқлар, бутун жамият қотилликни хизматкор малай амалга оширган деган хулосага келди. Ундан кейин жазо навбати етиб келди.

Сирли меҳмоним, эндиликда эса менинг биродарим, олдинга виждоним ҳеч қандай қийналгани йўқ деб айтди. Узоқ азоб чекибди, аммо сабаби бу эмас экан, суюкли аёлни ўлдириб кўйдим деб ачинаркан, энди ўша аёл йўқ, уни ўлдириб, ўз муҳаббатини ўлдиргандай бўлибди, аммо эхтирос олови юрагида ўчмабди. Бироқ у ўша пайтда бегуноҳ тўкилган қон, одам ўлдирганлик ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмаган. Ўзининг қурбони бошқа кимсанинг хотини бўлишини ақлига ҳам сиғдирмаган, шунинг учун узоқ вақт виждони қийналмаган, бошқа йўлим йўқ эди деган ишончда юрган. Хизматкор малайнинг қамокқа олинганидан аввал анча сиқилиб юрган, лекин унинг касалга чалиниб, кейин ўлиб қолгани уни тинчлантирган, қамокқа олингани ёки кўрққанидан ўлмаган-ку (деб фикрлаган ўшанда), зотилжам бўлиб жони узилган, қочиб юрган чоғларида, маст-аласт зах тупроқда ётиб шу кори ҳолга учраган-да, деб ўзига-ўзи тасалли берган. Ўзи билан олиб чиқиб кетган нарсалар ва пуллар уни ташвишга солмаган, зеро (яна ўша тарзда фикрлаган у), ўғирлик, талончилик мақсадида эмас, балки шубҳа-гумонларни бошқа томонга буриш учун қилинган. Ўғрилик пул унча катта бўлмаган, кейин у ҳамма пулларни, яна ёнига анча-мунча кўшиб шаҳримизда ташкил этилган дорилужизинга хайрия тарзида ўтказган. Буни ўғрилик борасидаги виждон азобидан қутулиш учун қилган, ҳақиқатан ҳам бироз вақтлар кўнгли хотиржам тортган – буларни менга унинг ўзи айтиб берганди. Ўша пайтларда у ўзини жуда катта хизмат ишларига урган. Ўзи сўраб жуда қийин, сермашаққат бир ишни зиммасига олган ва икки йил бутун куч-қувват, ғайратини шунга сарфлаган, иродаси жуда кучли инсон бўлгани учун ўтган ишларни унутгандай бўлар, эслаган чоғларида ҳам бу ҳақда бутунлай ўйламасликка тиришарди. Хайру эҳсон ишларига боши билан шўнғиб кетди, шаҳримизда кўп ионалар қилди, пойтахтларимизда ҳам танилди, Масков ва Петербургда кўп хайрия жамиятларининг аъзоси бўлиб сайланди. Лекин охири барибир азобли ўйларга берила бошлади, улар елкаларини зилдай босди. Бу орада жуда ақлли, олийжаноб ва гўзал киз унга ёқиб қолди, тезда унга уйланди, уйлансам юрагимни тошдай эзиб ётган алам-андуҳни бироз бўлса ҳам ўзимдан қуварман дея орзу қилди, янги турмуш йўлига кирсам, оилам, болаларим олдидаги бурчимни сидқидилдан бажарсам, эски эзгин хаёллардан қутуларман деди. Аммо кутганларининг акси бўлди. Никоҳига бир ой бўлганда бир фикр бошига кириб олиб миясини пармалай бошлади: “Мана, хотиним мени севади, э, билиб қолса, унда нима бўлади?” Хотини илк фарзандига хомилали бўлиб, буни унга айтганди, у бирдан ғалати бўлиб кетди: “Ҳаёт бахш этдим боламга, ўзим эса бировнинг ҳаётига зомин бўлдим”. Бирин-кетин фарзандлар дунёга келди: “Уларни севиш, эркалаш, ўқитиш ва тарбиялашга сазоворманми,

уларга одамларга яхшилик қилиш ҳақида қандай оғиз очаман: мен ахир қон тўкканман”. Бири-биридан ширин болалар ўсиб келишяпти, уларни эркалагим келади: “Мен уларнинг маъсум, тиниқ чехраларига қаролмайман: бунга нолайиқман”. Ниҳоят, қурбоннинг қони уни безовта қилиб, оғир ва кўрқинчли васвасага сола бошлади, бегуноҳ тўкилган қон, завол бўлган жон қасос тиларди. Кўрқинч тўла тушлар кўрарди уйқусида. Аммо матонатли юраги бунга чидади, узоқ бардош берди: “Гизли азобим билан гуноҳларимни ювгайман”. Лекин бу умиди ҳам ушалмади: вақт ўтган сари азоби баттар ортиб борди. У жамият ичида хайрли ишлари учун ҳурмат-эътибор топди, аммо сиполиги ва одамовилигидан ҳайиқиб туришарди, бироқ иззат-эътибори қанча ортса, бундан шунчалар қийналарди. Менга ўзини ўлдирмоқчи бўлганини ҳам тан олиб айтганди. Аммо бунинг ўрнига юрагини бошқа бир орзу эгаллади – бу орзу олдинига ақлга сиғмайдиган, қилиб бўлмайдиган бир иш бўлиб туялди, бироқ у юрагига шунчалар қаттиқ ўрнашдики, уни энди узиб ташлашнинг иложи йўқ эди. Унинг орзуси шундай эди: шаҳд билан халқ олдига чиқиб, мен одам ўлдирганман деб айтиш. Уч йилгача у шу орзу билан юрди, бу ранг-баранг алфозларда кўз ўнгида гавдаланарди. Ниҳоят, жинойтимни ошкор этсам, юрагим ҳеч шубҳасиз, тинчланиб, биратўла ором олади, деб бунга жон-дилдан ишонди. Аммо, ишонди-ю, бирдан даҳшатга тушди: буни қандай адо этади? Шунда кутилмаганда менинг ҳаётимда отишув воқеаси рўй бериб қолди. “Сизга қараб туриб мен бир қарорга келдим”. Мен унга тикилдим.

– Наҳотки, – дедим унга кўлимни-кўлимга қарс уриб, – арзимаган бир ҳодисадан шундай қарорга келган бўлсангиз?

– Мен қароримни уч йилдан бери ўйлайман, – жавоб берди у, – сизнинг воқеангиз унга туртки бўлди, холос. Сизга қараб ўзимга дашном бердим ва сизга ҳавасим келди, – деди у менга хўмрайиб.

– Э, сизга ишонишмайди, – дедим унга, – орадан ўн тўрт йил ўтган-а.

– Жуда зўр далилларим бор. Кўрсатаман.

Ўшанда мен йиғлаб юбордим, уни қучоқлаб ўпдим.

– Бир нарсани ҳал қилиб беринг менга, бир нарсани! – деди у менга (худди энди ҳаммаси менга боғлиқдай), – хотиним, болаларим! Хотиним куя-куя ўлиб кетса керак, болаларим эса дворянлик насаби ва мол-мулкларидан жудо бўлмасалар-да, аммо мангу қотил ва қочоқнинг болалари бўлиб маломатга қолурлар. Юраклари, юракларида қандай ёмон асоратлар қолур!

Жим турдим.

– Уларни қандай ташлаб кетаман мангуга? Ахир бу мангу-ку, мангу!

Ўтириб ичимда тинмай дуо ўқидим. Ўрнимдан турдим, даҳшатга тушдим.

– Нима қилай? – у менга қарайди.

– Боринг, – дейман, – одамларга айтинг. Ҳаммаси ўтиб кетади. Фақат ҳақиқат қолади. Катта бўлишгач болалар сизнинг бу қарорингиз қанчалар олийжаноб бўлганини англаб етишади.

Ўшанда у менинг олдимдан ростдан ҳам бир қарорга келгандай бўлиб кетди. Аммо барибир кейин икки ҳафтадан ортиқ ҳар окшом менинг олдимга қанда қилмай келиб турди, ҳамон иккиланар, ҳамон бир қарорга келолмай қийналарди. Унга қараб жоним ўртаниб кетди. Гоҳи бир қарорга келгандай бўлиб, кўнгли эриб шундай дерди:

– Буни маълум қилишим билан жаннатий бўламан, жаннатга кираман.

Ўн тўрт йил умрим жаҳаннамда кечди. Азобини чекишни истайман. Азобини бўйнимга олиб, яшай бошлайман. Ёлғон билан умр ўткарсанг, ортга қайтмайсан. Эндиликда яқинларимнигина эмас, ҳатто болаларимни ҳам яхши кўришга ботинмайман. Оҳ, худойим, балким болаларим бу азоб-укубатлар мен учун қандок бўлганини охир англаб етишар ва мендан юз ўгиришмас! Худо кучда эмас, адолатда!

– Бу жасоратингизни тушуниб етишади, – дейман унга, – ҳозир бўлмаса, кейин тушунишади, зеро, адолат учун, олий, юксак адолат учун интилдингиз...

Менинг олдимдан у худди таскин-тасалли топгандай бўлиб кетади, эртасига эса аччиқ аламга тўлиб, ранг-рўйи бўздай оқариб кириб келади-да, исхтехзоли кулиб дейди:

– Ҳар сафар сизнинг қошингизга келганимда, сиз: “Ҳалиям маълум қилмабдими?” – деб ажабсиниб қарайсиз. Шошмай тулинг, нафратингизни босинг. Буни қилиш сиз ўйлагандек осон эмас. Мен балки буни ҳали умуман қилмаслигим ҳам мумкин. Унда бориб менинг устимдан хабар бермассиз, а?

Мен эса унга бунақа аҳмоқона қизиқиш билан қарамасдим, ҳатто кўзимни кўтариб башарасига қарашга журъат этмасдим. Тобим қочиб абгор бўлгандим, юрагим йиғидан қонга тўлганди. Кечалари уйқим қочиб ётардим.

– Мен, – дейди у давом этиб, – ҳозир хотиним олдидан келяпман. Сиз хотин нималигини биласизми? Кетаётганимда болакайлар қичқириб қолишди: “Хайр, дада, биз билан “Болалар китоби”ни бирга ўқигани тезроқ келинг”. Йўқ, буни сиз тушунмайсиз! Бировнинг қулфатига ақлинг етмас.

Кўзларида ўт чакнади, лаблари пир-пир титрайди. Бирдан столни гурсиллатиб мушт урди, нарсалар шарақлаб кетди – шундай мулойим киши, бунақасини биринчи марта кўришим.

– Шу керакми ўзи? – хитоб қилди у, – зарурми шу? Ҳеч ким қамалгани йўқ, мени деб ҳеч кимни сургун қилишмади, малай ўзи касалга чалиниб ўлди. Тўкилган қон учун мен туганмас азоб-укубатларга гирифтор бўлдим. Бунинг устига менга ўла қолса ишонишмайди, ҳеч қандай далилларимни инобатга олишмайди. Айтиш керакми, керакми? Бировнинг қони учун яна бир умр азоб чекишга тайёрман, фақат хотин, бола-чақам қон қақшаб қолмасалар, бас. Уларни ўзим билан бирга ҳалок қилишим адолатданми? Хато қилмаяпмизми? Қани бу ерда ҳақиқат? Умуман, бу одамлар ҳақиқатни билишармикин, баҳосини билишармикин, кадрига етишармикин?

“Оҳ, худойим! – дейман ўзимга ўзим, – шундай пайтда кадр ҳақида ўйлаб ўтирибди-я!” Ўшанда унга шу қадар ачиниб кетдимки, қисматини энгиллатиш учун бирга азоб тортишга ҳам ҳозир эдим. У кутириб кетгандай эди. Бир қарорга келиш бундай ҳолда қанчалар даҳшатли эканини ақлим билан бўлмаса ҳам, юрагим билан англадим.

– Қисматни ҳал қилинг! – қичқирди у.

– Боринг, маълум қилинг, – шивирладим унга, овозим базўр чиқди, лекин адл-дадил дедим. Шунда мен столда турган Юҳанно Инжилени олдим, рус тилига таржимаси, XII боб, 24-оят.

“Рост, рост айтаман сизга: магарким буғдой донаси ерга тушиб, у ўлмаса, бир ўзи қолажак, магарамким, у ўлса унда кўп ҳосил беражак”. Мен бу оятни айнан унинг келиши олдидан ўқиган эдим.

У ўқиди. “Рост, – деди аламли киноя билан кулиб. – Бу китобларда, – дейди бироз тўхтаб, – не ваҳшатларга дуч келмайсан. Бурнингни тагига тикиш осон. Уларни ким ёзган ўзи, одамларми?”

– Муқаддас руҳ битган, – дейман.

– Сизга валдираш осон, – деди у ва яна иршайди, нафрати жунбушга келди. Мен китобни яна қўлимга олдим, бошқа саҳифасини очдим ва “Ибронийларга мактуб”нинг X боб, 31-оятини кўрсатдим. У ўқиди:

“Барҳаёт худонинг қўлига тушиб қолиш даҳшатлидир!”

Ўқиди-ю, китобни отиб юборди. Бутун вужуди қалт-қалт калтиради.

– Даҳшатли сўз¹, – дея ўдағайлади, – танлаб олганингизни қаранг. – Ўрнидан турди. – Хўп, – дейди, – хайрлашамиз, балки бошқа келмасман... жаннатда кўришармиз. Бундан чиқди, ўн тўрт йил “барҳаёт худонинг қўлига тушган эканман”. Бу ўн тўрт йил, демак, шундай аталар экан-да. Эртага ўша қўлдан мени халос қилишини сўрайман...

Мен уни кучоқлаб ўпиб қўймоқчи бўлдим-у яна журъатим етмади – унинг башараси шундай қийшайиб кетган, қўзи оғир боқарди. У чиқди. “Оҳ, худойим-ей, – дейман, – қайга кетди бу одам!” Шунда мен санам тагига ўзимни таппа ташладим-да, ҳимоя қилувчи ва мадақкор, муқаддас она Биби Марямга кўз ёшларимни тўкиб, уни ўз паноҳида асрашини сўрадим. Ярим соатлар шундай дуолар қилиб ўтирдим. Вақт ярим кечадан ўтган, соат ўн иккилар эди. Бундоқ қарасам, эшик очилиб яна у кириб келяпти. Хайрон қолдим.

– Қаерда эдингиз? – деб сўрадим.

– Мен, – дейди, – мен бир нарсамни унутиб қолдирибман... рўмолчамни балки... Хўп, ҳеч нарса эмас, бир зум ўтирсам бўладими?..

Курсига ўтирди. Тепасида қаққайиб турибман. “Сиз ҳам ўтиринг”, – дейди. Мен ўтирдим. Икки дақиқача шундаёқ ўтирдик, менга қаттиқ тикилиб қарайди ва бирдан иршайди, бу эсимда қолди, мени қаттиқ кучоқлаб ўпиб қўйди...

– Эсингда бўлсин, – дейди, – шу охирги марта олдингга келганим эсингда бўлсин. Эшитяпсанми, эсингда сақла!

Биринчи марта мени *сенлади*. Кейин кетди. “Эртага”, – деб ўйладим.

Худди шундоқ бўлди. Мен шу кеча эртага унинг туғилган куни эканлигини билмагандим. Ўзим охирги пайтлар ҳеч қаёққа чикмас, шунинг учун ҳеч кимдан ҳам эшитмагандим. Мана шу куни ҳар йили унинг уйида жуда кўп меҳмонлар йиғилар, бутун шаҳар кўчиб келарди. Бу сафар ҳам ҳамма келди. Мана, ниҳоят тушлик зиёфатдан сўнг у қўлида бир варақ қоғоз – раҳбариятга ёзилган баённомани кўтариб ўртага чиқди. Алоҳол, раҳбариятнинг ўзи ҳам шу ерда жам эди, барча йиғилганларга қоғозни ўқиб берди: унда бутун жиноят тафсилоти тўла ёзилганди. “Одамлар орасидан ўзимни ваҳший ҳайвон каби мосуво этаман, мен худони кўрдим, – деб яқунлади у, – азобини тортаман!” Шу ернинг ўзида барча далил-ашёлар, ўлдирилган аёлнинг тилла буюмларини ўртага қўйди, уларни ўн тўрт йил яшириб сақлаган, улар воситасида ўзини шубҳадан нари қилишни кўзлаганди, аёлнинг бўйнига тақадиган тақинчоқлари, медальон ҳамда унинг ичида қайлиғининг сурати, ён дафтарчаси ва ниҳоят, иккита хат: қайлиғининг тезда етиб бораман деб, унга ёзган мактуби ва аёлнинг унга жавоби – бу мактуб тугалланмай, эртага жўнатиш учун мўлжаллаб столда

¹ Янги Аҳднинг таркибий қисми бўлган ҳаворий Павел мактублари назарда тутилмоқда. Унда гуноҳкорлар учун ҳозирланган дўзах олови ва Даҳшатли суд ҳақида сўз боради.

колдирилганди. Шу иккала хатни ҳам у ўзи билан ола кетган эди – нимага? Уларни ашъвий далил сифатида йўқотиб юбормай негадир ўн тўрт йилдан бери сақлаб келган – нега? Ана энди нима бўлди? Ҳамма хайратдан ёка ушлади ва даҳшатга тушди, ҳамма фавқулудда қизиқиб тинглаган бўлса ҳам, ҳеч ким ишонишни истамасди, уни касал деб ўйлашди, бир неча кун ўтгандан сўнг эса барча хонадонларда бечора бу одам ақлдан озиб қолибди деган қарорга келишди. Раҳбарият ва суд буни текширмасликлари мумкин эмасди, аммо улар ҳам тўхтаб қолишди: кўрсатилган ашъвий далиллар ва хатлар ўйлашга мажбур қилаётган эса-да, лекин шундай бир қарорга келиндик, мабодо ушбу ҳужжатлар тўғри бўлган тақдирда ҳам, лекин барибир шугина ҳужжатлар тўқис-тугал айблов хулосасини чиқариш учун етарли эмас. Бунинг устига бу нарсаларни унга аёлнинг ўзи танишим деб, ишончнома асосида бериб қўйган бўлиши ҳам мумкин эди. Ҳар ҳолда, қулоғимга шу нарса чалинган эдики, ашёларнинг ҳақиқийлиги аёлнинг кўп танишибилиш, қариндошлари орқали аниқланган, бунда шак-шубҳага асло ўрин қолмаганди. Аммо бу иш барибир охирига етмай қолди. Чамаси беш кунлар ўтгач, азобкунанда касал бўлиб қолгани ва касал хавфли эканини ҳамма эшитди. Бу қанақа касаллик эканини мен тушунтириб беролмайман, лекин юрак уриши издан чиқибди дейишарди, яна шу нарса ҳам маълум бўлдики, рафиқасининг талабига кўра докторлар хайъати унинг руҳий аҳволи ҳақида ҳам хулоса чиқариб, ақлдан озиш бошланганини қайд этган. Мендан бирон нарсани билгани ёпирилиб келишди, аммо мен ҳеч нарсани айтмадим, лекин уни бориб кўрмоқчи бўлганимда, анчагача менга, айниқса, рафиқаси таъна-дашном ёғдирди. “Сиз уни йўлдан урдингиз, – деди рафиқаси, – у авваллари ҳам ҳеч қовоғини очмасди, охириги йили жуда қаттиқ ҳаяжонга тушиб ғалати қилиқлар қиладиган бўлиб қолди, буни ҳамма сизди, ана шу пайтда сиз уни ҳалок қилдингиз, бир ой сизнинг олдингиздан қадамини узмади”. Бу ҳали ҳолва, рафиқаси бўлса ҳам майли, бутун шаҳар менга ёпишди, мени айбдорга чиқарди: “Ҳаммасини сиз қилдингиз”, – дейишади. Мен индамайман. Юрагимда севиниб кўяман ва ўз-ўзига ғалаён қилган, ўзини ит азобига солган кимсага худойимнинг раҳми келганини кўрдим. Унинг ақлдан озганига ишонгим келмасди. Ниҳоят, мени ҳам унинг олдига қўйишди, мен билан хайрлашиш учун ўзи буни қаттиқ талаб қилди. Олдига кирдим-у унинг кунларигина эмас, соатлари ҳам санокли қолганини кўрдим. У жуда ҳолдан тойган, сарғайиб кетган, қўллари қалтирар, нафаси етмасди, аммо мулоийм ва хушвақт боқарди.

– Бўлди! – деб гапирди менга, – анчадан бери сени кўргим келади, нега келмадинг?

Унга мени олдига қўйишмаганини айтиб ўтирмадим.

– Менга худонинг раҳми келди, мени чақиряпти. Ўлаётганимни биламан, аммо хушвақтман, узоқ замонлардан бери энди тинчимни топгандайман биринчи марта. Аҳдимни адо этганимдан бери юрагимда жаннат фароғатини ҳис этдим. Энди болаларимни суюб бағримга олишга журъат қилдим. Менга ҳеч ким ишонмайди: на хотиним ва на судьяларим, болаларим ҳам ҳеч қачон ишонмайди. Болаларимга худо раҳм қилди. Ўлсам болаларим учун номида доғ қолмас. Ҳозир худойимни олдиндан ҳис қиляпман, юрагимда жаннат фароғати... бурчимни адо этдим...

Гаплари оғзидан зўрға чиқади, нафаси бўғилади, қўлимни маҳкам қисади, менга ўт-алангали кўзлар билан боқади. Бироқ биз узоқ гапла-



шолмадик, рафикаси эшикни очиб тинмай қараб турди. Аммо менинг қулоғимга у пичирлаб улгурди:

– Эсингдами, олдингга ўша ярим кечада борганим? Эсингда турсин, дегандим? Биласанми нега борганимни? Мен сени ўлдирмоқчи бўлиб борувдим!

Мен шундоқ сесканиб кетдим.

– Сенинг олдингдан зулмат қоронғига чиқдим, кўчаларда тентираб юрдим ва ўз-ўзим билан олишдим. Бирдан сени шунчалар ёмон кўриб кетдимки, юрагим ёрилай деди. “Эндиликда, дейман, у бир ўзи мени боғлаб олди, у ҳукм чиқаради, энди эртанги ўз қатлимдан сира кутулолмайман. Зеро, у барини билади”. Мен бориб айтасан, деб кўрққаним йўк (буни ҳатто хаёлимга келтирмадим), аммо ўзимча ўйладим: “Агар ўз-ўзимни маълум қилмасам, қандай қилиб унинг кўзига қарайман?” Гарчи сен неча минг чақирим нарида бўлсанг ҳам, тирик экансан, барибир, бунга чидаш қийин, ки сен тириксан, ҳаммасини биласан ва менга ҳукм ўқийсан. Гўёки ҳаммасига сен сабабчи ва сен айбдордай қаттиқ ёмон кўриб қолдим сени. Ўшанда сеникига қайтиб бордим, столинг устида ханжар ётгани эсимда қолганди. Мен ўтирдим, сени ўтиришга таклиф қилдим ва бир дақиқа ўйладим. Мабодо сени ўлдирганимда ҳам, барибир бу котиллик учун жавоб берардим, аммо олдинги жиноятим ёпиклигича қоларди. Лекин ўша дамда буни мутлақо ўйламас, ўйлагим ҳам келмасди асло. Мен фақат сени жонимдан ортиқ ёмон кўрар ва ҳаммаси учун тандаги бор кучим билан сендан интиқом олишни истардим. Аммо худойим юрагимдаги иблисни энгди. Билиб қўй, сен ҳеч қачон бу қадар ўлимингга яқин бўлмаган эдинг.

Бир ҳафтадан сўнг у ўлди. Унинг тобутини бутун шаҳар кўтариб борди. Рухоний барчанинг кўнглини ўртаган марсия сўзини айтди. Ҳамма йиғлади. Уни ерга қўйиб қайтгач, бутун шаҳар менга қарши бош кўтарди, ҳатто уйларида қабул қилмай қўйишди. Кейин аввалига айримлар, сўнг борган сайин кўпчилик унинг кўрсатмаларига ишонч билан қарай бошлашди ва тез-тез менинг олдимга келиб қизиқиб, шўхлик қилиб суриштириб юрди, зотан, одамлар диёнат эгасининг қулаши ва шарманда бўлишини ғоят яхши кўрадилар. Аммо оғзимга тош солдим, сўнг кўп ўтмай шаҳардан жўнаб кетдим, беш ойдан кейин эса худованднинг хоҳиш-иродаси билан хирадманд ва инобатли йўлга кирдим, менга бу йўлни аниқ-равшан кўрсатган ғойиб қўлига миннатдорлик билан шукрона ҳам ҳамду санолар ўқидим. Парвардигоримнинг азобкунанда қули Михаилни эса ибодатларимда то шу кунга қадар тинмай дуо қиламан ва худодан мағфират тилайман.

III

БУЗРУК ЗОСИМАНИНГ СУҲБАТЛАРИ ВА ҲИКМАТЛАРИ

д) рус дарवेशи борасинда ва баҳаққи имкон унинг аҳамияти

Падарларим ва муаллимларим, дарवेश ўзи ким? Бизнинг кунларимизда маърифатли дунёда баъзилар уни киноя билан тилга оладилар, баъзи бировлар эса масҳара ҳам қиладилар. Бу борган сари авж оляпти. Рост, ҳақиқатан ҳам рост, роҳиблар орасида танбал-текинхўрлар, нафс бандалари, лаззатпараст ва сурбет дайдилар ҳам оз эмас. Дунёвий саводхон кишилар буни

таъна ҳам қиладилар: “Сиз, – дейишади улар, – танбалсизлар, жамиятга ҳеч қандай фойдаларинг тегмайди, бошқалар ҳисобига яшайсиз, бетамиз гадолар”. Ҳолбуки, роҳиблар орасида мўмин-қобил кишилар, узлатни хоҳловчилар, ёлғизликда эрта-ю кеч ибодат қилишни истовчилар бисёр. Аммо буларни асло кўргилари келмайди, назар-писанд ҳам қилмайдилар, агарда мен мана шу мўмин-қобил ва узлатда ибодатга берилганлардан яна бир карра рус заминининг халоскорлари чиқгай! – десам, эҳтимол, бундан қанчалар ажабланган бўлурдилар. Зеро, ҳақиқатан ҳам улар узлат макомида “куну соат, ойу йил” ҳозирлик кўрмишлар. Ҳозирча хилватнишинликда Масиҳо сиймосини асло ўзгартирмай, худойимнинг соф ҳақиқатини бузмай, мўътабар ҳамда пок сақлаб келмоқдалар, кўхна, қадим бузрукворлар, саҳобаи киромлар, азобкунандаларнинг йўлларини адл давом эттирмоқдалар ва вақти-соати етганда уни яна сарсилиб қолмиш дунёга тўла намоён қилурлар. Ушбу маъно азиз ва улуғдир! Бу юлдуз шарқдан порлаб чиқажак.

Дарвешнинг шундай маъносини айтаман, наҳот бу ёлғон, наҳот бу тақабурлик бўлса? Фақир у фуқаролару ва бошқа худойимнинг махлуқлари устига чиқиб олганларни кўрингиз, бу оламда парвардигорим ликоси ҳамда унинг ҳақиқати айнамадими? Уларнинг қўллари ва илм-фанлари бор, илм-фан эса ҳис-ҳаяжонларга тобе ва шунга гирифтор. Инсон борлигининг олий ярми бўлмиш руҳий дунё эса буткул рад этилмиш, алланечук тантана ва ҳатто нафрат билан қувилмиш. Дунё эркинликни эълон қилди, бу, айниқса, охирги пайтлар авж олди, уларнинг ушбу эркинликларида биз нималарни кўряпмиз: фақат қуллик ва худкушлик! Зеро, дунёнинг гапи шундай: “Эҳтиёжларинг бор, уларни қондир, зеро, энг бадавлат, энг машхур одамлар қандай бўлса, сенинг ҳам худди шундай ҳуқуқларинг бор. Эҳтиёжларингни қондиришдан кўркма, уларни ҳатто кўпайтир” – мана ҳозирги дунёнинг таълимоти. Эркинликни мана шунда кўрадилар. Мана шу эҳтиёжларни кўпайтириш ҳақ-ҳуқуқидан нима келиб чиқади? Бой-бадавлатлар *биқиниб* олишади ва руҳий худкушликка гирифтор бўлишади, камбағаллар эса ҳасад ҳамда одам ўлдиришга берилишади, зеро, ҳақ-ҳуқуқни-ку беришди, эҳтиёжларни қондириш учун эса воситаларни ҳали кўрсатишмади. Дунё илгарилаган сайин шунчалар бирлашади, биродарона алоқалар кучаяди, масофалар қисқариб яқинлашади, фикрларини ҳаво орқали узоқларга узатишади. Аммо афсус, одамларнинг бундай тарзда бирлашишига ишонманг. Эркинликни – эҳтиёжларни кўпайтириш ва тезда қондириш дея тушуниш билан ўз табиатларини бузадилар, ўзларида кўплаб бемаъни ва аҳмоқона хоҳиш-истаклар, одатлар ва ақлга сиғмайдиган яса-маликларни урчитадилар. Бир-бирларига фақат ҳасад қилиб, нафсхўрлик ва манманликка бериладилар. Зиёфатдорлик, меҳмондорлик, от-аравалар, мансабу унвонлар, қул-хизматкорларга эга бўлиш улар учун шунчалар заруратга айланадики, буларга эга бўлиш, нафсни қондириш учун ҳатто ҳаётларини қурбон қилишади, номус-ордан, одамийликдан кечишади, агар қондирилмасалар ўзларини ўлдиришади ҳам. Бой бўлмаганларда ҳам шу ҳол, қашшоқлар эса эҳтиёжларини қондирилмай ҳасад ўтида ёниб ичкиликбозликка ружу қўйгайлар. Аммо тез орада май ўрнига биродар қонини ичадилар, ҳаммаси шунга қараб боряпти. Энди сиздан сўрай, шундай киши эркинми? Мен бир “ғоявий” курашчини билардим, менга ўзи ҳикоя қилиб бермишди, унга қамокхонада тамаки бермай қўйишган



экан, бундан шунчалар каттиқ қийналибдики, яна тамаки олиш учун сал қолибди бориб “ғоясини” сотишига. Ҳолбуки, мана шунақа одам, одатда: “Инсоният учун курашга боряпман”, – дейди. Айтинг-чи, қаёққача боради бундай одам ва кўлидан унинг нима келади? Шоша-пиша бир нарса қилмаса, узокқа чидамайди. Ажабланмаса ҳам бўлади, эркинлик ўрнига куллика тушишди, биродарпарварлик ҳамда инсоний бирлик ўрнига, аксинча, *ажралиши* ҳам биқинишга эришдилар, ёшлигимда буни менга бир сирли меҳмоним ва устозим айтган. Шунинг учун ҳам дунёда инсониятга хизмат қилиш, биродарлик ва одамларнинг бир бутунлиги ҳақидаги фикр тобора омонсиз сўниб бораётир, энди бу ғоялар кулгига олинмоқда, илло энди у ўз одатларидан қаерга ҳам қочиб борсин, қайдан паноҳ топсин бу туткун, ахир у ўзи тўқиб чиқарган сон-саноксиз эҳтиёжларини бундай қондиришга ўрганган бўлса? У биқиниб ётмоқда, бир бутуннинг холи билан унинг нима иши бор? Ниҳоят, шунга эришдиларки, кўплаб нарса-ашёларни йиғишди, қувонч эса йўқолди.

Дарвешлик йўли эса бошқача. Мўмин-қобиллик, рўза ва ибодат устидан ҳатто кулиб юришади, аслида, фақат мана шуларда ҳақиқий, чин эркинлик йўли мавжуд: ортиқча ва зарурати бўлмаган эҳтиёжларни ўзимдан нари сураман, шахсиятпарастлигим ҳамда такаббурликни итоат билан ўзимга бўйсундираман ва ана шулар билан худойимнинг мададида руҳий эркинлик топаман, шунинг баробарида руҳоний шодумонликка эришаман! Ўз пўстига биқиниб олган давлатмандми ёки нарса-ашёлару одатларнинг зўравонлигидан халос бўлган инсонми – буларнинг қайси бири улуғвор ғояни кўтариб боришга қодир ва ким унга хизмат қилади? Дарвешни узлатга чекингани учун таъна қилишади: “Сен ўзингни қутқариш учун монастирга яшириндинг, инсониятга биродарона хизматни эса унутдинг”. Аммо биродарпарварлик учун ким кўпроқ ғайрат қилишини ҳали кўрамыз. Зотан, узлат бизда эмас, уларда, аммо буни кўрмайдилар. Бизнинг орамиздан эса энг қадимлардан бери халқ намояндалари чиққан, нега энди ҳам чиқмас экан? Ана ўша итоатгўйлару мўмин-қобил рўзадорлар ва индамаслар оёққа туриб, улуғ ишга киришажаклар. Руснинг халоскори халқ. Рус монастири қадимдан халқ билан бирга бўлган. Агар халқ узлатда бўлса, биз ҳам узлатдамиз. Халқ бизнинг диёнатимизда, Россиямизда эса диёнати бўлмаган намоянда, юраги самимий ва ақли зўрабор бўлса ҳам, ҳеч нарса қилолмайди. Бу эсингизда турсин. Халқ даҳрийни қарши олади-да, уни енгиб чиқади, ана ўшанда ягона рус бўлгай. Халқни сақланг ва унинг қалбини авайланг. Сокинликда уни тарбият айланг. Сизнинг дарвешлик жасоратингиз шунда, зеро, бу халқ – художўй.

е) хўжалар ва хизматкорлар ҳақида, хўжалар ва хизматкорлар ўзаро руҳан биродар бўла оладиларми?

О, худойим, ким айтади халқ гуноҳкор деб. Бузилиш алангаси тобора, соат сайин каттайиб бораётир, у юқоридан келаётир. Халқ ичида ҳам узлат бошланаётир: кулоқлар ва моли-мардумхўрлар чиқаётир; энди тожир-савдогар борган сари кўпроқ обрў-эътибор талаб қилаётир, сариқ чақалик маълумоти бўлмаган ҳолда ўзини олий маълумотли қилиб кўрсатаётир, бунинг учун қадим удумларимизни топтаётир, ҳатто ота-боболар диёнатидан юз ўгираётир. Князларга ташрифи қудум айлашади, аммо ўзлари, суриштириб келсангиз, айниган одамлар. Халқ ичкиликбозликка берилиб,

чирияпти, энди бу ярамас одатини кўядиган эмас. Оилада хотин, болачакага тинмай шафқатсизлик қилишади, ҳаммаси ичкиликбозликдан. Мен фабрикаларда ҳатто ўн яшар болаларни кўрганман: нимжон, ориқ, елкалари букилган ва шу ёшдан бузукликларга берилган болалар. Бўғик хаво, машиналар тарақ-туруки, эрталабдан-кечгача оғир меҳнат, бузук алжиган сўзлар ва бунинг устига шароб, шароб, ҳали сабий боланинг мурғак юрагига шу керакми? Унга қуёш керак, болалар ўйинлари керак, олийжаноб ёрқин ибратлар ва бир томчигина бўлса ҳам меҳрибонлик керак. Бўлмасин бундай ножоиз ишлар, дарвешларим, бўлмагай, сабийлар қийноқ-азобларга солинмагай, кўзғалингиз ва тезроқ, тезроқ каломи жонфизо айтингиз. Аммо худойим Россияни кутқаргай, чунки авом бузилган ва ўзини манфур уфунат гуноҳлардан тиёлмаса-да, лекин барибир унинг сассиқ гуноҳларини худойим лаънатлаганини билади, ёмон гуноҳлар, ношойиста ишлар қилаётганини тушунади. Шундайки, бизнинг қора халқимиз тинмай адолатга ишонади, худойимни танийди ва мунграб йиғлайди. Зодагонларда ундаймас. Улар илм-фан изидан бориб, фақат ўз ақлларига ишониб ҳамда Масиҳони четга суриб қўйиб, худди илгаригидек адолатли ҳаёт қурмоқчилар ва ҳозирдан жиноят йўқ, демак, гуноҳ ҳам йўқ деб эълон қилмишлар. Уларнинг ўзларича бу балки тўғридир, зотан, сен ҳамон худосиз экансан, унда жиноятнинг ўзи қандоқ бўлмай? Европада ҳозир авом бойларга қарши қўзғалган, куч ишлатишмоқчи, авом бошида турганлар уни ялпи қон тўкишга ундамоқда ва қаҳру ғазабингда ҳақсан деб таълим беришмоқда. Аммо “малъун уларнинг ғазаби, зеро, раҳмсиз”. Россияни эса парвардигорим кутқаргай, негаки, кўп бора кутқармиш. Авомдан, унинг диёнати ва тоат-ибодатидан Россияга халоскорлик етгай. Падарларим ва муаллимларим, авомнинг диёнатини сақлангиз, сўзим қуруқ орзу бўлиб кўринмасин; мени улуғ халқимизнинг кўркам, чин кадр-қиммати ҳамиша хайратлантириб келади, ўзим кўрганман, ўзим гувоҳлик бераман, ҳатто унинг қўланса гуноҳлари ва гадо-қашшоқ кўринишига қарамасдан кадр-қимматини кўриб хайратга тушганман. Икки аср кулликда яшаган бўлса-да, у куллуқчи эмас. Кўриниши ва муомаласи эркин, хафагарчиликдан холи. Ҳасад ва қасос нималигини билмайди. “Сен нажиб, сен бой, сен ақлли ва истеъдодлисан – худо сени ярлақасин. Сени эъзозлайман, аммо биламанки, мен ҳам инсонман. Сени ҳасадсиз, рашксиз эъзозлайман ва шу билан сенинг қаршингда ўз кадр қимматим, обрў-эътиборимни намоён айлағайман”. Агарда буни айтмаганларида ҳам (зеро, буни ҳали баён қилиб беролмайдилар), лекин шундай *йўл тутадилар*, ўзим кўрганман, бошимдан ўтказганман, ишонасизми: бизнинг рус кишиси қанча қашшоқ, қанча тубан бўлса, унда шу кўркам адолат яхшироқ кўзга ташланади, ахир улар ичидан чиққан бой қулоқлару моли-мардумхўрларнинг кўплари айниб, разиллашиб кетган ва бу нарсаларнинг аксари бизнинг танбаллигимиз, хафсаласизлигимиз орқасида келиб чиқмиш. Бироқ худойим ўз одамларини кутқаргай, зотан, Россия ўзининг тоат-итоати билан буюк. Кўргим келади ва орзу қиламан, кўз ўнгимда келажагимиз равшан гавдаланади: шундай бўладики, бизнинг энг булғанч бойимиз ҳам камбағал-чиғой олдида ўз бойлигидан номус қилади, камбағал-чиғой эса ушбу матонат-бардошни кўргач, тушуниб етади ва унга шоду хуррамлик билан йўл бўшатади ҳамда унинг савлат тўкиб уялиб турганини кўриб жонини тасаддуқ этади. Ишонинг, охири шундай бўлади, шунга қараб боряпти. Тенглик фақат инсоний



рухий кадр-қимматда, буни эса фақат бизда англаб етгайлар. Биродарлар бўлса бас, биродарлик ҳам бўлгай, биродарликдан олдин эса ҳеч қачон бўлинмаслар. Масиҳо сиймоси кўрғалмиш ва ушбу бебаҳо олмос бутун оламга порлагай... Бўлгай, бўлгай!

Падарларим ва муаллимларим, бир куни қизиқ бир воқеага дуч келдим. Зиёрат қилиб юриб, К. вилоят шаҳрида илгари менга хизмат қилган Афанасийни учратиб қолдим, у билан кўришмай кетганимизга ҳам саккиз йил бўлганди. Кутилмаганда бозорда учрашиб қолдик, таниб, олдимга чошиб келди, ўзида йўқ хурсанд бўлди, қучоқлаб олди: “Отагинам, хўжам, шу ўзингизмисиз? Наҳотки сизни кўриб турган бўлсам?” – деб, мени уйига олиб борди. У ҳарбий хизматдан истеъфога чиқибди, уйланибди, иккита жужук боласи бор экан. Хотини билан бозорда ўз дўкончасида савдо-сотик қиларкан. Унинг уйи кўримсизгина, аммо жуда озода ва саранжом-сарошта экан. Мени ўтқизиб, дастурхон ёзди, хотинига одам жўнатди, самовар қайнатди, отасини кўргандай қувончдан боши осмонга етди. Олдимга болаларини олиб келиб: “Отагинамсиз, дуо қилинг”, – деди. – “Мен дуо қилайми, – дедим, – худонинг оддий, итоатгўй дарवेशиман, худодан улар ҳаққига дуо қиламан, Афанасий Павлович, сени эса ўша кун, ўша соатдан бери худонинг марҳаматини илтижо қилиб, дуода йўқлайман. Чунки ҳаммаси сендан бошланди”. Унга қўлимдан келганча тушунтирдим. Вой бу одамни кўринг, мендан кўзини узмайди, олдида ўзининг илгариги хўжаси, офицер мана шундай аҳвол, шунақа усти-бошда турганига ишонгиси келмайди: йиғлаб юборди. “Нега йиғлайсан, эй яхши одам, – дейман, – ундан кўра мени учратганингдан шод-хуррам бўл, зеро, мен бахтиёрман, ўз ёруғ йўлимни топганман”. У кўп гапирмас, фақат оҳ-воҳ қилиб хушвақт бўлиб бошини чайқарди. “Шунча давлатингизни нима қилдингиз?” – деб сўради. “Монастирга бердим, ўзим ётоқда тураман”, – деб жавоб бердим. Чой ичиб бўлгач, мен улар билан хайрлашдим, у бирдан менга эллик тийин танга олиб чиқди, монастирга хайр-эхсон деб, бошқа эллик тийин тангани шоша-пиша қўлимга сунди: “Буниси сизга, зиёратчисиз, худонинг ерларини тавоф қилиб юрибсиз, бир нарсага яратарсиз, отахоним”, – деди. Мен унинг эллик тийинини олдим, ўзига, хотинига таъзим қилдим, хурсанд бўлиб чиқдим ва йўлда шуларни ўйлаб бордим: “Худойим бизни яна умр йўлларидан учратганидан у уйда ўтириб, мен йўлда йўл босиб, балки оҳ-воҳ қилаётгандирмиз, хурсанд бўлиб, эслаб, бошимизни чайқаб, кўнглимиз тўлиб эслаётгандирмиз”. Ўшандан кейин мен уни бошқа ҳеч қачон кўрмадим. Мен унинг хўжаси, у менинг хизматкорим эди, мана энди бир-биримизга меҳру муҳаббатимиз тўлиб-тошиб, биродар бўлишиб, ўртамизда улуғ инсоний бирдамлик туғилди. Мен буни кўп ўйладим, энди шундай фикрга келдим: наҳотки мана шундай улуғвор ҳам содда бирдамлик ўз навбатида барча рус кишилари ўртасида ялписига қарор топиши шунчалар душвор бўлса ва бунга одамнинг ақли етмаса? Аминманки, бу, албатта, рўй беражак ва яқин ҳам қолди.

Хизматкорлар борасида яна шуни ҳам қўшимча қилиб қўяй, илгари ёшлик чоғларимда хизматкор малайлардан кўп жаҳлим чиқарди: “Ошпаз овқатни қайноқ олиб келди, оғиз куяди, малай кийим-бошни яхши тозаламади”, – дердим. Аммо ўшанда бирдан азиз акажонимдан болалигимда эшитган бир гап кўнглимни чароғон қилди: “Мен ўзи бошқа бир кимса менга хизмат қилиб туришига арзийманми? Нега унинг қашшоқлиги

ва омилиги учун уни уриб-сўкиб ўтиришим керак?” Мен ўшанда жуда ҳайрон қолганман: энг оддий, энг равшан-рост фикрлар ақл-идрокимизда бунчалар кеч туғиларкан. Хизматкорларсиз дунёда яшаб бўлмайди, аммо сен шундай қилки, хизматкорларнинг руҳи эркин бўлсин, ўзини сенга худди хизматкор бўлмагандай тутсин. Ва нега энди мен ўз хизматкоримнинг хизматчиси бўлолмас эканман, майли, у буни аниқ кўриб-билиб турсин, мен томонимдан ҳеч қандай кибру ҳаво рўй бермасин ва у ҳам бу ҳолдан асло гумонсирамасин? Нима учун хизматкорим менга туғишганимдек бўлолмас экан, нега уни ўз оилам аъзосидек қабул қилиб, бундан қувонмас эканман? Ҳатто ҳозирнинг ўзида бунга эришмоқ мумкин ва бу одамлар ўртасида келажакда улуғвор бирдамлик пайдо бўлишига асос бўлади, ўшанда инсон ўзига хизматкор қидирмайди, ўзига ўхшаш махлуқларни ҳозиргидай хизматкорга айлантормайди, аксинча, Инжили шариф тақозо этмишдай, жони борича ўзи ҳаммага хизматкор бўлишни истайди. Наҳотки бу бир орзу, наҳот охир-оқибат инсон ўз қувонч-оромини маърифат ҳамда раҳм-шафқат йўлида жасорат кўрсатибгина топа олмаса ва худди ҳозиргидай умри шафқатсиз хурсандчиликларда – нафс туғёнлари, бузукчилик, кекка-йишлар, мақтанчоқликлар, бирининг бошқаси устидан ҳасад тўла устунликларидида ўтиб кетса? Қаттиқ инонаман, бундай бўлмагай, ўша кунлар яқин қолди. Кулиб-кулиб сўрашади ўша кунлар қачон келади ва умуман, ҳеч қачон келармикин деб? Мен шундай ўйлайманки, биз Исо Масиҳо бирлан биргаликда бу улуғ юмушни адо этгаймиз. Инсоният тарихида ер юзидида қанчадан-қанча фикрлар, ғоялар юзага келди, ўн йиллар олдин уларни ҳатто тасаввурга ҳам келтириб бўлмасди ва бирдан ўз сирли фурсати етиб келгач, гуриллаб пайдо бўлди-ю бутун дунёни эгаллади! Бизда ҳам ана шундоқ бўлажак, халқимиз жаҳонга порлаб чиқажак ва халойиқ тилга қиражак: “Баннолар рад этган тош метин асосга айланди”. Шундоқ масхарабозлардан сўраб қўйсакмикин: сизнинг ўз орзу-аъмолингиз борми ва бор бўлса, сиз қачон ўз иморатингизни қурасиз, Масиҳони қаторингизга қўшмай, қачон ўз ақл-идрокингиз билан адолатли бир тарзда нашъу-намо топгайсиз? Улар ўзлари биз, аксинча, айни бирдамлик сари бораётирмиз деб уқдирсаларда, бунга фақат уларнинг ўз ичларидаги энг лақмаларигина ишонгайлар ва бунақанги лақмаликка ҳайрон қолмай сира иложимиз йўқ. Ҳақиқатан уларнинг хомхаёли биздагидан кўп ортик. Адолат билан ҳаёт қурамиз деб ўйлашади, бироқ Масиҳони рад этиб, охири дунёни қонга ботиришади, негаки қон қонни чақиради, қилич билан келган қиличдан ҳалок бўлади. Агарда Масиҳонинг аҳду иршодлари бўлмасайди бир-бирларини охириги иккита одам қолгунча қириб, ўлдириб битирар эдилар. Мана шу қолган иккитаси ҳам такаббурлик қилиб бир-бирларини кўролмаган ва охириги одам ўзидан олдинда турганини ўлдирган, кейин ўзини ўзи ҳалок айлаган бўлурди. Магарким, Масиҳо иршоиди бўлмасайди, мўмин-маъсумлар учун бу ишнинг қисқаришини кўрардик. Мен ўша олишувдан сўнг, ҳали ҳарбий либосларимни ечмай туриб, жамиятда хизматкорлар борасида сўз юрита бошладим, эсимда бор, ўшанда ҳамма менга ажабланиб қараган эди: “Нима, энди биз хизматкорни диванга ўтқизиб, унга чой ташишимиз керакми?” Шунда уларга: “Нима қилибди, баъзи-баъзида шундоқ ҳам бўлса”, – деб жавоб бергандим. Ҳаммалари кулишган эди. Уларнинг гаплари енгил-елпи, менинг жавобим эса мубҳам бўлиб туюлганди, аммо ўйлашимча, унда жиндак ҳақиқат ҳам йўқ эмасди.



ж) дуо ва муҳаббат ва ўзга дунёларга тегишли нарсалар ҳақида

Эй ўғлон, ибодатни унутма. Агар ибодатинг сидқидилдан самимий бўлса, ҳар сафар унда янги бир туйғу жилваланади, унда сен илгари билмаган янги фикр бош кўтарур ва сени жўштирур, ўшанда ибодат тарбия эканлигини англарсан. Ва яна шуни ҳам ёдингда тут ва ҳар куни имкон борича: “Худойим, барча ўтганларни ўз раҳматингга ол”, – деб такрор-такрор айт. Ахир бу еру заминда ҳар бир сонияда минглаб одамлар ҳаётдан кўз юмади, жонлари худо қошида сўроққа туради – уларнинг қанчадан-қанчалари ер юзидан ҳеч ким билмаган ҳолда ёлғизлик, ғам-ҳасратда ўтиб кетишди ва ҳеч ким уларга ачинмайди, кўз ёши тўкмайди, ҳатто уларнинг бор-йўқлигини, яшаган-яшамаганини билмайди. Ана шунда, балким, еру заминнинг аллақайси бурчидан худоё, уни ўз раҳматингга ол, деган дуо-йинг етиб боргай, ҳолбуки, сен уни ҳеч қачон кўрмаган, танимаган эдинг, у ҳам сени сира кўрмаган, билмаганди. Худойим қошида кўрқиб, қалтираб турган унинг жонига сенинг дуо-йинг нақадар ором бағишлади, мени ҳам ёруғ дунёда дуо қилгучи кимса бор экан, севар экан мени деб, ҳаёлидан ўтқизди. Раҳими раҳмон ўшанда иккинги-ўзга ҳам раҳм кўзи билан боқур, зеро, сен унга қанчалар ачиниб қараган бўлсанг, у ҳам энди сендан-да юз карра ортиқроқ раҳм ва шафқат бирла боқур сен томонга. Ва сен учун уни мағфират қилур.

Биродарларим, ёронларим, одамларнинг гуноҳларидан кўрқманг, одамни унинг гуноҳи бирла севингиз, бинобарин, бу худовандо каримнинг севгиси кабидир ва еру заминда энг олий севгидир. Худойимнинг барча хилқатларини севингиз, яхлитлигича ва ҳар бир заррасини севгайсиз. Худойимнинг ҳар бир япроғи, ҳар бир тола шуъласини севингиз. Ҳайвону махлуқот, набототу жамодотни – барини севгайсиз. Ҳар бир нарсани севсангиз, нарсалардаги худойимнинг сир-асрорларини англаб етурсиз. Бир бора англаб етдингизми, сўнг доимо ва борган сари кўпроқ, кундан-кунга беҳроқ англаб борурсиз. Ва ниҳоят, бутун оламни бир бутунлигича жаҳоний муҳаббат ила сева билурсиз. Махлуқларни севгайсиз: худойим уларга азал савқи табиия ва сокин хуррамлик ато этмиш. Уни таъқиб этмангиз, азоб-қийноқларга солмангиз, масарратини бузмангиз, худойимнинг яратганига қарши бормангиз. Эй бани одам, жонзот махлуқлардан устун бўламан деб ўйлама: улар маъсум гуноҳсиздирлар; сен ўзинг ер юзидан пайдо бўлиб, такаббурлигинг бирла уни чиритмоқдасан, ўзингдан чирик, чиркин излар қолдирмоқдасан – э воҳ. Ҳаммангиз ҳам, ҳаммамиз ҳам шундаймиз! Болақайларни севингиз, зеро, улар фаришталар янглиғ маъсумдирлар, улар юрагимизнинг эрка малаклари, бизнинг мусаффолигимиз ва биз учун кўкнинг кароматидирлар. Сабийни таҳқирлаганни худо урди. Мени Анфим ота болаларни севишга ўргатди. Зиёратларимиз чоғида ғоятда мўмин-қобил ва камгап бу яхши одам садақа танга-чақаларга улар учун ширинликлар, обакилар сотиб олиб улашарди: болалар ёнидан юраги тўлқинланмай ўтмасди, шунақа болапарвар инсон эди.

Одам боласининг гуноҳ-маъсиятларини кўрганда, ҳаёлингга бир фикрлар келиб ҳайрон туриб қоласан, ўз-ўзингга саволлар ёғдирасан: “Куч ишлатайми ё тавозе билан олайми?” Ҳамиша шундай қил: “Тавозе билан ол”. Бир сафар шундай қилгил, сўнг то абад дунёни олгайсан. Тавозе ва муҳаббат – улуғ куч, ҳаммасидан ҳам кучлироқ, бошқа унга ўхшагани йўқ. Уззукун, соатма-соат, дам-бадам ўзингни фикр қил ва ўзингга қара,

қиёфанг басавлат, кўркам бўлсин. Бир қара, анави болакай олдидан қахрингни сочиб, жаҳл отига миниб ўтдинг, оғзингдан сўкинчлар ёғилди; сен балки болакайни пайқамагандирсан, лекин у сени кўрди, манхус, бадбашара қиёфангга кўзи тушди, норасиданинг юрагида сен шундай хунук башаранг билан из қолдирдинг. Эҳтимол, сен буни ҳаёлингга ҳам келтирмагандирсан, аммо бадкор кўринишинг билан унинг дилига ёвузлик уруғини эккандирсан ва энди бу уруғ униб ҳам чиқар, сабаби, сен болакай қошида ўзингни эҳтиёт тутмадинг, сақланмадинг, зеро, ўзингни хушёр ва фойдали қалб меҳнатига ўргатмагансан. Ёронлар, муҳаббат – муаллима, аммо унга эришмоқни билмоқ керак. Зотан, унга эришмоқ душвор, узок меҳнат қилиб, машаққат чекиб, жуда қимматга сотиб олинади, тасодифий бир нарсани бир зумга эмас, охирги дамгача севилади. Тасодифан ҳар ким севмоғи мумкин, бадкирдор ҳам севади. Менинг навраста акам қушлар, қушчалардан кечирим сўрарди: бир қарасангми, бунинг ҳеч қандай маъноси йўққа ўхшайди, аммо ҳақ рост, ҳаммаси худди океанга ўхшаш, ҳаммаси оқади ва бир-бирига қўшилади, бир жойига тегсанг, дунёнинг бошқа бир ерида аксадо беради. Қушчалардан кечирим сўраш майли телбалик бўла қолсин, агар сен ўзинг кўркам, ўктам бўлсанг, ҳозиргига қараганда майли бир томчи қадар яхшироқ бўлсанг эдинг, ахир қушчаларга ҳам, болакайларга ҳам, ёнингдаги ҳар қандай жониворга осонроқ бўлурди. Ҳаммаси океанга ўхшайди дейман сизга. Ўшанда ҳайрат-ҳаяжонга чулғаниб, бор жону жаҳоним муҳаббат ўтида ўрганиб, қушчаларга ибодат қилардим, улар сенинг гуноҳингдан ўтишларини ялиниб-ёлворардим. Одамларга қанчалар бемаъни туюлмасин, мана шу ҳайрат-ҳаяжонингни эъзозла.

Менинг ёронларим, худойимдан шоду хуррамлик тиланг. Худди сабий болалардек, худди қушчалардек шод-хуррам бўлгайсиз. Сизнинг заҳматларингизда одамларнинг гуноҳлари кўнглингизни хира қилмасин, у гуноҳлар ишингизни чиппакака чиқаради, якунига етказишга халал беради, деб асло кўркманг. “Журму гуноҳ кучли, имонсизлик, диёнатсизлик кучли, ифлос муҳит кучли, биз эса ёлғизмиз ва ожизмиз, бизни ифлос муҳит абгор қилиб ташлайди ва яхши иш-юмушларимизни барбод қилади”, – деб гапирманг. Палапонларим, бундай тушкунликдан қочинг! Бунда сенга бир халос йўли бор: ўзингни қўлга ол ва жамики одамларнинг журму гуноҳлари учун ўзингни жавобгар деб бил. Оғайним, бу асли ўзи ҳам шундай, зеро, сен ўзингни самимият-ла ҳаммаси ва ҳамма учун жавобгар деб билганинг ҳамон шуни кўрасанки, сен ҳақиқатан ҳам шундай ҳамма ва ҳаммаси учун айбдор экансан. Ўзингнинг танбаллигинг ва ожизлигингни бошқаларга ағдариб эса шайтон кибру ҳавосига берилиб кетасан ва худога куфр келтирасан. Шайтон кибру ҳавоси ҳақида бўлса шундай фикрдаман: ер юзида биз буни тушуниб етишимиз мушкул, шунинг учун хатога йўл қўйиш ва унга берилиб кетиш жуда осон, боз устига, улуғ ҳамда гўзал иш қилаётиман, деб ўйлашинг ҳам мумкин. Шуниси ҳам борки, биз табиатимизга хос бўлган энг кучли интилишлар ва ҳиссиётларимизни ҳали ер юзида тагига етиб борган эмасмиз, бу сенга баҳона бўлмасин, у сени ҳеч бир томондан оқлашга хизмат қилмайди, зеро, мангу ҳакам сендан эришолмаган нарсаларингни эмас, эришганларингни сўрайди, сен ўзинг бунга амин бўлурсан, зотан, ўшанда ҳаммасини тўғри кўз билан кўрурсан ва бошқа муноқаша қилмассан. Ер юзида биз адашиб юргандаймиз ва агарда кўз ўнгимизда бебаҳо Масихо сиймоси турмаганда эди, худди одам-



зот тўфон олдида бўлгандай адашган ва ҳалокатга учраган бўлурдик. Ер юзида кўп нарсалар бизга яширин, аммо унинг ўрнига бизга бошқа бир олам билан тирик боғланишнинг муқаддас туйғуси ато этилган, у энг юксак ва олий оламдир, умуман, бизнинг хаёлларимиз ва туйғуларимизнинг илдизлари бу ерда эмас, бошқа оламлардадир. Мана шунинг учун ҳам файласуфлар ер юзида нарсаларнинг моҳиятига етиб бўлмайди дейдилар. Худойим уруғларни бошқа оламлардан келтириб, мана шу ер юзига сочди ва ўз боғларини кўкартирди, сўнг неки унган бўлса, ҳаммаси унди, аммо кўкарганлар бошқа сирли олам билан туташлиги боисидан ва шу туйғу билангина тирикдир; магарким, сенда ушбу туйғу заифлашса ёхуд барҳам топса, унда сенда кўкармиш нарса ҳам нобуд бўлмай. У чоғда ҳаётинг лоқайд ва ундан нафрат қилурсан. Фикримча, шундай.

3) ўзингга ўхшаганларга ҳакам бўлоласанми? Тугал диёнат ҳақида

Яна шуни қаттиқ эсингда тут, сен ҳеч кимга қози бўлолмайсан. Қозининг ўзи ҳузурида турган кимса каби бир жиноятчи эканлигини англаб билмагунча, ер юзида жиноятчининг қозиси бўлмайди, қози олдидаги одамнинг жинояти учун ҳаммадан бурун ўзи айбдорлигини тушунмаса, ҳакамлик қилолмайди. Ана шуни билгач, у, эҳтимол, қозиликка лойиқдир. Кўринишдан қанча телбанамо бўлмасин, аммо бор ҳақиқат шудир. Зеро, ўзим ҳақгўй бўлганимда, олдимда турган киши жиноятчи бўлмасди. Агар қаршингда турган, сен қозилик қилаётган кишининг жиноятини ўз устингга ололсанг, унда тўхтовсиз шундай қил, унинг азобини ўзинг чек, уни эса таъна-дашном бермай дарҳол қўйиб юбор. Магарким, агар қонуннинг ўзи сени унга қози қилган бўлса, сен имконинг қадар худди мана шу руҳда ишни адо эт, зеро, у қошингдан кетгач, ўзини ўзи сенинг ҳукмингдан кўра ҳам оғирроқ ҳукмга дучор қилади. Агар сен қучоғингни очсанг-у у бунга бефарқ қараб устингдан қулиб кетса, унда бунга ҳам парво қилма, демак, унинг фурсати ҳали келмаган, аммо ўз вақтида бу фурсат етади, етмаса, барибир, у бўлмаса бошқа одам унинг юкини олади, азобини тортади, қоралайди, ўзини ўзи айблаётган ва ҳақиқат ўз ўрнида қарор топади. Бунга ишон, қаттиқ ишон, зеро, худди мана шунда барча муқаддас авлиёларнинг умид-ишончи муҷассамдир.

Чарчаш нима билмай заҳмат чек. Агарда кеча уйкуга ётишдан аввал: “Мен зарур бир ишни адо этолмадим”, – деб эсласанг, дарҳол туриб ўша ишни адо эт. Агар атрофингда бадқирдор, тўқим табиат одамлар кўп бўлса, сенга қулоқ солмасалар, унда уларга тиз чўк ва кечирим сўра, ахир улар сенга қулоқ солмаётганлари учун чиндан ҳам сен ўзинг айбдорсан. Агар сен жаҳлдорлар билан муомала қилолмасанг, унда уларга индамай, бўйнингни эгиб, ҳеч қачон ноумид бўлмай хизмат қил. Агарда ҳамма сени ташлаб кетса ёки сени зўравонлик қилиб ҳайдасалар, унда ёлғиз қолиб, ўзингни ерга от, уни бўсаларга қўм, унга кўз ёшларингни ёғдир, шунда ер кўз ёшларингдан самара бергай, ҳолбуки, ҳеч ким сени бундоқ ёлғизлик ва ҳаросонликда кўргани ҳам, эшитгани ҳам йўқ. Ҳатто ер юзида ҳамма бузилиб бўлди ва сен ёлғиз қолдинг деганда ҳам, ўзинг охиригача ишон: худойимга қурбонлик қил, унга ҳамду сано айт, ахир сен ёлғиз қолдинг. Агар сенга ўхшагани иккита бўлса, унда бутун дунё дегани мана шу-да, шунда бир-бирингизни суюб бағрингизга босингиз ва худойимга тасбеҳ айтингиз, чунки сиз иккингизда бўлса-да, худонинг ҳақиқати қарор топди.

Агар ўзинг гуноҳ қилган бўлсанг, то ўла-ўлгунингча бундан ё кутилмаганда рўй берган гуноҳингдан қайғуга ботиб юрасан, унда бошқа бировга – порсо, пархезкорга қараб қувон, мен баногоҳ гуноҳ қилган бўлсам, мана, бегуноҳ, тамиз инсон ҳам бор, деб астойдил қувон.

Агар одамлар бераҳм, шафқатсиз, енгиб бўлмас ғам-аламга ботирса ва ҳатто ушбу бадкирдор балохўрлардан ўч олиш истагида ёнсанг, унда ҳаммадан ортиқ шу истакдан кўрк, дарҳол ўзингни аямай қистов-қийноққа сол, ўзингни шу ёвуз бадкирдорлик рўй берганида айбдор деб бил. Шу азоб-укубатларни қабул айла, чида, охири юрагинг таскин топар ва тушуниб етарсан, ўзинг ҳам айбдорман дерсан: бир гуноҳи йўқ сифатида ёвузларга ҳам ёруғлигим тушса бўларди, аммо ёруғлик туширмадим; агар ёруғлигим бўлганда, ёруғлигим билан бошқаларнинг йўлларини ёритардим ва ўша ёвузлик қилган одам балки ёвузлигини менинг ёруғлигим тушиб турганда қилмаган бўларди. Ва агарда сен ёруғлик қиламан деганда ҳам, одамлар сенинг ёруғлигингда рўшнолик топмаётганларини кўрсанг, сарсилмагин, қаттиқ тур, илоҳий ёруғликнинг қудратига ишон, ҳозир улар халоскорлик ва рўшнолик топмаган бўлсалар, кейин халоскорлик топулар. Кейин ҳам халоскорлик топмасалар, уларнинг фарзандлари халос бўлулар. Зеро, гарчи сен ўзинг ўлган бўлсанг ҳам, ёруғлигинг ҳеч қачон ўлмайди. Порсо одам ўтади, унинг ёруғлиги қолади. Халоскорнинг ўлимидан кейин ҳам доим халоскорлик топгайлар. Бани одам ўз пайғамбарларини қувғин қилади, уларни азоб-укубатга солади, бироқ одамзот ўз азобқунандаларини севади ва қийноққа солинганларга сиғинади. Сен эса ялпи умум учун ишлайсан, келажак учун тер тўкасан. Ҳеч қачон мукофот излама, ахир ушбу заминда шусиз ҳам сенинг мукофотинг улуғдир: сенинг қувончинг руҳонийдир, уни фақат порсо одам топгай. На аслзодалар, на қурби қудратлилардан кўрк, хамиша оқил ва ориф, кўркам ва ўктам бўлгил. Меъёрни бил, фурсатни англа, буларни яхши ўрганиб ол. Ёлғиз қолсанг, доим ибодатга машғул бўл. Ерни мудом тавоф қил, унга пешонангни қўй, тупрокни ўп. Тинмай ўп тупрокни, тўймай уни ўп, ҳаммани сев, ҳаммасини сев, шодмонликни туғёнлари билан изла. Тупрокни шодумон кўз ёшларинг ила суғор ва шу кўз ёшларни ардоқла. Шу туғёнлардан ҳижолатга тушма, уларни қадрла, зеро, худонинг атияси бор, у жуда улуғ, у кўпга берилмайди, фақат сайланганлар эга бўлади.

и) дўзах ва дўзах олови, асрорий ҳаёл

Падарларим ва устозларим, шундай фикр қиламан: “Дўзах ўзи нима?” Ўйлашимча бундай: “Бу бошқа севолмасликнинг азоби”. Иттифоқо, на замон ва на макон билан ўлчанадиган охири йўқ чексиз борликда ер юзида руҳоний бир зот пайдо бўлиб, у ўзига: “Менким, мен муҳаббатман”, демоклик қудратига эга бўлсин. Унга бир марта, фақат бир марта ғайратли, *тирик* муҳаббатнинг лаҳзалари тортиқ этилмишди, бунинг учун унга ер юзида ҳаёт, шу билан бирга давру даврон ҳамда муҳлат берилмишди ва сўнг не бўлди: ушбу бахтиёр хилқат бебаҳо атияни рад этди, қадрига етмади, муҳаббат қўймади, мазах қилиб қаради, ҳиссиз, тош-метиндек тураверди. Ва шундоқ ҳолда, қора тупроққа кириб ҳам, Иброҳимнинг маъвосини кўради, Иброҳим билан суҳбат тутади, бизга бу бой билан Лазар

ҳақидаги ривоятдан маълум¹. У жаннатни томоша қилади, худойимнинг ҳузурига ҳам ета олади, лекин у худди мана шундан, яъни худойимнинг ҳузурига, гарчи уни севмаса ҳам, чиқа олишидан азоб чекади, севганларнинг севгисини менсимай рад этгани учун қийналади. Зеро, унинг кўзлари равшан кўриб туради ва ўз-ўзига шундай дейди: “Энди менинг билимим бор ва гарчи муҳаббатга ташна бўлсам-да, аммо менинг бу муҳаббатимда жасорат бўлмагай, қурбонлик ҳам бўлмагай, ер юзидаги ҳаётим охирига етди, Иброҳим халилуллоҳ ҳам лоақал бир томчи тирик сув каби (яъни аввалги ер юзидаги тирик ҳаётнинг муждаси ва тортиғи бўлиб) келмагай, руҳоний муҳаббат ташналиги алангаларига саринлик бахш этмагай, мен ер юзида тирик эканимда бунга беписанд қарагандим, энди алангаси ўртаб бораяпти; энди эса тириклик қайда ва энди вақтнинг ўзи ҳам йўқ! Гарчи ўз ҳаётим, жонимни бошқалар учун бағишласам, шоду хуррам бўлардим, аммо энди бунинг иложи йўқ, чунки муҳаббатга қурбон қилиш мумкин бўлган ўша ҳаётнинг ўзи ўтиб кетган ва энди ўшал ҳаёт бирла манов борлик ўртасида тубсизлик ётади”. Дўзах алангаси ҳақида худди у моддийдек гапиришади, бу сиру асрорни билмоқдан ожизман ва қўрқаман, магарким аланга моддий бўлган тақдирда ҳам, ҳақиқатан, унда ҳайратга тушишарди, зеро, шундоқ орзу қиламанки, шу моддий, жисмоний азоб-қийноқда улар даҳшатли руҳоний азоб-уқубатларни лоақал заррача бўлсин унутган бўлармидилар. Шуниси ҳам борки, ушбу руҳоний азоб-қийноқни улардан тортиб олиб бўлмагай, ахир бу қийноқ ташқарида эмас, уларнинг ичларидадир. Мабодо, тортиб олиш мумкин бўлганда ҳам, фикримча, улар бундан-да бешбаттар бахтсиз бўлур эдилар. Жаннатдаги такводорлар, порсолар уларнинг қийноқларига қараб, кечирганларида ҳам ва чексиз суюб ўз ҳузурларига чорлаганларида ҳам, бу билан уларнинг азоб-уқубатларини янада орттирган, зеро, уларда бунга жавобан ғайратли ва шукрона муҳаббатнинг оловини баландроқ алангалатган бўлурдилар, ҳолбуки, энди бундай муҳаббатнинг имкони йўқ. Бу журъатсиз юрагим шундай талқин этадирким, худди мана шу имконсизликни англаш уларга қандайдир бир енгиллик бағишлаши мумкин, ахир улар такводорлар, порсолар муҳаббатини қабул қилиб, аммо уларга жавоб беролмай ва шунга тобе бўлиб, итоат қилиб, ниҳоят ғайрат-шижоатли муҳаббат шабадаларидан бахраманд бўлурлар, ҳолбуки, ер юзида тирик экан, бу муҳаббатдан юз ўғирмиш ва шундоқ бир ҳаракатларга йўл қўймиш эдилар... Азиз биродарларим ва оғайниларим, буларни очикроқ қилиб айтишдан ожизу нотавонман, бундан афсусдаман. Вовайлато, ер юзида ўз жонларига ўзлари қасд қилганларга, вовайлато барча худкуш жонларга! Фикримча, дунёда улардан кўра бошқа бахтсизроқ йўқ. Улар учун худодан мағфират сўраш бизга гуноҳ дейдилар, ташқаридан қараганда, черков ҳам уларни рад этади, бироқ юрагимнинг қаърларида шундоқ хуфиёна фикр қиламанки, уларга худойимдан мағфират сўраш балки жоиздир. Мағфират учун балки иддао қилмас Масихо. Шундай бечоралар учун мен бир умр ичимда дуо ўқидим, падарларим ва устозларим, сизга бунини энди изҳори дил айляяпман, ҳозир ҳам кун узун улар учун дуо-ибодат қилгайман.

О, дўзахда ҳам такаббурлар ва шафқатсизлар бор, ҳолбуки, уларга билим ва инкор этиб бўлмас ҳақиқатни кўриш савияси берилганди; шайтонга ва

¹ Инжил шарифда Лазар исми гадо қазо қилгач, фаришталар уни Иброҳим пайғамбарнинг ёнига олиб борадилар. “Иброҳимнинг маъвоси”, “Иброҳимнинг бағри” дейилганда, насронийлар киши ўлимидан сўнг такводорлар мангу тасалли, роҳат-фароғат топадиган жойни (маъво) тушунганлар (Лука Инжили, 19-46-б).

унинг манман феъли-атворига ўзини тўла-тўкис бағишлаган даҳшатли махлуклар бор эди. Ўшалар юҳо дўзахга ўз инон-ихтиёрлари билан тушмишлар, улар дўзах қийноқларини ўз хоҳишларига кўра танлагандирлар. Зотан, худо ва ҳаётни қарғаб, улар ўз-ўзларини қарғамишлар. Улар ўз ёвуз манманликларидан озукланурлар, худди сахрода қолган оч махлук ўз вужудидан қонини сўриб ичгандай бўлурлар. Аммо то абад тўймаслар ва кечирим сўрамаслар, уларни чорлаган худойимни қарғарлар. Тирик худойимга қахру ғазабсиз тик боқолмаслар ва ҳаётда худо бўлмасин деб, талаб қилурлар, худо ўзини ва барча яратган нарсаларини барбод қилсин дерлар. Улар ўз қахру ғазаблари оловида мангу ёнғайлар, ўлим ва йўқликка ташнаком бўлғайлар. Аммо ўлим уларни олмас...

Алексей Федорович Карамазовнинг қўлёзмаси шу ерда тугайди. Такрор айтаман, у тўла эмас ва узук-юлук. Мисол учун, таржимаи ҳолга оид маълумотлар авлиёнинг фақат илк ёшлик чоғларини қамраб олади. Унинг ҳаётий ҳикматлари ҳамда танбеҳлари жамлаб, бир бутун яхлит ҳолга келтирилган, улар, афтидан, турли вақтлар ва ранг-баранг майлу истаклар натижасида танлаб олинган. Ҳар қалай бузрукнинг ушбу охирги ҳаёт дақиқаларида айтган танбеҳлари аниқ белгиланмаган, балки улар суҳбатнинг руҳи ва йўналишига кўра берилган, бу Алексей Федоровичнинг қўлёзмасида келтирилган илгариги танбеҳлар билан қиёслаганда равшанроқ кўринади. Бузрукнинг ўлими ҳақиқатан ҳам жуда кутилмаганда рўй берди. Бинобарин, ўша охирги оқшом унинг ҳузурида жамулжам бўлганлар ўлим соати яқин эканлигини англаб туришар, аммо у шу қадар кутилмаганда рўй беришини ҳар қалай тасаввурларига келтиролмаган эдилар; аксинча, юқорида мен таъкидлаб ўтганимдай, унинг дўсту ёронлари ўша оқшом кечаси уни тетик ва ғоятда сўзамол кўриб, соғлиги, аҳволи тузалиб, яхшилана бошлаганига ишонч ҳосил қилгандилар, аммо бу фақат қисқа вақт давом этди. Ҳатто ҳайрон бўлиб кейин айтишларича, ўлимига беш дақиқача қолганда ҳам, ҳали ҳеч нарса маълум эмасди. У бирдан кўкрагида қандайдир жуда қаттиқ оғриқ туйди, ранги оқариб, қўлларини юраги устига маҳкам босди. Шунда ҳамма дарҳол ўрнидан кўзғалиб, унинг устига ёпирилиб боришди, аммо у ўлим талвасаси оғушида ҳамон уларга жилмайиб боққанча, креслодан аста ерга сирғалиб тушди, тиз чўкди, кейин юзи билан ерга эгилди, қўлларини узатди ва шодумон ҳаяжонда ерни ўпиб, дуо ўқиб (ўзи таълим бергандай), осуда бир сурур ила жон таслим қилди. Унинг жони узилгани хилватгоҳу монастир томонларга тез тарқалди. Марҳумнинг яқинлари ва шу иш билан шуғулланадиган ходимлар қадим расм-русум бўйича майитнинг юмушларига уриниб кетдилар, барча аҳли биродарлар жоме черковига йиғилдилар. Кейин эшитилган шов-шувларга қараганда, ҳали тонг қоронғисидиёқ марҳумнинг хабари шаҳарга етиб борди. Эрталабга бориб хабар бутун шаҳарга тарқалди ва кўп шаҳарликлар монастирға йўл олишди. Бироқ буни кейинги китобда ҳикоя қиламиз. Энди эса фақат шунигина олдиндан қайд этиб ўтамизки, орадан ҳали бир кун ўтмай, ҳаммани хангу манг қилиб кутилмаган бошқа воқеа содир бўлди, у монастирда ҳам, шаҳарда ҳам жуда ғалати таассурот қолдирди, одамларни қаттиқ хавотир ва ташвишга солиб қўйди, то хануз ҳозиргача, шунча йиллар ўтса ҳам, одамлар худди кечагина бўлгандай ўша куннинг чалкаш воқеаларини ҳаяжонланиб эслаб юришади...

(Давоми келгуси сонларда)





НЕЪМАТ АРСЛОНОВ

ЁЗУВЧИ УЧУН АТИР

Новелла

Чекка сочлари оқариб қолган Григоровичнинг қандай атир суртиб юрганлигини билмайман (қадимда атир суртиларди, hozirда тизиллатиб сепилади), аммо Бунин тасвирлаган шу ёзувчининг, яъни Григоровичнинг олдидан ўтгим келади, ва ундан анқиб турган ифорнинг қанақалигини билгим келади. Афсуски, энди Бунин ҳам, Григорович ҳам ва Жемчужников ҳам йўқ. Шунга қарамай, ўша даврга хос айрим ҳолатлару манзараларни тафаккур ёрдамида тасаввур қилиш мумкин.

Бизнинг болалигимиз ва ўсмирлик пайтимизда “Сирень”, “Ландиш” “Кармен” деган атирлар бўларди, ўсмирлик пайтимда биринчи марта “Қори наво” деган атирдан суртиб кўрганман. Австралияда чайлачи деган бир куш бор. Қанотли бу жонивор урғочисини жалб қилиш учун қарийб одам бўйи келадиган чайла қуради ва ўзи бунёд этган иншоотни турли туман ялтироқ нарсалар билан безайди-да, чайла атрофида айланиб кўшиқ куйлайди. Инсонга ҳам хос бундай бачкана ҳолат. Ясан-тусан қилсам унга яхши кўринаман, деб ўйлайди севган қизининг олдида бораётган йигит. Садафни узокдан бўлса ҳам бир кўриш ниятида йўлга тушарканман, икки кун аввал кишлоқ дўконидан сотиб олган атиримдан сепиб олдим. Китоб жавонимнинг орқасида яширин сақлардим уни. Жуда ўткир эди “Қори наво”нинг ҳиди. Атир бўйини шамол олиб кетмасин деб пана-пастқам йўлдан борардим. Кистамда носкашларнинг носқовоғидай дўмпайиб турибди дағал шиша идиш. Унинг сиртида рақс тушаётган аёл сурати бор. Ярим йўлга етгач, яна бироз сепиб олсаммикин деган хаёлга бордим. Чўнтақдан учбурчак шаклидаги шишани оларканман, унга ёпиштирилган расмга яна бир карра қарадим. Ҳа, ҳақиқатан ҳам рақс тушаётган аёл суврати... Аёлларники эмасмикин бу одекалон деган шубҳа оралади кўнглимга. Йўл бўйида кимдир кўринди ва катта ёшли бир киши мен томон келаверди. Девор тагига тикилиб бордим. Ёнимдан ўтаётиб бурнини жийирди ҳалиги одам ва “такадай сасибсан” деди, мандан ҳазар қилгандай ўзини нарироқ олиб. Уялиб кетдим. Аммо атир ҳидига бўлган ўчлигим босилмади. Бирор нарса ёзишга ўтирсам, ҳозир ҳам албатта юзимга атир пуркайман.

Жонзотларга хид билиш хусусиятини ато этаркан, бу ноёб хиссиётнинг бошқа барча сезгилардан ва ҳаттоки кўришдан, таъм билишдан ва эшитишдан ҳам аъло даражада бўлишини таъминлаган табиат. Бошқа ҳар қандай сезги миядаги: таламус, хипоталамус, стреатум каби марказлардан ўтади, аксонлар ва дендритларнинг кўлига тушиб, турли ўзгаришларга учрайди, буйруқлар макони бўлган бош мия пўстига етиб боргунга қадар неча марта ўлиб тирилади. Тадқиқотчи олимларнинг айтишича, биз кўз билан кўриб турган нарсалар аслида кўринганидай эмас, бутунлай бошқача эмиш, фақат хид билишгина бундан мустасно, мия пўстлоғига тўғридан тўғри, яъни бевосита, ҳеч қандай ўзгаришга учрамасдан етиб боради.

Атирга ўчлик менинг жиддий нуқсоним. Шундайлигини биламан ва имкони борича атир харид қилмасликка интиламан. Атирга бўлган тийиксиз интилишни жиловлаш учун шундай қиламан. Бахтга қарши йўлда бир қанча атир-упа дўконлари бор, Чилонзордан Фарҳод бозоригача ва бозордан метрогача пиёда бораман. Йўлда бир аёл атир сотиб ўтиради. Яхши хушбўй атирлари бор унинг. “Смокинг”, “Шанель” “Матфикс ман” ва ҳоказо. Ҳар доим унинг ёнидан ўтарканман, кўк, яшил ёки заъфарон рангли суюқлик тўлдирилган турли шаклдаги шишачаларга қарайман, сўнгра улардан бирини кўлга олиб қопқоқчасидан сал қуйроққа, шишачанинг бўйнига бурнимни маҳкам босиб ҳидлайман. Менинг ҳаракатларимни кузатиб туради албатта сотувчи аёл. “Олинг” дейди. Атир нархи қиммат, ҳиди менга ёкса-да, пулни ўйлайман. Сирасини айтганда, дўконлардагидан арзон унинг атирлари, йигирма беш мингдан зиёд эмас, худди шундай атир дўконларда анчагина қиммат туради. Ҳатто юз минг сўмлик, икки юз ва ҳатто уч юз минг сўмлик атирлар ҳам бор. Бир дўстимнинг айтишича, “Клив Христиан № 1” деган атир 2.350 доллар турармиш. Менга “Suave” ҳам бўлаверади. Кўкимтир шишачали, қопқоғи савсани бу атирнинг ҳиди менга жуда ёқади. Албатта, масалан, “Смокинг” даражасида эмас, шундай бўлса ҳам жуда олгим келарди уни ... Гўё “Қишлоқ” романининг муаллифи Григорович ана шу атирдан суртиб юрадигандай. Дарвоқе, ўз даврида анчайин ном қозонган ва ҳатто ана шу романи билан Белинскийнинг назарига тушган эди бу ўзувчи. Унинг олдига бориш, унга яқинроқдан қараш ва ундан таралаётган ифордан ҳидлаш... узун бўйли, жуда тоза ва ёқимли кийинган кишига хадиксираганча қараб турар ва мириқиб атир хидларди. Аммо Бунин нафас олаётганини, ҳаводан атир ҳидини ўғирлаётганини Григоровичдан, яъни атир эгасидан пинҳон тутарди. Адабиёт майдонида ҳали ном қозониб улгурмаган, образли қилиб айтганда, эндигина тетапоя бўла бошлаган журъатсиз ва хуркак ўзувчи учун табиий ҳол эди албатта бу. Французча тарбия кўрган Григорович эса парфюмерияга эътиборсиз эмасди. Ва Никольский кўчасида очилган номдор атир-упа магазини олдида вақт- бевақт учратиш қолиш мумкин эди уни. Нафақат Григорович ёки Жемчужников, балки ўзига қараб юрадиган барча эркакларнинг диққатини тортарди бу дўкон. Хусусан, “Шанель №5” одекалонидан суртиб хонимларнинг ёнидан ўтиш олифта эркакларнинг орзуси эди. Брокер кашф этган “Цветочный” деган афсонавий атир ҳам сотиларди бу ерда.

...Ўзимни чалғитишга ва Григорович билан Буниннинг учрашувини бирон бир машхур ўзувчининг хонадониде ташкил этишга қай даражада уринмай, кўз олдиде энг қимматбаҳо ифорли атирлар билан савдо қиладиган ўша магазин ва унинг пештахтаси олдида турган Григорович



ва узоқроқдан уни кузатиб турган Бунин кўринаверарди. Афсуски, мутлақо хато эди менинг бу тасаввурим: биринчидан, турли ҳидлар анқиб турган атир-упа дўконининг ичида Григоровичдан таралаётган ифори пайқамасди, иккинчидан, қўл учида кун кўраётган Бунин қимматбаҳо атирлар билан савдо қиладиган бундай дўконларга беҳудага кирмасди деб ўйлайман. Уларнинг учрашуви ҳақиқатан ҳам Бунин хотини Варвара Пашенкоддан ажрашгандан кейин, Москвада рўй берган экан. Аммо Бунин атир билан боғлиқ ҳолатни анча кейинга сурган. “Ой чикди ложувард ой ёнидан” деган мақоласида Григоровичнинг ўлиmidан бироз олдинги ҳолатни беради. Демак, 1899 йил куз фаслида бўлган эди бу учрашув. Орадан кўп ўтмай, ўша йилнинг 22 декабрида Григорович вафот этди.

... Ана шу манзара бор тиниклиги ва тафсилотлари билан кўз ўнгимни қоплаб оларкан, атир шишасини эҳтиёткорлик билан ушлаб турган ҳолатда, юзимга ёқимли тус бериб сотувчи аёлдан сўрадим:

- Қанча дейсиз?
- Йигирма беш.
- Йигирма бераман.
- Нималар деяпсиз, ахир бу “Suave!”

Яна шишача бўғзини бурнимга тақаб ҳидлайман. Ва қайтариб жойига кўяман.

– Ёқмадимми?


– Менга Григорович суртадиганидан топиб беринг, оламан, – дейман атайлаб, сотувчини гангитиб ташлаш ва шу йўл билан ўзимни бу соҳада саводсиз эмаслигимни кўрсатиш, ҳам хасислик қиладиганимни хаспўшлаш мақсадида.

Юзини тескари ўгиради сотувчи ва мен узоқлашаман унинг олдидан. Кистамдаги пул атир олишга етади албатта, аммо ўйловим кўп, рўзғор, дори-дармон ва кутилмаган бошқа харажатлар. Ҳаммасидан кўпроқ ўйловга соладигани коммунал тўловлар, кам эмас, ўн икки хил тўлов...

Қандайдир тетиклик бағишлайди менга хушбўй атир. Кейинги йилларда сотилаётган фаранг одекалонларида атиргул ҳидидан тортиб каппарис спиноза гулининг ҳидигача бор ва улар ниҳоятда дилтортар. Каппарис спиноза оқ гуллайди, лотинча номдаги бу ўсимликни биз оддийгина қилиб ковул деймиз. Бу антиқа ўсимликнинг гули бутун бошли мўъжиза ва унда танноз аёлларга хос нимадир бор. Гулининг ҳиди жуда нафис, жуда ёқимли... қандайдир хаёлчан ва романтик ифор. Албатта, масалан илиқликни эслатувчи ҳидларни ёки карамель ҳидига монанд одекалонларни ёқтирадиган кишиларга ковул гули таратадиган ҳид ёқмаслиги мумкин. Буниннинг ёзишига қараганда, Григоровичдан анқиб турадиган атир жуда хушбўй бўлишига шубҳам йўқ. Нега Григорович ёки Жемчужников деган рус ёзувчилари шундай атирлар сепиб юришади-ю, мен бундай қилолмайман, ахир мен ҳам ёзувчиман. “Мавҳумот” деб номланган романининг ўзи агар чет тилларга таржима қилинса, долларнинг тагида қолиб кетишимга шубҳам йўқ. Чунки унда эфтоназия тасвирланган. Романнинг учинчи китоби шу ном билан аталади. Агар янглишмасам, ўлим салтанатига хизмат қилувчилар тўғрисида ёзилган биринчи роман бу. Эфтоназия, яъни ҳузурбахш ўлим деб номланган корхона ҳозирча фақат Недрландияда, Австралиянинг қайсидир бир шимолий минтақасида ва яна

бир-иккитагина давлатда мавжуд. “Адам водийси” ҳам ундан қолишмайди. Аммо мени юксакликка кўтарадигани – новеллаларим. Майли, бу тўғрида гапирадиган бўлсам, мени нотўғри тушунишлари ва мақтанчокка чиқариб кўйишлари турган гап. Лекин Бунин мени тушуниши мумкин эди, чунки иккаламиз ҳам Григоровичнинг ва Жемчужниковнинг атирига мафтунмиз. Мени безовта қилаётган ва атир олишга ундаётган куч Буниннинг бир мақоласи бўлди.

Ўзининг жазирама кунларидан бирида айвончада ўтириб олиб қайноқ чой хўплардим ва “Китоб дунёси” газетасини варақлардим. Ногоҳ атиргани ишқибоз Буниннинг “Ой чиқди ложувард ой ёнидан” деган мақоласига кўзим тушди, (юқорида айтиб ўтгандим). Азбаройи Нобель совриндори бўлганлигини ҳисобга олиб мақолага кўз югуртирдим ва мана бу сатрлар эътиборимни тортди: “Бир маҳал шундоққина ёнимдан бурнимга ёқимли одеколон ифори урилди, бошимни кўтарсам, не кўз билан кўрайки, Григорович! Бу учрашув унинг ўлиmidан бироз олдинроқ содир бўлганди,



анчагина қартайиб қолганди. Лекин худди ўзидан келиб турган ифор каби тоза ва тетик эди”. Атир ҳидидаги тозалик ва тетиклик... албатта жуда кизик бу, “ифор” ҳам оддий таъриф эмас. Шу сўзларни ўқидиму дарҳол ўрнимдан туриб Фарҳод бозори сари йўл олдим. Энди атиргани икки баробар қиммат баҳо қўйса ҳам оламан деган қарор дилимда қатъий. “Олурман икки жаҳон мулкига баҳо қўйсанг” деган мисра майин куйга қоришиб бош чаноғим ичида қовоқ аридай ғунғиллаб айланади. Хаёлимнинг чуқур бир жойида эса “Қари наво”дан сепиб, Садафнинг олдида борган ҳолатим.

... Биз учрашдик. Бадавлат оиладан эди қиз. Қайрағоч дарахти тагига кўйилган ёғоч скамейка олдида борарканмиз, атайлаб шамол эсаётган тарафда ўтирдим. Енгилгина шабада “Қари наво”ни менинг қизил алвон кўйлагимдан супуриб олиб қизнинг нозиккина бурунчасига урарди. Бир пайт қарасам, оғзидан нафас оляпти Садаф. Баъзан йўл бўйида ўлиб қолган мушук ёки бошқа бир жонивор олдида ўтаётди мен ҳам анча жойгача оғзимдан нафас олганча, қадамларимни тезлатиб бадбўй ҳидни шу йўл билан бартараф этардим. Садафга қараб ҳаммасини тушундим. Аммо қиз ҳолатини ошкор этмади, кўп андишали эдилар-да, бизнинг ёшлик давримизнинг қизлари. Хуллас, шундан кейин биз узок вақт учрашмадик. Уялиб юрдим. Ўта ноқулай-да бундай ҳолатлар. “Дид тўғрисида бахслашмайдилар” дейишади руслар, шундай бўлса ҳам... Тўғрироғи, бу

бир тарафлама фикр. Ҳар қандай таёқнинг икки учи бор. Григорович билан Жемчужниковнинг тоза ва тетик атири Бунинга ёқди, балки бошқа бировга ёқмаслиги ҳам мумкин эди, аммо бу ерда бошқа бир жиҳат ҳам бор. Бунинг ёзувчи бўлишни орзу қилиб юрган даврларда Григорович ёки Жемчужников каби улуғлар билан учрашиш катта бахт эди ва бундай бахтга мушарраф бўлган тетапоя ёзувчи учун улардан уфуриб турган ифор ҳам улуғ эди ва кўп нарсани белгиларди.

... Хуллас, шошқин қадамлар билан Фарҳод бозори томон йўл олдим. “Э худо, атир сотувчи бугун ҳам савдога чиққан бўлсин, ўша атирни сотиб юбормаган бўлсин” деган “дуо”ларни такрорлаганча борардим. Ўз жойида эди сотувчи аёл, мени кўрди, таниди ва юзини четга бурди. Атирни олдим-да, йигирма беш минг сўм узатдим. Қошларини кериб қаради аёл ва “Suave”нинг нархи юз минг сўм” деди жиддий қиёфада. Иккиланмадим, чўнтагимдан бор пулимни олдим ва санаб юз минг узатдим. Узун бўйли, тоза кийинган ва хушбўй ифор анқиб турган Григоровичга ёки тозалигу тетикликда ундан қолишмайдиган шоир Жемчужниковга ўхшашни жуда истардим шу лаҳзада. Жуда кўп манзаралар, ҳолатлару орзу умидлар, ўтмиш салафларимизнинг ҳаёт тарзини кўмсаш ва яна нималардир мужассам эди бу истакда. Ажабланиб қаради аёл ва йигирма беш минг олиб қолганини қайтарди.

Уйга келишим билан ёзув столига ўтирдим. Шишачани қўлга олдим. Нақ бурнимга қаратиб унинг қорагина қалпоқчасини босдим. Тизиллаган товуш ва зарраларга тўйинган салқин ҳаводан энтикиб-энтикиб нафас олдим, “Suave”нинг дилрабо ифори! Бунинг таърифлаганидай тоза ва тетик ифор! Кўзларимни юмиб чуқур нафас олдим у яна “пижиллатдим” ва ушбу новеллани ёзишга журъат этдим. Ёзувчи учун атир қанчалар катта куч эканлигини ҳис этиб турардим. Балки “катта куч” демай бошқачароқ ифодалашим керакдир... Айтмоқчиманки, кишининг тетик юриши ва ўзини яхши ҳис этиши учун ва ҳаттоки ана шундай кайфият таъсирида бадиий асарнинг дунёга келиши учун нафақат хушбўй ифор, баъзан оддийгина нарсалар ҳам, айтайлик, ботинкангизнинг ечилиб кетган боғичи ҳам, ёки чўнтагингизда дастрўмолчангизнинг йўқлиги ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бас, шундай экан, Григорович билан Жемчужниковнинг тетиклиги яхши одекалоннинг хизмати эди, десам мени маломат қилманг, бу бир лаҳзалик онг остида яшириниб қолган ўйнинг ёки фикр моддасининг хизмати, албатта. Ана шу хизмат, яъни онг остидаги фикр моддаси қутқуси билан ўз-ўзимдан сўрайман: Григорович ва Жемчужниковдан таралган ифорни ҳидлаган Буниннинг улуғ ёзувчи бўлиб шаклланиши ва ҳаттоки Нобель мукофотини олишига ўша ифор сабабчи бўлмадимикин? (Ҳеч кимдан жавоб талаб қилмайди бу риторик савол). Барибир мен ўз фикримга ён босаман. Ҳамма нарса, барча разиллик ва барча буюклик, дунёдаги бор кашфиёт миянинг иши. Неки қилсак, ҳиссиётлар таъсирида, уларнинг қутқуси билан қиламиз. Ҳид билиш эса табиат ардоқлаган энг ноёб ҳиссиёт. Григорович тўғрисида гапираркан: “Димоғимга ёқимли атир ифори урилди” дейди Бунин. Энг аввало шунга урғу беради. Модомики, шундай экан, мандан таралаётган “Suave” ифорини ким пайқаркин, ким бош кўтариб кўраркин мени, балки бош кўтариб эмас, юқоридан пастга томон қараб кўришар ва ниҳоят, қаерларгача олиб бораркин мени бу ифор?..



NASR

ЛУИШ ДЕ СТАУ МОНТЕЙРУ

(1926–1993)

МАЙИЗХЎР ЭРКАК¹

Роман

Рус тилидан
Аҳмадҷон МЕЛИБОЕВ
таржимаси

Хар куни, ҳаво очикми, ёмғир ёғяптими, бундан қатъи назар, эрталаб соат саккизда ўрнимдан тураман. Бу – ҳаётимдаги энг тартибли ишларимдан бири. Тураётиб, оёқ кийимимни қидираман, шу яқин жойда, тунги стулчам ёнида бўлиши керак.

Куним ваннахонадан бошланади. Соқолимни оламан.

Эшик тақиллайди.

Фернанда.

– Киравер.

– Бугун қандай кунлигини биласанми?

– Бугунми, шанба.

– Тўйимизга бир йил бўлди.

Унга нима дейишни билмайман. Аммо бу кун байрам деб ҳисобланиши аниқ. Фернанда нишонлашимизни хоҳлаётган бўлса керак.

– Тўғриси, бу ҳақда ўйламабман ҳам. Сен нима қилмоқчисан?

– Тушдан кейин уйда бўлмайман. Аммо сени кечки овқатга кутаман.

Ота-онам, яна бир-икки киши бўлади. Келасанми?

– Шунга хурсанд бўлсанг келаман.

– Келишдик. Соат саккиздан кеч қолма.

Уйдан чиқиб кўча бўйлаб идора томонга юраман. Банкка кириб чиқишим керак. Таътилда бўлсам-да, бу визитни қолдира олмайман. Байшедаги кафедра бир финжон қаҳва ичиб, Оуру кўчасига буриламан. Фернандага совға олишим керак. У бундай мулозиматларга амал қилиш лозим деб ҳисоблайди. Кечки овқатга қайнонам ҳам келадиган бўлса, совға олишим шарт. Олмасам, қайнонам қайнотамни бурчакка тортади-да, икковлари мен томонга қараб, бир нималарни шивирлашади. Ҳозирок нақд кўриб турибман: ўтган йили малла рангга бўялган сочлари сийраклашиб қолган, осилган кўкраклари шу қадар каттаки, афтидан, маҳаллий слесар тайёрлаб берган бюзгалтер уларни аранг ушлаб турибди. Мени айблаётган ёқимсиз нигоҳини ҳис этаман, совуқ сўзларини эшитгандай бўламан. Қуриб кетгур.

¹ Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

Заргарлик магазини ёнида тўхтаيمان. Дарвоқе, Фернанданинг қўл соати борми, йўқми? Ҳар сафар мен билан ваннахонада бир вақтда учрашиб қоладими, демак, бор. Унга тилла билакузук олсам-чи? Балким марварид ипли тўғнағич олганим дуруст бўлар? Қанча тураркин? Ипак рўмол ёки тунги кўйлак ҳам бўлаверар? Ишқий совға бўларди-да.

Магазинга кириб, пештахтага яқинлашаман. Ёшлиги юз-кўзидан балқиб турган сотувчи қиз менга нима кераклигини сўрайди.

– Хотинимга совға олишим керак, Аммо нима олишни билмайман. Менга ёрдам бера олмайсизми?

– Албатта, Бу – бизнинг ишимиз.

Магазинда у ва Худо. Иккалалари менга ёрдам беришади.

– Хотинингизга нима маъқул келишини билсангиз керак?

– Йўқ, буни билмайман.

– Хонимнинг ёшлари нечада?

Бу қиз ё кимнидир қаттиқ севиб қолган ёки унаштириб қўйилган. Чунки менинг ёшимдаги эркак хотинига совға олаётганини кўриб, ҳаяжонланиб кетди. У менинг бу ҳаракатимдан ўзининг “ўлимга қадар севги” деган орзуси нақадар тўғрилигига ишонч ҳосил қилди. Юз ифодасидан менга ёрдам беришга тайёрлигини сезиб турибман. Ва яна шуни билиб турибманки, кечқурун, магазин ёпилганидан сўнг бу қиз ошиғининг елкасига бошини қўйиб, бугун бўлган воқеани унга гапириб беради: “Азизим, биласанми, бугун магазинимизга ажойиб бир сеньор кириб келди. Сен тасаввур ҳам қила олмайсан, ўрта ёшлардаги эркак хотинига совға излаб юрибди... ҳаяжонланганидан нима харид қилишни билмайди... мен бўлсам бизнинг севгимиз ҳақида ўйлаб кетдим... бир кун келиб... орадан қанча йиллар ўтгач, сен ҳам магазинга кириб, менга совға харид қилмоқчи бўласан-у, бахтиёрлигингдан нима олишни билмай туриб қоласан...”

Шу нарса жаҳлимни чиқариб юборди. Қизни беҳудага лақиллатишнинг нима кераги бор?

– Хотинимнинг ёши нечадалигини аниқ билмайман, билишни ҳам ис-тамайман. Бугун тўйимиз бўлганига роса бир йил тўлгани учун совға олмоқчиман, холос. Агар олмасам, қайнонам бутун оқшом асабимни ўйнатади. У мени қизининг муҳаббатига муносиб бўлмаган бир пасткаш ёки бундан-да ёмони – ўзини катта олиб, қизи менга турмушга чиқиб, аёллик ва оналик бахтига муяссар бўлмаганидан афсусланади. Тушуна-япсизми? Шунинг учун ҳам совға олмоқчиман. Хотинимга тоқатим йўқ, агарки сиз бор ҳақиқатни билмоқчи бўлсангиз, шундайлигимни аниқ айта олмайман ҳам. Энди тушунгандирсиз?

Сотувчи қиз кўзларини катта-катта очиб менга қарар экан, қўллари бе-ихтиёр пештахта устидаги молларни йиғиштира бошлади.

– Бу тўғрида менга гапиришингиз ўринсиз... Менинг бу ишга мутлақо даҳлим йўқ. Бир дақиқа сабр қилинг, шеригимни чақираман...

Кулган бўламан. Қизнинг юзида табассум пайдо бўлади.

– Сиз шундай оҳангда гапирдингизки, мен бор ҳақиқатни айтаяпсиз деб ўйладим. Чиппа-чин ишониб ўтирибман-а. Кулиб юбормаганингизда, мен ҳеч қачон бунинг ҳазиллигини билмасдим. Хўп, майли, ишга ўтайлик. Биз Италиядан чиройли кўйлақлар олдик... Бир дақиқа... Зўр атирларимиз ҳам бор. Нима дейсиз?

– Ёмон таклиф эмас.

- Хотинингиз қандай атирларни ёқтиришини билсангиз керак?
- Тўғриси, билмайман.
- Хотинингизни бироз бўлса-да билганимда менга осон бўларди...
- Сизга “Femme” ёқадими?
- Ёқмаганида уйланмас эдим.
- Яна ҳазил қилияпсиз-а. “Femme” жуда яхши, аммо қиммат атир.
- Бир флаконини оламан.
- Совғага қанча пул сарфламоқчисиз?
- Иложи борича кам сарфлаганим маъкул.
- “Femme” минг эскудога яқин туради. Тўғри келадими?
- Келади.

Бу қизча билан нега энди ади-бади айтишиб ўтирибман? Бошқаларга ўзимнинг туриш-турмушимни тикиштиришга нима ҳақким бор? Ҳар ким ҳаётда нималарга эришишда, у ёки бу нарсага ижобий муносабатда бўлишда эркинликка эга. Бошқаларнинг тажрибаси фойда бермаслиги мумкин. Бу ҳам майли, магазинда ўзимни тарбиясиз кишидек тутдим. Одоб коидаларига риоя қилиш керак. Фернанда шундай дейди. Аммо... нега энди риоя қилиш керак? Мен қаёқдан ҳам билай... Эҳтимол, бундай қилиш ҳаётнинг муҳим қоидаси ёки ер юзида яшашнинг зарур шартидир. Нима бўлганда ҳам, моҳияти битта. Буни, тўғрисини айтсам, мен яхши биламан.

Байшедаги марказий савдо расталаридан олган майизим ёмон эмас экан. Кечгача етадиганини ғамлаб қўйдим.

Инглизлар “charity begins home” – мурувват уйдан бошланади дейишади. Бу мақолни, менингча, шаҳар четидаги хароб кулбаларда яшайдиган аёллар эрлари рўзғорга кам пул берганларида айтишарди, аммо саксофон ихтиро қилинганидан кейин, ҳукумат тепасига лейбористлар келишгач, истеъмолдан бутунлай чиқиб кетган. Бугун уни Англияда ҳеч ким эсламайди. Эслашга ҳожат йўқ. Эндиликда черковнинг ризахоналари ва турмуш қурмай ўтириб қолган қизларгина хайрия қилишади. Якшанба кунлари бу қизлар оч-наҳорларга бир нималарни тарқатишаётганини кўрганман. Уларнинг олдида кимлар келишига ҳам аҳамият берганман. Бу бечоралар уларга ким хайрия қилаётганини кўриб, арзимас ҳадяларни енгил табассум билан қабул қилишади.

Мен инглизларнинг бу мақолини бироз таҳрир қиламан: “мурувват” сўзини “одоб сақлаш”га ўзгартираман. Аминманки, ўзимнинг олдимдаки одоб сақлай олмас эканман, бу ишни бошқалар олдида мутлақо бажара олмайман.

Чуқурроқ мушоҳада юритилса, мен худди Фернандадан қаёққадир қочиб кутулишнинг иложини топа олмаётганимдек, ўзимдан ҳам қочиб кутула олмайман. Буниси энди ўта оғир иш.

Банкка кириб, зиналардан юқорига кўтариламан. Ҳар галгидек, одамлар тўпига дуч келаман. Улар аккредитив йўли билан пул, ёзган аризаларига жавоб олишга, қарз кўтариш ёки кредитни расмийлаштириш учун келишган. Ҳаммаларида мақсад шу.

Мени кутиб туришибди. Сўров аризаларини мен ёзиб берсам, уларга ижобий жавоб олишларини яхши билишади. Мен уларсиз ҳам яшай оламан, аммо уларнинг менсиз яшашлари қийин.

Учрашган пайтларимиз ҳамма бир-бирига кулимсираб қарайди. Иш кабинетининг ҳеч ким кўрмайдиган жойига пухта яшириб қўйилган виски ичилмаган бўлса ҳам...

Оғзимдаги майизни чайнаб, уйимга кираман. Қайнота-қайнонам келиб бўлишибди. Машиналари эшик олдидан сал пастроқда турибди.

Фернанда эшикни очиб, мени қўлтиғимдан олади. Бир оғиз гап айтишга ҳам қўймай, меҳмонхонага бошлайди. Меҳмонлар диванга астойдил жойлашиб олишибди.

Қайнотам менга қўлини узатади.

– Табриклайман. Сизларга совға олувдик... Маъкул келади, деб ўйлайман.

Қайнонамга ўгириламан. У менга яхши маънода, аммо тушунарсиз бир нималар демокчи бўлади.

Фернанда тараддудланиб турибди. Чунки бундай учрашувлар менинг бир оғиз сўзим билан остин-устун бўлиб, ота-онаси ўртамиздаги совук муносабатдан хабар топиб қолиши ҳеч гап эмас. Буни у яхши билади. Шу боис тиним билмайди.

– Ота-онам бизга нима совға қилишганини кўрдингми? Бу ўша – биз орзу қилган нарса. Хурсандмисан?

– Йўқ.

Фернанда кулиб, ота-онасига тушлик пайти биз совға қандай бўлса ҳам, мен уни ёқмади демаслигимга келишиб қўйганимизни тушунтиради. Сўнг менга ўгирилади.

– Сен ютдинг. Шундай совғани ёқмади деб айта олишингни ҳатто тасаввур ҳам қилмагандим.

Унинг овозидан мендан хафа бўлганини сезиб турибман.

Кийимларимни алмаштириш учун хонамга кираман. Ёстик устида Фернанданинг йирик-йирик ҳарфлар билан менга ёзган эслатма хати турибди: “Сендан илтимос, бугун кечқурун менга эътиборлироқ бўл. Ҳар куни изтиробдан қанчалар эзилаётганимни ёлғиз Худо билади. Раҳм-шафқат юзасидан мени одамлар олдида камситма. Сендан бошқа ҳеч нарса илтимос қилишга қодир эмасман”.

Раҳм-шафқат қолмади деб ким айтди?

Бечора Фернанда... Қанчалар тубанлашиб кетганман-а.

У ёш боладек, мендан ранжитмаслигимни илтимос қилмоқда.

Қанчалар пасткашман.

Болалигимда йиқилиб тушиб йиғлай бошласам, отам доим: “Тур ўрнингдан, ўғлим, эркак киши йиғламайди!”, дер эди.

Ойнага қараб, галстугимни тўғрилайман-да, ўзимга ўзим такрор-такрор уқдираман: эркаклар йиғламайди. Эркаклар йиғламайди. Эркаклар йиғламайди.

Мен эса йиғлайман.

Қўлимга совғани ушлаганча меҳмонхонага кираман.

– Фернанда, мен сенга муносиб совға қидирдим. Совға қилишни билмаслигимдан яхши хабардорсан. Мана шу атирни сенга олдим. Ёқади деган умиддаман.

Фернанда совғани очиб кўради. Қўлини узатиб мени ўпади.

Худо хайрингни берсин, Фернанда... Юрагинга яқин олма... Мени ранжитма. Сен туфайли менда мавжуд бўлган фазилатлар билан ўйнашма. Мен сен учун чин дилдан ҳаракат қилмоқдаман...

– Совға учун раҳмат. Минг бор раҳмат. Ўзим ўйлаган нарсани олибсан.

– Жуда соз. Мен сенга ёқмайди, дея қўрққан эдим.

Қайнотам ёнимга келади.

– Таътил қандай ўтмоқда?

– Деярли тамом бўлди.

– Сизнинг ўрнингизда бўлганимда, ишбилармон бирорта одамни топиб қўйиб, ўзим умримнинг охиригача мазза қилиб дам олардим.

– Бундай қилолмайман. Хохламайман ҳам. Ишни ўзим назорат қилмасам, ҳаммасини йўқотаман. Иккинчидан, менга ишлаш ёқади.

– Нималар деяпсиз. Сизнинг ўрнингизда бўлсам бутун Европани кезиб чиқардим... Мадрид, Бургос, Севилья, Париж...

– Бу шаҳарларни кўриш сизга ёқса, нега энди саёҳат қилмайсиз?

– Ёшим ўтиб қолди-да. Дўстларимни, кафени ва қарилик одатларимни бу ерда қолдириб кетишни истамайман.

– Қариликни бўйнингизга олганингизга қўп бўлдими?

Қайнотам жавоб қайтармайди. Елкаларини қисиб, кексалик ҳамманинг ҳам бошида борлиги, бундан қочиб қутулиб бўлмаслиги ва буни мен яхши билишимни менга сўзсиз уқдирмоқчи бўлади.

Қайнонам менга худди зоопаркдаги хайвонга мўралагандай қарайди. У мени аввал бошдан ёмон кўради. Унинг учун мен ўрта тоифанинг қизини яхши кўриб қолишга журъат қилолган оддий вакилиман. Тўйимиздан кейинок, қайнонам менга ҳеч бўлмаганда Фернанда даражасига етишим зарурлигини кўп бор писанда қилган. Бу иш амалга ошмаганидан кейин, унинг мени кўрарга кўзи қолмади, унингча мен сеньорлик ниқоби остига яшириниб олган оддий ҳайдовчиман. Буни унинг кўзидан яққол билса бўлади.

Қайнонам менга қандай жавоб қайтаришни билмай қолган эрига ёрдамлашиш мақсадида суҳбатимизга қўшилади.

– Фернандага совға қилган атирнинг номи нима экан?

– “Femme”.

– Жуда яхши атир. Менда ҳам бор. Сизлар ҳозир гаплашганингиздай, нега энди Мадридга бориб дам олмайсизлар? Фернанда ҳаво алмаштирарди, бир неча кишлоқ кўйлак сотиб олиши ҳам мумкин эди. Бизнинг даврамиздаги одамларнинг маълум мажбуриятлари бор. Ҳозирги авлод бўлса, уларни аллақачон ёдидан чиқариб бўлган...

– Noblesse oblige?¹

Қайнонам мен ҳазиллашяпманми ё жиддий атаяпманми – билмай, менга таажжубланиб қарайди.

– Эҳтимол сиз ҳақдирсиз. Аммо ҳақиқат шундаки, биз бу ҳаётда фақат ўзимизга ёққан нарсалар билангина шуғуллана олмаймиз. Намунали классик қайнона сифатида гапираётганим йўқ, шу вайдан ҳам сизларнинг ишингизга ҳеч қачон аралашган эмасман. Баъзан, бир нималар менга ёқмай қолганида ҳам, ўзимни ҳеч нима бўлмагандай, ҳеч нарсани сезмагандай тутаман. Фақат... буни энди айтишим керак, Фернанданинг кийиниши мени қониқтирмайди.

– Бу унинг иши.

– Фикрингизга қўшилмасликнинг иложи йўқ. Аммо сиз Фернанда билан бу тўғрида гаплашишингиз керак. Фернанда қандайдир тикувчи аёл каби кийинишини ҳатто тасаввуримга ҳам келтирмаганман. Яқинда биз Эшторилга² бордик. Замонавий қизларнинг чўмилиш кийимларини

¹ Вазиятнинг тақозосими? (французча).

² Лиссабон чеккасидаги курорт шаҳар.



кўриб хайрон қолдим. Қайнонамнинг оғзи очилиб қопти, деб ўйламанг. Мени таажжубга солган нарса шуки, оналар қизларини худди хорда ашула айтадиган солисткалар каби кийинишларига монелик қилмайдилар. Мана энди, сеньорни актрисадан ажратиб бўлмай қолди... Сизни ишонтириб айтаманки, Фернанда яхши тарбия кўрган... Мадридга боришингизга астойдил ҳаракат қилаётганимнинг боисини тушунгандирсиз?

– Мен ҳам, Фернанда ҳам Мадридга боришни хоҳламаймиз.

– Нега энди?

– Биринчидан, имкониятимиз йўқ. Иккинчидан, агар бизда хорижга бориш иштиёқи туғилганида ҳам, Мадридга бормас эдик.

– Сабаби?

– Биз саёҳат учун Европани танлаган бўлар эдик.

– Сизнингча, Мадрид Европада эмасми?

– Европада. Аммо Мадрид Лиссабон учун мисоли Порту каби хориж.

– Билиб қўйинг: Мадриддаги бугунги дўконлар Париж ёки Лондондаги магазинлардан асло қолишмайди. Менга кўпни кўрган кишилар айтишган: Мадрид эндиликда Европанинг йирик шаҳарларидан бири...

Ҳар гал қайнонам билан гаплашар эканман, ўртамизда “совуқ уруш” ҳолати юзага келади. Буни аллақачон тушуниб етганман, аммо кўпинча майда-чуйда гапларга араллашиб, худди бундан бирор фойда чиқадигандай, кичик тўқнашувлар юзага келишига сабаб бўламан. Мен ҳам, қайнонам ҳам ўзгармаймиз.

Хайрият, Фернанда олдимизга келиб, бизни чалғитди-да, навбатдаги фалокатнинг олдини олди.

Эшик тақиллади. Ҳамма янги меҳмонларни кутиб, эшикка қаради. Родригешлар келишди. Хушсурат ажойиб оила. Қайнотам ва қайнонамнинг эски танишлари. Уларни тўйимиздан бери биламан. Ичимлик куйилган қадахларни қўлларига тутқазаман. Ўзим виски ичаман. Родригеш мени четрокка буради.

– Хўш, қария, ишларинг қалай? Ўзи ҳам минг йил бўлди-ёв сени кўрганимга. Жуда афсусланарли. Яқинда сизлар тўғрингизда гапирдим.

– Наҳотки?

– Бизга маҳаллий жунта¹ учун номзодлар керак. Дўстим, биз ҳаммамиз бирор иш билан машғул бўлишимиз керак. Бунга нима дейсиз?

– Бу таклифингизни қўя қолинг, жаноб инженер. Ҳатто илтимос қилсалар ҳам бу иш билан шуғулланмайман. Мен ўзим билган иш билан бандман: шляпалар, кепкалар, қалпоқлар.

– Афсусдаман, дўстим. Сизлар танқид қилишни биласизлар, холос. Бирор ишни бошлаш пайти келганда эса, ўзингизни четга оласиз...

– Мен яхши ҳам, ёмон ҳам гапирганим йўқ, жаноб инженер. Бу иш мени қизиқтирмайди, ўзига тортмайди ҳам. Сизларни танқид қилганим тўғри, аммо нима бўлганда ҳам, маҳаллий жунтами, бошқасими, барибир бормайман.

– Мен ҳам шу ҳақда гапиряпман-да: танқид деса – марҳамат, иш деса...

Кулиб юборишдан ўзимни зўрға тияман. Мен учун ғоят кулгили ҳолат. Родригеш бўлса, нима учун кулаётганимни тушунмайди.

– Ўлай агар, нимага кулаётганингизни тушунган бўлсам. Нимаси кулгили? Вақтимга ҳам, одамларга ҳам ачиниб кетаман-да...

¹ Жунта – уюшма.

– Менга қаранг, жаноб Родригеш, мен сиз айтган нарсаларга кулаётганим йўқ, сизнинг соддалигингиз кулгимни қистатяпти.

– Соддалигим?

– Тасаввур қилинг, жаноб инженер: сиз мени айбсиз бўлсам-да, ўлимга ҳукм қилдингиз. Мен эса эртадан-кечгача бу ноҳақликни ва шундай қилишингизга асос бўлган нарсаларни танқид қиламан. Тасаввур қилдингизми? Гапларим жонига теккан қамоқхона ходими бўлса, бўйнимга солиб мени осадиган сиртмоқни яхшироқ боғлашига қарашворишимни илтимос қилади. Илтимосини рад қиламан. Шунда у: “Маҳбуслар ҳукмдан доимо норози бўладилар, менга ўхшаган бир инсофли одам уларнинг аҳволини яхшиламоқчи бўлса, илтимосини ерда қолдирадилар”, деб мендан қаттиқ ранжийди. Мени тушунаяпсизми? Менинг бу ҳикоям сизнинг соддалигингизни тасдиқлаётганини пайқагандирсиз?

– Дўстим, бироз оширвормадингизми?

– Албатта, оширвордим. Мен келтирган мисолнинг маҳаллий жунтага мутлако алоқаси йўқ. Мен уни сиз бу гапларга менинг муносабатимни тушунишингиз учун келтирдим, жаноб инженер.

– Сизларни тушуниш қийин. Майли, нима бўлса ҳам, таклифим кучида қолади. Фикрингиз ўзгарадиган бўлса, менга хабар қиларсиз...

Меҳмонхона эшиги очилиб, эр-хотин Виейралар кириб келади. Ўрта ёшли, бой-бақувват, анча йиллардан бери жамиятнинг илғор қисмига мансубликларини тан олдириш учун самарасиз курашиб келаётган оила. Ўзларининг фикрича, улар бундай мартабага тўла ҳақли.

Доктор Виейра Фернанданинг қўлини ўпиб, менинг олдимга келади. Саломлашамиз. Меҳмонларга мадери ичимлигини таклиф этаман. Бу иш жонимга тегди. Ўзимни босиш учун виски ичаман. Оғзимга майиз соламан, кейин яна, яна майиз ейман. Мени узоқдан кузатиб турган қайнонам олдига боришимга ишора қилади.

– Сиз ҳали ҳам одамлар олдида майиз ейдиган одатингизни ташламабсиз-да? Бу жуда ярамас одат. Ишонинг менга. Сизни танимаган одамлар руҳий касал деб ўйлашлари мумкин. Кўзи тушган кишига худди тирноғингизни ғажийтгандай кўринасиз. Иши юришмай қолган ёки асаби чатоқ одам шундай қилади. Мен сизга фақат яхшиликни раво кўраман. Мени тўғри тушунинг, биз ўз даражамиздан пастлашиб кетмаслигимиз керак. Хаёлимизга келган нарсани қилаверсак нима бўлишини, қандай аҳволга тушишимизни тасаввур қиласизми? Ўйлаб кўринг-а.

Ажойиб фикр. Одамлар ҳамёнларини майизга тўлдириб, кўчада сайр қилиб юришларини хаёлимга келтираман.

– Худога шукур, ҳамма ҳам майизхўр эмас. Шундай бўлганида, унинг баҳоси, биласизми...

Чўнтагимдан Байшедаги магазиндан сотиб олган бир ўрам майизни олиб, қайнонамга узатаман. У елкасини қисиб рад этади. Бир дона йирик майизни оғзига соламан.

– Жуда ширин.

– Бу сизнингча ширин, ишончингиз комил бўлсин – сизнингча ширин.

Омадим келди: хизматкор аёл кечки таом тортилганини маълум қилди. Ҳаммамиз ошхонага юрамиз. Фернанда меҳмонларга жойларини кўрсатади.

Ҳаммага кулиб қарашга ҳаракат қиламан, берилиб суҳбатлашаман.

Қайнонамнинг ҳазилларига қотиб-қотиб куламан, қайнотам нима деса, фикрига тўла қўшиламан. Сеньора Виейра яхши хизматкор аёл топиш қийинлигидан гап очади.

– Фабрикалар иш бошлаганидан кейин, аёллар саноат соҳасида ишлашга ўтиб кетишди. У ерда кўпроқ пул топишади-да, кўнгилларига келган ишни қилишади. Даҳшат. Кейин эса бу йўлни танлаганларидан афсусланишади. Улар кўп, жуда ҳам кўп нарсалар мавжуд бўлган уйларимизни ташлаб кетишмоқда, ҳайхотдай фабриканинг ҳаракатдаги бир мурватига айланишмоқда. Бетоб бўлиб қолганларида ёки бирор ташвиш бошларига тушганида билишади бизларнинг уйларимизда хизматкор бўлиб, қандай яхши яшашганини.

Қайнонам унинг гапларини маъқуллайди.

– Бугун ҳеч жойда тартиб қолмади. Ҳамма ўзим бўлсам, кўпроқ нарсага эришсам дейди. Авваллари хизматкор аёллар тикиш-бичишни, тўқишни билишарди. Энди-чи? Ҳеч нарсани билишмайди. Дазмол қилишни ҳам. Буларнинг ҳаммаси қўлларидан келганида бугунгидан кўра кўпроқ пул топишлари мумкинлиги тўғрисида ўйлаб ҳам кўришмайди. Бор гапни айтаяпман. Дам олиш кунни берсангиз, кунни шунақа бемаъни ишлар билан ўтказишадики... Бир вақтлар хизматкорларимиз рақсга тушишни билишмасди, аммо қўлларидан кўп нарса келарди. Энди бўлса, шунчаки оддий таом тайёрлашни ва самбу рақсига тушишни билишади, холос. Шу боисдан ҳам улар фабрикаларда ишлашни хоҳлашади: у ерда ҳеч ким улардан бир нима талаб қилмайди, бемалол бузуқчилик қилишлари мумкин.

Доктор Виейра кулимсираб, аёлларга ижтимоий муаммоларнинг моҳиятини меҳрибонлик билан тушунтиради:

– Гап сизлар айтаётган нарсаларда эмас, йўқ, уларда эмас. Биз даҳшатли бир замонда, ўтиш даврида яшамоқдамиз. Ҳамма нарса ўзгариб бормоқда. Бизнинг ўзимиз ҳам буви ва буваларимизга ўхшаб қолдик. Бўлаётган ўзгаришлардан кўркмаслигимиз керак.

Баҳсга қайнонам қўшилади:

– Бу айтган гапларингиз шунчаки эртак, дўстим, ҳа, ишонаверинг, эртак. Ҳаммасига сизга ўхшаган одамлар айбдор. Одамларга улар ҳазм қилишга тайёр бўлмаган мавҳум ғояларни сингдиришга ҳаракат қиласизлар. Бу дунёга, биласизми, қатъий интизом керак. Сизни ишонтириб айтаманки, авваллари хизматкор аёллар бугунги ишчи ва хизматчилардан кўра бахтлироқ эди (Қайнонам ўзининг бу монологигаги “ишчи” ва “хизматчилар” деган сўзларни талаффуз қилганида афтини буриштириб, уларнинг устидан ошқора кулаётганини яшириб ўтирмади). Авваллари хизматкор аёллар уйларимизни қолган умрларига бемалол етадиган тилла сеп билан тарк этардилар. Энди бўлса, фабрикаларда ишлаб бўлганларидан кейин бўйинларида қарз, мияларида ахлат чиқиндидан бошқа ҳеч нарса бўлмайди.

Қизикарли суҳбатга ҳисса қўшмоқчи бўламан.

– Сиз мутлақо ҳақсиз. Улар бирмунча бахтли, бирмунча эркин ва инсон деб аталишга бугунгидан кўра муносиброқ эдилар.

Қайнонам менга тикилиб қараб турибди, сўзларимни тинглаб, юз ифодамдан мен уни мазах қиляпманми ёки жиддий гапираяпманми, шуни билмоқчи. Жиддий фикр билдираётганимга ишонч ҳосил қилгач, кулиб давом этади:

– Фикрингизга кўшиламан. Уларда авваллари бўлган эркинликни бугунги эркинлик билан мутлақо солиштириб бўлмайди. Аммо, ёддан чиқармаслик керакки, эркинлик ҳаётда одамларга зарур бўладиган ҳамма нарса дегани эмас. Эркинлик бу ҳаётнинг инсонни ўзига ром қилувчи нарсаларидан бири.

– Биз яқинда, аниқроғи, кеча хизматкор аёлни зинапояда бир йигитнинг бошини айлантириб тургани учун бўшашиб юбордик. Бор-йўғи бошини айлантираётгани учун. Биз тўғри қарор қилдик, деб ўйлайсизми, дейман.

Қайнонам яна менга қарайди, кипригимни ҳам қоқмай гапираётганимни кўриб, хотиржам бўлади.

– Фернанда шундай қилган бўлса, демакки, унинг бундай қилишга етарли асоси бор. Нима бўлганда ҳам, сизларга айтишим керакки, принцип нуқтаи назаридан мен сизларнинг бу қарорингизни маъқуллайман. Биз уйда соғлом муҳит бўлишини таъминлашимиз керак, ўзимиз учун ҳам, хизматкорлар учун ҳам. Борди-ю, Фернанда зинапояда беҳаёлик қилаётган хизматкор аёлни кўриб, ўзини кўрмаганга олганида, ўша юзсизнинг шеригига айланган, ўзининг оддий мажбуриятини бажармаган бўларди.

Хизматкор аёл қаҳва олиб келди. Қайнонам менга ўгирилиб, французча шивирлади:

– On ne doit parler de ces choses devant le bonnes. Prenez garde.¹

Меҳмонхонанинг ўзидаёқ доктор Виейра рақсга тушишни таклиф этди. Таклиф ҳаммага маъқул келди. Ҳаммамиз шу яқин-орадаги меҳмонхонага йўл оламиз. Энг юқори қаватга кўтариламиз. У ердаги стол атрофида учта француз аёл худди юз йилдан бери кимдир келиб уларни кулдиришини кутишаётгандай маҳзун ўтиришибди.

Оркестр уйқусираган тўрт мусиқачидан иборат. Улар бизга табассум қилганча, бир вақтлар қайсидир мусиқачи хушчақчақ одамлар учун ёзган кўшиқни ижро эта бошлашади. Учта қария ва биз унинг тугашини кутамиз. Гоҳ-гоҳ оркестрга қараб кулиб қўямиз.

Уйқусизликдан кўзлари киртайган хизматкор, иши кўплиги шундоққина кўриниб турибди, олдимизга келди.

Ҳар сафар португалияликлар вақтичоғлик қиладиган жойларга борганимда, мени бир нарса ҳайратга солади. Бутун дунёда кабарелар кечқурунлари мижозлар билан тўлиб кетади, томоша залларида бирорта бўш ўриндиқ қолмайди. Одамлар мириқиб дам олишади, бемалол хурсандчилик қилишади. Португалияда бўлса бундай жойлардаги кечки ҳаёт кундузги ҳаётнинг давоми: зерикарли ва бир хил. Одамлар рақсга тушишмайди, дурустроқ кулишмайди ҳам. Қаҳқаҳа ўз умрини яшаб бўлгандай. Кулишдан кўркишади – кимдир кўриб қолиши мумкин-да.

Наҳотки мен ҳам шундайлар қаторига кўшилиб қолган бўлсам?

Наҳотки кулишни унутган бўлсам?

Наҳотки бутун мамлакат қулмай қўйган бўлса?

Наҳотки португалияликларни ҳамиша жиддий бўлишга, ўзларини худди ёш болалар катталарга таклид қилгандай ҳамма жойда расмий қиёфада кўрсатишга, шундай юриш-туришга мажбурловчи қонун мавжуд бўлса?

Наҳотки менинг мамлакатимда ёшлар қолмаган бўлса? Эҳ, улар қанча эди-я!

¹ Хизматкорларнинг олдида бундай гапларни гапирмаслик керак.

Нахотки биз ҳаммамиз дунё елкамизга жуда муҳим бир мажбуриятни юклаб қўйди, деб ўйласак?

Қўлимдаги вискини ичиб, газакка майиз ейман. Инженер Родригеш менга қараб кулимсирайди.

– Дўстим, ўттиз йил аввал бундай меҳмонхоналар йўқ эди, уларнинг пайдо бўлиши... ҳар ҳолда ёмон эмас.

Атрофга қараб, француз аёлларини кўраман, Фернанданинг меҳмонларига назар соламан. Жиддий жанжалли тўфон яқинлашиб келаётгани аниқ: инженер Родригеш, қайнонам ва уйқусираб ўтирган оркестр жонимга тегди. Бу ердан тез чиқиб кетгим, кўчага чиқиб, узоқ-узоқларга, масалан, Хитойга кетворгим келиб кетди. У ерда бир нималарга ишониб яшайдиган одамлар бор.

Кўп ичиб қўйдим. Бунга ўрганган эмасман. Бутун вужудимни асабий бир ҳолат чулғаб олмоқда. Ичим қизиб турибди.

Кўйлагим ёқалари остида бироз уриниб қолган эски кадрдоним – йўл-йўл гулли галстугимни тақаман.

Йиғлагим келади. Бундан нима фойда? Аммо, барибир, йиғласам дейман. Шунчаки бўлса ҳам.

Бўйнида йўл-йўл гулли галстуги бор эркакка айланаман ва Фернандадан мен билан рақсга тушишини сўрайман. У ўрнидан туради ва менга чирмашади.

– Сендан жуда хурсандман, онамнинг гапларига ғашинг келмаганига. Бу осон бўлмагандир?

– Йўғ-е, Фернанда, қийин бўлгани йўқ.

– Иккимиз тўғримизда жуда кўп ўйладим. Бир жиҳатдан, мен ютқазибман. Бир жиҳатдан олганда, албатта.

– Нимани кўзда тутаяпсан?

– Никоҳимизни.

– Биз одоб қоидаларига амал қилар эканмиз, бу ҳеч кимни қизиқтирмайди. Бу дунёда муҳим деб ҳисобланган ҳамма нарсаларнинг замирида одоб қоидаларига амал қилиш ётади. Қадим замонлардан бери одамлар айни шундай яшашади.

– Жуда кўп ичибсан...

– Нега бунга айтаяпсан?

– Яхши кайфиятинг мени алдай олмайди. Кўп ичсанг хурсанд бўласан. Биз анчадан бери эр-хотинмиз. Бунга унутма.

Бўйнида йўл-йўл гулли галстуги бор эркак чекиниб, Фернандани қўйнидан озод қилади. Залнинг ўртасига бориб ҳаммага эгилиб, кўримли куллуқ қилади. Алмиранте Рейш театрининг расмий маросимларни бошловчи ходими хаваскорлик театрининг ўртамиёна актёрини томошабинларга тақдим этаётиб ёки буниси энди аниқроқ ва энг ёмони – қишлоқ сиёсатдони Лиссабондан келган таниқли сиёсатшуносни у қишлоқ аҳолисининг ютуқ ва муаммолари мавзусидаги маърузаси олдида уни тингловчиларга таништирганидагина шундай куллуқ қилиши мумкин.

– Ўзимни таништиришга ижозат бергайсиз. Мен Фернанданинг эри бўламан. Кўпроқ ичса куладиган, аммо бундай қилишига етарли асослари бор эрман. Шундай эрманки, ўз даврамнинг типик вакилиман, ўзимни бемалол “*civis Iusitanus sum*”¹ деб таништиришим ҳам мумкин. Ўз ҳаётимдан

¹ Мен Лузитания фуқаросиман (лот).

мамнун, омади келиб учраган меҳрибон хотинидан бағоят хурсанд, аммо ундан қутулишни жуда-жуда истайдиган, шундай бўлса-да, ҳаёт лаззатларидан баҳраманд бўлишда давом этаётган эрман. Бунинг сабаби... бунинг сабаби... сабаби... шундай дейишади-да...

Фернанда бўйнида йўл-йўл гулли галстуги бор эркакка хавотир билан қарайди.

– Ўлай агар, жуда кўп ичибсан. Ишқилиб, буни бошқалар сезишмасин-да.

Бўйнида йўл-йўл гулли галстуги бор эркак яна бир бор таъзим қилади.

– Эй Худо, Худо яратган одамлар, инсон бўлиб вояга етишлари мумкин бўлган одамлар бугун қандай аҳволга тушишганини, қандай қиёфаларга кириб олишганини Худо ҳам, бошқа ҳам – ҳеч ким кўрмасин, билмасин-да. Яратган эгам билмаслиги мумкин эмас, аммо... бугун одамлар шу қадар тубанлашганки, билмаса яхши эди-да. Фернанда, сен тушундингми? Бугунги аҳволимиз ҳақида қандай қўшиқ куйлаш лозимлигини биласанми? Бу қўшиқ: “Эҳ, бизга Худонинг раҳми келсин, қаҳри келмасин...” деган сўзлар билан бошланиши керак.

Иккимиз инженер Родригеш ўтирган стол ёнидан ўтамыз. У бизга мамнун қарайди ва Фернанда билан чиройли рақсга тушганимизни айтади.

– Ёшим бўйича отангиз тенги одамман, шу маънода айтишим керакки, сизларни мамнун ҳолда кўриш жуда ёқимли. Ишонинг, чиндан ҳам рақсга тушишни қойил қилдингиз.

Бўйнида йўл-йўл гулли галстуги бор эркак кулимсираб жавоб қилади:

– Бизга ўхшаган бахтли жуфтликни ўттиз йиллар чамаси кўрмаган бўлсангиз керак?

Инженер ажабланиб елкасини қисади, бизнинг соғлиғимиз учун қадаҳ кўтаради. Аини пайтда у ножоиз сўзлари учун бўйнида йўл-йўл гулли галстуги бор эркакни унинг ёшлиги ва атрофда одамлар борлиги учун кечирганини билдириб қўйишни ҳам унутмайди...

Ётоқхонамдаман. Бу ерга киришим билан хонани олов ўраб олаётгандай бўлади. Кўчанинг нариги бетига ҳайҳотдай реклама тахтасини ўрнатишган, унинг неон чироқлари ҳар саккиз дақиқада ўчиб-ёнади. Ҳар саккиз дақиқада хонам дўзахнинг оловидай қизил рангга бўялади. Гардеробнинг ойнасида, лакланган полда рекламанинг сўзлари тескари тарзда шуълаланади: “акетопИ”, “акетопИ”...

Ойнадан қараб, реклама сўзларини тўғри ўқиш мумкин: “Ипотека. Кредитга автомобиль сотиб олиш”.

Ётоқхонам қора, қизил рангларга тўлиб, ажабтовур манзара ҳосил бўлади. Костюмимни стол устига ташлайман. Кроватнинг четига ўтириб, ботинкамни ечаман. Ойнада аксимни кўраман: танам ерга эгилган, ботинкамнинг пошнасидан ушлаб турибман.

Ўзларини ўта муҳим шахс, алоҳида зот деб ҳисоблайдиган, бошқаларникидан тамомила ажралиб турадиган шим киядиган одамлар ҳам кечқурун кроватнинг бир четига ўтириб, ботинкалари, шимлари, пайпоқларини ечишармикин? Бу ишни ўзлари қилишармикин? Агар, шундай бўлса, нега энди димоғдорлик қилишади?

Эшик тақиллайди. Жавоб беришга улгурмай хонага Фернанда ички кийимда кириб келади. Ундан атир ҳиди анқийди. Юзи помидордай қипқизил.

– Кирсам бўладими?



– Кириб бўлганингни ҳисобга оладиган бўлсак, саволинг ўринсиз.
– Сен билан гаплашмоқчиман.
– Гапир.
– Сен ҳамма нарсани чигаллаштириб юборасан, фойдаси йўқ. Мен сен билан гаплашиб, қандай аҳволда эканлигимни сенга тушунтирмоқчиман, ўзингнинг аҳволинг эса ўзинга маълум.

– Қулоғим сенда.

– Мен яна бир бор иқрор бўлдимки, сен оила аъзоларимни ва оилам билан боғлиқ ҳамма нарсаларни ёмон кўрасан.

– Шундай деб ўйлаётган бўлсанг, хато қиласан. Мен оила аъзоларингни ёмон кўрмайман.

– Фикримни тугатишга имкон бер. Илтимос, умрингда бирор марта бўлсин, гапимни бўлма. Охиригача айтиб олай. Мен сенга севгим туфайли турмушга чиққанман. Буни яхши биласан. Сени севганман, ҳозир ҳам севаман. Умид қиламанки, бу масалада сен алданаётганинг йўқ. Такрор айтаман: сени севганман ва севаман ҳам. Сен яна шунга биласанки, мен сенга ота-онамнинг раъига қарши туриб бўлса-да текканман. Улар бу никоҳ яхшилиқка олиб бормайди, дейишганди. Ҳақ бўлиб чиқишди.

– “East is east and west is west and never...”¹

– Фикримни бўлма деб илтимос қилдим. Мен сен билан танишганимда ёш эдим, ҳаётнинг нималигини тушунмасдим. Биламан, сен ҳозир кулиб, бу ибора кўк муковали романда бор, дейсан.

– Ҳамма нарсалар қандай бошланган бўлса, шундай тугайди.

– Яна фикримни бўляпсан. Майли, билганингдан қолма. Мен қандай тарбия олганимни ҳам яхши биласан. Иккаламиз ҳам биламизки, мендаги ижобий нарсалар, шубҳасиз, менинг ота-онамдан олган тарбиям, келинлик давримда мен амал қилган қоидалар, кўп эркаклар ўз хотинларида кўришни хоҳлашган фазилатларга эга бўлиш учун қилган ҳаракатларим маҳсули. Шундайми? Буни сен билмаслигинг мумкин эмас. Сендан яширмоқчи эмасман: сен ўшанда ўзингни тутишинг билан мени ром, кўзларимни кўр қилиб кўйгандинг. Сендаги барча нарсалар мен учун янгилик эди. Суҳбатларимиздаги бошқаларникига мутлақо ўхшамайдиган ғояларинг, қувноқлигинг, самимийлигинг ва... бугун энди тамомила бошқача одам бўлиб қолганинг. Буни ўзинг ҳам тасаввур қилолмайсан...

Реклама шуъласида Фернанда ётоқхонам хоналари каби гоҳ қизил, гоҳ қора ранг тусини олади. Мен хонанинг доимо қора рангга буркаладиган бурчагида ўтирибман. Қизил шуъла оёқларимнинг учигагина тушади. Фернанда кроватда, худди рангли фильмлардаги кадрдай ўтирибди. Нега энди у менга ваъз ўқиди?

– Мен сен билан бирга бўлишни, сендан қолиб кетмасликни хоҳладим. Имконим борича ҳаракат қилдим. Менга ишон, бу ишнинг уддасидан чиқа олмадим, чоғи... Сенинг қандай одамга айланиб қолганингни кўрганимда бунинг учун худди мен айбдордай ҳис қиламан ўзимни. Негалигини билмайман. Сенинг маҳзунлигингда ҳам айбим бордай. Ҳаммасига бир ўзим айбдордай... Сен билан нималар бўлаётганининг ҳаммасига... Аммо, бу ҳали энг ёмони эмас.

Фернанда паст овозда йиғлай бошлайди.

– Агар билсанг, биз бутунлай бошқача яшашимиз, бошқача бўлишимиз мумкин эди. Сен мени севишингга, севгингда барқарор туришингга умид

¹ Шарқ бу – Шарқ, Ғарб – Ғарб, улар ҳеч қачон... (ингл.)

қилса бўларди. Сен аёл кишининг тун кечалари кроватда ёлғиз ўзи ётиши нималигини тушунмайсан. Бу ҳолатни кўриб, сезиб турган хизматкор аёллар нигоҳидаги ажабланишни ҳаёлингга ҳам келтира олмайсан. Уларнинг ҳамма нарсадан хабардорлигини-чи? Нима бўлишига қарамай, мен ҳаракат қилдим, умид қилдим, уриндим...

Реклама шуъласи кроватда титраб, тўлғониб йиғлаётган Фернанданинг гавдасига тушади. Деворда “Ипотека” сўзи тескари бўлиб кўринади. Бечора Фернанда, бечора ўзим. Ўрнимдан туриб, унинг ёнига ўтираман. У бошини ёстикқа буркаганча давом этади:

– Ажрашишимиз мумкин эмас, аммо сен шуни хоҳлайсан. Иккимиз икки томонга бурилиб кетайликми? Мен нима қилишим, қаерга боришим керак? Ота-онамнинг олдига борайми? Сен менинг шунча йил бирга яшаганимиздан кейин уйимга қайтишимни хоҳлайсанми? Шу ҳақда ўйлаганмисан? Сен, ўзинг нима қиласан, нима қилмоқчисан? Яхши биласанки, мен бошқа биров билан турмуш қуришни, янги ҳаёт бошлашни мутлақо хоҳламайман. Сен бўлса мени жаҳаннамга раво қилмоқчисан. Аммо... бу ҳам муҳим эмас. Агар менда...менда... қолганида борми, бу азобларга ҳам рози бўлардим, йўк, йўк...

Фернанданинг сочларини силайман. Унда ҳам, менда ҳам бирор тўхтам йўк. У ҳам, мен ҳам бирор нарсада айбдор ёки гуноҳкор эмасмиз. Ҳар иккимизда келажак ҳам йўк. Аминманки, бугунги кунимиз ҳам йўк ҳисоби.

Фернанда азоб билан давом этади:

– Менинг диним ажралишга изн бермайди, буни сен яхши биласан. Изн берганида ҳам мен... ҳеч қачон... Энди эса... қонун изн бериши учун, агар шундан бошқа йўл қолмаса, керакли ишни қилишим мумкин. Мен учун қайси йўл тўғрилигини билмайман: шундоқ ҳам йўқотиб бўлган кишимни йўқотишми ёки сен мен билан ажраша олмаслигинг учун ҳам яшаётганингни билган ҳолда бир умр хўрланишми? Мени шу нарса – мен сенинг бор-йўғи қонунда кўзда тутилган хотининг эканлигим, бошқа ҳеч ким эмаслигимни билганим, агар биз қонун исканжасига тушиб қолмаганимизда бошқалар каби яхши яшашимиз мумкинлиги қийнайди. Сен нима деб ўйлайсан – бошқача яшашимиз мумкинми? Иккаламизнинг аҳволимиз нақадар аянчли эканини тасаввур қиласанми? Мен фақат ва фақат бир нарса ҳақида ўйлайман: биз бахтли бўлишимиз мумкин эди. Ўтмишимиздан ҳеч нарса қолмади. Ҳаммаси сароб бўлиб чиқди.

Реклама шуъласида қизил рангга бўялган кроватнинг бир четида ўтириб, деворда “Ипотека” сўзини тескари ўқиганча Фернанданинг бошини силайман.

Майли, кўнглини бир ёзиб олсин.

Изтироб яна хуруж қилади. Фернанда бошини чойшабга уриб хўнграйди.

– Тушунмайман, тушуна олмайман. Ҳеч нарсага ақлим етмай қолди. Сен ва мен, агар билсанг, шунчаки икки кишимиз. Икки киши... бошқа ҳеч нарса эмас. Бир-бири билан боғланмаган, бир-бирига даъвоси йўк, меҳр-оқибати ҳам йўк, биргаликда амал қилиши лозим бўлган қоидалари, ҳаётлари учун зарур бўладиган ғоялари ҳам йўк одамлармиз. Қонун эмиш... сенинг принципларинг, менинг тарбиям... Айт-чи, буларнинг ҳаммаси... тасаввур қилайлик – бўлмаганида, биз яхши яшармидик? Мен нимани хоҳлайман? Нима хоҳлашимни билганимда эди. Онам ҳамиша тарбияли

бўлиш, белгиланган тартибларга риоя қилиш лозимлигини уқдирарди. Бу тартиб-қоидаларни ким жорий қилган ўзи. Қонунми? Ёки қонун даража-сидаги принциплардан келиб чиқадими бу талаб? Агар кимдир аввалдан белгилаб қўйган таомилларга қатъий амал қилиш шарт бўлса, нега энди ўша қоида ва таомилларнинг ўзи бизда, масалан, сену менда йўқ? Йўқ нарсага қандай қилиб амал қилиш мумкин?

Фернандага нима жавоб қайтаришни билмайман, аммо... нималардир дейишим керак-ку...

– Ҳаммаси сен ўйлаганингдан кўра мураккаброқ, Фернанда. Ўта мураккаб. Чуқурроқ ўйлаб кўрилса, қонун ва принциплар хушхулқиликнинг ўзига хос формаси эканлигини тушуниш мумкин. Одамлар қонун ва принциплар яшириб турган нарсаларнинг ҳаммасига амал қилиш лозим, деб ҳисоблайдилар. Уларни принциплар қизиқтирмайди. Принциплар муаммонинг юзида, холос. Мен сендан бир нарсани сўрамоқчи эдим. Сен менинг бугунги аҳволимни кўриб, мен билан бирга ўтган умрингга ачинишингни, тазарру қилишингни айтаяпсан. Бунга ҳожат йўқ. “Сендаги ўзгаришлар мени шу аҳволга солди”, дея ўйлашинг ҳам керак эмас. Бу фикрга қўшила олмайман. Бундай эмас, бундай бўлмаган. Биз ўйлаганимиздан ҳам мураккаброқ...

Фернанда мени тузокқа туширмоқчи бўлади.

– Хўш, унда нима. Э Худо, нима учун шу ҳолга тушдик?

Чойшаб ёпиб, Фернанданинг ёнига ётаман. Ётоқхона деворлари қизил рангга бурканади.

Эркаклар йиғлашмайди. Эркаклар йиғлашмайди...

* * *

Ҳар куни, ҳатто якшанбада ҳам эрталаб соат саккизда тураман. Нотаниш одамлар олдида майиз емайман. Одам деган шунақа “қоидали” бўлиши ҳам керак-да. Ўрнимдан тураман-да, ойнани ҳам очмай, Фернанда уйғониб кетмаслиги учун, оёқ учида юриб, ваннахонага йўл оламан.

Ҳар кунгидан кўра кўпроқ ювинаман. Бунга сабаб бор.

Мен бугун Фернанда билан ётдим.

Ўзимга ўзим хиёнат қилдим.

Ўзимни ўзим кечира оламанми?

Ётоғингга аёл киши кириб келса, ўзида бор нарсанинг ҳаммасини сенга бахшида этиб турса, бундай саховат, бундай умумжаҳоний совғани рад қилиш қийин.

Бундай қилмай, Фернандани ўзининг ётоғига чиқариб юборганимда нима бўларди? У ўзининг гулли ички кийимида, бўйнини эгиб, аёллик шаъни қандай таҳқирланаётганидан тўкилаётган кўз ёшларини мандан яширганча хонамдан жимгина чиқиб кетарди.

Мен-чи?

Тонггача эгилган қадди кўз олдимдан кетмас, уни тушунмаганим, озгина бўлса-да, меҳрибончилик қилмаганим учун азобланиб чиққан бўлардим.

Фернанда уйғонмасидан аввал, уйдан кўчага чиқаман. Мизерикордья кўчасидан пастлик томонга юра бошлайман. “Флор ду Мунду” магазинидан майиз сотиб оламан.

Қизиқ, бирга ўтказган тунимиз ҳақида Фернанда нималарни ўйлаши мумкин?

Мен у билан муносабатимни яхшилашим мумкинлигиними? Эҳтимол, эрим, Худога шукур, инсофга кела бошлабди, дер ўзича.

Бугун яна ётоқхонамга кириб келса-я.

Уч-тўртта майизни оғзимга соламан.

Бугунги тунни бошқа бир жойда ўзказганим маъқул бўлса керак. Кечроқ унга қўнғироқ қилиб, Португа хизмат сафарига кетаётганимни айтаман. Бирорта тинишимни учратиб, у билан суҳбат асносида бир муддат Фернанда ва у билан боғлиқ ҳамма нарсани унутиш илинжида “Бразилейра” кафесига кираман. Ичкарида бирорта ҳам таниш қиёфа йўқ. Ташқарига чикиб, Нова-ду-Алмада кўчаси бўйлаб юраман. Чорраҳадан Муқаддас Николай кўчасига буриламан. “Мерриндинья” кафесига кириб, бир финжон қахва буюраман. Пештахта ёнига жойлашиб олгач, қулоғимга қахва ичиб ўтирган икки кишининг овози эшитилади.

– Бу ишни яна айлантурса бўларди. Аммо векселимнинг муддати тугаб қолди-да. Улар кафолатчини сўраб қолишди.

– Нима, топа олмадингми?

Бу савол ориқ, қўлда ўралган сигарани бурқситиб чекаётган пакана кишига берилди. У жавоб беришга шошилмади, елкаларини қисиб, оғзидан паға-паға тутун чиқарарди, бу дунёда кафолатчилар кўчаларда тўда-тўда бўлиб юрмаслигини уқдирмоқчидай бўлди.

– Йўқ, топа олмадим. Сенингча, қаердан топишим мумкин эди ўша кафолатчини?

– Родригешни танийсанми?

– Иккита таксиси бор Родригешними?

– Унинг акаси, Рибейреда дўкони бор.

– Йўқ, таниш эмасман.

– Бу одам векселларнинг муддатини узайтириш билан шуғулланади. Бекорга эмас, албатта. Ишингни битириб берса, комиссияга эмас, унга бирор нарса берарсан?

Қахванинг ҳақини тўлаб, кўчага чиқаман. Бу ерда тасодифий одамларни учратиш қийин: асосан эски пойабзалларини ялтиллайтиб тозалаган олифтанамо нусхалар, улар бу ерда банк қоғозларини тўлдиришни билмайдиган ёки бутунлай саводсиз одамларни учратиб, ўзларича ҳожатбарорлик қилмоқчи бўладилар.

Кимдир елкамга қўлини қўяди. Ёш йигит, қўлида эски ёзув машинкаси.

– Сизга криминал регистрнинг сертификати керак эмасми?

– Йўқ, керак эмас.

У бир сўз ҳам демай мендан узоқлашади ва кўчани кесиб ўтади.

Бошқа бир нусха менга илашади. Ўрта ёшларда, костюми алламбало, эски кўк кўйлагига янги ёқа қадалган. Шундай қилса, кўйлагининг умри узаяди, деб ўйлайди.

– Мабодо нотариус керак эмасми? Балким гувоҳларга эҳтиёжингиз бордир? Жиддий айтаяпман, бу ерда анча йиллардан бери ишлайман...

Кўчанинг нариги бетида ёзув машинкали йигит топган мижози билан гаплашиб турибди. У бошига шолрўмол ўраган бир неча аёлларни ўзи билан эргаштириб, кўчанинг паст томонига юради-да, бир зумда кўздан ғойиб бўлади.

Мен ҳам кўчани кесиб ўтиб, бурчакдаги Лузалита дўконнинг пештахтаси ёнида тўхтаман.

Нова-ду-Алмада ва Муқаддас Николай кўчалари кесишган бу чорраха жуда чиройли. Бу ердан бирор марта ҳам уч-тўрт дақиқа тўхтаб ўтмаган эканман.

Атрофга боқаман. Одамларни кузатаман, улар қандай яшаётганларини тасаввур қилишга ҳаракат қиламан. Кўзим янги адвокатимга тушади.

У Муқаддас Николай кўчаси бўйлаб юқорига кўтарилиб келмоқда эди. Қўлида мантия – роҳиблар ридоси, худди бир чақирим масофани чошиб ўтгандай, оғир нафас олади. Орқасидан чиройли бир қиз келмоқда. Адвокатнинг портфелини кўтариб олган.

Юқоридан туриб, уларни кузатаман.

Адвокат бошини қуйи солганча аста юриб келмоқда. Қорни гоҳ ўннга, гоҳ чапга селкиллайди. Вақти-вақти билан тўхтаб дам олади. Ёнидан одамлар ўтиб боришмоқда. Улар қайрилиб, адвокатга салом беришади, у бўлса дарҳол бошидан шляпасини олади, нотаниш одамларни учратгандек, шляпасини қўлга олишининг ўзи саломга алик дегандай, бошини сал кимиралиб қўяди, холос.

Ёнимдан худди мени кўрмагандек, кўрса ҳам, ўзини иши бошидан ошиб ётган, ҳатто кўчада ҳам бир дақиқа бўлсин чалғишга вақти йўқ кишидек кўрсатиш учун бепарво ўтиб кетади.

Бу одамда ўзини бошқаларга таъсирини ўтказа оладиган, қўли узунлигини кўрсатиш учун зарур бўладиган ҳамма нарсалар бор. Бунга шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

– Жаноб адвокат...

У тўхтади. Атрофига қараб, менга кўзи тушади. Танийди. Жиддий нигоҳи билан менга ўхшаш мижозлари кўплиги, уларни бир-биридан ажратиш мушкул ишлигини намоён этмоқчи бўлади.

Менга ажиб табассум билан қарайди. Бу билан ёдида қолганимни, аммо кимлигимни аниқ айта олмаслигини билдиради. Икки қадам юргач, кутилмаганда мен томонга ўгирилади ва дарҳол таний олмаганига узр сўрайди. Беш-олти дақиқа сўзлашганимиздан кейин у мендан фабрикаларим тўғрисида сўраб қолиши мумкин. Шундан кўрқиб турибман.

Йўлнинг ўртасида тўхтаб, менга яна кулимсираб қарайди ва мен томонга юради.

– Маъзур тутгайсиз, ишонишингиз қийин, аммо мен сизни бирданига танимабман. Иш кўплигидан миям ачиб ётибди. Кўчада кетаётиб ҳам, бир муаммо хусусида ўйлаб келаётган эдим. Сизга яқинлашганимдагина ёдимга тушдингиз. Дарвоқе, фабрикаларингиз ишлаб турибдими?

Туриш-турмушнинг кундалик эҳтиёжлари ичига ғарқ бўлган бундай нусхаларнинг ҳаммаси бир гўр...

У қўлимдан ушлаб, юқори томонга юра бошлайди. Афтидан, шу ҳолда кўчани кесиб ўтиб, суд биносига етиб олмоқчи. Аммо... бирданига фикри ўзгаради. Бу пайтда судларда полиция билан боғлиқ ҳар хил майда-чуйда ишлар кўрилади. Шундай ишлардан бирида қатнашиш учун келганини билишимни хоҳламади чоғи.

– Сиз бу ерга суд мажлисида нутқ сўзлаш учун келдингизми?

– Мен қатнашим лозим бўлган ишни суд мажлиси дейиш унча тўғри бўлмайди. Бу биз жиддий шуғулланишимиз зарур бўлган муҳим ишлардан бири, тушунгандирсиз?

– Тўғриси, тушунганим йўқ.

– Уйимиз эшик оғасининг ўғли билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлган. Сиз, дўстим бундай ҳолларда ёрдам беришни истамасам мен ҳақимда қандай гаплар тарқалишини яхши биласиз: гўё мен нафси ҳакалак отган наҳангман, катта пулли ишларни қўлга оламан, холос. Хуллас, дўстим, мен скаутлар тили билан айтганда, савобли иш билан бандман...

Суд биноти эшигига етиб келамиз. Тўхтаймиз. У менга ўгирилиб, кўлини узатади.

– Мана, етиб ҳам келдик, дўстим. Сизнинг вақтингизни олмоқчи эмасман. Қачон учрашишимиз мумкин. Балким эртага...

Атайин гашига тегмоқчи бўламан.

– Ижозат берсангиз, сизни ичкарига кузатиб қўйсам. Қиладиган ишим йўқ. Суд йиғилишида қатнашсам дегандим...

Бу сўзларимдан, сезиб турибманки, у безовта бўла бошлайди. Менинг йиғилишда қатнашишимни мутлақо истамайди. Ажабтовур баҳоналарни ўйлаб топади. Қўлидаги портфелида ўта муҳим ҳужжатлар борлигини айтиб, мен билан гаплашишга бошқа вақти қолмаганини писанда қилади.

Мен қайсарлик қилиб, сўзимда туриб оламан.

Биз деворлари кўк рангли расмлар билан безатилган йўлак бўйлаб борамиз. Зинадан аста юқорига кўтарилаемиз. Адвокат зина майдончасида тўхтаб, менга тушунтира кетади:

– Агар билсангиз, дўстим, бу кичик, арзимас бўлиб кўринган ишларнинг биз учун аҳамияти жуда катта. Шу ишлар боис, биз апелляция берганда ёки Олий судда учрашиб қолишимиз мумкин бўлган судьялар билан алоқа ўрнатаемиз... Мен жиноий ишлар билан мутлақо шуғулланган эмасман. Аммо... баъзан айрим арзимас “дело”ларни қўлга олишимга тўғри келади, ўшанда ҳам ҳаётини ҳақиқатлардан узоқлашиб кетмаслик, бунинг учун эса осмондан сал пастроққа тушиш учун шундай қиламан... Иккинчидан, шу ишлар сабабли янги судьялар билан танишиб оламан.

Зинадан кўтарилишда давом этаемиз. Кенг вестибюлга кираемиз. Бирдангина қилаётган ишимдан ўзим уялиб кетаман. Шу жойнинг ўзида, вестибюлда адвокат билан хайрлашиб кетворгим келади.

Одамнинг бирор камчилигини сезиб, уни юзига солиш – шахсий ҳаётига аралашиб, гарчи бу иш анча қизиқарли бўлса ҳам, ёпик қозоннинг қопқоғини кўтариб, ичида нима борлигини кўришдек уятли иш. Кимнингдир сирини билиб олиб, буни унга сездириш эса ўта пасткашлик. Бунинг ўрнига, мен ўзимни қанча сўраса шунча тўлашга қодир бой-бадавлат мижоз қилиб кўрсатишим тўғрироқ бўлади. Нима бўлганда ҳам, адвокатларга ҳурмат билан қараганим маъқул.

Мен унга маълум принципларга амал қилмаслик даражасига етмасдан ҳам кўзланган мақсадга эришиш мумкинлигини аниқлашим керак, холос.

Нозик жиҳатлар кўп-да.

Чўнтагимдан майиз олиб, оғзимга соламан.

Умуман олганда, инсоний фазилатларни сақлаб қолишдан ташқари биз яна нима қилишимиз керак?

Уйга қўнғироқ қиламан. Гўшакни Фернанда кўтаради.

– Сенмисан?

– Ҳа, менман. Кечки овқатга келасанми?

– Кечки овқатга ҳам, уйга ҳам келолмайман, азизам. Портудаги агентлик билан боғлиқ муаммолар чиқиб қолди. Ўша ерда бўлишим керак. Ҳозирнинг ўзида йўлга чиқаман. Машинада бориб, эртага қайтаман. Бу ҳақда сенга аввалроқ айтмоқчи эдим, аммо иложи бўлмади.

– Жомадонингни нарсаларинг билан жўнатайми?

– Йўқ, азизам, менга ҳеч нарса керак эмас.

– Ишончинг комилми?

– Албатта.

* * *

Уйида тунамаган эркак нима қилади? Табиийки, меҳмонхонага йўл олади. Машғул бўладиган бирор иши йўқ одам, бошқалар аллақачон уйига қайтиб, газеталарга кўз югуртириб бўлган, уйкуга ётишга ҳозирлик кўраётган пайтда қандай йўл тутади?

Мен шаҳарнинг ўртасида архитектура санъатининг ўта ночор кўриниши сифатида қад ростлаган “Эдем” кинотеатрига бораман. Қандай фильм намойиш қилинишининг аҳамияти йўқ, вақтни ўтказсам бўлди.

Авенида бўйлаб юқорига кўтариламан. Уйқум келаётгани йўқ, қайси меҳмонхонада қолишимни ҳам билмайман. Майер парки ёнига яқинлашганимда бир финжон қаҳва ичгим келади. Бу ерда қаерга жойлашишда эҳтиёт бўлганим дуруст.

Тўхтаб атрофга назар соламан.

Қаҳвахонанинг олдида баҳоси анча баланд бўлган эски мотоцикл ва автомобиллар турибди. Аммо улар эскилик саркити сифатида куладиган даражада эски эмас.

Усти очиладиган “зингер”лар, олти-етти йиллик “MG”лар, ўриндиқлари леопарднинг терисини эслатувчи мато билан безатилган янги “ламбретто”лар кўзга ташланади.

Бундай машиналар Майер истироҳат боғига туташ кварталларда ва қаҳвахона ёнида одамларнинг диққатини ўзига жалб этади. Ўз вақтида улар кўча-кўйда кайфичоғлиқ қилиб юрадиган болаларга тегишли эди. Уларнинг бугунги эгалари ҳам шундай бўлишга интилишади.

Бу ердаги ҳар бир машинанинг саккиз юз ёки тўққиз юз эскудолик ойлик, аммо тўхтовсиз ошиб борадиган, ҳар ойнинг сўнгги куни, охириги дақиқасида тўланадиган харажат бадаллари бор: Кипарик ва Сан-Жулианда-Барра пляжларига бориш, Алентежунинг семиз аҳолиси – улар учун яна бир шиша “Байрада” шампан виноси, паст сифатли яна бир-икки қадаҳ виски, Арейруда яна бир квартира, яна бир-икки жуфт пошнаси баланд, бурни учли туфли учун пул тўлашга ҳам тайёр.

Атрофга назар солар эканман, кундалик ҳаёт тарзига айланиб қолган бу юмушларга нафратим ошади. Кимнидир бирор гуноҳи ёки номақбул иши учун аниқ айблай олмасам-да, кўнглим айнийди, деворга қараб қусвораи деб турибман.

Кабарега кириб, бирор нарса ичмоқчи бўлдим. Менга мақбул келмаётган бу дунёни, у қандай бўлса, шундайлигича қабул қилишим учун ўз устимда ишламоқчиман.

Мен ўзимни ким деб биламан?

Нахотки мен бошқалардан кўра яхшироқ бўлсам? Бошқалар уларни кўлидан ҳеч вако келмайдиган содда-сўтак деб ўйламасликлари учун маъшуқаларини Сан-Жулиан-да-Барра пляжига олиб борадиган, қўл панжалари билан тик тура оладиган, футбол ўйнайдиган, олдига ва орқасига бир хил тезликда югурадиган, бўлар-бўлмас баланд овозда гапирадиганлардан ҳам-а?

Қаҳвахонага кираверишда турган “зингер”ларнинг эгаларидан ҳам-а?

Залнинг ўртасида эр-хотин рақсга тушишмоқда. Хотини ўзига яхшироқ қараса, бундан-да чиройли кўриниши мумкин эди. Мўйловли эри португалиянинг тунги кўнгилхушликларни ёқтирувчи ёшлари орасида урфга айланган, деярли расмий кийиниш формаси бўлиб қолган кулранг “ried de rioLe”костюмда. Улар рақснинг анча машаққат билан ўрганган мураккаб ҳаракатларини ижро этишмоқда. Ҳар иккиси бу ернинг доимий мижозларига ўхшайди. Назаримда, улар ўзларини юқори табақага мансуб деб биладилар.

Вужудимни чарчоқ қоплаб олади. Сабабини тушуна олмайман.

Виски буюраман.

Зинадан бир гуруҳ йигит-қизлар тушиб келишади. Йигитлар олинда – улар бу ерда қизларнинг ростмана дам олиши учун шароит бори-ўқлигини билишлари керак. Қизлар бўлса атайлаб, бошқаларнинг эътиборини тортиш учун ҳам хандон отиб кулиб келишмоқда. Қизлардан бири, яхшиси йигитнинг уйига борсак, у ерда яхши мусиқа тинглаш мумкин бўларди, деган гапи ҳам кулгига сабаб бўлади.

Янги келганлар жойлашишмоқда. Уйида яхши мусикаси бор йигит ҳам уларнинг орасида. Ҳаммалари бу ерга шунчаки спортча қизиқиш билан киришганини яширишмайди. Аслида улар, агарки ўзларида хоҳиш бўлса, мириқиб дам оладиган жойларни яхши билишади. Шундайку-я, лекин бундай жойларга асло боришмайди.

Менинг ўзим билан ўзим ўйнайдиган ўйинга ўхшаш бугунги ҳолатим – одамларнинг бир нималар тўғрисида қандай фикр билдиришларини, қачон бир-бирларига кулимсираб қарашларини аввалдан билиш, тахмин қилиш сира ёқмайди.

Ҳаммадан ажраб, якка-ёлғиз бўлиб қолишимдан кўрқаман, аммо, негадир, бу ўйинда асло ютқизмайман. Нега энди одамлар мен аввалдан билладиган ишларни қилишади, менга аниқ бўлиб турган гапларни гапиришади? Нега шундай?..

Яна виски буюраман.

Ёнимга ташқаридан ҳозиргина кириб келган икки жуфт эр-хотинлар келиб ўтиришади.

Мен уларнинг суҳбатларини тинглашни мутлақо хоҳламайман. Аммо бунинг иложи йўқ.

Эркак ҳамроҳларим бу ердаги жинсдошларидан фарқ қилади: улар мўйлов қўйишмаган, кулранг костюм ҳам кийишмаган. Шеригидан сал қаттароғи иккинчисига тушунтиради:

– Шунақа жойларни жиним суймайди. Нега энди бу ерга келдик?

Иккинчиси жавоб қайтаради: – Сен ўзи нимани хоҳлайсан? Аёл кишининг калласига бир нима ўрнашиб олса, минг уринганинг билан ундан қутула олмайсан. Агар хотинларимиз бу кабарени келиб кўришмаса, бизни тинч қўймасликларини ҳам яхши биласан. Бу ер ёмон жой эмас...

– Майли, сенингча бўлақолсин, аммо бу ерга бирорта танишимиз кириб қолса-чи?

– Биз hozиргина кирдик. Ярим соат ўтираммиз-да, кетамиз. Бу ерда бундан ортиқ қолиш мумкин эмас.

– Менга қолса, бу ердан hozирок кетардим. Кимдир мени кўриб қолса, эртага кўчада ёнимдан кўзини қисиб ўтади, деган хавотирдан сочим тикка бўлиб кетяпти.

Бундай одамлар йўқ жойдан муаммо қидиришади. Ўзларини эркин тутишади, уларга кимликларини айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Кўнглимга бир фикр келди: уларнинг ғашига тегиб, ҳовурларини сал пасайтириб кўйсам-чи?

Бу ерда бирор танишини кўриб қолишдан ҳадиксираб турган кишига ўгириламанд-да, кулимсирайман. У ҳам менга қараб кулимсирайди. Мен худди уни анча вақтдан бери биладигандек, кўзимни қисаман. У кўрқиб кетади. Тескарига ўгирилиб, худди ҳеч нима бўлмагандай тутмоқчи бўлади ўзини.

Орадан ярим соат ўтиб, улар кетишади.

Мен виски буюраман. Бир дона майиз ейман.

Ёнимга қора юбка, сариқ блузка кийган қиз келиб ўтиради. Бу кийим унинг ошқовоққа ўхшаш бўлиқ кўкракларини янада виқорли қилиб кўрсатади.

Ўрнимдан туриб, зинадан юқорига кўтариламанд. Официантлар таъзим қилиб мен билан жуда жозибали хайрлашишади.

Кўча совук.

Театр эшикларидан, яқинроқ бориб тикилсангиз, вужудларига витамин етишмаётгани шундоққина кўриниб турган хор қўшиқчилари чиқиб келишади. Уларни паст бўйли, ориқ, тор почали шим, бурни учли туфли кийган йигитлар олиб кетишади. Нимада денг, “зингер”, MG” ва пулининг эндигина учдан ёки тўртдан бир қисмигина тўланган, ўриндиқларига леопарднинг териси ёпиштирилган “ламбретт”ларда.

Қаҳвахона эшиги олдида иккита машина қолди. Улардан бири қора “кадиллак” тротуарда турибди. Ичкаридан иккита хор қўшиқчилари чиқишади. Ҳайдовчи эшикни очади. Қўшиқчилар ўтиришади. Улардан бири ўтиришдан олдин ҳайдовчининг юзидан ўпиб кўяди. У хурсанд бўлиб, аёлга бир нималар дейди, нималар деганини тушунмайман. Улар ўртасида шунчаки, худди яхши хизматкор аёл билан хўжайин ўртасидагидек дўстона алоқа мавжудлиги кўриниб турибди.

Тун совук. Осмонда бир парча ҳам булут йўқ.

Осмонга қараб, милтиллаётган юлдузларга қарайман.

* * *

Меҳмонхонада ҳам соат саккизда уйғонаман. Ўрнимдан тураманд, аммо офисга боришга шошилмайман: у ерга Фернанда келиб қолса, менинг Лиссабонда эканимни билиб қолади, деган хавотирим бор.

Оуру кўчасидан пастга қараб юриб, сартарошхонага кираманд. Ёнимга хўппасемиз, сочларини бўяган маникюрчи аёл келади-да, кўлимдан ушлаб етаклайди. Унинг айтишича, тирноқларимни парваришлаш лозим эмиш. Йўқ, керак эмас, дея креслога чўкаманд. Сартарош соқолимни олгунича ҳамкасби билан Мадридга боргани тўғрисида бетўхтов гаплашади.

“Мана буни шаҳар деса бўлади”.

Креслога асойдил суяниб, кўзларимни юмаман. Аммо ҳамкасбларнинг сўзлари барибир эшитилиб турибди. Энди улар бу ердан бир ой олдин бўшаб кетган маникюрчи аёл ҳақида сўзлашишмоқда.

– Эҳ, аёл бўлганимда борми... Сен Линдага бир қара. Мен у билан кинога борганман. Унда сен хоҳлаган нарсаларнинг ҳаммаси бор: квартираси бинойидек, телевизор, хизматкор аёл, йўлақда машина... Афтидан, жаноб доктор унга “карманн-гия”¹ совға қилади. Ҳаётдан яна нима кутиш мумкин?

– Буларнинг ҳаёти қандай тугаши, келажакда уларни нималар кутаётгани маълум.

– Келажаги дейсизми? Қанақа келажак? Ўша сиз айтган келажак содир бўлганида, бу капалакларнинг банкдаги ҳисоб рақамида беш марталик пул реформасига ҳам бас кела оладиган маблағ бўлади. Аммо у доктор билан узоқ вақт бирга бўлади, деган ҳаёлга борманг... Ҳали кўрасан, бу танноз узоққа боради. Эҳ, аёл бўлганимда борми? Ҳозирнинг ўзида “карманн-гия”м бўларди-я...

* * *

Терройро-ду-Пасуда

Дон Жозе хўжайинларини идораларга олиб келадиган автомобилларни кутиб турибди.

Соҳилда дарёнинг нариги қирғоғидан келган кемалардан тушаётган одамлар тўлқини кўзга ташланади. Улар кўчани кесиб ўтадилар-да, Аугуста деган жойдаги тор кўчаларга сингиб кетадилар.

Ортик тоқат қила олмайман. Фернанда билан гаплашишим керак. Мен бир қарорга келишим, аниқроғи, шундай ечим топишим керакки, у ҳар иккимизга ҳам маъқул келсин. Нега энди биз бирга яшашимиз керак? Адвокат билан яна бир марта гаплашиб олсам, яхши бўларди. Иккимизга тегишли муаммонинг бирон-бир ҳуқуқий ечими бўлиши керак-ку.

Балким Римга борарман? Аммо... нима мақсадда бораман? Орқамга қайтиб, Байшедаги “Марказий” қаҳвахонага кираман. Адвокатга кўнғироқ қилиб, учрашувимиз вақтини келишиб оламан. У энди менинг санаот соҳасида ишлашимни, фабрикаларим борлигини билади. Демак, мен буёғига у билан бемалол, ҳеч бир қийинчиликсиз, бош директор хонасидаги йиғилиш тугашини кутмай ҳам учрашув белгилай оламан.

Ҳаётнинг бунақанги икир-чикир ўйинлари одамни ўлдиради, ичидан емиради, ўзи билан ўзи қолишига йўл қўймади. Аммо... кўникишдан бошқа чора йўқ.

Агар бу “ўйин”ларда иштирок этмасам, мени жарликка улоқтириб юборишади.

“Флорешта ду Жингал”да тушлик қиламан. Иштаҳа йўқ. Аммо қаттиқ бифштекс ва яхши пиширилмаган картошкани чайнаб, қонхўр одамлардай роҳатланаман. Йўл-йўл гулли галстук тақадиган эркак бор-ку, ўша менинг иккинчи бўлагим, мени таҳқирлашни яхши кўради. Бифштекс қаттиқ. Олдингми, ейсан энди, хомкалла! Ўзингча “Мен бошқачаман, бошқаларга ўхшамайман, менда қалб бор, ғурур бор”, дея олифтагарчилик қиласан. Баъзи қилиқларинг лицейни янги тугаллаган ўқувчининг

¹ “Фольксваген” маркали автомобилнинг спортча модели.



хом-хатала қилиқларига ўхшаб кетади. Мурасага кел, шундайлигингни тан ол, бифштексингни бошқалар каби мақтаб-мақтаб тановул қил, гердайма, ҳамма ўйинчилик қиялпими, сен ҳам қўшил... Дунё “ўйин”ни биладиган, тушунадиганларга тегишли, содда-сўтакларга, ўзини покиза деб кўрсатадиган муғомбирларга эмас. Ўйинга қўшил, хумпар. Сен, ҳеч бўлмаганда, бу ишларнинг ўйинлигини, ҳамма жойда гап ўйиндан бошланиб, ўйин билан тугашини биласан, бу хусусда ўзингга ўзинг ҳисоб бера оласан-ку. Аммо...

Агар мен ўзимга ўзим ҳисоб бера оладиган бўлсам, у ҳолда ўйин деганларига ўзимда бор ва кадрлайдиган нарсаларимни, ўзимнинг бир қисмимни йўқотмай туриб, кира олмайман.

Бу ҳаёлларингни йўқот, тентак...

Бўйнимда галстук, зинадан кўтарилиб, адвокатлар идорасига кираман. У мени дарҳол қабул қилади.

Адвокат: Марҳамат, ўтиринг дўстим. Жойлашинг. Сизнинг муаммоингиз тўғрисида кўп ўйладим ва фикримча, уни ҳал қилишнинг яққаю ягона йўли – никоҳингизни ҳақиқий эмас деб ҳисобловчи қарорга эга бўлишимиз керак. Бу жуда оғир иш, аммо мақсадга эришилган ишлар ҳам бўлган...

Йўл-йўл гулли галстук таққан киши: Бу тўғрида мен ҳам ўйлаганман, аммо менда уни амалга ошириш учун етарли бўладиган асос йўқ.

Адвокат: Бу иш билан жиддий шуғулланишимиз керак, ўйлашимча, етарли асосни топса бўлади. Табиийки, ҳақиқий асосни. Сиз аллақачон тушунган бўлишингиз керак эдики, мен ноахлоқий, адолатсиз қарорларни сизга тавсия қиладиган одам эмасман.

Йўл-йўл гулли галстук таққан киши: Худо хайрингизни берсин, Сизнинг кимлигингиз ҳаммага аён, жаноб адвокат. Бу хусусда гаплашмаганимиз маъкул. Мен ҳам бирор кишига нотўғри йўл кўрсатишни ҳеч қачон ҳаёлимга ҳам келтирган эмасман...

Адвокат: Табиий. Сиз, ҳарқалай, ўша, биз топмоқчи бўлган асос тўғрисида ўйлаб кўришингиз керак. Бирор қарорга келишингиз билан, олдимга келинг, нима иш қилиш кераклигини муҳокама қилиб оламиз. Сизга тўғриси айтиб қўйишим зарур: мен, тушунган бўлсангиз, бундай ишлар кўриладиган суд йиғилишларида қатнашмайман. Шу боис, бир ҳамкасбимни ёрдамга чақиришга мажбурман.

Йўл-йўл гулли галстук таққан киши: Нимани лозим кўрсангиз, марҳамат, мен қарши эмасман.

Адвокат: Кеча мен сизга фойдаси тегиши мумкин бўлган асослар рўхатини тузиб қўйгандим. Аммо... табиийки, қарорни ўзингиз қабул қиласиз. Чунки, бу ишнинг жамики тафсилотларини фақат сиз биласиз...

У менга конверт узатади.

Зинадан жадал пастга тушаман. Бундай бўлишини мутлақо хоҳлаган эмасман. Мутлақо. Бўйнимдаги галстугимни ечиб отиб юбораман.

* * *

Чўнтагимда қолган бир дона майизни еб, кечқурун ётоғимга кираман. Майиз тугади. Тамом бўлди. Мен чарчадим. Бориб яна майиз сотиб олишни хоҳламайман.

Ётоқхонамнинг эшигини очаман. Фернанда шу ерда. У менинг кроватимда ётибди.

Ухлаяпти шекилли.

Балким, унинг хонасига бориб ётганим маъқулдир. Аста орқамга қайтиб, энди эшик олдига келгандим, Фернанда чақириб қолди.

– Сенмисан?

– Ҳа, менман, Ҳозиргина келдим. Жуда чарчаганман.

– Унда ёт.

Кроватнинг чеккасига ўтираман.

Хайриятки, дераза пардалари ёпиқ, “Ипотека”, “Автомобил сотиб олиш учун кредит” деган ёзувлар ташқарида қолиб кетган. Фернанда билан жиддий гаплашиб оладиган пайт!

– Менинг тўшагимда нима қияпсан?

– Ўтган галгидек... ўзим ҳаракат қилишим керак, деб ўйладим...

– Нега тушунмайсан, Фернанда. Сен қилаётган иш, агар билсанг – фоҳишаликнинг бир тури. Ҳар гал менинг хонамга кириб, тўшагимга ётар экансан, шу иш билан шуғулланаётган бўласан.

– Фоҳишалик билан? Менми? Нима бало, ақлдан оздингми? Эр-хотинлигимизни унутганга ўхшайсан.

– Эр-хотинликни? Ўртамизда бўлаётган ишларни сен эр-хотинлик деб тушунасанми? Йўқ, бундай эмас. Хонамга ўзинг кириб келиб, ёнимга ётдингми, демак, бу – фоҳишалик. Бошқа ҳеч нарса эмас.

– Ҳув ўтган куни кирганим-чи? Сен айтмоқчи, у ҳам фоҳишалик эдими?

– Фернанда, ўтган сафарги иш – иккимиз учун ҳам шармандалик. Ёш бола эмасмиз, муҳаббат билан раҳм-шафқатнинг, ёлғон билан ростнинг фарқини биладиган ёшдамиз, ахир.

– Демак сен... мен билан... менга шунчаки... раҳминг келгани учун ётган экансан-да?

Фернанда кроватда ўтириб, менга тик қарайди. Сухбатимиз ўзининг кўз илғамас чўққисига етган бундай пайтда бор гапни борлигича айтиш олий раҳм-шафқат ҳисобланади.

– Ҳа, Фернанда, мен сенга раҳмим келгани учун ёки дўстлигимиз боис шу ишни қилдим. Нима десанг де, майли. Бу иш ҳеч нимани ўзгартирмайди.

Биз бир-биримизга қараб тош қотиб турибмиз.

Фернандага ачинаман. Жуда ҳам ачинаман. Унинг сочларини силагим, чақалоқдай бағримга босгим, қўлларига конфет тутгим келиб кетди.

Сукунатни Фернанда бузади.

– Бугунги сухбатимиздан кейин ҳеч нарсага ҳожат қолмади. Айтган гапларинг билан менинг сўнгги умидимни ҳам йўқ қилдинг. Мени нима қилишимни истайсан?

– Билмайман, Фернанда, сенга ёмонлик келтирадиган бирор иш қилиш ниятидан йироқман. Сен ота-онангнинг ёнига қайтишни хоҳламайсан. Буни биламан. Фикримча, биз ҳар иккимизни ҳам қониқтирадиган ечим топа олишимиз мумкин. Бу тўғрида қанча ўйламайин, бирор қарорга келолмаяпман.

– Сен билан расман ажрашишни хоҳламайман, буни биласан. Сабаби, биринчидан, мен ажрашишга асос бўладиган бирор ноҳўя иш ёки гуноҳ қилганим йўқ. Иккинчидан, мен ҳамон сенинг муҳаббатингга қайта сазо-

вор бўлиш ниятидаман. Лекин мен ҳам, сен каби нима қилиш лозимлигини билмайман. Сен билан яшаб кўрганимдан кейин онамнинг дунёсига – валақлашиб ўтириб, чойхўрлик қилиш, қарта ўйнаш, кийим-кечак мавзуси, димоғдорлик оламига қайтишни хохламайман. Бошқа сабаби, мен ўзим учун ўзим пул топишим зарурлиги руҳида тарбия топмаганман.

– Сенга ўзинг учун пул топишининг ҳожати йўқ, Фернанда...

– Янглишяпсан. Мен сенинг ҳисобингга яшамаслигим керак. Агар... борди-ю мен кўчадаги... ҳалигиндай қизлардан бири бўлганимда бошқа гап эди. Биргаликда ўтказган кунларимиз менга энди ҳеч қачон, билиб қўй, ҳеч қачон ўзимга келишимга йўл қўймайди. Мен энди онам яшайдиган дунёга ҳам, бошқа ҳеч бир кишининг дунёсига ҳам тааллуқли эмасман.

– Эҳтимол биз, Фернанда, никоҳимиз Римда қонунга тўғри келмайди, деб ҳисоблармиз? Бугун адвокат менга айтдики...

– Буни ҳаёлингга ҳам келтирма. Ёлғон гапиришни хохламайман. Ўзимга қарши боролмайман, билдингми! Менинг эътиқодим сўзгина эмас.

– Бу масалани эртага, иккимиз ҳам ховримиздан тушгандан кейин муҳокама қилсак дейман.

– Яхши. Эртага гаплашамиз. Биласанми, онам мени кўчада юриб пул топишим учун эмас, оила учун тарбия қилган. Аёл кишининг ёзиғи никоҳ. Мен ўзимга ўзим савол бераман: чиндан ҳам мен никоҳ учун тарбияланганманми? Сенингча, орамиздаги можарода мен мағлубиятга учрадимми?

– Йўқ, сен ҳам, мен ҳам айбдор эмасмиз, Фернанда. Аммо... бу ишда мен мағлубиятга учраганим аниққа ўхшайди. Агар мен “ўйин”га мослашиб кетганимда, ҳаммаси бошқача бўлармиди. Менга турмушга чиққанинг сенинг хатойинг бўлди.

– Сен қандай ўйин ҳақида гапиряпсан?

– Биз ҳаммамиз ўйнаётган, аммо менинг жиним суймайдиган чигал ўйин ҳақида.

Фернанда ёқоқхонамдан чиқади. Унинг кўзларига қараб, ҳозиргина қотиллик қилганимни сезиб турибман. Мен ниманидир ўлдирдим. Уни энди тирилтириб бўлмайди. Ўлдириш – оғир жиноят.

Ўрнимга ётаман, аммо кўзимга уйку келмайди. Фернанданинг нигоҳи мени бир умр таъқиб қилади.

Эртага катта пакетда майиз сотиб олиб, ётоқхонамга яшириб қўяман...

* * *

Соат саккизда даст ўрнимдан тураман. Соқолимни ҳам олмай, зинадан пастга сакраб-сакраб тушаман. Майиз сотиб олишим керак, кейин бироз дам оламан. Фернанда билан яна бир бор гаплашиб олишга тайёрланишим зарур.

Унга қандай таклиф айтишим мумкин? Муҳими шундаки, у мен билан бирга иккимиз учун ҳам маъкул келадиган ечимни топишга рози бўлди.

Адолатли ва муносиб ечим бормикин?

– Менга 250 грамм майиз тортиб беринг.

– Шарқниқиданми?

– Йўқ, шарқникини хоҳлаганимда, ўзим айтар эдим.

Қаерга борганим маъқул?

Ўйлаб кўришим керак.

Пастга тушиб, Содре қирғоғигача деярли югуриб бораман. Ичимда ни-мадир мени янада тезроқ югуришга даъват этади. Жуда тез, жуда ҳам тез ечим топишимиз керак.

“Роял” қаҳвахонасига кириб, стол ёнига ўтираман. Қаҳва буюраман, газета сотиб оламан. Ўзимни ўқимишли киши қилиб қўрсатаётгандай варақлай бошлайман. Асабимни тинчлантириш учун аста ўқийман. Тинчланмасам, ечим топишим қийин.

“Диариу дэ Нотисиаш”нинг биринчи саҳифаси Ой ва унга томон учишга хозирлик кўраётган (ўзлари шундай дейишади) одамларга бағишланган.

Кулгим қистайди. Болалик йилларимизда газеталар нукул сайёра-лараро саёхатлар тўғрисида ёзишарди. Бугун бу иш билан катталарга мўлжалланган газеталар шуғулланишмоқда.

Одамларга Ойда нима бор экан-а?

Шу чокқача Ерда одамга ўхшаб яшашни йўлга қўя олмаганлар Ойда бир нимага эришармидилар?

Официант қаҳва олиб келади. Қаҳва идишидаги қандни қошиқча билан эзиб, қаҳва аралаштиргунимча бир дона майизни еб бўламан.

Саҳифа четидаги мақола диққатимни ўзига тортади.

Кеча кечқурун мен Фернанда билан гаплашаётган пайтимда Ердан ту-риб бошқариладиган аппарат Ойга етиб борибди.

Мен ўз ҳаётимни сақлаб қолиш учун жиддий кураш олиб бораётган бир пайтда инсоният космос учун курашда биринчи ғалабани қўлга ки-ритибди.

Нима деб ўйлашни ҳам билмайман.

Чиндан ҳам билмайман.

Қаҳвани ичиб бўлдим.

Одамлар ҳаёт бундан кейин ҳам шундай тарзда давом этишини билиш-майдими?

Лекин... Наҳотки ҳаёт шундай давом этаверса?

Наҳотки йўл қўяётган хатоларимизнинг салбий оқибатларини тасав-вур этишга қодир бўлмасак?

Ўз ҳаёти учун курашда мағлуб бўлган одам космос учун курашда ғолиб бўлиши мумкинми?

Оддий инсоний ҳаёт учун мингларча курашларда-я?

Қорним очгани йўқ, аммо тушлик пайти бўлди.

Моллюскалардан таёрланган бир бало таомга буюртма бераман. Жуда бемаза, аммо вақтни ўтказиш учун аста кавшанаман.

Ўйга толаман, аммо канча кўп ўйлаганим сари, мен ва Фернанда учун мақбул ечимни топишнинг иложи йўқлигига амин бўла бошлайман.

Чарчадим.

Адвокатнинг олдига боришга ҳожат йўқ. Ечимни ўзим топмасам, бошқа биров мен учун топиб бермайди.

Ҳисоб-китоб қилиб, ташқарига чиқаман.

Кун бўйи ўйладим, бошимни қотирдим, аммо ҳеч нарса топа олганим йўқ.

Мизерикордья кўчасидан юқорига кўтариламан.

Бошимга оғриқ туради.

Ёнимдан одамлар, автомобиллар ўтиб боради. Тўхтовсиз оқим бошим-ни янада қаттиқ оғритади.

Уйга бориб, ўзимни ўриндикқа ташлайман. Дам олишим керак. Фернанда билан гаплашмайман. Нимани ҳам гаплашар эдик.

Балким эртага...

Худойим, ўзинг йўл бер... Шундай ниятни қаердадир эшитганман.

Беихтиёр осмонга қарайман. Юқорида Ой, одамлар унга томон биринчи кадамни қўйишди. У ерда ерликлар ўз кўллари билан яратган, ниманингдир устидан ғолиб чиқиш ниятида ўйлаб топилган нималардир бор.

Янги уйга кўчиб ўтаётганимизда эски уйнинг поли ва деворларини тозалаб кетамиз. Мана энди, бошқа сайёра томон интилаётган эканмиз, Ерга сал бошқачароқ муносабатда бўлишимиз, уни ювиб, тозалаб, тартибга келтириб, одамлигимизни унутмай, яшаш учун яроқли ҳолга келтириб қўйишимиз лозимдир?

Шундай қилишимиз керак.

Худойим, ўзинг инсоф бер.

Аммо бунга менинг ҳаётлигим пайти эришиш қийин. Биздан кейин фарзандларимиз биз саранжом-саришта қилиб қўйган Ерда бемалол яшашиди, демоқчи бўламан, аммо менда фарзанд ҳам йўқ.

Ўзим яшайдиган кўчага буриламан.

Худди байрам бўлаётгандай, эшигимиз олдида турган кўплаб машиналарга кўзим тушади.

Жуда ҳам чарчаганман.

Тақдиримга тан берганим ҳам аниқ.

Бир иш қолмади.

Мен ва Фернанданинг муаммосини ечиб бўлмайди, чунки у бошқа муаммолар билан боғланган.

Балким, ечимни бугун, менинг ҳаётлигимда топиб бўлмас, кейинчалик эса...

Ким билади дейсиз...

Зинадан аста кўтарилиб, уй эшигини очаман.

Уйимиз тўла меҳмон.

Бу – Фернанданинг найранги бўлиши мумкин, чунки меҳмонларнинг олдида кечаги мавзунни кўтариб бўлмайди.

Меҳмонхонага кираман. Диванда қайнонам ва қайнотам мотам либосида ўтиришибди. Юзлари бирор яқинини йўқотган кишиларникидай сўлғин.

Уларга яқинлашаман. Қайнотам хўнграб йиғлаганча ўзини кўксимга ташлайди.

Нималар бўляпти ўзи?

Эҳтимол, улар Ойни ўзлаштириш қандай салбий оқибатларга олиб келишини билиб... Шунинг учун йиғлашаётгандир? Шунинг учун ўзларича мотам тутишаётгандир?

Йўқ, бундай эмасга ўхшайди. Ишқилиб, тинчлик бўлсин-да.

Ўзини кўксимга ташлаб увиллаб йиғлаётган қайнотамнинг елкаси оша менга яқинлашиб келаётган қайнонамга кўзим тушади. Юзи шу қадар қаҳрлики, у мен унинг қизига уйланган бўлсам ҳам, сеньорларга ўхшаб кийиниб юрсам ҳам уни ҳеч қачон алдай олмаслигимни, аслида икки пулга қиммат ипирискилигимни юзимга очиқ айтишга чоғланган кезлари шундай ҳолга тушарди.

Чиндан ҳам, бу ерда нималар бўляпти ўзи?

Бирор кор-ҳол юз берганга ўхшайди, деган ҳаёл келди кўнглимга. Бирданига шундай бўлса керак, дея ўйлана бошладим.

Фернанда қаерда?

Қайнотам мени кўйвориб, ёнимда изиллаб йиғлаб турибди.

Ниҳоят, қайнонам тилга киради.

– Келганингиз яхши бўлди, биз сизни тўрт соатдан бери қидирамиз.

– Нега энди? Тинчликми? Фернанда қаерда?

Қайнотам муштларини янада қаттиқ тугиб, дод солиб йиғлай бошлайди.

– Фернанда нега кўринмаяпти? Қаерда у?

Қайнонамнинг қиш қаҳридай совуқ овози эшитилади:

– Фернанда энди сиз уни бошқа безовта қилолмайдиган жойда.

Бир зумда ҳаммаси равшан бўлди.

Фернанда оламдан ўтибди.

Нима бўлганини билмайман, аммо мен уни ҳеч қачон кўра олмасам керак.

Қайнонам азабаройи ғазабга тўлиб, дарахтларни кўпоргудай, ҳосилни нобуд қилгудай овозда давом этади:

– Эшитдингизми ўзи? Эшитмаган бўлсангиз, билиб кўйинг: Фернанда яхши одамлар сафига бориб кўшилди. Сиз уни энди ҳеч қачон безовта қила олмайсиз.

Кўзимни катта очиб, менга қаҳр билан қараб турган мотам либосидаги аёлни кўраман. У менга яқинлашиб, кичик тугунчани узатади.

– Бу Фернанданинг сизга сўнгги совғаси. Олинг. Сизга экан. Машина уриб кетганида қаерга бораётганини биласиз. Билмасангиз... билиб кўйинг...

У тугунчани менга узатади, аммо кўли қалтираб тугунча тушиб кетади. Ерга энгашганча янада баттар йиғлай бошлайди. Тугунча столнинг оёғига урилиб очилиб кетади.

Майиз полга сочилади.

Бир неча доналари ботинкамнинг ёнигача етиб келди.

Шаҳд билан ўгирилиб, коридорга чиқаман. Одамлар саф бўлиб туришибди.

Ётоқхонамга кираман. Деразани очаман.

Фернанда ҳалок бўлибди.

Эҳ, Худога ишонмайдиган одамлар ҳам бор-а.

Худо ёдимга тушади. Ҳозир нималар ҳақида ўйляяпман? Наҳотки шу фожиа сабаб эркинликка эришганим учун ундан миннатдор бўлаётган бўлсам?

Одам дегани шунчалар ҳам тубанлашиши мумкинми?

Ҳаёт бизни не кўйларга солади-я!

Фернанда менга майиз сотиб олмоқчи бўлган. У сотиб олган майиз доналари ботинкамнинг олдигача етиб келди.

Ўзимни кроватга ташлайман. Ҳеч қачон ўзимдан ўзим бу қадар нафратланган эмасдим.

Эркаклар йиғламайди.

Улар йиғламайдилар.





РОБЕРТ РОЖДЕСТВЕНСКИЙ

(1932–1994)

Рус тилидан
Музаффархон МАМАТХОНОВ
таржимаси

* * *

Кичик бир
бешафқат заминда
Яшаб ўтар эди
кичик бир одам,
Кичик эди унинг
иш лавозими
Ихчамгина эди
портфели, ҳатто
Маоши ҳам
шунга яраша.
Кунларнинг бирида –
Сокин саҳарда –
Деразасин чертиб
чорлади, ногоҳ
Кичикдай кўринган
даҳшатли уруш...

Кичик бир автомат
берилди унга.
Кичик бир этик ва
кичик бир каска
Кичиккина шинел
бўйига мослаб...

Аммо у йиқилгач бехос,
тўсатдан,
Хужумга ташланиб
хайқирган чоғи,
Ёвга гижинганча
бўлиб қолгач жим
Етмади ер юзин
мармар тошлари
Бўй- бастига ҳайкал
ўймоқлик учун!

ЖОКОНДА

Қанчалар кўп
билар мен ҳақда
бу аёл!..
Сезаман:
Пистирма
гижирлар
ҳар ён!
Таралгай шамолнинг хушбўй ифори.
Ранг олар қорамтир шарбатдек дарё.
У менинг беҳаё фикримга,
Ёприлар хаёлий, қиров мисоли.



У жойда – имкон йўқ ўтмоқлик учун,
 Жонсиз ўт-ўланлар, чакалакзор гиж.
 У жойда изгир гунг шафқатсиз қўрқинч.
 У жойлар гўёки ярим тундан сўнг
 Хувиллаб қолгандай суронли вокзал.
 У келиб урилар кўзга тиз каби,
 бехосдан кўринган шарпа галма-гал!..
 Буларнинг ҳаммаси айтилган унга.
 Пичирлаб,
 бўрттириб,
 ҳайрат шавқиди...
 Қанчалар кўп билар бу аёл
 менинг ҳақимда!..
 Шаббода кўтаргай боғ қадларини,
 Қутура бошлагай мушуклар...
 Ва биз яна росладик, мана
 Товусларнинг нозик патларини.
 Гоҳ тўю томоша, гоҳида аза
 Узилиб, узилиб ўтгайдир йиллар...
 Биз эса у ҳақда – кўз қисиб ҳамон
 Дегаймиз: эй гўзал!
 Юр!
 Юргин! – шарқироқ оқимлар томон.
 Юр! – елвизак сари.
 Шошил! – тунги майхоналар
 ланг очиқ, ахир!
 Бизнинг измимизда уларнинг бари
 Чириб кетмагунга қадар бу аср!..
 У эса хоҳламас сўзлашни.
 Боқар юксакдан.
 Чорасиз.
 Киборли ...
 Тақдир ўти аччиқ,
 аримайдир, бас.
 Қанчалар кўп билар бу аёл,
 фақат индамас.

ВАҚТ НИСБАТИ

Юлдузлар сочилар тўсатдан
 Гўёки бебошвоқ оломон,
 Ёзнингми, қишининг қоқ белида
 Куз пайдо бўлгандай ногаҳон.
 Гарчандки икки пок юракнинг
 Беозор уриши муҳимдир,
 Ундан-да муҳимроқ, сабаби
 Муқаррар бу – вақт нисбати.

Мен оддий яшадим, жўнгина
 Ва бефарқ бўлмадим севгига,
 Шеър ёздим сен учун беминнат
 Юборгум яна ўн саккиз хат.
 Сен бирдан олмайсан уларни
 Боиси бу – вақт нисбати.

Югургим йўл бўйлаб тонг саҳар
Гар нафас олсам-да оғирроқ,
Ўзимни ишончга тўлдириб,
Тошириб боргайман мен бироқ,
“Севаман” деб қандай қичқирай,
“Севаман” дейишинг маҳолдир,
Олисдир туйғулар, сабаби
Шубҳасиз бу – вақт нисбати.

Йўлимни тўсадир кун нури,
Тўсадир бетиним шамоллар.
Кўрқитмоқ бўладир, йўлимга
Гов бўлиб баҳайбат гунг тоғлар.
Кўз тутма, қўнғироқ қилмайман,
Сабр қил, бу тақдир қисмати,
Мен четлаб ўтаман говларни
Беилож қолар вақт нисбати.

* * *

О, шоирлик иши!
На мисралар тўқис,
На сатрлар соз...
Кўниккан ўқувчи,
Чидар оқ қоғоз.
Истаса ўтказар
галвирдан сувни,
Истаса ёзайми
Уними, буни,
дея беҳафсала
ўтказар кунни.
Қофия баҳсини
ўйнар истаса,
Ё қилиши мумкин
унинг аксини.

Шундай телбаликлар
қиларки, ҳатто
Ҳайратдан танқидчи
огзини очиб,
Унутар юмишни,
Эс-ҳуши қочиб.
Насиб этган унга
шундайин амал.
Мен-чи, қандай ростгўй
бўлай ҳар маҳал?
Қандай кирсам бўлар
Эшикни қоқмай
Уйларингизга.
Қандай кирсам экан
Қитмирликларсиз
Юрагингизга?!





DRAMA

БЕРТОЛЬД БРЕХТ

(1898–1956)

СИЧУАНДАН ЧИҚҚАН МЕҲРИБОН¹

(пьеса-парабола)

*Рус тилидан
Жамол КАМОЛ
таржимаси*

VI

Шаҳар чеккасидаги арзон ресторанинг алоҳида хонаси. Официант тўйга келган меҳмонларга шароб қуяди. Шен Де ёнида қария, келинчак, қиз жиян, Шин ва ишсиз киши туришибди. Бурчакда ёлғиз Бонза кутиб ўтирибди. Олдинги планда Сун онаси Ян хоним билан гаплашмоқда. У қора смокингда.

СУН. Ойи, бир оз нохушлик юз берди. У ўзига хос соддалик билан, дўконни сотолмайман, деди. Қандайдир кишилар у қарзга олиб, сенга берган икки юз кумуш долларни талаб қилишибди. Амакиваччаси қарз учун орада тилхат йўқ, деб ўзи менга иқрор бўлган эди.

ЯН ХОНИМ. Сен унга нима дединг? Сен, албатта, унга уйлана олмайсан.

СУН. Бу гапларни унга гапириш фойдасиз. У жудаям тўмтоқ. Мен амакиваччасига киши юбордим.

ЯН ХОНИМ. Амакиваччаси уни сартарошга бермоқчи-ку.

СУН. Мен бу гапларга барҳам бердим. Сартарошнинг ҳам қораси ўчди. Энди амакиваччаси ҳам ўйлаб кўради, бас, икки юз кумуш доллар менинг кўлимда экан, дўконнинг ҳам куни битди, у берилган қарз учун гаровга олинади. *(Лекин у яна ўйлайди)* Тагин уч юз олмасам, мен учолмайман.

ЯН ХОНИМ. Чиқиб, мен уни кўчада пойлаб тураман. Сен келиннинг ёнига бор, Сун!

ШЕН ДЕ *(томошабинларга)*. Мен унга ишониб, адашмадим. У кайфиятини сира бузмади. Албатта унга учишдан воз кечиш оғир. Лекин у ўзини тетик тутаяпти. Мен уни севаман. *(Бош ишораси билан Сунни ўз ёнига чақиради)* Сун! Сен келин билан ҳали қадаҳ уриштирмадинг.

СУН. Хўш, нима учун ичамиз?

ШЕН ДЕ. Келажак учун.

Ичадилар.

¹ Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

СУН. Куёв костюмни ижарага олиб юрмасин.

ШЕН ДЕ. Келин гоҳи ёмғирда қолиб, кўйлаги ивिसа ҳам майли...

СУН. Энг яхши орзулар учун!

ШЕН ДЕ. Улар тезроқ рўёбга чиқсин!

ЯН ХОНИМ (*ташқарига чиқаётиб, Шинга*). Мен ўғлимдан беҳад хурсандман. Мен унга ҳамиша, истаган қизингга уйланасан, деб айтар эдим. Нега дейсизми? Ахир, у механик ва учувчи. У ҳозир менга нима дейди денг? Ойи, мен севиб уйланыпман. Пул бу ҳали ҳамма нарса эмас. Бу – севгига суянган никоҳ! (*Келинчакка*) Бир кун эмас, бир кун шундок бўлиши керак-ку.

Шундок эмасми? Аммо онага осон тутманг. Ҳа, осон эмас. (*Бонзага, баланд овозда*) Жоним, жудаям шошилаверманг. Маросимни ўтказишга кетган вақтингиз қадар вақт сарфлаб, ҳақингиз учун талашсангиз, шубҳасиз, у анча ортган бўларди. (*Шен Дега*) Биз бироз кутамиз, азизам. Мўътабар меҳмонлардан бири ҳали келмаган. (*Ҳаммага*) Узр. (*Кетади*)

КЕЛИНЧАК. Май бор экан, кутаверамиз.

ИШСИЗ. Шошилиб, қаёққа ҳам борамиз.

СУН (*баланд овозда, ҳазиломуз*). Никоҳ олдидан сени бир имтиҳон қилиб кўрмоқчиман. Никоҳлар яшин тезлигида ўтказилаётган ҳозирги замонда бу иш фойдадан холи эмас. (*Меҳмонларга*) Хотиним қанақа одам ўзи, мен билмайман. Мана шу нарса мени ташвишлантиради. Хўш, айтчи, уч дона чой баргидан беш пиёла чой тайёрлай оласанми?

ШЕН ДЕ. Йўқ.

СУН. Демак, мен чойсиз қолар эканман. Хўш, кафтдек курсига чиқиб, ёта оласанми?

ШЕН ДЕ. Иккимизми?

СУН. Ёлғиз ўзинг.

ШЕН ДЕ. У ҳолда – йўқ.

СУН. Мана, пешонамга қандай хотин битганини кўриб кўйинг.

Ҳамма кулади. Шен Денинг елкаси оша, эшикда Ян хоним кўринади. У қутиллаётган меҳмондан дарак йўқ, деб Сунга елкасини қисади.

ЯН ХОНИМ (*соатини кўрсатаётган Бонзага қараб*). Намунча шошиласиз? Яна жиндак кутамиз, холос. Қаранг, ҳамма ичиб, чекиб ўтирибди, ҳеч ким шошилаётгани йўқ. (*Меҳмонлар ёнига келиб ўтиради*)

ШЕН ДЕ. Ишни саранжомлашни бир гаплашиб олсакмикин?

ЯН ХОНИМ. О, марҳамат қилиб, бугун ишдан оғиз очманг. Тўй совиб қолади, шундок эмасми?

Кўнғироқ чалинади. Ҳамма ўғирилиб эшикка қарайди, аммо ҳеч кимдан дарак йўқ.

ШЕН ДЕ. Ойинг кимни кутаяпти, Сун?

СУН. Бу ҳозирча сир. Айтмоқчи, амакиваччанг Шой Да қайларда юрибди? Биз у билан чиқишиб қолдик. Жуда ақлли йигит! Калласи ишлайди! Нега индамайсан?

ШЕН ДЕ. Билмадим. Мен у ҳақда ўйлашни истамайман.

СУН. Нега энди.

ШЕН ДЕ. Сен у билан чиқишмаслигинг керак. Мени севсанг, уни севолмайсан.

СУН. Унда амакиваччангни жин урсин. Қани, ич! (*Зўрлаб ичиради*)

КЕЛИНЧАК (*Шинга*). Тўйга ўхшамаяпти.

ШИН. Сиз нима деб ўйловдингиз?

БОНЗА (*шартта ўрнидан туриб, Ян хонимга яқинлашиб, унга соатини кўрсатиб*). Мен кетишга мажбурман, Ян хоним. Бугун яна битта тўй бор, эртага эрталаб дафн маросими.

ЯН ХОНИМ. Пайсалга солиб ўтириш менга хуш ёқади деб ўйлайсизми? Биз бир кўза шароб етади, деб ўйлагандик. Қаранг, кўза бўм-бўш. (*Баланд овозда Шен Дега*) Ҳайронман, азизим Шен Де, амакиваччанг нега бизни шунча куттириб қўйди?

ШЕН ДЕ. Амакиваччам?

ЯН ХОНИМ. Азизим, биз ўшани кутаяпмиз. Мен эски расм-русумлар тарафдориман, шундоқ яқин қариндошинг тўйда бўлиши шарт.

ШЕН ДЕ. О, Сун, бу ҳалиги уч юз кумуш доллар учун!

СУН (*унга қарамай*). Нима учунлигини эшитиб турибсан. У эски расм-русумларни севади. Мен буни ҳисобга олишим керак. Яна чорак соат кутамиз, келмаса, жин урсин, ўзимиз бошлайверамиз!

ЯН ХОНИМ. Албатта, ҳамма эшитган бўлса керак, ўғлим почта самолёти учувчиси бўлиб ишга жойлашяпти. Бу мени қувонтиради. Бу замонда ишлаб, кўпроқ пул топиш керак.

КЕЛИНЧАК. У Пекинда яшайдими?

ЯН ХОНИМ. Ҳа, Пекинда.

ШЕН ДЕ. Сун, энди Пекинга боролмайман деб ойингга айтишинг керак.

СУН. Агар гапларинг бир жойдан чиқса, буни унга амакиваччанг айтади. Менимча, у бошқача фикрда бўлса керак.

ШЕН ДЕ (*қўрқиб*). Сун!

СУН. Сичуанни кўрарга кўзим йўк! Кўз қиримни ташласам, бу ердаяқ биласанми, менга нима бўлиб кўринади? Қирчанғи от бўлиб. Улар бошларини у ёқдан-бу ёққа силтагани-силтаган: вой, устимизда нима тарақляпти? Йўғ-ей? Биз энди керак бўлмай қолдикми? Бу қанақаси? Вақтимиз битдими? Майли, улар бу ўлакка шаҳарда бир-бирини гажийверсин! Биз бу ердан чиқиб олсак, бас!

ШЕН ДЕ. Аммо мен пулни қайтариб бераман, деб ваъда қилдим.

СУН. Буни боя айтдинг. Шундоқ нодонликка борасанми, а? Яхшиям, амакиваччанг келади. Ич ва ишни қандай битиришни бизга қўйиб бер! Биз ҳаммасини тинчитамиз.

ШЕН ДЕ (*жигибийрон бўлиб*). Ахир, амакиваччам келолмайди!

СУН. Нега келолмас экан?

ШЕН ДЕ. У ҳозир бу ерда йўк.

СУН. Хўш, унда айт-чи, энди қандоқ яшаймиз?

ШЕН ДЕ. Ўйлайманки, сенда анави икки юз кумуш доллар турибди. Уни эртагаёқ эгасига қайтариб, тамакини сақлаб қоламиз, тамаки қиммат, уни цемент заводи дарвозаси олдида пуллаймиз. Йўқса, ярим йиллик ижара ҳақини тўлаб бўлмайди.

СУН. Буни каллангдан чиқар! Тамом, унут! Мен, учувчи Ян Сун, кўчада, цемент заводи ишчиларига тамаки сотаманми? Ундан кўра ўша икки юз кумуш долларни бир кечада совуришим ёки сувга оқизишим афзал эмасми! Амакиваччанг менинг кимлигимни билади. Мен у билан келишганман, у тўйга деб яна уч юз келтиради.

ШЕН ДЕ. Амакиваччам келмайди.

СУН. Келади, келмай иложи йўқ.

ШЕН ДЕ. Мен бор жойга у оёқ босмайди.

СУН. Ғалати-ку!

ШЕН ДЕ. Сун, кулоғинга қуйиб ол: у сенга дўст эмас. Сени мен севаман. Амакиваччам Шой Да ҳеч кимни севмайди. У менга дўст, аммо дўстларимга дўст эмас. У учувчи бўлиб жойлашарсан, деб чол-камбирнинг пулини олишинга рози бўлди. Лекин тўйга деб у уч юз кумуш доллар келтирмайди.

СУН. Нега келтирмас экан?

ШЕН ДЕ (*унинг кўзларига тикка боқиб*). Унинг айтишича, Пекинга ёлғиз битта чипта олганмишсан.

СУН. Кеча шундоқ бўлган эди, аммо бугун мен унга кўрсатишим мумкин! (*Кўкрак чўнтагидан иккита қозонни чала-ярим чиқзади*). Камбир кўриб қолмасин. Пекинга бир жуфт чипта, иккимизга. Сен ҳали амакиваччанг бизнинг никоҳимизга қарши деб ўйлайсанми?

ШЕН ДЕ. Йўқ. учувчилик – яхши касб. Менинг энди дўконим йўқ.

СУН. Сени деб мебелни сотдим.

ШЕН ДЕ. Бас, бошқа гапирма! Билетларни кўрсатма! Ҳозир шундоқки, ҳамма нарсадан кечиб, сен билан кетиб қолишим ҳеч гапмас. Ох, Сун, сенга уч юз доллар беролмайман, чол-камбирни ўйласанг-чи!

СУН. Сен мени ўйласанг-чи!

Пауза

Яхшиси, ич! Ёки сен эсли-хушли хотинларданмисан? Менга ақлли хотин керак эмас. Мен ичсам, гўё яна учаман. Сен ҳам ич, балки шунда тушунарсан мени.

ШЕН ДЕ. Мени тушунмайди деб ўйлама, сен учмоқчисан, мен эса ёрдам беролмайман, мана шуни тушунмайсан.

СУН. “Мана, самолёт, севгилим, лекин битта қаноти бор!”

ШЕН ДЕ. Ҳалол йўл билан Пекиндаги ўша жойга жойлашиб бўлмайди. Шунинг учун мен ҳалиги икки юз кумуш долларни қайтариб олишим керак. Ҳозироқ пулни бер, Сун!

СУН. “Ҳозироқ пулни бер, Сун!” Нималар деяпсан? Менга хотинмисан ёки йўқ? Мени сотаяпсан-ку, наҳотки тушунмасанг? Ҳайриятки, бахтимизга, бу ёғи сенга боғлиқ эмас, ҳаммаси аллақачон ҳал қилиб қўйилган.

ЯН ХОНИМ (*совуқ оҳангда*). Сун, келиннинг амакиваччаси келади деб ишонасанми? У бу никоҳни истамайди, шунинг учун ҳам келиши даргумон.

СУН. Нималар деяпсиз, ойи! Биз у билан шундоқ қалинмизки, орадан қил ўтмайди. Мен эшикни ланг очиб қўяман, токи у дўстининг тўйига келиб, бизни дарҳол топиб олсин. (*Эшикка бориб, уни тегиб очади. У қўп ичиб қўйган, энгил чайқалиб изига қайтади, Шен Денинг ёнига ўлтиради*) Кутамиз. Амакиваччанг сендан ақлироқ. Севгини ҳаётдан ажратиб бўлмайди, деб жуда тўғри айтди. Энг муҳими, бу ишлар оқибатида ҳам эрсизу ҳам дўконсиз қолишингни у яхши билади.

Ҳамма кутади.

ЯН ХОНИМ. Келаяпти!

Оёқ товушлари эшитилади, ҳамма эшикка тикилади, оёқ товушлари узоқлашади.

ШИН. Жанжал бўлади. Сезаяпсизми? Келин тўйни, куёв унинг амаки-ваччасини кутаяпти.

СУН. Амакивачча жаноблари шошилмайдилар.

ШЕН ДЕ (*секин*). Оҳ, Сун!

СУН. Чўнтагимга бир жуфт чиптани солиб, санокни ҳам билмайдиган бир нодон билан қаққайиб ёнма-ён ўтиришимни қаранг! Бир кун эмас, бир кун полицияни уйимга бошлаб келиб, мендан икки юз долларни талаб қилишингни олдиндан кўриб турибман.

ШЕН ДЕ (*томошабинларга*). У яхши одам эмас, менинг ҳам шундоқ бўлишимни истайди. Уни севадиган мен ёнида ўтирибман, у эса амакиваччамни кутади. Аммо менинг агрофимда аламзадалар – касалманд чолу кампир, эртага дўкон эшигида бир коса гуручга кўз тикиб турувчи камбағаллар, иш жойим қўлдан кетмаса эди, деб кўрқиб-қалтираб юрувчи пекинлик нотаниш учувчи ўлтиришибди. Улар ҳаммаси менга суянади, шунинг учун мени муҳофаза этади.

СУН (*ишша кўзага тикилиб қарайди, кўзада шароб қолмаган*). Шароб солинган кўза – бизнинг соатимиз. Биз камбағал кишилармиз, меҳмонлар шаробни ичиб тугатишибди, демак, соатимиз энди бутунлай тўхтаб қолибди.

Ян хоним унга “жим бўл” деб ишора қилади, яна оёқ товушлари эшитила бошлайди.

ОФИЦИАНТ (*қиради*). Яна шароб келтирайми, Ян хоним?

ЯН ХОНИМ. Йўқ, менимча етади. Шароб кишини бўшаштириб юборади, шундоқ эмасми?

ШИН. Пули ҳам озмунча эмасдир.

ЯН ХОНИМ. Мен шароб ичсам, нуқул терлайман.

ОФИЦИАНТ. Унда ҳисоб-китоб қила қолайлик?

ЯН ХОНИМ (*унга қулоқ солмай*). Жаноблар, яна жиндак сабр. Келиннинг қариндоши ҳозир йўлда бўлса керак. (*Официантга*) Халал берма!

ОФИЦИАНТ. То ҳисоб-китоб қилинмас экан, мен ҳеч кимни қўйиб юбора олмайман.

ЯН ХОНИМ. Мени бу ерда ҳамма танийди.

ОФИЦИАНТ. Шунинг учун ҳам қўйиб юбора олмайман.

ЯН ХОНИМ. Тавба! Бугунги хизматкорлар шунақа! Сен нима дейсан, Сун?

БОНЗА. Яхши қолинглар! (*Виқор билан юриб, чиқиб кетади*)

ЯН ХОНИМ (*жигибийрон бўлиб*). Қимирламанглар! Руҳоний ҳозир қайтиб келади.

СУН. Ойи, бўлди, бас қилинг энди. Жаноблар, руҳоний кетиб қолгач, сизларни ортиқ тутиб туrolмаймиз.

КЕЛИНЧАК. Юринг, бобожон!

ҚАРИЯ (*стаканни бўшатиб, жиддий*). Келиннинг соғлиги учун!

ҚИЗ ЖИЯН (*Шен Дега*). Ундан ранжиманг. Юракдан чиқазиб айтди. У сизни яхши кўради.

ШИН. Ана шармандалик!

Барча меҳмонлар кетади.

ШЕН ДЕ. Мен ҳам кетсаммикин, Сун?

СУН. Йўқ, сен кутиб турасан. (*Унинг рўмолдан силтаб тортади, рўмол бир тарафга қийшайиб қолади*) Ёки бу сенинг тўйинг эмасми? Мен

кутаяпман, кампир кутаяпти. Чамамда, у ҳали ҳам кўкда учган лочинни кўрмоқда. Рост, мен ишонаман, бу муқаддас Ҳафшанба куни рўй беради: унда онам эшикка қараб юради, шу пайт унинг томи устидан ўғлининг самолёти гумбурлаб учиб ўтади. (*Бўм-бўи стулларга қараб, гўё уларда ҳали ҳам меҳмонлар ўтиргандай*) Хонимлар ва жаноблар, нега ширин суҳбатни давом эттирмаяпсиз? Ёки бу ер сизга ёқмаяптими? Тўйни бироз кечиктирдик, сабаби, бир мўътабар меҳмон ҳаяллаб қолди, бунинг устига – келин ҳали муҳаббат нималигидан беҳабар. Сизларни бироз овунтириб туриш учун мен – куёв ҳиргойи қилиб бераман. (*Куйлайди*)

МУҚАДДАС ҲАФШАНБА ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

*Кимда ким камбағал бешикка ётмиш,
Шу сирли алланинг завқини тотмиш.
Соҳиби тахт бўлар камбағал бир кун,
Деган қўшиққа у ишонмиш бутун.
Бу қутлуғ Ҳафшанба куни рўй берар,
Ўша кун камбағал тахтга ўлтирар.*

*Ўша кун қабоҳат бўғилар буткул,
Ўша кун эзгулик очилар гул-гул.
Қўлни қўлга бериб хўжайин, қарор,
Шаробхона сари боришар хушҳол.
Муқаддас Ҳафшанба куни муқаррар
Қилтириқ семизнинг меҳмони бўлар.*

*Анҳор суви оқар ортига равон,
Ёмонлар кўринмас, ҳамма меҳрибон.
Ўша кун барчага роҳат бўлар, бас,
“Ҳа, бўл!” деб бировни биров ниқтамас.
Муқаддас Ҳафшанба куни муқаррар
Ер юзи жаннатдек яшинаб-ярқирар.*

*Ўша кун генерал бўларсан тайин,
Мен эсам, кўкларга учардим лекин.
Ваннинг оғриқ қўли тузалиб тамом,
Сен ҳам тиниб-тинчиб, олардинг ором.
Муқаддас Ҳафшанба куни эҳтимол,
Сен ҳам тиниб-тинчиб қолардинг, аёл.*

*Ортқ қутолмаймиз, тугади бардош,
Заҳматкаш инсонлар, барча қари-ёш
Қутлуғ Ҳафшанбани талаб қиламиз,
Қутлуғ Ҳафшанба кун келақолсин тез,
Токи дам олайлик биз ҳам бемалол!*

ЯН ХОНИМ. У энди келмайди.

Учови ўтирибди, иккисининг кўзи эшикда.

ИНТЕРМЕДИЯ

Мешкобнинг тушига яна фаришталар киради. У катта бир китобни очиб, шу қўйи ухлаб қолган. Мусиқа.

ВАН. Ҳайриятки, келдингиз, оқилу донолар! Бошимни қотирган бир саволга жавоб берсангиз. Руҳоний руҳонийликни тарк этиб, цемент заводига ишчи бўлиб кетди. Унинг ташландиқ, хароба кулбасидан бир китоб топиб олиб, унда ғалати бир жумлага дуч келиб қолдим. Сизга ўқиб бермоқчиман. Мана эшитинг. *(Тушида кўринаётган китобни ўнг қўлида тутиб, чап қўли билан уни варақлайди. Ҳақиқий китоб тиззасида турибди. У ўқий бошлайди)* “Сунг вилоятида Чангалзор деган жой бор. У ерда кактуслар, сарвлар ва тут дарахтлари ўсади. Билакдек келадиган ниҳолларни одамлар кесиб, итларига катак ясашади. Ундан уч-тўрт қарра йўғонроқ дарахтларни бой ва кибор оилалар кесиб, тобут учун тахта йўнишади. Танасига қулоч етмайдиган дарахтларни эса айрим одамлар ҳашаматли ёзлик иморатларига ғўла ўрнида ишлатишади. Шундай қилиб, бу дарахтларнинг ҳаммаси ўзининг ярим умрини аранг яшаб, арра ва болтага ем бўлади. Ким кўпроқ фойда келтирса, ўша кўп азоб чекади”.

УЧИНЧИ ФАРИШТА. Бундан чиқдики, ким ўта фойдасиз бўлса, ўша ҳаммадан қадрли бўлар экан-да?

ВАН. Йўқ, у ҳаммадан бахтиёр бўлади. Энг ярамас инсон – энг бахтиёр инсон.

БИРИНЧИ ФАРИШТА. Тавба, нималарни ёзишмайди!

ИККИНЧИ ФАРИШТА. Бу ривоят нега сени ўйлантириб қўйди, мешкоб?

ВАН. Шен Де туфайли, оқилу донолар! У муҳаббатда бахт топмади, негаки, яқинларингга меҳрибон бўл, деган қоидага амал қилди. Бу дунё учун у ўта оккўнгил шекилли!

БИРИНЧИ ФАРИШТА. Бекор гап! Ожиз ва нотавон бандасан! Кўриб турибманки, бит билан шаккоклик тенг ярмингни ямлаб қўйибди.

ВАН. Албатта, албатта, эй оқилу доно! Узр! Балки аралаштириб кўрармикансиз, деб ўйлабман.

БИРИНЧИ ФАРИШТА. Бу сираям мумкин эмас. Дўстимиз *(учинчи фариштага ишора этади, унинг кўзлари ости ишииб, кўқарган)* кеча баҳсга аралашган эди, мана оқибати.

ВАН. Яна амакиваччасини чақиртиришга мажбур бўлди. Ўзим синаб кўрганман, у жудаям эпчил киши, аммо ўша ҳам ёрдам беролмаяпти. Дўконнинг куни битганга ўхшайди.

УЧИНЧИ ФАРИШТА *(ташвишланиб)*. Балки, ёрдамлашиб юборармиз, нима дейсизлар?

БИРИНЧИ ФАРИШТА. Менинг фикримча, у ўз ўзига ёрдамлашмоғи керак.

ИККИНЧИ ФАРИШТА *(кескин)*. Яхши киши қанча кўп қийналса, ўзлигини шунча кўп намойиш этади. Азоб-изтироб кишини тозалайди!

БИРИНЧИ ФАРИШТА. Ундан умидимиз катта.

УЧИНЧИ ФАРИШТА. Қидирувларимиз жилла натижа бермаяпти. Биз гоҳо яхши ният, эзгу мақсад, бир талай юксак тамойилларга дуч келамиз, аммо булар бари яхши инсон номини олишга камлик қилади. Бир қадар яхши одамлар учрайди, улар одамдек яшамайди. Усти-бошимизга



ёпишган мана шу хору хаслардан ҳар кеча қаерда тунашимизни тасаввур қилавер.

ВАН. Ахир, сиз, ҳеч бўлмаганда...

ФАРИШТАЛАР. Зарари йўқ. Биз ёлғиз кузатувчилармиз, холос. Ва ишонамизки, яхши инсон ана шу қоронғу дунёда ўз ўрнини топиб олади. Юк қанча оғир бўлса, куч шунча мустаҳкам бўлади. Яна биров сабр қил, мешкоб, кўрасан, ҳаммаси хайрли...

Фаришталар аста сўниб, овозлари пасайиб боради. Ниҳоят, улар гойиб бўлиб, овозлари тамом эшитилмай қолади.

VII

Шен Де тамаки дўкони ортидаги ҳовли. Аравачада уй-рўзгорга тегишли лаш-лушлар. Шен Де ва Шин қуритиш учун дорга ёйилган чойшаб ва ич кийимларни йиғиштириб олишаяпти.

ШИН. Мен сизнинг ўрнингизда бўлсам, дўконим учун тиш-тирноғим билан курашардим.

ШЕН ДЕ. Қўйсангиз-чи! Дўкон учун ҳатто ижара ҳақи тўлашгаям пулим йўқ-ку... Бугун чол-кампирга икки юз кумуш долларни қайтаришим керак, уни бировга бериб қўйдим, энди тамакини Ми Дзю хонимга сотишга тўғри келади.

ШИН. Хуллас, ҳаммаси тугади денг? На эр, на тамаки, на бошпана! Кўрпанга қараб оёқ узатмасанг, шунақа бўлади. Энди қандай яшайсиз?

ШЕН ДЕ. Билмадим. Балки тамаки тозалашга ёлланарман.

ШИН. Жаноб Шой Данинг чалвори бу ерга қаёқдан келиб қолди? Нима, у яланғоч жўнадими?

ШЕН ДЕ. Унинг бошқа чалвори бор эди.

ШИН. Уни бутунлай кетди дедингиз, шекилли? Нега чалворини қолдирибди?

ШЕН ДЕ. Керак эмасдир-да.

ШИН. Уни жойлайми?

ШЕН ДЕ. Йўқ.

Ҳансираб, бўғилиб Шу Фу қиради.

ЖАНОБ ШУ ФУ. Бас қилинглар. Менга бари аён. Сиз ўзингизга ишонган чол-кампирни кутқараман деб шахсий бахтингиздан воз кечдингиз. Йўқ, бу маҳалла, ҳаммага шубҳа билан қаровчи бу тошбағир одамлар сизни бекорга фаришта деб атамайди. Куёвтўра сиз кўтарилган маънавий юксакликка кўтарила олмади, сиз у билан ажрашдингиз. Энди кўплар учун нажот оролчаси бўлмиш дўконни бекитмоқчимисиз? Мен бунга чидаб туrolмайман. Мен ҳар куни эргалаб эшигимдан боқиб, дўконингиз олдида тўпланган бева-бечораларни, уларга гуруч улашиб бераётганингизни кўриб турардим. Наҳотки, бу энди такрорланмаса? Наҳотки, хайрли иш ҳалокатга маҳкум бўлса? Ох, ана шу олийжаноб ишда сизга ёрдам қўлини чўзишга ижозат берсангиз эди! Йўқ, ҳеч нарса деманг! Мени ишонтиришининг ҳожати йўқ! Ёрдамимни қабул қилишингизни айтиб, ваъдалар ҳам берманг! Аммо, мана (*Чўнтагидан дафтарчасини олиб, чек ёзиб, уни аравача устига ташлайди.*) сизга чек, ўзингиз истаган рақамни унга ёзишингиз мумкин. Мен энди ҳеч нарса даъво қилмайман,

фақат сизга нисбатан ҳурмат-эҳтиромга тўлиб, оёқ учида юриб, жимгина, камтаринларча, фидойиларча йўлимга равона бўламан! (*Кетади.*)

ШИН (*чекни кўздан кечириб*). Қутулдингиз! Сиздақаларга омад ҳамиша ёр! Қани, минг кумуш доллар деб ёзинг, анави ҳушини йиғиб олмасдан мен банкга югурай.

ШЕН ДЕ. Кийимлар солинган саватни аравачага қўйинг. Кирчининг ҳақини чексиз ҳам тўлай оламан.

ШИН. Нима? Чекни олмайсизми? Бу жиноят! Чекни олсам, унга турмушга чиқишимга тўғри келади, деб ўйлайсизми? Бу ғирт жиннилик. Ахир у мени лақиллатинглар, деб ўз оёғи билан ўзи келиб турибди-ку! Бунақалар шундан завқ олади. Наҳотки, ўша учувчингиздан ҳамон кўнгили узолмаяпсиз? У сизни қанчалар хўрлаганини бутун маҳалла, бутун Сарик кўча билади.

ШЕН ДЕ. Ҳаммасига камбағаллик айбдор. (*Томошабинларга*)

*Мен кўрдим, у тунда қовогин солиб,
Осилтириб олди лаби-лунжсини.
Сержаҳл кўринди шунда нақадар!
Эрталаб қўйлагин олиб қарадим,
Илма-тешик экан қўйлаги.
Шум кулгуси мени даҳшатга солди.
Аммо оёғида йиртиқ туфли кўриб,
Яна англадимки, севаман уни...*

ШИН. Ҳали уни оқламоқчимисиз? Бунақанги тентакликни сира учратмагандим. (*Жаҳли чиқиб*) Бу ердан жўнасангиз, худога шукур дердим.

ШЕН ДЕ (*ич кийимни дордан олаётиб, чайқалиб кетади.*) Бошим айланди.

ШИН (*унинг қўлидан ич кийимни олиб*). Узаниб-энгашиганингизда бошингиз тез-тез айланиб турадимми? Бошқоронғи бўлманг тагин? (*Қўлади.*) У сизни роса туширибди-ку. Агар шу гап рост бўлса, иш чаток, бундай пайтларда чек берилмайди. (*Саватни кўтариб, саҳнанинг ичкарасига қараб кетади.*)

ШЕН ДЕ (*Унинг изидан индамай қараб қолади. Кейин ўзини кўздан кечиради, кафти билан қорнини силайди, юзида шодон бир табассум пайдо бўлади. Секин*). О, бахт! Менда инсон туғилаяпти! Ҳозирча ҳеч нарса сезилмайди. Аммо у мана шу ерда. Дунё уни яширинча кутади. Шаҳарларда аллақачон айтиб юришибди: шундоқ бир одам пайдо бўладики, у билан ҳисоблашишга тўғри келади... (*Томошабинларга ўзининг жасажси ўғлини гўё таништириб*) Учувчи!

*Осмон ўпар тоғлар, овлоқ ерларни
Забт этувчига сиз айтинг шарафлар!
У кимсасиз чўллар, саҳролар оша
Инсондан инсонга мактублар элтар.*

(*Хаёлан ўғилчасини етаклаб, у ёқдан-бу ёққа юра бошлайди.*) Юр, ўғлим, дунёни кўриб қўй. Мана бу – дарахт. Унга эгилиб салом бер. (*Таъзим*)

қилади.) Қулоқ сол, ана мешкоб келаяпти. У бизга дўст, унга қўлингни чўз, кўрқма. Марҳамат қилиб, ўғлимга бир кружка сув беринг! Бугун ҳаво иссиқ. (*Ўғлига сув тутади.*) Вой, полициячи келаяпти! Яхшиси, унга кўринмайлик. Фей Пун бойнинг боғига кириб, олча узайлик. Фақат биров кўриб қолмасин. Юр, етимчам! Нима, сенинг ҳам олча егинг келаяптими? Жим, секинроқ, ўғлим! (*Атрофга олазarak боқиб, ҳадиксираб, эҳтиёт бўлиб юришади.*) Йўқ, яхшиси бу ёққа юрамиз, буталар бизни пана қилиб туради. Вой, тиккасига бориб нима қиласан? (*Бола афтидан ойисини судрайди, ойиси кўнмайди.*) Ақлни ишга солайлик. (*Тўсатдан кўниб, рози бўлади.*) Қўймадинг, қўймадинг-да... (*Болани кўтаради.*) Олчаларга қўлинг етадимми? Уларни тўппа тўғри оғзимга солавер, шунда ҳеч қаёққа кетмайди! (*Ўғли оғзига солган олчани еб кўриб*) Ширин! О, полициячи! Қочамиз! (*Қочадилар.*) Мана, кўчага ҳам чиқиб олдик. Энди ўзингни бос, шошилма, йўқса, бошқалар гумонсираб қолишади. Гўё ҳеч нарса бўлмагандай... (*Хаёлан боласи билан сайр этиб, қўйлайди.*)

*Олуча бечорани
Бир дайди ушлаб олди,
Жудаям эпчил экан,
Бўйнидан тишлаб олди...*

Бола етаклаб мешкоб Ван киради. У Шен Дега ҳайрон бўлиб қарайди.
ШЕН ДЕ (*Ваннинг йўталганига ўғрилиб*). Ван, ўзингмисан? Ассалому алайкум!

ВАН. Шен Де, эшитдимки, ахволинг оғир, қарзингдан қутулиш учун дўконни сотмоқчи эмишсан. Аммо манави бола бошпанасиз. Кушхона ҳовлисида тентираб юрибди. Бу бир неча ҳафта бурун устахонасидан айрилиб, ичкиликка берилган дурадгор Ли Тонинг ўғли бўлса керак. Унинг болалари оч-яланғоч, дарбадар юришибди. Буни нима қилсам экан?
ШЕН ДЕ (*болани ундан олиб*). Кела қол, болам. (*Томошабинларга*)

*Ҳой, эшитинг! Инсон бошпана сўрар,
Бугун ёрдам сўрар эртанги инсон.
Унинг дўсти, сизга таниши жаҳонгир
Уни паноҳига олур шу замон.*

(*Ванга*) У жаноб Шу Фунинг чолдеворида яшаб туради, балки мен ҳам ўша ёққа кўчиб ўтарман. Менинг ҳам ўз болам бўлади. Фақат бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очма, Ян Сун эшитиб қолмасин, бизнинг унга керагимиз йўқ. Қуйи шаҳарда Лин Тони топиб айт, менинг қошимга келсин.

ВАН. Раҳмат сенга Шен Де. Бирор чорасини топишингни билардим. (*Болага*) Кўрдингми, яхши киши ҳамиша чорасини топади. Мен бориб, отангни чақириб келай. (*Кетмоқчи бўлади.*)

ШЕН ДЕ. Дарвоқе, Ван, қўлинг қалай? Мен сен учун гувоҳликка ўтмоқчи эдим, аммо амакиваччам...

ВАН. Ташвиш чекма. Қара, мен ўнг қўлимсиз ҳам ишни эплай оламан. Менга энди ўнг қўлнинг кераги йўқ. (*Ўнг қўлсиз кўза ва кружкани қандай эплаини кўрсатиб беради.*) Мана, қара, менга бунинг ҳеч қийинчилиги йўқ.

ШЕН ДЕ. Аммо қўлинг шундоқ қотиб қолмаслиги керак. Менинг аравачамни ол-да, ундаги бор нарсани сотиб, докторга учра. Ўз сўзимнинг

устидан чиқолмаганимга ҳижолатман. Бунинг устига, сартарошнинг чолдеворини олишга ҳам рози бўлдим. Сен бунга нима дейсан?

ВАН. Унда уйсизлар ва ўзинг яшай оласан, бу менинг қўлимдан кўра муҳимроқ. Дурадгорни чакириб келаман. (*Кетади.*)

ШЕН ДЕ (*унинг ортидан қичқириб*). Мен билан докторга бораман деб ваъда бер!.. (*Шин қайтиб кириб, унга турли имо-ишоралар қилади.*) Нима гап?

ШИН. Ақлдан оздингизми? Киши сўнги лаш-лушлари билан аравачасини ҳам бировга совға қиладими? Унинг қўли оғриси, сизга нима? Агар бу гапдан сартарош хабар топса, ўша чолдевордан ҳам қувиб ҳайдайди сизни. Киригизни ювганим учун ҳақимни ҳали тўлаганингиз йўқ!

ШЕН ДЕ. Сиз нега мунча заҳарсиз? (*Томошабинларга*)

*Яқинларингизни топтаб, эзишдан
Наҳот чарчамайсиз? Манглайингизда
Очкўзликдан бўртиб турар томирлар.
Чин юракдан чўзилган қўлнинг
Бериши ҳам осон, олиши ҳам.
Сахий бўлиши нақадар зарур!
Очиқ чеҳра бўлиши нақадар яхши!
Ширин сўзлар
Бағрингиздан узилар енгил нафасдек...*

(*Шин аразлаб кетиб қолади.Болага*) Сен шу ерда ўтириб тур. Ҳозир отанг келади.

Бола ерга ўтиради. Ҳовлига ёши ўтиб қолган эр-хотин киришади. Улар Шен Де дўкон очган кун келишган эди. Эр-хотин катта қопларни кўтариб олишган.

ХОТИН. Ёлғизмисан, Шен Де? (*Шен Де “ҳа” деб боши билан тасдиқлагач, хотин жиянини чақиради, жияни ҳам қоп кўтариб киради.*) Амакиваччанг қани?

ШЕН ДЕ. Кетди.

ХОТИН. Қайтиб келадими?

ШЕН ДЕ. Йўқ. Мен дўконни сотаман.

ХОТИН. Биз буни эшитдик, шунинг учун ҳам бу ёққа келдик. Биров биздан бир неча қоп тамаки барги қарз олган эди, шуни қайтариб берди. Янги уйингга ўз бисотинг билан шуларни ҳам ташлаб ўтсанг. Уларни қўйишга жойимиз йўқ. Кўчада турса, шубҳа-гумон қилишади. Дўконингда чеккан озоримиз ҳақи “йўқ” демайсан, деб ўйлайман.

ШЕН ДЕ. Марҳамат, мен “йўқ” демайман.

ЭРКАК. Бу қоплар кимники деб сўраб қолишса, меники деб айтавер.

ШЕН ДЕ. Ким сўраши мумкин?

ХОТИН (*унга диққат билан тикилиб*). Масалан, полиция. У ерда бизни хуш кўришмайди ва ҳар қадамда синдиришга ҳаракат қилишади. Қопларни қаерга қўяйлик?

ШЕН ДЕ. Билмадим. Айниқса, ҳозир бирор ножўя иш қилиб, турмага тушиб қолишдан кўрқаман.

ХОТИН. Ўзингга ўхшамаяпсан. Энди етмагандай, бисотимизда қолган шу бир-икки қоп тамакидан ҳам ажраб қолмасак эди!

Шен Де жим тураверади.

ЭРКАК. Биласанми, балки шу тамаки бизга дастмоя бўлар. Балки биз ўзимизни ўнглаб олармиз.

Шен Де. Хўп, мен қопларингизни яшириб қўяман. Ҳозирча улар ичкари хужрада тура турсин. *(Улар билан ичкарига киради.)*

Бола унинг изидан қараб туради. Сўнг қўрқа-писа ахлат челаги ёнига бориб, ундан бир нима олиб ея бошлайди. Шен Де ва бошқалар қайтиб киришади.

ХОТИН. Биласанми, энди суянган тоғимиз – сен.

ШЕН ДЕ. Хўп. *(Болага кўзи тушиб, қотиб қолади.)*

ЭРКАК. Эртадан кейин сени жаноб Шу Фунинг уйидан топиб оламиз.

ШЕН ДЕ. Энди кетинглар, тобим қочиб турибди. *(Уларни кузатиб қўяди.*

(Келганлар кетишади.) У – оч. Ахлат челагини титкиляпти. (Болани кўтариб, болакайнинг гезарган лабларини кўрсатиб, томошабинларга мурожат қилади. Ўз боласига нисбатан ҳеч қачон шундай тошбағир бўлмасликка қасамёд этади.)

О, ўғлим, о, учувчи!

Келмоқдасан қай бир дунёга?

Ахлат челагида балиқ овлашингни истайди улар!

Мана бу гезарган лабларга бир қаранг!

(Болани кўрсатиб)

Ўзингизга ўхшаши жонга оқибат шуми?

Бу ўз мевангиз-ку, ахир!

Сизда раҳм йўқ!

Шўрликлар, ўз-ўзингизга этмайсиз шафқат.

Хўш, мен ўз боламни нечук ҳимоя этгум?

Энди айланаман она йўлбарсга!

Ҳа, шу болакайга кўзим тушгандан буён

Сиздан айрилишни истайман.

Ўз ўғлимни, лоақал шу битта гўдакни

Қутқармагунимча менга тиним йўқ!

Ўғлим, мактабимда, ўша ахлат ўрада

Менга алдов ё мушт билан берилган сабоқ

Энди сенга холис хизмат қилмоғи зарур!

Ўғлим, энди ёлғиз сенга меҳрибон бўлгум,

Энди бошқаларга – йўлбарс, йиртқич бир ҳайвон.

Шундоқ бўлиши шарт,

Худди шундоқ бўлади!

(Амакиваччасига айланиши учун кета бошлайди.) Яна бир карра, ўйлайманки, сўнгги бор уннаб кўришга тўғри келади. (Йўл-йўлакай Шой Данинг чалворини олади. Қайтиб келган Шин унинг изидан қизиқсиниб қараб қолади. Келинчак билан қария киради.)

КЕЛИНЧАК. Дўкон берк, лаш-лушлар ҳовлида! Демак, ҳаммаси тамом!

ШИН. Мана енгилтаклик, ҳавойилик ва худбинлик оқибати! Қаёққа думалаяпти, дейсизми? Пастга! Жаноб Шу Фунинг чолдевориға, сизнинг ёнингизга!

КЕЛИНЧАК. У ерни хушлармикин? Биз арз қилгани келувдик. Оёқ остида каламушлар илма-тешик қилиб ташлаган пол. Сартарош совунлари моғорлаб кетгани учун бизни ўша чолдеворга таклиф этган. “Сизга бошпана бермоқчиман, нима дейсиз?” эмиш... Нима дердик, “Уят ва шармандалик!” деймиз.

Ишсиз киради.

ИШСИЗ. Шен Де кўчиб кетаяпти дейишяпти, ростми?

КЕЛИНЧАК. Ҳа, у ҳеч кимга билдирмай, қочиб қолмоқчи эди.

ШИН. У ўзининг синиб қолганидан ҳижолатда.

ИШСИЗ (*ҳовлиқиб*). Амакиваччасини чақириш керак! Унга шундай деб маслаҳат беринглар! Ёлғиз ўша бирор чорасини топа олади.

КЕЛИНЧАК. Ҳақ гап! Тўғри, у хасис, лекин ҳар қалай, дўконни кутқариб қолади, шунда бизга ҳам фойдаси тегади.

ИШСИЗ. Мен сизни эмас, унинг ўзини ўйладим. Лекин, рост гап, сиз учун ҳам уни чақириш керак.

Ван билан дурадгор киради. У иккита болани етаклаб олган.

ДУРАДГОР. Сизга қандай раҳмат айтишга ҳам ҳайронман. (*Бошқаларга*) Бизга бошпана ваъда қилишяпти.

ШИН. Қаердан?

ИШСИЗ. Жаноб Шу Фунинг уйидан! Бу – кичкинтой Феннинг шарофати туфайли. Шен Де гўё: “Ҳой, эшитинг! Инсон сиздан бошпана сўрар!” – деб хитоб этдию бизга дарҳол бошпана топиб берди. Укаларингга қуллуқ қилингллар!

Дурадгор ва унинг болалари кичкинтойга қуллуқ қилишади.

Бошпана сўраганинг учун қуллуқ сенга!

Шой Да киради.

ШОЙ ДА. Хўш, бу ерда нима қилиб турибсизлар?

ИШСИЗ. Жаноб Шой Да!

ВАН. Ассалому алайкум, жаноб Шой Да! Қайтиб келганингиздан бе-хабар эдим. Сизга таниш дурадгор Лин То. Шен Де бону унга жаноб Шу Фу уйидан бошпана ваъда қилган эди.

ШОЙ ДА. Жаноб Шу Фунинг уйида ортиқча жой йўқ.

ДУРАДГОР. Демак, биз кўчиб ўтолмас эканмиз-да?

ШОЙ ДА. У бино бошқа бир мақсадга мўлжалланган.

КЕЛИНЧАК. Демак, бизни у ёқдан ҳайдашади, шундоқми?

ШОЙ ДА. Чамамда, шундай.

КЕЛИНЧАК. Унда биз қаёққа борамиз?

ШОЙ ДА (*елкасини қисиб*). Менинг билишимча, Шен Де бону – айтмоқчи, у жўнаб кетди – сиздан ҳимматини аямайди. Аммо келажакда бу иш оқилона ҳал этилади. Текинга овқат берилмайди, ҳимматга яраша хизмат бўлиши керак. Ҳар кимга ҳалол ишлаб, оёққа туриш имконияти берилади. Шен Де ҳаммангизга иш топиб бермоқчи. Кимда ким мен билан ҳозир Шу Фунинг уйига борса, қуруқ қолмайди.

КЕЛИНЧАК. Бундан чикдики, Шен Де учун хизмат қилар эканмиз-да?

ШОЙ ДА. Ҳа. Тамаки тозалайсиз. Орқа хонада уч қоп тамаки бор. Олиб чиқинг!

КЕЛИНЧАК. Унутманг, бизнинг ҳам ўз дўконимиз бўлган, биз ўзимиз учун ишлашни афзал кўрамыз, негаки, ўз тамакимиз бор.

ШОЙ ДА (*ишсиз ва дурадгорга*). Сизлар-чи? Шен Де учун ишлайсизларми? Ўз тамакиларинг йўқ шекилли?

Дурадгор ва ишсиз норози бир қиёфада ҳужрага киришади. Уй эгаси хоним пайдо бўлади.

УЙ ЭГАСИ ХОНИМ. Хўш, жаноб Шой Да, дўконни сотасизми? Мана, сизга уч юз кумуш доллар.

ШОЙ ДА. Ми Дзю хоним, мен дўконни сотмасликка қарор қилдим, ижара шартномасига қўл қўймоқчиман.

УЙ ЭГАСИ ХОНИМ. Нима? Учувчи учун пул керак эмасми?

ШОЙ ДА. Йўқ.

УЙ ЭГАСИ ХОНИМ. Ижара ҳақи тўлашга ҳам пулингиз бордир?

ШОЙ ДА (*аравачадан сартарош ташлаб кетган чекни олиб, тўлдиради*). Мана, жаноб Шу Фу ўн минг кумуш долларга ташлаб кетган чек, биласиз, у менинг жиянимга хуштор. Ишонмасангиз, ўқиб кўринг, Ми Дзю хоним! Ярим йиллик ижара ҳақи – икки юз кумуш доллар бугун кечкурун соат олтигача қўлингизга тегади. Энди Ми Дзю хоним, ижозатингиз билан мен ишни давом эттирай. Мен бугун жуда бандман, маъзур тутишингизни сўрайман.

УЙ ЭГАСИ ХОНИМ. О, тушунаман, жаноб Шу Фу учувчининг изидан бораяпти! Ўн минг кумуш доллар! Ҳар қалай бугунги ёш қизларнинг беқарорлиги ва енгилтаклиги мени хайрон қолдиради, жаноб Шой Да. (*Кетади. Дурадгор ва ишсиз ичкаридан қопларни кўтариб чиқишади.*)

ДУРАДГОР. Тушунмайман, нега мен сиз учун қоп ташишим керак экан?

ШОЙ ДА. Менинг тушунганим кифоя. Ўғлингизнинг иштаҳаси қарнай. У овқат сўрайди, жаноб Лин То.

КЕЛИНЧАК (*қопларга кўзи тушиб*). Менинг поччам бу ёққа кирган эдими?

ШИН. Ҳа.

КЕЛИНЧАК. Қопларни танидим. Бу бизнинг тамакимиз.

ШОЙ ДА. Секинроқ гапиринг. Бу менинг тамаким, негаки, менинг дўконимда турибди. Шубҳалансангиз, ҳозироқ полицияга бориб, шубҳагумонларга барҳам беришимиз мумкин. Борамизми?

КЕЛИНЧАК (*аччиқланиб*). Йўқ.

ШОЙ ДА. Ўз тамакингиз йўқ шекилли. Балки энди, Шен Де бону ҳиммат қўлини чўзиб турганда фойдаланиб қоларсиз? Қани, марҳамат қилиб, менга Шу Фунинг уйини кўрсатиб қўйинг.

Дурадгорнинг кичкинтойини қўлидан етаклаб, Шой Да чиқади. Унинг изидан дурадгор, унинг болалари, келинчак, қария ва ишсиз равона бўладилар. Келинчак, дурадгор ва ишсиз қоп кўтариб чиқишади.

ВАН. У ёмон одам эмас, аммо Шен Де – раҳмдил.

ШИН. Билмадим. Кир ёйилган дордан чалвор йўқолиб қолди. Амаки-ваччаси кияр эди. Бунда бир сир борга ўхшайди. Ажабо, нима экан?

Чол билан кампир киради.

КАМПИР. Шен Де бону бормилар?

ШИН (қуруқ). Кетиб қолди.

КАМПИР. Қизик! У бизга бир нима бермоқчи эди.

ВАН (ўз қўлига алам билан боқиб). У менга ҳам ёрдам бермоқчи эди. Қўлим қотганидан қотиб бораяпти. Шен Де тез орада қайтса керак. Одатда амакиваччаси бу ерда узоқ турмайди.

ШИН. Шунақа денг?

ИНТЕРМЕДИЯ

Ваннинг қўналгаси. Мусиқа. Мешкоб уйқусида фаришталарга ўз ташвишлари ҳақида сўзлайди. Фаришталар ҳамон сафарни давом эттирмоқдалар. Уларнинг юзларидан хориб-чарчаганлари кўриниб туради. Кетаётиб, улар мешкобга ўгирилиб қарашади.

ВАН. Сизлар қадам ранжида қилишингиздан олдин, оқилу донолар, мен жонажон синглим Шен Дени туш кўрдим, унинг ахволи бениҳоя оғир эди. У дарё ёқасидаги камишзорда, аёллар ўз жонига қасд қиладиган жойда турар эди. У ғалати чайқалар, ботқоққа тортувчи аллақандай юмшоқ, аммо оғир бир юкни судраб бораётгандек бўйни эгик эди. Мен чакирсам, у бир қоп ёзма фармойишларни нариги қирғоққа олиб ўтишим керак, йўкса, улар ивиб, ёзувлари ўчиб кетади деб жавоб берди. Ростини айтсам, унинг елкасида мен ҳеч нарса кўрмадим. Аммо сиз фаришталар, о, қандай шармандалик! Тунаш учун бошпана тополмаганингизда у уйдан жой бергани учун унга улуғ фазилатлар инъом этганингизни эслаб, кўрқиб кетдим. Энди унинг учун қанчалар ташвиш чекаётганимни тушунган бўлсангиз керак.

УЧИНЧИ ФАРИШТА. Масалан, нимани камайтирайлик, Ван?

ВАН. Масалан, севги ўрнига шунчаки майл ҳам бўлаверади ёки...

УЧИНЧИ ФАРИШТА. Аммо бу яна ҳам оғирроқ, о, бандаи гумроҳ!

ВАН. Ёки адолат ўрнига мурувват.

УЧИНЧИ ФАРИШТА. Унда ҳамманинг боши ташвишдан чиқмай қолади.

ВАН. Ёки номус кетиб, андиша қолса ҳам бўлаверади!

УЧИНЧИ ФАРИШТА. Лекин юк яна-да оғирроқ бўлади, о, бандаи нодон!

Фаришталар ҳорғин қадам босиб, кўздан зойиб бўлишади.

VIII

Шой Данинг тамаки фабрикаси. Жаноб Шу Фунинг чолдеворларида Шой Да кичик тамаки фабрикаси очган. Панжарадан нари томондаги бино одамлар билан тирбанд. Айниқса, хотин-қизлар, болалар кўп. Улар орасида келинчак, қария, дурадгор ва унинг болалари. Панжара олдида Ян хоним, унга эргашиб, Сун пайдо бўлади.

ЯН ХОНИМ (томошабинларга). Мен сизларга айтсам, ҳаммангиз учун ҳурматли Шой Да жанобларининг донишмандлиги ва қаттиқ кўллиги туфайли ўғлим тушкун бенаводан фойдали кимсага айланди. Бутун маҳаллага маълум бўлганидек, Шой Да жаноблари кушхона яқинида кичик, аммо тез ривож топган фабрика очдилар. Уч ой бурун мен у ки-

шига мурожаат этишга мажбур бўлдим. Кўп ўтмай, у мен билан ўғлимни қабул қилди.

Фабрикадан чиқиб келган Шой Да Ян хонимга яқинлашади.

ШОЙ ДА. Хизмат, Ян хоним?

ЯН ХОНИМ. Жаноб Шой Да, мен сиздан ўғлимнинг гуноҳини сўраб келдим. Бугун эрталаб уйимизга полициядан келиб, никоҳ ваъдасининг бузилгани ва қинғир йўл билан икки юз кумуш доллар ўзлаштириб олингани учун Шен Де бону номидан арз қилганингизни айтишди.

ШОЙ ДА. Худди шундай, Ян хоним.

ЯН ХОНИМ. Жаноб Шой Да, барча фаришталар ҳаққи, яна бир бор шафқат қилинг. Пул йўқ. Учувчи бўлиш режаси амалга ошмагач, ўғлим уни икки кунда совурди. Биламан, у ярамас. Сал бўлмаса, у менинг мебелимни ҳам сотиб, қари онасини ҳам ташлаб, Пекинга кетиб қолаёзди. (*Йиғлайди.*) Шен Де бону бир пайтлар уни яхши одам санар эди.

ШОЙ ДА. Сиз нима дейсиз, жаноб Ян Сун?

СУН (*қош-қовоғини солиб*). Менда у пуллар энди йўқ.

ШОЙ ДА. Ян хоним, ноъмалум сабабларга кўра, жияним кўрсатган ўша меҳру оқибат ҳаққи, мен бетийиқ ўғлингизга яна ёрдамлашаман. У ҳалол меҳнат қилиб, ўзини тузатади, деб Шен Де умид қилади. Мен уни фабрикамага ишга оламан. Унинг иш ҳақидан икки юз кумуш доллар аста-секин чегириб қолинади.

СУН. Хуллас, ё турма, ё фабрика денг?

ШОЙ ДА. Ҳа, танлаб олинг.

СУН. Шен Де билан гаплашсам бўладими?

ШОЙ ДА. Йўқ.

СУН. Унда иш жойимни кўрсатинг.

ЯН ХОНИМ. Сизга минг раҳмат, жаноб Шой Да! Соҳиби мурувватсиз, бунинг учун фаришталар ярлақайди сизни. (*Сунга*) Сен ҳақ йўлдан оздинг. Энди ҳалол ишла, онангнинг кўзига уялмасдан, тикка қарайдиган бўл.

Шой Дага эргашиб, Сун фабрикага киради.

(*Рампага қайтиб*) Биринчи ҳафталар Сунга қийин бўлди. Иши унга ёқмас, ўзини кўрсатиш фурсати ўнг келмас эди. Фақат учинчи ҳафта деганда, омади юришди. У собиқ дурадгор Лин То билан тамаки солинган қопларни ташиши керак эди.

Сун ва собиқ дурадгор Лин То бир йўла икки қопдан тамаки кўтариб киришади.

ДУРАДГОР (*йўталиб, инқиллаб тўхтаб қолади ва қоп устига ўтиради*). Тинкам қуриди. Энди қаридим, бунақа ишларга ярамайман.

СУН (*ўтириб*). Нега сен бу қопларни уларнинг башарасига отмайсан?

ДУРАДГОР. Кейин-чи? Тирикчилик деб ҳатто болаларни ҳам қўшга қўшганман. Қанийди, дейман, холимизни Шен Де бону бир кўрса! У раҳмдил эди.

СУН. Ҳа, у ёмон эмас эди. Турмуш машаққати бўлмаганда, балки биз Шен Де билан аҳил яшаб кетардик. Ҳозир у қайларда юрибди экан. Хўп, қани, ишлайлик – одатда у айни шу паллада пайдо бўлади. (*Кўзгалишади. Яқинлашиб келаётган Шой Дани кўриб*) Қопингни менга бер-чи, чўлоқ! (*Лин Тонинг бир қопини ҳам кўтаради.*)

ДУРАДГОР. Раҳмат, оғайни! Агар у шу ерда бўлса борми, қари одамга ёрдамлашганингни кўриб, сени мактар эди. Ҳа, ҳа...

Шой Да киради.

ЯН ХОНИМ. Жаноб Шой Да, албатта, астойдил ишлаётган ҳақиқий ишчи кимлигини дарҳол пайқади ва индамай туролмади.

ШОЙ ДА. Ҳой, тўхтанглар-чи! Нима гап ўзи? Нега сен фақат битта коп кўтариб олгансан?

ДУРАДГОР. Мен бугун бироз чарчадим, жаноб Шой Да, Ян Сун ёрдамлашиб юборди...

ШОЙ ДА. Сен, оғайни, изингга қайт-да, бир йўла учта копни орқалаб ол. Ян Сун қилган ишни сен ҳам қила оласан. Ян Сун ғайрат қилиб иш-лаяпти, сен-чи?

ЯН ХОНИМ (*шу пайт собиқ дурадгор яна икки қоп юкни елкасига ортиб олади*). Албатта жаноб Шой Да Сунга бир оғиз ҳам сўз қотмади, лекин унинг кимлигини билиб олган эди, келаси шанба куни иш ҳақи берилаётганда...

Ўртага стол қўйишади, Шой Да пул солинган халтача кўтариб киради. У назоратчи – собиқ ишсиз билан ёнма-ён туриб, иш ҳақи тўлайди.

Столга Сун яқинлашади.

НАЗОРАТЧИ. Ян Сун – олти кумуш доллар.

СУН. Кечирасиз, фақат беш кумуш доллар бўлади. (*Назоратчи кўлидан рўйхатни олиб*) Қаранг, бу ерга олти иш куни деб ёзилибди, холбуки, мен бир кунни судда ўтказдим. (*Мунофиқона*) Менга оз бўлса ҳам ўз иш ҳақимдан бошқаси керак эмас.

НАЗОРАТЧИ. Демак, беш кумуш доллар! (*Шой Дага*) Тасодиф, жаноб Шой Да!

ШОЙ ДА. У беш кун ишлаган бўлса, қандай қилиб, олти кун ёзилибди?

НАЗОРАТЧИ. Тахминимча, бу менинг хатойим, жаноб Шой Да. (*Сунга совуқ охангда*) Бу бошқа такрорланмайди.

ШОЙ ДА (*Сунни бир четга бошлаб*). Мен яқинда пайқадимки, сиз кучли одам экансиз ва буни фирмадан яширишни истамайсиз. Назоратчи фирма зарарига ҳалигидай, тез-тез янглишиб турадим?

СУН. Ишчилар орасида унинг танишлари бор, улар назоратчини ўз одамлари деб билишади.

ШОЙ ДА. Тушунарли. Ҳимматга ҳиммат. Мукофот олишни истайсизми?

СУН. Йўқ. Аммо мен саводли кишиман, деб айтиб қўймоқчи эдим. Биласизми, бироз ўқиганман. Назоратчи ишчиларга илиқ муомала қилади, лекин ўқимишли эмас, фирма манфаатларини тушуниб етмайди. Ўтинаман, менга бир ҳафта муҳлат беринг, жаноб Шой Да. Фирмага қўл кучимдан кўра ақлий кучим кўпроқ фойда келтиришини исбот қиламан.

ЯН ХОНИМ. У дадил туриб, шундоқ деди. Мен ўша оқшом Сунга “Сен учувчисан! Ҳозирги иш жойингда ҳам учишга кодирлигингни кўрсатиб қўй! Уч, лочиним!” – деб айтдим. Дарҳақиқат, ақл ва билим нималарга кодир эмас! Ақлинг ва билиминг бўлмаса, нечук одам бўлдинг? Менинг ўғлим Шой Да жанобларинг тамаки фабрикасида чинакам мўъжиза кўрсатди!

Сун оёқларини кериб, ишчиларнинг ортида турибди. Улар тамаки солинган саватларни бошларидан ошириб, бир-бирларига узатмоқдалар.

СУН. Қани, кимирланглар, намунча иммиллайсанлар! Саватни шунақа узатадими? Тезроқ! (*Болага*) Сен нега ўтирмайсан? Ўтир, жойни банд

қилма. Устига ўтирсанг, тамаки яхшироқ жойланади. Ялқовлар! Сенларга нега пул тўлаймиз ўзи? Чакқонроқ деяпман! Жин урсин ҳаммангни! Чолни нарига ўтказинглар, болалар билан ишласин! Бу ерда қўли ишга қовушмаяпти! Қани, ҳа, баракалла! (*Иш маромига мос қилиб, чапак чалади, сават қўлдан қўлга тез-тез ўта бошлайди.*)

ЯН ХОНИМ. Авом кишиларнинг ғанимлиги, уларнинг беҳисоб таънадашномига қарамай, ўғлим ўз бурчини адо этаверди.

Ишчилардан бири саккизинчи фил ҳақида қўшиқ бошлайди. Бошқалар нақоратни айтиб, унга жўр бўлишади.

*Хўжайиннинг етти фили бор эди,
Бор эди боз саккизинчи фили ҳам.
Еттитаси ёввойи, бу – хонаки,
Еттисини кузатарди дам-бадам.*

*Қани, қадам қўйинг чаққонроқ!
Ўрмонда бир тўнка қолмасин, ҳа, чух!
Ҳаммасини қўпориш керак,
Ҳадемай тушади қоронғу!*

*Етти фил ўрмонда тўнка қўпорар,
Саккизинчи филда хўжайин – сувор.
Кун бўйи кузатар саккизинчи фил,
Нечук ишляпти бошқалар...*

*Қани, энди тезроқ ташинглар!
Ўрмонда бир тўнка қолмасин, ҳа, чух!
Ҳаммасини қўпориш керак,
Ҳадемай тушади қоронғу!*

*Етти фил ишлашни ортиқ истамас,
Улар бари кўзлар тинчини.
Хўжайин келди, у газабнок,
Гуруч билан сийлар саккизинчини.*

*Хўш, бу қандай номаъқулчилик?
Ўрмонда бир тўнка қолмасин, ҳа, чух!
Ҳаммасини қўпориш керак,
Ҳадемай тушади қоронғу!*

*Етти фил айрилди тишидан,
Фақат саккизинчи филда тиш қолди.
У бошқа филларни ботирди қонга,
Хўжайин кўрдию хахолаб кулди.*

*Қани, энди тезроқ ташинглар!
Ўрмонда бир тўнка қолмасин, ҳа, чух!
Ҳаммасини қўпориш керак,
Ҳадемай тушади қоронғу...*

Бемалол юриб, сигара чекиб, Шой Да чиқиб келади. Ян Сун кулиб, учинчи банднинг нақоратига жўр бўлади, охирги бандга етганда, чапак чалиб, суръатни оширади.

ЯН ХОНИМ. Шой Да жанобларига ўз ташаккуримизни қандоқ айтишга ҳам ҳайронмиз. У сездирмай-нетмай, ёлғиз талабчанлик ва донишмандлик билан Сунда яшириниб ётган барча яхши жиҳатларни юзага чиқарди. У жиянига ўхшаб кўкўпар ваъдалар бермади, лекин ҳалол меҳнат қилишга мажбур этди. Ҳозир Сунни таниёлмайсиз. У уч ой олдинги Сунга сираям ўхшамайди! Ўйлайманки, сиз менинг фикримга қўшиласиз! Қадимда бекорга айтишмаган: “олийжаноб киши – кўнғирок, урсанг жаранглайди, урмасанг, жим туради...”

IX

Шой Данинг тамаки дўкони. Дўкон ҳашаматли креслолар, чўғдек гиламлар билан безатилиб, идорага айлантирилган. Ёмғир ёғмоқда. Бироз тўлишиб қолган Шой Да гиламфуруш чол-кампир билан хайр-маъзур қиляпти. Шин мийиғида кулиб, бир четдан кузатиб туради. Унинг бошдан-оёқ янги кийим кийгани кўзга ташиланади.

ШОЙ ДА. Афсуски, унинг қачон қайтиши менга маълум эмас.

КАМПИР. Бугун биз мактуб олдик. Мактубга бир пайтлар биз жиянингизга қарзга берган икки юз кумуш доллар солиб қўйилибди. Уни ким жўнатгани номаълум. Аммо, хат, албатта Шен Дедан. Биз унга жавоб ёзмоқчи эдик, манзилени айтолмайсизми?

ШОЙ ДА. Афсуски, манзилени ҳам билмайман.

ЧОЛ. Кетдик.

КАМПИР. Бир кун эмас бир кун у қайтиб келиши керак!

Шой Да таъзим қилади. Чол-кампир ажабланган, ташвишланган кўйи кетишади.

ШИН. Пул уларнинг қўлига анча кечикиб тегди. Солиқларни тўлай олмай, дўкондан ажраб қолишди.

ШОЙ ДА. Нега менга мурожаат этишмади?

ШИН. Сиздан тортиниб юришди. Бошда Шен Денинг қайтишини кутишди, қўлларида бирор тилхат йўқ эди-да. Аҳволлари ғоят танг паллада чол безгак билан оғриб, кампири куну тун унинг бошида ўтириб чикди.

ШОЙ ДА (*кўнгли беҳузур бўлиб, ўтиришига мажбур бўлади*). Яна бошим айланаяпти.

ШИН (*унга гирдиқапалак бўлиб*). Болангиз етти ойнинг юзини кўрди! Ҳаяжонланиш сизга – кони зарар. Ҳайриятки, мен ёнингиздаман. Ҳаммага ҳам ёрдам керак. Кўркманг, ҳамиша ўзим ҳозир-нозирман. (*Кулади.*)

ШОЙ ДА. Сизга ишонсам бўладими, Шин хоним?

ШИН. Албатта! Аммо мени ҳам қуруқ қўймайсиз. Ёқангизни очинг, дарҳол энгил тортасиз.

ШОЙ ДА (*маъюсланиб*). Бу ишларни болани деб қиляпман, Шин хоним.

ШИН. Балли, болани деб қиляпсиз.

ШОЙ ДА. Жудаям тез тўлишаяпман. Сезилиб қолмаса деб кўркаман.

ШИН. Буни яхши турмушдан деб ўйлашади.

ШОЙ ДА. Болам нима бўлади?

ШИН. Шунини ҳар куни уч карра сўрайсиз. Болани асраб-авайлаймиз. Тилла эвазига парваришни ундан аямаймиз.

ШОЙ ДА. Хўп. (*Ҳадиксираб*) У Шой Дани ҳеч қачон кўрмаслиги керак.

ШИН. Ҳеч қачон кўрмайди ҳам. У ёлғиз Шен Дени кўради.

ШОЙ ДА. Лекин маҳаллада миш-миш тарқалган! Мешкоб гап тарқатиб юрибди. Дўконни кузатишяпти!

ШИН. Сартарош бу гаплардан беҳабар экан, хотиржам юраверинг. Сувдан ичинг.

Башанг костюм кийиб, портфель қўлтиқлаган Сун киради. У ўзини Шиннинг қучоғига ташлаган Шой Дага ҳайрон бўлиб қарайди.

СУН. Мен халал бермадимми?

ШОЙ ДА (*зўрга ўрнидан туриб, чайқалиб, эшикка қараб юради*). Хайр, Шин хоним.

Шин қўлларига қўлқоп кийиб кулимсираб, чиқиб кетади.

СУН. Қўлқоп! Қаёқдан олади? Нега кияди? Эҳтиёт бўлинг, домига илинтириб олмасин тағин. (*Шой Да жавоб бермагач, ўзи давом эттиради*) Наҳотки шунақа ишларга сиз ҳам мойилсиз? Кулгули. (*Портфелидан бир қоғоз олади.*) Ҳар қалай, кейинги пайтларда аввалги шахдингиз йўқ. Ғалати қилиқлар. Ишончсизлик. Ё бетобмисиз? Бундан ишга зарар етади. Мана тағин полициядан қоғоз. Фабрикани бекитамиз деб дўк уришибди. Бир бинода ишлаётганлар сони қонунда кўрсатилганидан икки карра зиёд бўлишига рухсат бор, аммо ундан ошмаслиги шарт эмиш. Бирор чорасини кўриш керак, жаноб Шой Да!

Шой Да унга бир дақиқа анграйиб қараб туради. Кейин тўрдаги хонага кириб, бир тугун олиб чиқади. Тугундан янги ишяпа олиб, ёзув столи устига ташлайди.

ШОЙ ДА. Фирма вакиллари яхши кийинишлари керак.

СУН. Менга деб сотиб олдингизми?

ШОЙ ДА (*бепарволик билан*). Кийиб кўринг, тўғри келармикин?

Сун ҳайрон бўлиб Шой Дага қарайди ва ишяпани кияди. Шой Да унга ёрдамлашади.

СУН. Ташаккур, келинг, гаплашиб олайлик. Бугун сартарош билан янги лойиҳани муҳокама этишингиз лозим.

ШОЙ ДА. Сартарош оғир шартлар кўяди.

СУН. Мени ҳам ўша шартлардан хабардор қилиб қўйсангиз бўларди.

ШОЙ ДА (*гапни айлантириб*). Чолдеворлар ҳали ярайверади.

СУН. У ерда ишлаётган чувриндилар учун ярайверади, аммо тамаки учун ярамайди. У нам тортиб қолаяпти. Мен мажлисгача Ми Дзю хоним билан гаплашиб, биносини беришга кўндираман. Янги бинога кўчиб ўтайлик, барча чўлок-маймоқ, гадо-рўдапо, қаланғи-қасанғиларни қувамиз. Улар ярамайди. Бир пиёла чой устида Ми Дзю хонимнинг семиз тиззаларини бир силаб қўйсам, бас, бинонинг ярим баҳосидан кечворади.

ШОЙ ДА (*кескин*). Керак эмас! Мен фирманинг шаънига муносиб, корчалон кишига хос ўзингизни вазмин ва сипо тутишингизни талаб қиламан.

СУН. Нега жаҳлингиз чиқади? Наҳотки анави ғийбатларни ўйлайсиз?

ШОЙ ДА. Мен ғийбатларга кулоқ солмайман.

СУН. Демак, яна ёмғир туфайли. Ҳар гал ёмғир ёғса, сиз асабийлашиб, маънос тортиб қоласиз. Сабаби нимада экан?

КЎЧАДАН ВАННИНГ ОВОЗИ КЕЛАДИ:

*Қалдиरोқ гумбурлаб, ёмғир қуюди,
Мен эса кўчада сув сотаман, сув.
Ҳеч ким сув сўрамас, сув сотиб олмас,
Ҳеч кимсага керак эмас у.*

*Тинмай қичқираман: “Яхдай яхоб!”
Ҳеч ким сотиб олмайди уни.
Ҳаттоки тушмайди сариқ чақа ҳам
Менинг чўнтагимга шу қуни...*

СУН. Яна ўша лаънати мешкоб! Яна у хиралигини бошлайди.

ВАННИНГ ОВОЗИ. Наҳотки, шаҳарда биттаям раҳмдил киши топил-маса? Ҳаттоки меҳрибон Шен Де яшаган мана шу уйда ҳам? Бундан бир неча ой олдин ёмғир куйиб турганда, у қувончини ичига сиғдиролмай, мендан бир кружка сув сотиб олган эди, қани, ҳозир қаерда у? Наҳотки уни ҳеч кимса кўрмаган бўлса? Дарагини ҳеч кимса эшитмаган бўлса? Бир куни оқшом у ана шу уйга кирганича, қайтиб чиқмади.

СУН. Овозини ўчириб кўяйми? Унинг қаердалиги билан нима иши бор? Гапнинг сирасини айтганда, унинг қаердалигини сиз менга атай айт-маяпсиз.

ВАН (*киради*). Жаноб Шой Да, яна бир карра сўрайман, Шен Де қачон қайтади? Кетганига ярим йил бўлди. (*Шой Да индамайди*.) Бу орада шундай воқеалар рўй бердики, у бўлганда, балки рўй бермас эди. (*Шой Да жим тураверади*.) Жаноб Шой Да, Шен Дега бир гап бўлганмиш деган миш-мишлар юрибди. Биз, унинг дўстлари хавотирдамиз. Марҳамат қилиб, бизга манзилени айтиб берсангиз.

ШОЙ ДА. Жаноб Ван, афсуски, ҳозир вақтим зик. Келаси ҳафта келинг.

ВАН (*ҳаяжонланиб*). Дўкон эшиги олдида бева-бечораларга яна гуруч улашилмоқда.

ШОЙ ДА. Одамлар бунга нима дейишяпти?

ВАН. Шен Де ҳеч қачон кетмаган, дейишяпти.

ШОЙ ДА. Хўш? (*Ван индамайди*.) Унда мен жавоб бера қолай. Жавобим қатъий. Жаноб Ван, агар сиз Шен Денинг дўсти бўлсангиз, унинг қаердалигини суриштирманг. Сизга маслаҳатим шу.

ВАН. Яхши маслаҳат. Жаноб Шой Да, ғойиб бўлишидан олдин Шен Де менга оғироёқман, деган эди.

СУН. Нима?

ШОЙ ДА (*шошиб*). Ёлғон!

ВАН (*жуда жиддий*). Жаноб Шой Да, Шен Денинг дўстлари уни охи-роқибат суриштирмай қўяди, деб ўйласангиз, адашасиз. Яхши одамни унутиб бўлмайди, яхшилар оз учрайди. (*Кетади*.)

Шой Да ҳанг-манг бўлиб, унинг изидан қараб қолади. Кейин шошилиб, дўкон тўридаги хонага кириб кетади.

СУН (*томошабинларга*). Шен Де оғироёқ! Астағфуруллох! Мени алдашибди! Буни у амакиваччасига айтган, бу ярамас эса уни дархол

жўнатиб юборган. “Боланинг отаси хабар топмасдан аввал нарсаларинг-ни йиғиштир-да, жўнаб қол”. Лекин бу – аблахлик! Бағритошлик! Менинг ўғлим туғилади. Яна битта Ян дунёга келади! Хўш, нима бўлаяпти ўзи? Қиз ғойиб бўлади, мени эса бу ерда қўшга қўшишади. (*Ғазаби қўзиб*) Йўқ, битта шляпа билан кутулмайсан! (*Шляпани оёғи остига олиб, топтайди.*) Жиноятчи! Қароқчи! Бола ўғриси! Қиз бечора эса пуштипаноҳидан маҳрум! (*Ичкари хонадан бировнинг ҳиқиллаб йиғлагани эшитилади. У турган ерида қотиб қолади.*) У ерда ким йиғлаши мумкин? Бу ким бўлдийкин? Тинди. Йўқ, яна йиғлаяпти. Ҳар қалай, анави устаси фаранг Шой Да эмас! Бўлмаса, ким? Яна дўкон олдида гуруч хайрихудойи қилиниши-чи? Наҳотки, қиз шу ерда бўлса? Наҳотки, уни анави яшириб юрган бўлса? Бўлмаса, ким йиғлайди? Аломат иш бўларди-да! Бас, у оғироёқ экан, мен уни излаб топишим керак!

(*Шой Да ичкаридан чиқиб келади. Эшикка яқинлашиб, ёмғирни кузатади.*) Хўш, у қаерда?

ШОЙ ДА (*қўлини кўтариб, қулоқ солади*). Бирпас сабр! Соат тўққиз бўлди. Аммо негадир ҳеч нарса эшитилмаяпти. Сел ёғаяпти.

СУН (*заҳарханда қилиб*). Сиз нимани эшитмоқчи эдингиз?

ШОЙ ДА. Почта самолёти овозини.

СУН. Ҳазиллашаяпсиз!

ШОЙ ДА. Бир пайтлар учмоқчи эдингиз, шундоқми? Энди ҳафсалангиз пир бўлиб қолдимиз?

СУН. Агар сиз ҳозирги аҳволимни кўзда тутаётган бўлсангиз, ундан шикоятим йўқ. Ростини айтсам, мен тунги хизматни хуш кўрмайман. Почта самолётлари тунда учади. Мен эса, фирмага қаттиқ боғланиб қолдим. Ҳар қалай бу – собиқ қайлиғимнинг фирмаси. Гарчи ўзи бу ердан кетиб қолган бўлса ҳам. Унинг кетиб қолгани ростми?

ШОЙ ДА. Нега буни сўрайсиз?

СУН. Сабабки, унинг ишларига мен ҳали бепарво қарай олмайман.

ШОЙ ДА. Бу гапни жияним ҳам қизиқиб эшитган бўларди.

СУН. Мен уни эрки ихтиёридан маҳрум қилишларига энди қараб туrolмайман.

ШОЙ ДА. Ким маҳрум қилди?

СУН. Сиз!

Пауза

ШОЙ ДА. Хўш, нима қилмоқчисиз?

СУН. Мен аввало фирмадаги мавқеимни гаплашиб олишни истардим.

ШОЙ ДА. Гап бу ёқда денг! Хуллас, агар фирма, яъни, мен сизни маълум мансабга кўтарсам, собиқ қайлиғингизни сўраб-суриштиришни бас қиласиз, шундоқми?

СУН. Эҳтимол.

ШОЙ ДА. Хўш, қайси мансабни истайсиз, ким бўлмоқчисиз?

СУН. Хўжайин. Яъни, мен сизни улоқтириб ташламоқчиман.

ШОЙ ДА. Фирма сизни улоқтириб ташласа-чи?

СУН. Унда мен балки, қўшалок бўлиб келардим.

ШОЙ ДА. Ким билан?

СУН. Полиция билан.

ШОЙ ДА. Полиция билан? Хўш, полиция бу ерда ҳеч нарса тополмаса-чи?

СУН. У нариги хонага ҳам бир кўз ташлаб кўярди! Жаноб Шой Да, мен севгилимни жуда соғиндим. Уни яна бағримга босишим учун бир нималар қилишим керак, мен буни сезиб турибман. *(Хотиржамлик билан)* У оғироёк, ёрдамга муҳтож. Бориб, мешкоб билан гаплашаман. *(Кетади. Шой Да унинг изидан индамай қараб туради. Кейин шошилинич нариги хонага киради. Шен Денинг кийим-кечак, атир-упаларини олиб чиқади. Гиламфуришидан сотиб олинган шолрўмолга узоқ тикилиб қолади. Сўнг ҳаммасини битта тугун қилиб тугади, ташқаридан оёқ шарпасини эшитиб, уни стол остига ташлайди. Уй эгаси-хоним билан жаноб Шу Фу киради. Улар Шой Дага салом бериб, калишларини ечиб, соябонларини гилофга жойлашади).*

УЙ ЭГАСИ-ХОНИМ. Куз ҳам келиб қолди, жаноб Шой Да.

ЖАНОБ ШУ ФУ. Ҳа, юракни ғаш қиладиган фасл!

УЙ ЭГАСИ-ХОНИМ. Анави мафтункор ходимингиз кўринмайдими? Ўзиям офатигон! Балки сиз бу жиҳатларидан беҳабардирсиз. Лекин у ўз эркакча сеҳрини – хизмат бурчини бежирим адо этиш билан боғлай оладик, буниси сизга кони фойда.

ШОЙ ДА *(таъзим қилиб)*. Марҳамат, ўтирсинлар. *(Ўтириб, чекишадди.)* Дўстларим, оқибати бахайр бўлмаган воқеалар корхона истиқболи ҳақида бошлаган музокараларимизни тезлаштиришни такозо этади. Жаноб Шу Фу, менинг фабрикаман танг аҳволда.

ЖАНОБ ШУ ФУ. Ҳамишагидек.

ШОЙ ДА. Мен янги бино ҳақида келишиб олдик демасам, полиция фабрикани бекитмоқчи бўлиб, очиқдан-очиқ таҳдид қилмоқда. Жаноб Шу Фу, гап сиз ёқтириб қолган жиянимнинг яккаю ягона мулки устида кетаяпти...

ЖАНОБ ШУ ФУ. Жаноб Шой Да, доимий кенгайиб борувчи лойиҳаларингиз муҳокамасида иштирок этишга унча хушим йўқ. Мен жиянингиз билан бир пиёла чой устида гаплашмоқчиман десам, сиз молиявий қийинчиликларингизни рўқач қиласиз. Мен уйсизлар учун жиянингиз ихтиёрига бошпана берсам, сиз у ерда фабрика очасиз. Мен жиянингизга деб чек берсам, сиз уни ундириб оласиз. Жиянингиз ғойиб бўлади, сиз эса юз минг кумуш доллар ундирмоқчи бўласиз. Боз устига, берган уйларилингиз торлик қиляпти, деб менга таъна қиласиз. Жаноб Шой Да, жиянингиз қаерда?

ШОЙ ДА. Хотиржам бўлинг, жаноб Шу Фу. Сизни ишонтириб айтаманки, у тез орада қайтади.

ЖАНОБ ШУ ФУ. Тез орада? Қачон? Мен бу сўзни сиздан сурункасига бир неча ҳафтадан буён эшитаман.

ШОЙ ДА. Мен сиздан яна имзо чекинг деб талаб қилаётганим йўқ. жияним қайтса, менинг лойиҳам билан қизиқиб кўрасизми – ёлғиз мана шуни сўраяпман, холос.

ЖАНОБ ШУ ФУ. Мен минг марталаб айтганман, сиз билан гаплашадиган гапим йўқ, жиянингиз билан эса, аксинча, ҳамма нарсани муҳокама этишга ҳозирман. Аммо, менинг назаримда, сиз бизнинг суҳбатимизга йўл қўймоқчи эмассиз.

ШОЙ ДА. Энди унақа ниятим йўқ.

ЖАНОБ ШУ ФУ. Хўш, унда биз қачон суҳбатлашамиз?

ШОЙ ДА *(муҳамал қилиб)*. Уч ойдан сўнг...

ЖАНОБ ШУ ФУ (*аччиқланиб*). Унда мен уч ойдан сўнг имзо чекаман. ШОЙ ДА. Унгача ҳамма нарсани тайёрлаш керак.

ЖАНОБ ШУ ФУ. Жиянингизнинг бу гал чиндан ҳам келишига ишонсангиз, Шой Да, сиз ҳамма нарсани тайёрлашга улгурасиз.

ШОЙ ДА. Ми Дзю хоним, фабрикангиз биносини олаётганим ҳақида сиз полицияга кафолат бера оласизми?

УЙ ЭГАСИ-ХОНИМ. Албатта, ўз бошқарувчингизни менга хизматга берсангиз, бас. Мен буни сизга аллақачон айтганман (*Жаноб Шу Фуга*). У жуда уддабурон йигит, менга эса бошқарувчи керак.

ШОЙ ДА. Ишда қийинчиликлар кўпайиб, соғлигим ёмонлашиб қолган шу тобда жаноб Ян Суннинг ёрдамига жудаям муҳтожман, сиз буни тушунмоғингиз керак! Мен бошданок уни сизга бермоқчи эдим, лекин...

Пауза

ШОЙ ДА. Хўп, эртага идорангизга боради.

ЖАНОБ ШУ ФУ. Баракалла, Шой Да, мана бу бошқа гап. Агар Шен Де бону чинданам қайтадиган бўлса, у йигитнинг бу ерда бўлиши жуда ноқулай. Шўрлик кизнинг бошига не кунларни солгани ҳаммамизга маълум.

ШОЙ ДА (*таъзим қилиб*). Шубҳасиз. Жияним Шен Де ва жаноб Ян Сунга тегишли ҳар икки масалада гапни чайнаб, иккиланиб гапирганим учун узр. Улар бир пайтлар жуда кадрдон бўлишган.

УЙ ЭГАСИ-ХОНИМ. Сизни тушунамиз.

ШОЙ ДА (*эшикка қараб*). Дўстларим, келинг, энди катъий қарорга келайлик. Бир пайтлар маҳалла камбағаллари тамаки сотиб оладиган кичкина дўконча ўрнига йигирмата йирик дўкон очамиз, уларда Шен Денинг хушбўй тамакиси сотилади. Биламан, халқ мени Сичуаннинг тамаки қироли деб атайди. Аслида мен ёлғиз жиянимнинг манфаатини кўзлаб, бу корхонага бош-қош бўлдим. У жиянимга, унинг болаларига, болаларининг болаларига мерос бўлиб қолади.

Кўчадан халойиқнинг шовқини эшитилади. Сун, Ван ва полициячи киради.

ПОЛИЦИЯЧИ. Жаноб Шой Да, мени маъзур тутасиз, бизга фабрикангиздан жиянингиз Шен Дени камокда сақлаётганингиз ҳақида шикоят тушган, маҳалла аҳолиси кўтарган шов-шув ана шу даъвони текшириб кўришни тақоза этади.

ШОЙ ДА. Бу беҳуда гап.

ПОЛИЦИЯЧИ. Жаноб Ян Сун ичкари хонадан хотин кишининг йиғисини эшитдим, деб айтди.

УЙ ЭГАСИ-ХОНИМ. Бу кулгули гап. Мен ва жаноб Шу Фу, яъни фикри полицияга ҳам мўътабар бўлган шаҳарнинг муҳтарам фуқаролари, гувоҳлик бериб айтамизки, бу ерда ҳеч кимса йиғлагани йўқ. Биз ўз сиграмизни бемалол чекиб ўтирибмиз.

ПОЛИЦИЯЧИ. Маъзур тутасиз, менга ўша хонани кўздан кечириш топширилган. (*Шой Да эшикни очади. Полициячи таъзим қилиб, ичкари киради. У ерни кўздан кечириб, изига қайтади, кулимсирайди.*) Дарҳақиқат, у ерда ҳеч ким йўқ.

СУН (*унга яқинлашиб*). Ахир, кимдир йиғлади, мен ўз кулоғим билан эшитдим! (*Унинг кўзи стол остидаги тугунга тушади. Ўшанга ташланади.*) Манави бу ерда йўқ эди. (*Тугунни ечиб, Шен Денинг кўйлақларини кўрсатади.*)

ВАН. Шен Денинг кийимлари! (*Эшикка қараб чопади ва қичқиради.*)
Унинг кўйлақларини топишди!

ПОЛИЦИЯЧИ (*кийимларни олиб*). Сиз, жияним жўнаб кетди, деган эдингиз. Стол остидан унинг кийимлари тугилган тугун топилди. Қиз қаерда, жаноб Шой Да?

ШОЙ ДА. Унинг манзили менга номаълум.

ПОЛИЦИЯЧИ. Афсус.

ХАЛОЙИҚ ИЧИДАН ОВОЗЛАР. Шен Денинг нарсаларини топишди!
Тамаки қироли уни ўлдириб, гумдон қилган!..

ПОЛИЦИЯЧИ. Жаноб Шой Да, мен билан боришингизга тўғри келади.

ШОЙ ДА (*уй эгаси-хоним ва жаноб Шу Фуга таъзим қилиб*). Шундоқ можаро рўй бергани учун узр сўрайман, жаноблар. Аммо Сичуанда ҳали судялар бор. Ишонаманки, тезда ҳаммаси равшан бўлади. (*Чиқади, унинг узидан полициячи эргашади.*)

ВАН. Даҳшатли жиноят юз берган!

СУН (*қалтираб*). Йиғи товушини ўз қулоғим билан эшитдим...

ИНТЕРМЕДИЯ

Ваннинг қўналгаси. Мусиқа. Мешкоб сўнги бор фаришталарни туши кўради. Улар жуда ўзгариб кетишган. Сарсонлик-саргардонлик, бениҳоя ҳорғинлик ва машаққатли синовларнинг излари кўриниб туради. Бирининг шляпаси қийшайиб қолган, бошқаси тулки учун қўйилган қопқонга тушган, учаласи ҳам ялангоёқ.

ВАН. Ҳайриятки келдингиз, оқилу донолар! Шен Денинг тамаки дўконида кўрқинчли воқеалар рўй бермоқда! Мана, бир неча ойдирким, унинг ўзидан дом-дарак йўқ. Ҳамма ишни амакиваччаси ўз қўлига олиб олган! Бугун уни қамоққа олишди. Айтишларича, у дўконни эгаллаш учун қизни ўлдирган эмиш. Мен бунга ишонмайман, нега десангиз, Шен Де тушимга кириб, мен амакиваччам қўлида асирман, деди. Эй оқилу донолар, сиз хозирок бориб Шен Дени топиб беришингиз керак.

БИРИНЧИ ФАРИШТА. Мана бу – даҳшат. Бутун ҳаракатларимиз зое кетди. Биз яхши кишиларни оз учратдик, ўшалар ҳам инсонга муносиб ҳаёт кечиришмайди. Ишонган тоғимиз Шен Де эди.

ИККИНЧИ ФАРИШТА. Агар у ҳам айнамаган бўлса!

ВАН. Йўқ, у айнамаган, фақат йўқолиб қолди, холос!

БИРИНЧИ ФАРИШТА. Унда ҳамма нарса тугади.

ИККИНЧИ ФАРИШТА. Босиқ бўлинг.

БИРИНЧИ ФАРИШТА. Босиқ бўлинг нимаси? Уни топмасак, истеъфога чиқишга мажбур бўламиз. О, биз кўрган дунёни айтишга тил ожиз – ҳаммаёқда ҳалокат, пасткашлик, хиёнат! Ҳатто, табиат ҳам бизни алдади. Гўзал дарахтларнинг бошлари сим билан қирқилган, тоғлар ортида куюқ тутунлар бурқсиб, замбараклар гумбурламоқда, булардан сесканмай, собит тура оладиган битта ҳам инсон йўқ!

УЧИНЧИ ФАРИШТА. Оҳ, мешкоб, афтидан, фармойишларимизнинг оқибати вой! Биз тайин этган барча ахлоқий қондалар ўчириб ташланмаса эди, деб кўрқаман. Инсонлар лоақал ўз жонларини сақлаб қолиш учун ҳам қанчалар захмат чекишади. Яхши ниятлар уларни жар ёқасига элтади, яхши ишлар эса жаҳаннамга улоқтиради. (*Шерикларига*). Дунё тирикчилик учун ноқулай, сиз буни эътироф этишингиз лозим!

БИРИНЧИ ФАРИШТА (*қизгин*). Йўқ, одамзод ўзи ҳеч нарсага арзимади!

УЧИНЧИ ФАРИШТА. Негаки, дунё жудаям совук!

ИККИНЧИ ФАРИШТА. Сабабки, одамлар жуда ожиз!

БИРИНЧИ ФАРИШТА. Сабот керак, азизлар, сабот! Ноумид бўлманг, биродарлар! Ёмонлик йўлига юрмаган битта яхши инсонни топа олдикку. У йўқолиб қолди. Уни қидириб, топайлик. Битта яхши инсон ҳам етади. Бундай ҳаётга бардош бера олган битта яхши инсон, ҳа, ёлғиз битта одам топилса, бас, ҳаммаси тузалади, деб айтмаганмидик?!

Фаришталар тезда зойиб бўлишади.

Х

Суд зали. Гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўтиришибди: жаноб Шу Фу ва уй эгаси хоним. Сун ва унинг онаси. Ван, дурадгор, қария, ёш фоҳиша, чол-кампир. Шин. Полициячи. Келинчак.

ЧОЛ. Унинг кўли ҳамма ёққа етади.

ВАН. У ўн иккита янги дўкон очаяпти.

ДУРАДГОР. Сартарош Шу Фу билан уй эгаси Ми Дзю хоним судянинг ҳам, айбланувчининг ҳам дўстлари. Шундоқ бўлгач, адолатли ҳукм чиқаришармикин?

КЕЛИНЧАК. Кеча кечкурун одамлар кўришибди, жаноб Шой Данинг топшириғи билан Шин судянинг уйига семиз бир ғоз элтиб берибди. Ёғи саватдан томиб турганмиш.

КАМПИР (*Ванга*). Шўрлик Шен Демизни энди ҳеч қачон топишолмайди.

ВАН. Ҳа, фақат фаришталар ҳақиқат қилишлари мумкин.

ПОЛИЦИЯЧИ. Жим бўлинглар! Суд келаяпти!

Судялар либосида уч фаришта киради. Улар рампа олдидан ўтиб, ўз ўринларига қараб боришаркан, ўзаро шивирлаб гаплашганлари эшитилиб туради.

УЧИНЧИ ФАРИШТА. Ҳаммаси ошкор бўлади. Хужжатлар қалбаки, яхши тайёрланмаган.

ИККИНЧИ ФАРИШТА. Судянинг тўсатдан қорни оғриб қолиши ҳам одамларда шубҳа уйғотади.

БИРИНЧИ ФАРИШТА. Йўқ, шундоқ бўлиши табиий, ахир у бир ўзи яримта ғозни паккос туширди.

ШИН. Янги судялар!

ВАН. Ва жуда яхши судялар!

Ҳаммадан орқада бораётган учинчи фаришта бу сўзларни эшитиб, ўгирилиб, унга табассум қилади. Фаришталар ўтиришади. Биринчи фаришта болгача билан столни тақиллатади. Полициячи Шой Дани олиб киради. Уни ҳуштакбозлик билан қариши олишади, аммо у ўзини мағрур тутади.

ПОЛИЦИЯЧИ. Тасодифларга шай бўлиб туринг. Бу сизга судя Фу И-Чен эмас. Лекин янги судялар ҳам анча мурувватли кўринади.

(Фаришталарни кўрган Шой Да йиқилиб, ҳушидан кетади.)

ЁШ ФОҲИША. Вой, нима бўлди? Тамаки қироли ҳушидан кетиб

колди.

КЕЛИНЧАК. Ҳа, янги судяларни кўриб, эси оғди!

ВАН. Демак, уларни танир экан-да! Ғалати!

БИРИНЧИ ФАРИШТА (*суд мажлисини очиб*). Сиз йирик тамаки савдогари Шой Дасиз, шундоқми?

ШОЙ ДА (*жуда заиф овоз билан*). Ҳа.

БИРИНЧИ ФАРИШТА. Сиз жиянингиз Шен Де хонимни бир ёққа суриб, унинг дўконини эгаллаб олганингиз ҳақида шикоят тушди. Айбингизга иқрормисиз?

ШОЙ ДА. Йўк.

БИРИНЧИ ФАРИШТА (*ишни варақлаб*). Дастлаб айбланувчи ва унинг жияни ҳақида маҳалла полициясининг фикрини эшитсак.

ПОЛИЦИЯЧИ (*олдинга чиқиб*). Шен Де бону ҳаммага бажонудил ёрдам берар эди. Ўзи ҳам яшар, ўзгани ҳам яшатар эди. Жаноб Шой Да, аксинча, қаттиққўл одам. Жиянининг раҳмдиллиги оқибатининг олдини олиш учун у баъзан кескин чоралар кўришга ҳам мажбур бўлди. Жаноби олийлари, қизга қарама-қарши ўлароқ, у ҳамиша қонунга суяниб иш кўрди. У жияни ишониб, бошпана берган кишиларни ўғрилар шайкаси сифатида фош этди, бир гал энг сўнгги дақиқада Шен Дени сохта гувоҳлик беришдан сақлаб қолди. Мен жаноб Шой Дани қонунларни ҳурмат қилувчи, иззат-эътиборли граждани сифатида танийман.

БИРИНЧИ ФАРИШТА. Айбланувчини оқлаб, гувоҳлик берувчи яна ким бор?

Жаноб Шу Фу билан Уй эгаси хоним олдинга чиқишади.

ПОЛИЦИЯЧИ (*фаришталарга шивирлаб*). Жаноб Шу Фу, ғоят нуфузли зот!

ЖАНОБ ШУ ФУ. Жаноб Шой Да шаҳарда мухтарам зот саналади. У савдо палатасида иккинчи раис, ўзи яшаётган маҳалла халқи уни яқинда мировой судя қилиб кўтармоқчи.

ВАН (*қичқириб*). Сиз кўтармоқчисиз! Оғиз-бурун ўпишиб, иш битирасиз!

ПОЛИЦИЯЧИ (*шивирлаб*). Қора ниятли шахс!

УЙ ЭГАСИ-ХОНИМ. Васийлик жамиятининг раисаси сифатида судга маълум қиламанки, жаноб Шой Да ўз фабрикасининг кўплаб ишчиларига энг яхши, ёруғ ва кенг ишхоналар тақдим этиш ниятидир, шу билан бирга, у ногиронлар уйига атаб, ҳамиша хайри худойи қилиб туради.

ПОЛИЦИЯЧИ (*шивирлаб*). Ми Дзю хоним, судя Фу И-Ченнинг улфати.

БИРИНЧИ ФАРИШТА. Хўп-хўп, биз энди айбланувчини айблаб гапирувчиларни ҳам эшитишимиз керак.

Олдинга Ван, дурадгор, чол-камтир, ишсиз, келинчак, ёш фоҳиша чиқишади.

ПОЛИЦИЯЧИ. Маҳалланинг чувриндилари.

БИРИНЧИ ФАРИШТА. Хўш, Шой Да ҳақида сиз нима дея оласиз?

ХИТОБЛАР:

- У бизни адо қилди!
- Менинг пулимни тортиб олди!
- Ёмон йўлга бошлади!
- Сиқиб, сувимизни ичди!
- Алдади!

– Чап берди!

– Ўлдирди!

БИРИНЧИ ФАРИШТА. Айбланувчи, сиз бунга нима дейсиз?

ШОЙ ДА. Жаноби олийлари, мен ўз жиянимни фалокатдан асраб қолдим, холос. Мен ҳар гал хавф-хатар туғилиб, у дўкончасидан айрилиши муқаррар бўлганда, ҳозир бўлдим. Уч қарра келишимга тўғри келди. Ҳеч қачон бу ерда доимий қолишни ўйламадим. Кейинги гал шароит оғирлашиб қолганлиги туфайли узоқ туриб қолдим. Мен ҳамиша иш, ташвишга ботдим. Бу ерда жиянимни севишади, менга қолгани – қора иш. Шунинг учун ҳам мени ёмон кўришади!

КЕЛИНЧАК. Ажаб бўпти! Жаноби олийлари, лоақал бизнинг боламизни эсланг. (*Шой Дага*) Мен қоплар ҳақида гапириб ўтирмайман.

ШОЙ ДА. Нега гапирмайсан, а? Нега гапирмайсан?

КЕЛИНЧАК (*фаришталарга*). Шен Де бизга бошпана берди, у эса бизни қаматди.

ШОЙ ДА. Сенлар сомса ўғирладиларинг!

КЕЛИНЧАК. Сен новвойни ўйладингми? Ҳечам-да! Сен дўконни эгаллаб олмоқчи бўлдинг.

ШОЙ ДА. Дўкон қарвонсарой эмас. Сенлар нукул ўзларингни ўйладиларинг!

КЕЛИНЧАК. Бош суқадиган бошқа жойимиз йўқ эди!

ШОЙ ДА. Сенлар кўп бўлсаларинг, мен нима қилай?

ВАН. Булар-чи? (*Чол-камтирни кўрсатиб*) Булар ҳам фақат ўзларини ўйлашдими?

ЧОЛ. Биз жамғарган пулларимизни Шен Денинг дўконига бердик. Сен нега бизни ўз дўконимиздан айирдинг?

ШОЙ ДА. Жияним бир учувчига ёрдамлашмоқчи бўлди. Мен пул топишим керак эди!

ВАН. У эхтимол ёрдамлашмоқчи бўлгандир, лекин сен ўз фойдангни изладинг! Битта дўкон сенга камлик қилди.

ШОЙ ДА. Бинонинг ижара баҳоси баланд эди!

ШИН. Тўғри, мен буни тасдиқлайман.

ШОЙ ДА. Жияним иш юритишни билмас эди.

ШИН. Бу ҳам тўғри, мен тасдиқлайман. У ҳатто бир учувчини севиб қолган эди.

ШОЙ ДА. Нима, севмаслиги керак эдими?

ВАН. Албатта! Лекин сен уни ўзи севмаган кимсага, анави саргарошга бермоқчи бўлдинг!

ШОЙ ДА. Унинг кўнгили кўйган одами пасткаш бўлиб чиқди.

ВАН. Мана буми? (*Сунни кўрсатади.*)

СУН (*сакраб ўрнидан туради*). Мени пасткашлигим учун ишга олдингми?

ШОЙ ДА. Сени тузатиш учун ишга олдим! Тузатиш учун!

КЕЛИНЧАК. Ҳа, уни ур-калтак қилиш учун олдинг!

ВАН. Уни тузатиб, кейин манави хонимга сотдинг, тўғрими? (*Уй эгаси хонимга ишора қилади.*) Бу ҳақда у ҳамма жойда жар солиб юрибди!

ШОЙ ДА. У аввал унга тиззаларини силатиб, кейин менга биносини беришга рози бўлди.

УЙ ЭГАСИ-ХОНИМ (*иззат-нафсига оғир олиб*). Ёлғон! Бинога тил тегизманг! Мен энди гаплашишнинг истамайман, қотил!

СУН (*қатъий*). Жаноби олийлари, мен айбланувчи фойдасига бир-икки оғиз гапирмоқчи эдим.

КЕЛИНЧАК. Албатта гапиришинг керак. Чунки қўл остида ишлайсан.

ИШСИЗ. Бунақа ёвуз ур-калтакни биринчи бор кўришим. У жудаям кутуриб кетди.

СУН. Жаноби олийлари, айбланувчи менга жабр қилгани рост, лекин у қотил эмас. Уни қамоққа олишларидан бир неча дақиқа олдин мен дўконхона тўридаги хужрадан Шен Денинг овозини эшитдим.

БИРИНЧИ ФАРИШТА (*шошиб*). Демак, у тирик? Бизга аниқ қилиб айт, нима эшитдинг?

СУН (*тантанавор*). Йиғи, жаноби олийлари, йиғи!

УЧИНЧИ ФАРИШТА. Сен унинг овозини танидингми?

СУН. Албатта! Мен танимасам, ким танийди?

ЖАНОБ ШУ ФУ. Ҳа, сен уни тез-тез йиғлатиб турардинг.

СУН. Мен уни ҳарқалай бахтиёр қилдим. Лекин манави (*Шой Дани кўрсатиб*) уни сенга сотмоқчи бўлди.

ШОЙ ДА (*Сунга*). Чунки сен уни севмас эдинг!

ВАН. Йўқ, бунинг учун эмас. Сенга пул керак эди!

ШОЙ ДА. Хўш, нега пул керак эди? (*Сунга*) Сен унинг ҳамма дўстларидан воз кечишини талаб қилдинг, сартарош эса бева-бечораларга ёрдамлашиш учун уй ва ақчаларини аямади. Хайрли ишини давом эттирсин деб, мен кизни сартарошга унаштириб қўйдим.

ВАН. Хўш, қўлингда имзоланган катта чек турганда, нега сен хайрли ишларга йўл қўймадинг? Ҳой, тамаки қироли, айт, нега сен Шен Де дўстларини фабриканинг ифлос катакларига қамаб қўйдинг.

ШОЙ ДА. Мен буни болани деб қилдим.

ДУРАДГОР. Менинг болаларимни ўйладингми? Сен уларнинг бошига не кунларни солмадинг.

Шой Да индамайди.

ВАН. Энди индамайсан. Фаришталар Шен Дега, хайрли ишларнинг мўъжаз булоғи бўлсин, деб дўкон ато этишди. У ҳамини хайрли ишларга интилди, сен келиб, барини барбод қилдинг.

ШОЙ ДА (*газабланиб*). Шундай қилмасам, булоқ қуриб қолар эди, нодон!

ШИН. У тўғри айтади, жаноби олийлари!

ВАН. Сув ичилмайдиган чашмадан не фойда?

ШОЙ ДА. Хайрли ишлар охири хонавайрон қилади!

ВАН (*газаби қайнаб*). Увол ишлар бахт келтирадимми, а? Сен оккўнгил Шен Дени нима қилиб қўйдинг, бадбахт? Яхши одамни топиш осон эканми, оқилу донолар? У яхши одам эди. Анави менинг қўлимни синдириб қўйганда, у гувоҳликка ўтмоқчи бўлди. Мана, мен энди унга гувоҳликка ўтаяпман. У яхши инсон эди, қасамёд қиламан, қасамёд қиламан! (*Қасам ичиш учун қўлини кўтарди.*)

УЧИНЧИ ФАРИШТА. Қўлингга нима қилди, мешкоб? У букулмаяпти-ку!

ВАН (*Шой Дани кўрсатиб*). Бунга манави айбдор, ҳа, фақат, шу. Шен Де даволаниш учун менга пул бермоқчи эди, лекин манави етиб келди. Сен унинг хундор душмани эдинг!

ШОЙ ДА. Мен унинг ягона дўсти эдим!

ҲАММА. У қаерда?

ШОЙ ДА. Жўнаб кетди.

ВАН. Қаёққа?

ШОЙ ДА. Айтмайман!

ҲАММА. Хўш, у нега жўнаб кетади?

ШОЙ ДА (*қичқириб*). Кетмаса, уни тилка-пора қилар эдиларинг!
(*Тўсатдан жимлик чўкади. Стулга ўзини ташлайди*). Мен ортиқ чидай олмайман! Ҳаммасини очиб ташлайман! Зални бўшатишсин! Фақат судялар қолсин, мен бор гапни айтаман.

ҲАММА. У иқрор бўлди! Сирини очилди!

БИРИНЧИ ФАРИШТА (*болгача билан столга уриб*). Зални бўшатишлар!

Полициячи халойиқни ташқарига ҳайдайди.

ШИН (*кетаётиб, қулади*). Ажаб хангома бўладиган бўлди!

ШОЙ ДА. Кетишдимми? Ҳамма кетдимми? Мен ортиқ жим туrolмайман. Мен сизларни танидим, оқилу донолар!

ИККИНЧИ ФАРИШТА. Бизнинг Сичуандан чиққан меҳрибон кишимизни нима қилиб қўйдинг?

ШОЙ ДА. Ижозат беринг, даҳшатли ҳақиқатга иқрор бўлай, ўша меҳрибон кишингиз – мен ўзимман! (*Ниқобини ечиб, кийимларини юлқиб, бир ёққа отади. Судялар олдида Шен Де пайдо бўлади.*)

ИККИНЧИ ФАРИШТА. Шен Де!

ШЕН ДЕ. Ҳа, мен. Шой Да ҳам, Шен Де ҳам – мен ўзимман!

*Сизнинг ўша мутлақ фармойишингиз, яъни,
Яша, яхши инсон бўл, деб берилган фармон
Чақмоқдай иккига бўлиб ташлади мени.
Билолмадим, нега, аммо бўлолмадим мен
Ҳам ўзим, ҳам ўзгаларга бирдек меҳрибон.
Ҳам ўзим, ҳам ўзгаларга қайишмоқ қийин.
Оҳ, дунёнгиз оғир! Унда эҳтиёж бисёр.
Яна бисёр эрур унда афсус-надомат!
Камбағалга қўл узатсанг, юлиб олар у!
Йиқилганга ёрдамлашсанг, бўлурсан хароб!
Гўшт емасанг – ўласан! Бас, мен қандай қилиб
Тошбағир бўлмайин? Барча зарур нарсани
Мен қаёқдан олай? Демак, ёлғиз ўзимдан.
Бу ахир, билсангиз, ҳалок бўлиш деган гап.
Мени ерга тиқди яхши ниятлар юки,
Аммо лекин қабоҳатга йўл қўйганда-чи,
Яхши этлар едим, бўлдим соҳиби қудрат.
Дунёнгизда бирор иллат борга ўхшайди.
Нечун ёмонлик иззатда, яхшилик забун?
Бахт-иқболга ташналигим билсангиз эди.
Боз устига, менда пинҳон илму дониш бор,
Зеро, асраб олган онам мени зовурда
Чўмилтирган, шунинг учун кўзларим ўткир,
Лекин раҳмдиллик мени азобга қўйди.
Қашишоқликни кўриб, худди бир бўри каби*

Мен азабга тўлиб бордим, яъни, ўзгардим,
 Оғзим ўхшаб қолди худди бўри оғзига,
 Бир ҳовуч кул бўлиб қолди унда сўзларим.
 Кошки юрсам маҳаллада фаришта бўлиб.
 Бировларга совға бериши – менга саодат,
 Шод чехрани кўрсам – бошим ариши аълода.
 Менга лаънат айтинг,
 Лекин ростини айтай –
 Қўшниларга ёрдам бериб,
 Бировни севиб,
 Ўз ўғлимни фақирликдан қутқараман деб,
 Қилган бўлсам, қилдим мен шу жинойтларни.
 Мен – кичик одамман, нетай, ожизман ҳатто
 Сизнинг улуг режангизга қодир малаклар!

БИРИНЧИ ФАРИШТА (даҳшатга тушгани кўриниб туради). Жим бўл, бадбахт! Бу гапларнинг нима кераги бор, сени топганимиздан хурсанд бўлиб турибмиз!

ШЕН ДЕ. Ҳалигина жинойтлари сизга нақл этилган ўша ёвуз одам – мен ўзим бўламан деб сизга айтишим керак, ахир!

БИРИНЧИ ФАРИШТА. Ҳа, ҳамма нукул яхшиликларини гапирган ўша яхши одам – сен ўзингсан!

ШЕН ДЕ. Йўқ, ёвуз ҳам мен ўзимман!

БИРИНЧИ ФАРИШТА. Бу англашилмовчилик! Бир неча бахтсиз тасо-диф! Қандайдир тошбағир кўшнилар! Бироз ошириб гапиришди, холос!

ИККИНЧИ ФАРИШТА. Хўш, у энди қандай яшайди?

БИРИНЧИ ФАРИШТА. Яшайверади! У кучли ва чидамли, машаққатлар унга писандмас.

ИККИНЧИ ФАРИШТА. Унинг нималар деганини эшитмадингми?

БИРИНЧИ ФАРИШТА (қизишиб). Гаплари айқаш-уйқаш, ҳа, жудаям айқаш-уйқаш! Ақлга сиғмайди, сираям ақлга сиғмайди! Наҳотки фармойишларимиз ҳалокатга элтади деб тан оламиз? Наҳотки улардан воз кечамиз? (Қайсарлик билан) Йўқ, асло! Дунё ўзгариши керак деб эйтироф этайликми? Қандай қилиб? Ким ўзгартиради? Йўқ, ҳаммаси жойида! (Болғачаси билан столга уради. Унинг шиораси билан мусиқа янграйди. Нимпушти чироқ ёнади.)

Энди қайтишимиз керак, биз бу дунёга
 Жуда ҳам боғланиб қолдик, севинч, гамлари
 Гоҳо севинтириб, гоҳо ранжитди бизни.
 Барибир, биз ўша юксак юлдузлар узра
 Қувонч билан сени эсга оламиз, Шен Де!
 Бу ерда, настликда бизнинг фармойишларни
 Ҳамон унутмаган, эй сен, мунис меҳрибон,
 Совуқ зулмат аро машғал кўтарган инсон,
 Хайр, бахтиёр бўл!..

Унинг шиорати билан шифт ёрилиб, тепадан пушти ранг булут тушади. Фаришталар булутга ўтириб, аста-секин тепага кўтарила бошлайдилар.

ШЕН ДЕ. О, кетманг, оқилу донолар! Бизни тарк этманг! Мен дўконидан айрилган раҳмдил чол-кампир, кўли майиб мешкобнинг кўзларига қандоқ қарайман? Жиним севмаган сартарошдан, жондан севганим Сундан ўзимни қандай ҳимоя қилай? Оғироёқман, ҳадемай болам дунёга келиб, нон сўрайди. Мен бу ерда қололмайман, ахир! (*Тинкаси қуриб, эшикка қарайди, эшикдан унинг жафокорлари кириб келишади.*)

БИРИНЧИ ФАРИШТА. Қоласан! Мехрибон бўлишга интил, ҳаммаси бахайр бўлади!

Гувоҳлар киришади. Улар булутга ўтириб тепага кўтарилаётган суд-яларга ҳанг-манг бўлиб қарашади.

ВАН. Бизга фаришталар ташриф буюришди! Уларни иззат-эҳтиром қилинг! Уч олий фаришта яхши инсон излаб, Сичуанга келишди. Уни топишди, лекин...

БИРИНЧИ ФАРИШТА. Ҳеч қандай лекин-пекини йўқ! Мана у!

ҲАММА. Шен Де!

БИРИНЧИ ФАРИШТА. У ўлмаган, тирик, уни фақат яшириб кўйишган. Яхши одам ораларингда қолади!

ШЕН ДЕ. Менга амакиваччам керак бўлиб туради!

БИРИНЧИ ФАРИШТА. Фақат тез-тез эмас!

ШЕН ДЕ. Ҳафтада бир марта!

БИРИНЧИ ФАРИШТА. Ойида бир марта бўлса ҳам, етади!

ШЕН ДЕ. О, узоқлашманг, оқилу донолар! Мен ҳали ҳамма гапимни айтганимча йўқ! Сиз менга кераксиз!

ФАРИШТАЛАР (*қўйлашади*).

Булутга миниб, гойиб бўлаётган фаришталар қўшиғи:

*Афсуски, биз энди бунда
Қололмаймиз бир муддат.
Фақат учқур бир дақиқа
Мана, бизнинг бор муҳлат.
Гўзал, жонон аёлларни
Чўчитмайлик деб ҳаргиз,
Биз – рўёмиз, сиз – жисмоний,
Бошқачадир йўлимиз.
Сизни ерда тарк этамиз,
Йўқлик сари кетамиз...*

ШЕН ДЕ. Ёрдам беринглар!

ФАРИШТАЛАР:

*Биз сафарни тугатамиз,
Кўкка парвоз этамиз.
Сенга олқиш, мангу шарафшон,
Сичуандан чиққан мехрибон!*

Шен Де жонҳолатда қўлларини уларга чўзади, фаришталар кулимсираб, бош силкиб, кўздан гойиб бўлишади.


ЭПИЛОГ


Парда олдида актёр ҳозир бўлиб, томошабинларга хитобан мурожаат қилади.

АКТЁР.

*Эй сиз, томошабин, азиз, муҳтарам!
Хотима яхшимас, ўзим биламан.
Бизнинг қўлимизда гўзал афсона
Топди шундоқ яқун, аччиқ паймона.
Парда тушди, бизда ҳижолат улуг,
Муаммолар ҳали ҳал бўлгани йўқ.
Тақдиримиз сизга боғлиқдир тамом:
Кўнгилхуши излаб келгансиз буён.
Омадимиз сизга боғлиқдир фақат!
Хўш, нима гап? Йўқми бизда жасорат?
Қўрқоқмизми? Ёки санъатда нуқул
Фойда излаймизми? Қани тўғри йўл?
Пул деб нималарни тўқимас одам!
Бошқа бир қаҳрамон, бошқа бир олам,
Бошқа бир малаклар керакми, дейман?
Балки керакмасдир? Тилни тияман.
Бизга ёрдам беринг! Ҳа, ҳиммат айланг,
Ақлу фаросатни хизматга шайланг.
Токи оқибатли инсонлар учун
Топилса яхши йўл, яхши бир яқун.
Ёмон яқун бизга керакмас асло,
У яхши бўлмоғи зарур мутлақо!*

ТАМОМ





ОКТАЙ АКБАЛ

(1923–2015)

ЁШЛИК ҚАЙТИБ КЕЛМАЙДИ

Ҳикоя

*Рус тилидан
Назира ЖЎРАЕВА
таржимаси*

У: “Жуда ҳам ўзгариб кетибсан”, демоқчи бўлди-ю, лекин “Ҳеч ҳам ўзгармабсан”, деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Улар бир-бирларини кўпдан буён танир эдилар. Гўё улар ҳозир биринчи мартаба учрашиб қолгандай эдилар. Бу эркак ёшлигида қаршисидаги ана шу шахло кўзларга, майин сочларга, чўччайган лабларга тўйиб-тўйиб қарамагандай эди. Ҳозир қаршисидаги соҳибжамолнинг фироқида ёниб, кечаю кундуз у ҳақида ўйламагандек.

Оёқлари ҳали ҳам аввалгидек чиройли... туфлиси ҳам... у доимо худди шундай хипча туфли кийиб юрарди. Қани энди ҳозир ҳам ташқи кўриниши ўн икки йил аввал кўрганидай бўлса!..

Апрель ойининг охирлари, кунботар пайт. Сочлари оқарибди, юзига ажин тушибди. Қани энди, ҳозир бу аёлга йигирма ёшидаги ошиқи-беқарор бўлиб юрган пайтидагидек қаролса эди...

– Ҳеч ҳам ўзгармабсан, – деди эркак аёлнинг кўнглини кўтариб.

– Сен ўзгарибсан, – деди аёл эркакнинг кўзларига тик боқиб.

“Бу аёл ёшлигида ҳам чўрткесар, шарттаки эди. Ҳар бир сўзнинг оғир ботиш-ботмаслигини ўйламай, юзингга шартта айтарди-қўярди”. Лекин эркак эса мулоҳаза билан гапирарди, дилидаги гапни тилига чиқариб гапирмасди. Улар ёшликда учрашиб юрганларида йигит қизнинг юрагида нима борлигини билолмади. Ниҳоят, улар ажралиб кетдилар.

– Сен ҳамон ўша-ўшасан, – деди эркак аёлга жилмайиб.

– Ростданми?

– Билмайман, балки кўзимга шундай кўринаётгандирсан...

“Бекорчи гапларни қўйсанг-чи!..” демоқчи бўлди аёл. Улар бир-бирларига тикилиб турардилар.

– Балки ўтирармиз? – таклиф қилди эркак.

Кема қирғоқдан жўнаб кетди. Палуба осойишта эди. Ёқимли шабада эсмоқда.

Аёл юпун кийинганди.

– Совуқ эмасми? – сўради эркак аёлдан.

– Йўқ-йўқ, совуқ эмас! – жавоб қайтарди аёл.

“Менга ғамхўрлик қилаяпти, – ўйлади аёл. – Қизик, ҳали ҳам мени се-вармикин, а? Бўлмасам-чи, эсидан чиқармагани кўзидан кўриниб турибди. Ўн икки йил аввал қандай севган бўлса, ҳозир ҳам шундай севади”.

Аёл уни университетда ўқиб юрганларида қандайлигини эслашга ҳаракат қилди. Ҳарчанд уринмасин, барибир ўша дамдаги унинг қиёфасини сира эслай олмади.

Йўқ, аёл уни олдинги вақтидагидек ҳолатига ҳечам ўхшатолмади. Фақатгина унинг айрим сўзлари-ю, қилиқларинигина эслай олди, холос. Яна, бир куни худди шу бугунгидек денгиз қирғоғида ўтирганларини, сўнг мўъжазгина қаҳвахонага кирганларини эслади. Улар қаҳва ичдилар, қаҳва куйқумидан фол очмоқчи бўлгандилар.

Йигит қизни чин юракдан севиб қолганди. Унинг назарида қиз ҳам йигитни севиб қолгандай эди. О, ёшлик... ўн саккиз яшар инсон ўзи ҳақида аввалдан нимани ҳам айта оларди. Ёшлик онлари ҳеч қачон тугамайдиган-дек: ўтиришларга, ўйингоҳларга, кино ва рақс кечаларига боришдан, ўйнаб-кулишдангина иборатга ўхшаб туюларди. Қаердадир йигит қизни ўзининг тонгдай мусаффо севгиси ила кутиб турарди. Қиз эса, худди ёш гўдак каби кўп ўйинчоқлар ёнига келаётгандек йигитнинг висолига ошиқарди. Қиз ҳаммавақт уни интизорлик билан кутишини истарди. Қачонки кўнгли тусанган пайтда қиз уларни қолдирган жойидан олишни хоҳларди. Қиз бу ўйинни инсонлар билан ўйнардди. Агар инсоннинг қалбини чил-чил синдирсанг, бу яра ҳеч қачон битмайди. Қиз эса, қанчадан-қанча ёш юракларни жароҳатлаб ўйнардди. Ўша пайтда бу йигит билан қаҳвахонада ўтирганидан тортиб, то ҳозирги кунгача босиб ўтган йўли унга ғоятда даҳшатли кўриниб кетди. У дабдурустдан сесканиб кетди-да, устки кийимининг ёқасини кўтариб кўйди.

– Совқотаяпсанми, юр, пастга туша қолайлик.

“Ҳар доим мени ўйлайди... Тавба, бўлиб ўтган ишларни билатуриб ҳам севади...”

– Йўқ, совқотмаяпман, – жавоб берди аёл. – Яхшиси, ўзинг ҳақингда гапир! Нима қилаяпсан? Қаерда ишлаяпсан?

Эркак унга сигарета тутди. Лекин аёл уни рад этди. Эркак аёлдан рухсат сўраб чека бошлади.

“У ҳар вақт сигаретани шундай ушларди, – ўйлади аёл. – Жаҳлим чиқиб, чекишни ҳам удалай олмайсан, деб таъна қилганим-қилган эди. Ҳозир ҳам сигаретаси қўлидан тушиб кетай-тушиб кетай деб турибди”.

– Сенга нимани ҳам гапирай? – чуқур хўрсинди эркак. – Ишлаяпман. Чет элга ишлагани кетган эдим. Истамбулда бир неча йилдан бери бўлганим йўқ. Мана, келганимга энди икки ой бўлди. Яхши жойлашиб олдик, бирдан олдин, бирдан кейин яшаб юрибмиз.

Гапирадиган ҳеч гап йўқ! Уларнинг охирги учрашувларидан кейин қанчадан-қанча сувлар оқиб ўтди. У уйланиб, ота ҳам бўлди. Ҳар доим бирор нарсани эсламоқчи бўлсанг, кўз ўнгингда, хотирангда сақланиб қолган ёшлик кунларинг жонланади. Лекин қаршисидаги бу аёл бир вақтлари қалбининг тўридан жой олган бўлиб, унинг энг яқин, ҳеч вақт унутолмайдиган севгилиси бўлиб қолганди.



Эркак гапида давом этди:

– Ишляпман... Яшаш жойим ҳам ёмон эмас.

– Хотининг, болаларингнинг аҳволи қалай? – сўради аёл. Бироз сукутдан сўнг:

– Бахтлимисан? – деб қўшиб қўйди.

Бахт! У ўша ўтиб кетган қайғусиз кунларда, шу моҳипайкарнинг фироқида куйиб-ёниб, уни интизорлик билан кутган вақтларидагина бахтли бўлган эди. Энди-чи, бахт қаерда дейсиз, уни қанча қидирмай ҳеч қаердан топиб бўлмайди. Ахён-ахёнда насиб этадиган баъзи хурсандчиликларни айтмаса, умри кундалик ташвишлар билан ўтмоқда.

Эркак уйланаман, бола-чақа қиламан, хотинимни астойдил севаман деб орзу қилган кунларини аллақачон унутган эди. У уйланган аёл оддийгина. Унга тасодифан уйланди. Мабодо севганига уйланганида ҳам балки ҳаёти шундай кечармиди? Одатда кўпинча шундай бўлади-ку! Жаҳонда бахт борлиги тўғрисида бош қотириш бемаъни иш. Бахт йўқ. Бахт деб аталган нарсга хомхаёл, ушалмайдиган орзу.

– Бахтлиман, албатта, – жавоб қайтарди эркак. – Ўзинг-чи?

– Мен ҳам бахтлиман, – деди-ю аёл мийиғида аста кулиб қўйди.

“Қаердаги беҳуда гапларни гапираяпман-а... – деб қўйди аёл ичида. – Иккимиз ҳам қаёқдаги бемаъни гапларни гапираяпмиз”.

Қизик, улар ҳозир бир-бирларини қандай қилиб таниб қолдилар! Қоронғида дабдурустдан кўзлари кўзларига тўқнашиб қолди. Ўша аввалги ўткан кунлари беихтиёр эсларига тушди. Аёл ҳўнграб юбормаслик учун юзини четга бурди.

Кўприк орқада қолди. Бойўғлининг қиёфаси худди улар кинода кўрганлари Манхеттен оролини эслатар эди. Эркак биринчи бўлиб: “Қара, сенинг Манхеттеннинг”, деб жимликни бузди. Улар ёнларидан тунеллар,

меҳмонхоналар, кўрфазлар, уйлар, кемалар, қайиқлар, трамвайларнинг ўтишига асло парво қилмасдилар.

Очиғини айтганда, бунақа воқеалар бўлиб туради. Вақтнинг зудлик билан ўтиб бораётганини ҳеч ким сезмайди. Ҳа, вақт зумда ўтади-кетди. Асло уни тўхтатиб бўлмайди. Севги, ишонч – буларнинг бари ортда қолади...

Уларнинг бир-бирларини ҳаддан ортиқ севган кунлари ҳар ҳолда алоҳида ажралиб турмоғи лозим. Айтгандай, қиз йигитни бир лаҳза бўлса-да, севганмиди? Ҳа, ўша пайтда қиз: “Сени севаман”, деганди. Ўша ондаги ҳисларнинг ягона, ҳақиқий ҳис-туйғулар эканлигини у шу лаҳзадагина тушунди.

Эвоҳ, ўша дамдаги бахт қўлдан чиқди, ҳа, қўлдан чиқди! Ҳар бир истаган кишим мени севиб ардоқлайди, мен ҳам истаган кишимни сева оламан, деб ўйлаган эди.

Эркак қўлидаги сигаретани тўлқинланиб оқаётган денгизга улоқтириб юборди.

- Истамбулни роса соғиндим-да, ўзимам, – деди эркак.
- Нималарни эсладинг? – сўради аёл.
- Босфорни, кемаларни, Бойўғлидаги кўприкни, кинотеатрларни эсладим.
- Яна қаерларни?
- Яқин кишиларимни, албатта.

Гапиришга арзийдиган гапи бўлмаган одамларнинг суҳбати бемаъни бўлади. Қайтанга учрашмаганлари маъқул эди. Ҳеч бўлмаганда бу учрашув ҳақида юракни эзадиган ўйлар бўлмасмиди? Ана шунда бир-бирлари тўғрисидаги ўша эски хотиралар қалбларида умрбод сақланиб қолган бўлармиди! Лекин бу тасодифий учрашув уларнинг бир-бирларига бўлган меҳр-муҳаббатини маҳв этди.

Аёл: “Нега менга уйланмадинг?” деб сўрашга жазм эта олмади. Бу ҳақда қандай сўрай оларди ҳам. Ўзи уни менсимай кетди-ку. Ўйинчок каби ўйнади-ку! Улар чурк этмай, бир-бирларига термулдилар. Бу оғир учрашув эди. Охири эркак нима дейишни билмай:

- Қўйлагинг жуда чиройли экан! Ҳар доимгидек гўзалсан, – деди.
- Қўйсанг-чи, азизим, ахир бу эски қўйлагим-ку!
- Жудаям чиройли экан, сени очиб юборибди.

Пастда кимдир бир қўшиқни хуштакда бетиним хиргойи қиларди. Бу хазон бўлган севги ҳақидаги қўшиқ эди:

*Севшиганларни ҳаёт,
Бир-биридан қилади жудо.
Изларини ювар денгиз,
Бўлгандан сўнг улар айро.*

Бу қўшиқ сўзларини энди уларга нима қизиғи бор? Ўша вақтда айтилдиган қўшиқ бутунлай бошқача эди. Бу эса янгиси экан. Бошқа кишилар шу хазон бўлган севги ҳақидаги қўшиқни эшитиб, қачонлардир ўзларининг ўтиб кетган ёшлиқларини эслайдилар.

Узоқда чағалай чарх уриб, қанотларини кенг ёзиб учарди. Бироздан сўнг ҳаммаёқни қоронғулик чулғади.

- Уйингга кетаяпсанми? – сўради эркак.
- Йўк, ўртоғимникига кириб ўтмоқчиман. Сен-чи?
- Менинг зарур ишим бор...

Ҳаммаси беҳуда гаплар, қалб сўзлари эмас!.. Бу сўзлар сохта, кўнгил учун айтилган гаплар. Бу сўзлар ўз маъносини йўқотган. Худди улар авваллари севишмагандек эди. Фақат бир-бирларини соғиниб, меҳр билан тикилишларидангина буни уқиб олиш мумкин эди, холос. Бу кўзларда сўнган ўтнинг учкунлари аста-секин ёлқинланарди.

“Учрашмаганимиз маъқул эди, – ўйлади эркак. – Жудаям ўзгариб кетибди. Бундай ўзгариб кетишини сира хаёлимга келтирмагандим. Қариб қолибди, озиб кетибди. Тавба, бу кўйга қандай тушди экан-а. Ҳаёт нақадар бешафқат!”

Вақт севган одамининг чехрасига ҳам раҳна соларкан. Балки аёлни ҳам худди шу сўзлар хаёлидан ўтаётган бўлса ажаб эмас. Худди савдогарларга ўхшаш бу семиз эркак қаердан пайдо бўлди экан! Қани, унинг ёшликдаги кўркам, келишган қадди-қомати?

Иккисининг ҳам кўнгли бузилиб кетди. Улар зумраддек тўлқинланиб оқаётган мовий денгизга тикилиб ўтирардилар.

– Болангинг ёши нечада? – сўраб қолди аёл тўсатдан.

– Каттаси тўртда, кичиги эса бир ярим яшар.

– Боланг иккитами? Қай бирини кўпроқ яхши кўрасан?

Аёл орадаги оғир жимликни бузиш учунгина ушбу саволни берганди. Эркак аёлни берган саволига жавоб бермай, мийиғида кулиб қўя қолди...

“Қаёқдаги бўлмағур гапларни гапираяпман-а, – ўйлади аёл. – Тезроқ бандаргоҳга ета қолсак эди! Бу суҳбатни давом эттиришнинг ҳожати йўқ. Ўтган ишларни эсламаслик керак, ундан қочмоқ лозим. Фақат яқин орада танишган кишининггина севишинг мумкин. Эски муҳаббат, севиш-севилишлар фақат хотирадагина сақланиши керак”.

Истамбул оқшоми ўзгача эди. Қизғиш уфқ. Тимқора осмон. Чағалайлар. Кичик моторли қайиқлар. Ёқимли куй. Қувноқ хандалар. Илгари ҳам худди шундай бўлган эди. Узоқ йилларгача буларнинг барчаси ўз ўрнида қолади, лекин нимадир бир умрга қайтмас бўлиб ғойиб бўлади. Бу нима ўзи? Буни тушуниш қийин...

– Автобусга шошилаяпман, – деди аёл. – Эртароқ боришим керак.

Аёл ўридан турди. Эркак унинг кетаётганидан хурсанд бўлиб ўтирган жойида қолаверди. У хаёлидан: “Кетгани яхши. Унинг ёшлик пайтларини эслайман”, деган сўзларни ўтказди.

– Хайр, омон бўл. Сени учратганимдан ғоятда хурсандман, – деди эркак.

– Мен ҳам. Хайр, яхши қол!

Узоқдан аёлнинг енгил қадам ташлаб, сочининг оҳиста тебраниб бориши худди ёшликдаги юришини эслатиб юборди. Илк учрашув кунларида ҳам у худди шундай енгил қадам ташлаб унинг истикболига келганди. Бир кўнгли уни чақирмоқчи бўлди, лекин тезда бу фикридан қайтди.

“Қаёқдаги бўлмағур гапларни вайсаб келдим-а! – ўйларди эркак. – Нималар ҳақида сўзлашни билмадим. Тузукроқ гап ҳам айтолганим йўқ”.

Уни уйда хотини, болалари кутишарди. Иссиқ овқат кутарди. Бу унинг кундалик ҳаёти. Айни ҳақиқат шу. Эрталаб ишга, кечкурун оиласига қайтади. Ишдан хориб-чарчаб қайтиб келгач, ухлайди. Севгисиз кунлар... Унинг ҳаёти шундан иборат. Агарда хотирасида ҳали ҳам илк севгиси сақланаётган бўлса, буларнинг ҳаммаси ўз-ўзидан нутилиб кетиши муқаррар. Ушалмаган орзу ҳақида қайғуриш беҳуда нарса. Ўтиб кетган ёшлик ҳеч қачон қайтиб келмайди. Инсон ҳозирги кун билан яшамоғи лозим.

“ПАХТА ИШИ” АНАТОМИЯСИ

*Номингни қаро деган – пахтагинам, сенмисан,
Лўппи дея ютганим – лахтагинам, сенмисан,
Авахтада бош урган тахтагинам, сенмисан?!
Фақатгина халқ яшар, фақатгина қолур халқ.*

Абдулла ОРИПОВ

Мустақиллик учун кураш тарихи истибдод замонининг энг қора кунларидан бошланиб, ХХ асрнинг тўқсонинчи йиллари бошига қадар давом этди. Истиклол даврида бу улуғ неъматни англаш, қадрига етиш ва жаҳон узра тарихан бой ўтмишга эга ўзбек давлатчилиги қаддини тиклаш жараёни “инсон онгидаю замон қаърида” буюк эврилишлар билан давом этаётир.

Бу улуғ йўлнинг сабоқлари кўп! Куйида ҳикоя қилинаётган бир сулола қиссаси яқин ўтмишимизнинг энг қора кунлари бўлмиш сўнгги қатағон даври воқеаларига бағишланган. Шухрат Бобоёров, унинг отаси ва бобоси бошига тушган кулфатлар, ситам ва изтироблар эрк-сизлик замонида ҳар бир ўзбек оиласи тортган азоб-уқубатлардан фарқ қилмайди. Уч ойлик раиснинг тақдири унга тақдирдош халқнинг аччиқ қисмати ва ниҳоят, ёруғ кунлар шукронаси билан бевосита боғлиқ.

* * *

– Мен ким – Шухрат Бобоёров, бор-йўғи уч ойгина раислик қилиб, ғараз ниятда тўқиб чиқарилган сиёсатнинг даҳшатли чангалига тушганлардан бири эдим, – деб бошлаганди у вафотидан бир йил аввал Қарши шаҳридаги чоққина қаҳвахонада бўлиб ўтган суҳбатимизда. – Авваламбор, бу “пахта иши”, “ўзбек иши” деб аталган сиёсий ўйинлар қандай мақсадда амалга оширилгани тўғрисида сўзласам.

Хўш, ўзи нима учун керак эди олти миллион тонна пахта етиштириш? Жавоб шуки, собиқ иттифоқ барча соҳаларда дунёда биринчи бўлишга даъвогар эди. Космонавтиками, машинасозликми, қишлоқ хўжалигимми, санъатми, адабиётми, маданиятми, қатъий назар, у энг юқори кўрсаткичга эришмоққа жаҳд қилганди. Ўшанда пахта толаси бўйича биринчи ўринга чиқиш учун Москвага “9 миллион тонна” деган рақам керак бўлиб қолди. Шу тўққиз миллионнинг олти миллиони Ўзбекистон чекига тушди.

Собик маҳкум бироз сукутга чўмиб, сўзида давом этди:

– Мен 1983 йил август ойининг ҳам ярми ўтиб хўжаликка раҳбар этиб тайинландим, хужжатларда сайланди, деб ёзилган. Асли раис оиласида туғилганман. Отам ҳам шу колхозда узлуксиз йигирма йилга яқин раҳбарлик қилган. 1974 йили 51 ёшида вафот этган.

Ниятим отамнинг номига муносиб бўлиб ишлаш эди. Хўжалигимиз вилоятдаги ягона орденли хўжалик. Отам уч марта Ўзбекистон Олий Совети депутати бўлган, кўп мукофотлар олган. Вафотларидан тўққиз йил сўнг мени шу ишга қўйишди.

Ўшанда пахта ҳосили етиштириб бўлинган эди. 15 августдан сўнг қанча парвариш қилинса ҳам ҳосилга ҳосил қўшиб бўлмаган. Буни мутахассис сифатида яхши биламан. Орадан икки ҳафта ўтиб йиғим-терим бошланди. Янглишмасам, 2-3 сентябр – ўша вақт Усмонхўжаев келиб, Қашқадарёнинг юқори районлари раҳбарларини йиғиб мажлис қилди. Мажлис “Тулистон” колхозини боғида бўлди. Масала битта: қачон пахта тайёрлаш режаси бажарилади? Навбат Шаҳрисабз туманига келди. Хўжалик раҳбарлари минбарга чақарилиб, ўз оғизлари билан ваъда беришяпти. Навбат менга етгач, 25 сентябрлардан гапиришга тўғри келяпти. Шунга қарамасдан, ўз фикримни айтдим. Катталарнинг кўзига ёмон кўринмаслик учун, ҳам ўзимни ҳимоя қилиб, хўжалигимиз тоғ олди зонасида жойлашгани, ҳамма вақт теримга бошқалардан беш-ўн кун кечроқ тушишимизни айтиб – ўша вақтлар 7 ноябрь энг катта байрам ҳисобланарди – байрам кунлари бажарамиз, демоқчи бўлганимда Усмонхўжаев: “Тўхта, тўхта, сен нима деясан?” деди. Мен: “7 ноябрь атрофида бажаришга ҳаракат қиламиз”, дедим. Минғирлаброқ гапирарди Усмонхўжаев: “Сенинг ноябрда бажарадиган планинг – тўртинчи сорт пахта кимга керак?” деди. Ўша вақтда вилоят раҳбари Ғойипов эди. “Қаёқдан топгансизлар бунини? Ноябрь деяпти-ку, бу”, деганда Ғойипов вазиятни юмшатиш учун: “Йўқ, адашди, адашди, 7 октябрь дейман деб, 7 ноябрь деб юборди”, деди. Усмонхўжаев мендан қайта сўради: “7 октябрми, ноябрми?” Мен ўз сўзимда турдим: “Ноябрь! 7-10ларда бажарамиз”...

У бирданига тутақиб, “Туш, трибунадан. Чик. Кет. Бўшатишлар бунини”, деб мени мажлисдан ҳайдади. Чиқиб кетаётганим, ижроқўм раиси Мавлон ака Муҳаммадиев орқамдан етиб келди: “Тўхта, Шухрат. Сен нега унақа дединг. Мажлиснинг ройишига қараб гапирмайсанми? Тўхтаб тур, менимча, мажлисдан кейин сен билан суҳбатлашишса керак”, деди. Мажлис тугаб, мени чақаришди. Раҳбарлар чойга киришаётган экан. Рўздат Ғойипов мени Усмонхўжаевнинг олдида обориб: “Бу ёш йигит, ишлайди. Муддатни адаштириб юборди. Рухсат беринг, ишлайверсин”, деди. Усмонхўжаев “ҳа” ҳам, “йўқ” ҳам демасдан ичкари хонага кириб кетди.

Мен ҳам шу билан кетдим. Барча топшириқларни бажариб боравердик. Ҳатто икки ўн кунликда хўжалигимиз графикни яхши бажаргани учун рағбатлантирилди. Илғор бригадаларга машина берилди. Бир ой ёки қирқ кун ўтиб биринчи терим тугади. Ўша вақтда бизнинг хўжалик 5,8 минг, мажбурияти билан 6 минг тонна; туман 62,5 минг, вилоят – 600 минг, республика 6 миллион тонна пахта топшириши керак экан. Юқоридан туриб, теппа-тенг тақсимланганга ўхшайди. Кулгили нисбат...

Бу – ҳар гектар ердан 38 центнердан кондицион ҳосил олинганда ҳам бажариш қийин бўлган режа эди. Хуллас, биринчи терим тугагандан кейин кунлик топширикни бажариш оғирлашиб бораверди. Ўша йили июль ойида Шахрисабз туманига аввал вилоят прокурори бўлиб ишлаган Ҳалил ака Холиқов биринчи котиб бўлиб келганди. У доим “қўшиб ёзишга йўл қўймаймиз, бу яхшиликка олиб келмайди”, деб мажлис ўтказарди. Бизлар: биринчи котиб шу фикрида турса, ҳаммамиз тинч бўламиз, деб жуда хурсанд эдик. Лекин бу одам аҳдида бир ойдан зиёдроккина туриб берди, холос. Вилоятдан юборилаётган вакиллар кетма-кет алмашаверди... 20 октябрда Шахрисабзга обкомнинг иккинчи котиби Иван Головачёв келди. Ҳамма ишнинг бузилиши шундан бошланди. “Қўшиб ёзишга йўл қўймаймиз”, деб юрган Холиқов ҳам бу гапни айтмайдиган бўлди, унинг кайфияти кун сайин тушиб кетаверди. Биз: “Маҳкам тулинг”, деб кўп айтганмиз. Бироқ Головачёв келганда биринчи терим тугаган, юқоридан қўйилаётган режани бажаришга мутлақо имкон қолмаганди.

Пахта тозалаш заводидаги штабда ҳар куни Головачёв ярим кечгача ўтиради. У ўзбек тилида яхши гапирарди. Ўша “разбор” дегани кеч соат 10-11ларда бошланса, 2-3 гача давом этарди. Иван Иосипович одамларни юзинг-қўзинг демай роса ҳақорат қиларди. Унга ёлғондан бўлса ҳам кунлик топширикни “бажариш”инг керак эди. “Бажармаган”ни ҳақорат қиларди. Октябрь ойи охирларида 80 тонна, чўлдаги Шахрисабз массиви ҳисобидан 20-30 тонна, жами 100-110 тонна пахта топшириб келаётгандик.

20 октябрлардан кейин, бир кун навбатим келганда “разбор”га кирсам, Головачёв, Холиқов, пахта заводи директори Суюн Жўраев ўтиришган экан. Головачёв бирданига пахта қанча бўлди, деб сўради. Мен: “Хўжаликдан 80 тонна, ҳали чўлникени хабарини олганим йўқ”, энди айтишади деганимда, “Э, массивингни билмайман. Сеники бугуннинг ўзида 130 тонна бўлган”, деди. “Қанақасига 130 тонна?! Ҳозир пахта пунктдан келаяпман: 80 тонна топширдик”, деганимда у “Сен илон, чаён, 130 тонна пахтани жойига қўясан. Чик, кет!” деди. Штабга телефон қилдим: “Биз 80 тонна пахта топширдик-ку?!” Штабда ўтирадиган Бозор Мардонов “Йўқ, Шухрат, сен 130 тонна пахта бергансан”, деди. “Қанақасига?” десам, “Ўзинг тушуниб оласан”, деб жавоб қилди...

Қўшиб ёзишга мажбурлаш шу тарзда бошланди. Шундай бўлса ҳам тўғри маълумот бериб боравердик. 80 тонна юқори зонадан, Шахрисабз массивидан 20-30 тонна пахта терилаяпти. Бироқ беш-олти кун ичида ҳақиқий терим билан пахта штаби маълумоти ўртасида 300 тоннага яқин фарқ пайдо бўлди. Яъни қўшиб ёзилган сохта маълумот...

Шу орада Шароф Рашидов вафот этди. У киши “пахта фронти жангчиси” эди, шу “фронт”да ҳалок бўлди. Бутун республикада мотам... Олти миллион тонна деган рақам Помиру Эверестдек қўл етмас бўлиб тураверди. Шундай бўлса ҳам, ўйлайман: балки туманимизга Головачёв обкомнинг зўравон вакили бўлиб келмаганида, бу ташвишлар бошимизга тушмасмиди?! Ноябрь ойи бошланди. Терим охирлаяпти. Айни шу кезде Головачёв яна мажлис қилиб ҳаммани — ўқитувчими, хўжалик раҳбарими, эркак ё аёлми, фарқи йўқ, қўпол сўзлар билан ҳақоратлай бошлади. Бир куни мен: “Ишламайман”, деб мажлисдан чиқиб кетдим. Ўшанда план тўлмаётгани учун хўжаликларда зарбдор бригадалар тузилган эди. Чорвами, болалар боғчасими, мактабми – ҳамма жойда зарбдор бригада ташкил қилинган.

Белимга фартук тақиб далага чиқиб кетдим. “Разбор”ларга бормадим. Ўша вақтлар рация бўларди. “Тез етиб кел”, дейишса ҳам бормадим. Эрта-си куни “Райкомга чақиришяпти”, деб машина юборишди. Имкон топиб, Холиқовга учрадим. “Халил ака, нотўғри ишлар бўляпти. Ўзингиз қанақа ваъдалар қилувдингиз”, деганимда, у: “Шухрат, сен нимани биласан? Бу Головачёв билан ўйнашиб бўлмайди. У – Москванинг одами. Сен каби раиснигина эмас, мендай райком котибини ҳам йўқ қилиб юборди”, деди. Қисқаси, иш тазйиқ остида давом этаверди.

Яна бир куни, 3-4 ноябрларда “Гулистон” хўжалигида катта мажлис бўлди. Уни Худойбердиев ўтказди. Яна: “Пахта тайёрлаш планини бажарасизлар”, деган гап. Мен 15 дақиқа кечикиброқ келдим, секин бориб раислар сафига кирдим. Головачёв, айниқса, менга қаттиқ ёпишганди. Ўзбекча, русча сўзларни кўшиб, аралаштириб, “Ты слышком умный, слышком грамотный”, деб захрини сочаверди. Фурсатдан фойдаланиб, мени Худойбердиевга сўктирмоқчи бўлди. Раислар сафида турганимда қўлимдан ушлаб Худойбердиевнинг олдига олиб чиқди: “Мана, кетиб қолган раис...”

Мен салом бердим. У киши отамни яхши биларкан. “Сизнинг раис бўлганингизни эшитиб, хурсанд бўлдик. Сизга ишонамиз. Ҳамма топширикни бажарасиз. Эртага яна келаман, хўжалигингизга бораман. Албатта, уйдагиларга, Ғани аканинг набиралари, болаларига салом айтинг”, деди. Шундан сўнг Головачёв ҳеч нарса деёлмай қолди...

Айни ўша вақтлар Андропов Марказқўмнинг Бош секретари эди. Кейин эшитсам, у Рашидовга нисбатан беғараз, холис муносабатда бўлмаган. Қандайдир ўчи бор экан. Шунинг учун Ўзбекистонга десант ташлади. Қатағон бошланди: текшир-текшир, қама-қама. Ҳамма ваҳимада, юрак ҳовучлаб юради. “Бугун фалончини қамабди”, эртага яна: “Фалончи қамалибди. Фалончи вафот этибди”, “Фалончи ўз жонига қасд қилибди”... Бундай гаплар жуда кўпайиб кетди.

1984 йилнинг кўклами. Чигит экиб бўлинган, беш-олтита чинбарг ҳам чиққан. Кечагидай эсимда: 26 апрель куни тумандаги мажлисдан қайтаётгандик. Шаҳрисабзда қуёш чарақлаб турибди. Бироқ хўжалигимиз устида бир парча қоп-қора булут. Баҳор ҳавоси эмасми – бир километр жойда ёмғир ёғиб, иккинчи километрда ёғмай ҳам туради. Етиб борсам, қаттиқ дўл ва жала ёғаётган экан. Сел келиши аниқ эди. Мен сел йиғилиб, тўпланиб оқадиган бир жойни билардим. Ҳайдовчига: аввал ўша ерга ҳайда, дедим. Борсам, даланинг ичидан лойқа сув отилиб чиқяпти. Сувнинг “шашти”дан билдимки, эккан пахтамининг 60-70 фоизи жала ва дўл остида қолган...

Қоронги туша бошлаганда идорага келдим. Одамлар ташвиш-тахликада. “Нима гап?” десам, “Терговчилар келишди. Бухгалтериянинг барча ҳужжатлари, кассани қулфлаб, Сизни кутишяпти”, дейишди. Ичкарига кирдим. Орқамдан келишиб, ўзларини таништиришди. “Ҳужжатларни олаяпмиз”, дейишди. “Майли, олинглар”, дедим. Шу тариқа бизнинг хўжаликдаям тергов ва тафтиш бошланди.

Энди ўйлаб қарасам, 83 йил ҳисобидан уч ой, 84 йилда уч ой – жами олти ой ишлаганман. Одам боласини менсимаслик, ҳақоратлаш, оёқости қилиш – ана ўша терговдан бошланди. У ёғини гапириш жуда оғир: бугун прокуратурага, эртага милицияга, кейин Тошкентга – МВД, Прокуратурага... Вилоят прокуратураси бир кун тинч қўймайди.

Алам қиладиган оғир гаплар, 84-йил май ойидан бошланди. Прокуратурага чакиришиб, “Фалон хонага киринг”, дейишди. Ҳозир миллатини ҳам билмайман: ё Карташян, ё Карташов эди (Гдлян гуруҳи аъзоси ва унинг юртдоши Альберт Карташян). Ёш. Менсимасдан исм-фамилиямни сўраб, протоколни олдимга қўйди. Калондимоғлик билан муомала қилиб, кўркитишга ўтпти: “Ҳозирок сени камоққа оламан”, дейди. Мен ўз ҳақ-хукукимни озроқ билардим: “Прокурор санкциясиз қандоқ камоққа оласиз? Бу ишда бизларнинг бирор манфаат кўрган жойимиз борми?” дедим. “Сенга санкция керакми? Менинг ўзим санкция!” деди. Сўнг папкасидан бир пачка қоғоз олиб: “Қанча санкция керак санга?” деб олдимга ташлади. Қарасам, ҳақиқатдан фамилия, исм қўйилмаган, печатланган, прокурор имзолаган санкция. “Мен истаган одамимни камоққа оламан”, деди.

Шу зайлда одамнинг ғурурини топтайдиган босим билан сўроқ давом этаверди. Бу ёқда тафтиш кетаяпти. Орада чигитни қайта экдик. Бир амаллаб кўчатларни ундириб олдик. Хўжаликнинг кўрсаткичлари яхши эди. Мавсум ўртасида вилоят раҳбари Туропов келиб, даладаги ишлардан хурсанд бўлди. “Баҳорда селдан кўп талафот кўргандингиз. Мана, чигитни қайта экиб-кўкартириб олибсиз, ҳосил яхши”, деди. Шунда райком секретари Январ Иноятов мени четга тортиб: “Шухрат, дардингни айт, ҳозир. Кайфияти яхши экан”, деди. Мен иккиланиб турганимда Январ Пўлатовичнинг ўзи гап бошлаб қолди: “Нормўмин Туропович, раиснинг бир дарди бор, айтмаяпти”. “Нима гап раис, айтинг”, деб сўради вилоят раҳбари. Мен: “Нормўмин Туропович, бу тергов билан тафтиш бизларни роса чарчатди. Шу вақтгача гувоҳсан, гумондорсан, деб сўроқ қилишаётувди. Энди айбланувчи деб протокол тузишяпти. Қачонгача давом этади бу?”, деганимда Туропов шимининг киссасини кўрсатиб: “Чўнтакка ҳеч нарса тушмаганими?” деди. Мен: “Йўқ. Агар ўз манфаатимизга бирор сўм ўзлаштирган бўлсак, олий жазо беришса ҳам розиман. Буни тафтишдаям, терговдаям исбот қилиб бераман”, дедим. “Унда кўркманг, кайфиятни бузмай ишлайверинг. Қаттиқ ишланг”, деди.

Улар кетишгач, ўзимни анча босиб олдим. Шунчаки, текшириш экан-да, деб ўйладим. Йўқ, аксинча тергов авжга чиқди. Қандай ишлаётганимизни ҳам билмаймиз. Ҳамма хўжалик раҳбарлари тушкун аҳволда. Нима қилишни билмайди... Орада 84-йилнинг декабри ҳам келди. “Чўнтагингизга кирмаган бўлса – кўркманг, кўнгилни бузмасдан ишлайверинг”, деган Туропов катта бир мажлисда: “Буларнинг ҳаммасини бўшатиш”, деб топшириқ берди. Бор-йўғи олти ой ишлаб бунақа “тавқи лаънат”га дучор бўламан деб, ўйламагандим. Жуда уят бўлди. Ўзимдан ҳам кўра, ажод-авлодларим шаънига нукси урмасайди, деб ичимни ит таталайди. Нима деган одам бўлдим?... Бошимни кўтара олмайман. Юрагимга қил ҳам сиғмайди. Лекин мен сингари беайб балога қолган хўжалик раҳбарлари кўп эди. Улар билан йиғилишиб турамиз. Кейинроқ барча хўжалик раҳбарлари вазифадан олиб ташланди.

Майли эди ишдан озод қилиб, тинч қўйишса. Йўқ, тинимсиз сўроқ-кистов: Тошкентда, ИИБ ертўласида ва ҳоказо... Хуллас, сўроқ бериш 86-йилнинг апрелигача давом этди. Умримизнинг икки йили терговда, тафтишда ўтиб кетди. Бошимизни урмаган жой қолмади. Кейинчалик билдикки, ҳукук органлари иши тўлиғича десантчилар қўлига ўтган экан.

Бутурлин, Усатов, Гайданов, Дидоренко... Эшитиб юрибмиз: ана шу – Дидоренко дегани хўжайин. ИИВга сўроққа борамиз. Ҳамма зир титрайди.

Бир марта, эсимда, Шаҳрисабз ва Китоб туманлари раҳбарлари Марказқўмга бордик. Маъмурий бўлимда алоҳида қабул қилишди. Гайданов ва Дидоренко ўтирибди. Ички ишлар вазири ўринбосари Раҳимов ўзбекча сўзлади. Бир кўришдан билдим: яхши инсон экан. Арзга келган барча хўжалик раҳбарлари дардини русча айтиб берди. Сўнг раисларга: “Талабларингни рус тилида айтишлар, сизларда гуноҳ йўқлигини тушуниб турибман. Ҳамма иш буларнинг қўлида”, деб Гайданов ва Бутурлинни кўрсатди. Ҳамма хўжалик раҳбарлари ҳам фикрини русча баён қилолмади. Мен ўтирган жойимдан ўзимча икки оғиз тилмочлик қилганим, яқинроққа чақириб олишди. Хуллас, ўша ерда йигирма уч киши ўз “дарди”ни ўзбек тилида айтишди, мен рус тилида тушунтириб бордим. Охирида Гайданов мендан сўради: “Ўзинг кимсан, бу ерда нима қилиб ўтирибсан?” Мен: “Шаҳрисабз туманидаги Ленин номидаги колхоз раисиман. Ўзимнинг ҳам дардим шу, шунинг учун келганман”, дедим. Қўлида рўйхат бор экан. Унга қараб: “Сен ҳали ҳам очикда юрибсанми? Биз сени нега қамокқа олмадик?” деди.

Кейин тушунсам, арзгўйларнинг додини русча тушунтириб берганим ёқмаган экан уларга. Бирор натижасиз чиқиб кетавердик. Яна ўша хўрлаш, яна ўша таҳқир. Тажрибаси катта раислар: “Энди фақат Москвадан нажот топамиз, деган хулосага келишди. “Сен ёшроқсан”, деб мени танлашди. Тўрт киши – Шаҳрисабздан, беш киши – Китобдан Москвага жўнадик. Марказқўмга бир эмас, кўп мурожаат қилдик. Арзимиз, муддаомизни айтдик. Маъсул ходим дардимизни эшитиб бўлгач: “Шу гапларинг учун жавоб бера оласизларми? Ҳақиқатан шунақа бўлганми?” деб овозимизни ёзиб олди. Биз: “Ҳар бир сўзимиз, аризадаги ҳар бир ҳарф учун жавоб берамиз. Бор гап – шу”, деганимиздан кейин: “Мен раҳбариятга арзларингизни етказаман”, деб телефон номерини берди. “Икки-уч ё тўрт кундан сўнг хабарлашинглар”, деди. Бир ҳафта кутсак ҳам жавоб бўлмади. Қўнғироқ қилганимизда: “Ҳали жавоб ололганим йўқ”, дейди. Ахийри: “Қайтаверинглар. Қанақа қарорга келсак, хатни Ўзбекистонга жўнатамиз”, деди.

Москвага бориб қаноатланмасдан қайтдик. Бир марта “Тегишли органларга жўнатдик”, деган мазмунда хат келди. Республика оммавий ахборот воситаларидан биронтаси бу ишга қўл уришига кўзимиз етмади.

Бу мақола ё ёзилмади ёки ёзилса ҳам “ЛГ”да эълон қилинмади...

Бу ишлар бошланганидан сўнг бир ярим-икки йил ўтди. Иш шу қадар кенг қулоч ёйдикки, республиканинг қаерига, қайси вилоят, қайси туманга бормайлик, “фалончи қамалибди” деган гап. Таниш-билишлар: “Бизларда ҳам шу аҳвол”, дейишади. Бирга ўқиган, бирга ишлаган, раҳбар бўлган дўстларимиз бор. Бошқа туманлардаги таниш-билишлар билан учрашамиз, телефонлашамиз, “Нима бўлаяпти?”, деб сўраймиз. Мен-ку, Москвадан қайтгандан сўнг “қўлимни ювиб, қўлтиққа уриб”, бўлди энди, фойдаси йўқ экан, деган хулосага келганим. Барибир, бирор кун яхши гап эшитамизми, деган илинж ҳам йўқ эмас. Сал фурсат ўтиб, Ички ишлар вазирлиги чақирди. “Адвокат билан келинглар. Айблов фикрини қўлларингизга берамиз”, дейишди. Адвокат билан бориб, тўртта модда кўйилган “Айблов фикри”ни олиб қайтдик. “Энди суд бўлишини кутасизлар”, дейишди.

Хуллас, сўроқ бошланди. Айблов фикрини ўқиб, судья ҳам ўзини шунақанги тутдики... “Уюшган жинойи гуруҳга бошчилик қилиб, юқори ташкилотларнинг ноқонуний топшириқларини бажариб, жамоат ва давлат мулкни талон-торож қилган...”. Бу гапларга “илон ҳам пўст ташлайди”.

Тафтишда ҳам, терговда ҳам хўжаликнинг бирор аъзоси ўз манфаати учун бирор сўм маблағ ўзлаштирагани аниқ кўришиб турган бўлса! Биз умумий мулкни талон-торож қилмаган, ўз манфаатимизга бир сўмни ҳам ўзлаштираган бўлсак, ахир, қандай қилиб бундай айб қўйилади? Ҳуқуқ посбонларининг қонунга зид хатти-ҳаракати мана шу жойда яққол кўришиб қолди. Кейин ҳуқуқшунослар билан маслаҳатлашсак, бу “айбловни нотўғри квалификация қилиш”га кирар экан... Хуллас, суд икки ойдан кўпроққа чўзилди. Ўшангача Тошкентга борсак ҳам, Москвага борсак ҳам –“иш билан бориб-келдик”, деб юрибмиз. Барибир онанинг кўнгли сезаркан. Ака-укаларимга “судга онамни олиб келманглар”, деб айтаман... Хуллас, орадаги танаффуслар вақтлари протоколсиз ҳам суҳбатлар бўлиб қолади.

Бизга мажбурлаб “топшириқ” берганларнинг кўпи қамокда эди. Лекин очикда юрганлар ҳам бор. Пахта штаби бошлиғи, бошқа вазифадаги одамлар, айниқса, Головачёв! У обком котиблигидан олингани билан очикда юрганди. Алам қиладиган жойи шундаки, “пахта иши”, “ўзбек иши” деб жуда кўп одамлар қамалди. Уларнинг қанчадан-қанчаси ўз жонига қасд қилди. Яна қанчаси қамокда, ўлиб кетишди. Қанчадан-қанча оилалар боқувчисиз қолди, болалар етимлик азобини тортди. Наҳотки, бундай ҳақсизлик фақат бир миллат учун ўйлаб топилган бўлса?

Биз суддан Головачёвни гувоҳ сифатида чақиритишни сўрадик. “Бизга қандай тазйиқ ўтказгани, “қўшиб ёзиш усули” қандай шароитда амалга оширилганини айтиб берсин”, дедик.

Головачёв келасолиб мен билан кучоқлашиб кўришмоқчи бўлди. Ўзи суд бўлиб ётибмиз. Қўлимниям чўзмадим. “Кириб гувоҳлик беринг, бор гапни айтинг. Кейин кўришаверамиз”, деб суд биносига қараб кетдим. Судланувчиларнинг ҳаммаси бош айбдорларнинг биттаси шу эканини яхши биларди. Ҳамма тишини ғижирлатаяпти, кимдир сўқаяпти, “Ҳамма балони шу бошлади”, деб бармоғи билан кўрсатаяпти.

Суд биринчи бўлиб мендан: “Гувоҳга саволингиз борми?” деб сўради. Мен: “Нима бўлганини ўзи айтиб берсин. Кечаси соат учгача одамларни ҳақоратлаб, пахтанинг сводкасини қалам билан ёзиб берарди: бу хўжалик шунча, бу бригада бунча деб”, дедим. У судьяга қараб риёкорлик қилди: “Мен ўзбек тилини яхши билмайман. Булар нима деяётганини тушунмаяпман”, деди. Ҳолбуки, ўзбек тилини жуда яхши биларди. Судланувчиларнинг ҳаммаси Головачёвнинг “қўшиб ёзиш усули”ни айтиб беришди. Ўшанда суднинг эҳтиёт чорасини ўзгартириб, уни гумондор сифатида суд залининг ўзидаёқ қамокқа олишга ҳуқуқи бор эди. “Алоҳида ажрим чиқарамиз Головачёв қисми бўйича”, деб унга жавоб бериб юборишди...

Барибир кўпнинг қарғиши тегар экан... Головачёв ўша ишлардан кейин Ўзбекистондан кўчиб кетди. Орадан анча йиллар ўтиб эшитсак, у Минск шаҳрида, ўғлининг уйида яшаган экан. Ўғли хизмат сафарига кетиб, уйда бир ўзи қолиб кетади. Ҳеч ким йўғида ўлади. Уйда ит бўлган. Ит овқат топа олмай анча вақт оч қолиб, унинг мурдасини еган, дейишади. Мана шу-да, кўпчиликнинг қарғиши ургади. Худонинг ўзи жазосини берибди!..

Хуллас, қамок жазоси бошланди. Ўн бир йил айтишга осон. Ҳаётдан бу-

тунлай умидимизни уздик. Бизларни – далада юрган оддий деҳқон одамларни дини йўқ, миллатининг тайини йўқ, каллакесар, ғирт жиноятчилар ичига олиб бориб тиқишди. 1440 кишига мўлжалланган қамокқа икки минг киши ташланган. Камерани-ку, айтмай қўя қолайлик, ўн кишига мўлжалланган жойга 45-50 кишини тиқиб ташлашган. “Пахта иши” билан қамалган одамлар шу ерда ҳам хокисор: бир-биримизни ҳимоя қилолмаймиз. Бизлар борган зонада Худодан қайтган каззоблар кўп эди. Қамокхона маъмурияти уларга “ғинг” демайди. Менинг йўкотадиган ҳеч нарсам қолмаган. Бор-йўғи олти ой ишлаб, ноҳақлик азобини бўйинга илганман. Жоним кўзга кўринмайди. Эй, келиб-келиб шуларга бўйсунаманми, дейман. Хуллас, ўшалар билан менинг ўртамда низо кун сайин кучайиб бораверди...

Қамокқа тушганимизга олти-етти ой бўлганда қиска муддатли учрашув берилди. Ўзим қийналсам ҳам онамни кўпроқ ўйладим. “Бу нима қилганим бўлди? Онамни тамом қилдим-ку”, деб изтироб чекдим. Ўша учрашувда онам билан, ойна ортидан туриб телефон орқали гаплашаяпмиз. Худога шукур, онам бардам ва тетик кўринди. “Ўғлим, яхшимисан?”, – деди. Шундан сал олдин онам раҳматли, раҳматли акам вилоят раҳбарига учрашишган экан. Шу сабаб онам озроқ ўзларини тутиб олиб, мени хурсанд қилгиси келган эканлар: “Ўғлим, вилоятнинг янги раҳбари билан учрашдик. У киши яхши муомала қилди. “Мен ўрганиб чиқдим, вилоятда битта сизнинг ўғлингиз эмас, жуда кўп киши ноҳақ қамалган. Энди озроқ сабр қилинглар. “Пахта иши”ни жиддий ўрганапмиз. Болаларингизни бағрингизга қайтарамиз, деб ваъда берди у киши”, деди.

Бу гапга у қадар ишонмаган бўлсам-да, онамга далда бўлсин деб, ўзимни хурсанд қилиб кўрсатдим: “Мана, кўрдингизми она, ҳақиқат барибир юзага чиқади. Сиз ўзингизни эҳтиёт қилинг. Мен яқинда бораман. Ҳаммаси ўтиб кетади”, деб улар билан хайрлашдим. Икки-уч кун, ҳафта ичида бошқа маҳбуслардан ҳам шундай гапларни эшита бошладик. Лекин бу миш-миш гап: қанчалик тўғри, қанчалик нотўғри – буни ичкарида туриб билмаймиз. Бунинг устига кўп жойдан ҳақиқат излаб, ёрдам сўраб, ҳеч бир натижа бўлмагани учун ишона олмаймиз ҳам.

Орадан кўп вақт ўтмай: “Қашқадарё вилояти раҳбари республика раҳбарлигига ўтди”, деган хабарни радио орқали эшитдик. Мен ўшанда одамларнинг биринчи марта хурсанд бўлганини кўрганман. Ана энди бу тавқи лаънату азоблардан қутуламиз. Ислоом Абдуғаниевич Марказқўмнинг биринчи секретари бўлибди”, деган гаплар. Ҳамманинг кўзида қувонч, бир-бирини табриклаган. Ҳақиқатдан ҳам кўп вақт ўтмасдан...

Тўғри, бошида бизни ҳеч ким “Бор кетавер”, деб қамокдан озод қилиб юбормаган. “Шартли равишда муддатидан олдин озод қилинсин”, деган моддалар бўларди. Шу тариқа уч йилу ўн ойда – 1990 йилнинг 19 февралда уйга қайтдим... Қамокдан озод бўлганимизга шукур қилиб, Яратганга раҳмат айтиб юрибмиз. Яна кўп вақт ўтмасдан: “Энди тўлиқ оқланасизлар”, деган гаплар эшитилиб қолди. Бизни Тошкентга чақиришди. Борсак, республика Олий судида пахта ишлари бўйича ноҳақ жабрланганлар ишини қайта кўриб чиқиш бўйича комиссия тузилган экан. Унинг раислигига Исмоил Жўрабеков тайинланган. Муовини – Абдусамат Полвонзода. Бу комиссия ноҳақ жабрланганлар ишини синчиклаб ўрганиб, адолатни қарор топтира бошлаган кезлар эди. Ўшанда вилоятлар бўйича ҳам ноҳақ

жабрланганлар ишини кўриб чиқиш учун керакли ҳужжатларни тайёрлаш жараёнига ҳуқуқшунос мутахассислар жалб этилган экан...

Абдусамат ака билан Олий суднинг қайсидир қаватида учрашиб, лифтда бирга пастга тушдик. У киши мени комиссия иш олиб борадиган хонага бошлаб кирди. Шу иш бўйича шуғулланаётган Турсунов деган йигит билан саломлашдим. У мени танигани учун: “Шухрат ака, мана, сизларнинг ишингиз бўйича шуғулланаяпмиз. Яқин кунларда “харакатларида жиноят аломати йўқлиги учун оқланди, деган ҳужжатни оласиз”, деб мени хурсанд қилмоқчи бўлди. Бироқ қамоқда жабр чеккан сафдошларим эсдан чиқмади: Зиёдуллаев деган раисимиз қамоқдан чиқиб келиб, бир ойдан сўнг вафот этди. Қосим Тошев деган раис бувамиз бўларди, у киши эса қамоқхонанинг ўзида вафот этган. Мен Турсуновдан: “Биринчи бўлиб Зиёдуллаев билан Қосим Тошевнинг ҳужжатларини ҳал қилиб беринглар”, дедим. Турсунов менинг нима деяётганимни тушунмади-да: “Э, Шухрат ака, аввал ўзингизникини ҳал қилиб берайлик”, деди. Бирдан ичимда дард кўзғалиб, Турсуновга: “Э, оғайни сени оқланди деган қоғозларингни энди уларга керагиям йўқ. Улар ўлиб кетди. Бола-чақаси хурсанд бўлсин”, дедим.

Абдусамат ака хонадан кетмаган – орқамда турган экан. Келиб елкамга кўлини ташлаб, Турсуновга шундай деди: “Кўрдингми, қандай одамларни қамаб қўйганмиз. Шу ерда ҳам ўзини эмас, вафот этганларнинг ҳужжатини тезроқ қилиб беринглар, деяпти. Бу киши айтган одамларнинг ҳужжатини тез топинглар”, деди-да: “Мен билан бу ёққа юринг”, деб хонасига олиб борди. Шунда ҳам тўлиқ оқланишга у қадар ишонмайман, Абдусамат аканинг илик муомаласи сабаб ботиниб сўрадим: “Ўзи югуриб юрибмиз-у, бироқ оқланамизми, йўқми?”. У киши: “Эй, Шухрат, – деди менга, – орқангизда ким турганини биласизми?”. “Йўқ, билмайман”, дедим. Абдусамат ака столи тортмасини очиб: “Буни бир ўқиб кўринг”, деди. Кўрсам, СССР Олий суди раисидан Юртбошимиз номига келган хат. Унда В.Теребилов: “Сиз ҳуқуқ органлари ишига кўпол равишда аралашиб, жиноятчиларни озод қилиб юбораяпсиз. Бундай қилиш мумкин эмас”, деган мазмунда дағдаға қилган. Ислоҳ Каримов эса ўша хатнинг устига: “Архивга. Тарих учун!”, деб ёзиб қўйган экан. Абдусамат ака шуни кўрсатиб: “Кўрдингизми, ким турибди ортингизда!” – деди.

– Бизлар бу хатни у кишига олиб борганимизда, отиб юбориб: “Ташла буни архивга. Бегуноҳларнинг ҳаммасини оқлаймиз!” деганлар.

– Шу воқеадан, яъни республика Олий судидаги ушбу мулоқотдан сўнг фикрим тиниклашди, – деб давом эттирди гурунгимизни Шухрат Бобоёров. – Ислоҳ Абдуғаниевичнинг бу қадар катта қатъият билан қанчалар оғир юкни елкасига олиб ишга киришганини тўлиқ идрок эта бошладим. Бизларку, ўзимизнинг бошимизга тушган ташвишдан шунча эзилганмиз. Лекин бу одам шунча кишининг, бутун бир халқнинг юкини елкасига олишга ўзида қандай куч топа олди экан? У кишининг бир ўзи бўлса – бутун бир Москва, бутун бир СССРнинг сиёсатига қарши бориш учун одамда филнинг юраги бўлиши керак эмасми! Мен Ислоҳ Абдуғаниевич қандай қилиб бу ишга жазм этди, деб минг марта ўйлагандирман. У киши Қашқадарёда ишлаб юрган вақтлари жуда кўплаб оилалар хаётини ўз кўзи билан кўрган. Туманлар, бутун воҳа одамлари билан мулоқотда бўлган. Улардан эшитган гаплар юрагида дард бўлиб йиғилаверган: “Хўп, биттаси, иккитаси айби учун, конунга зид номақбул иши учун камалган бўлсин. Лекин бирданига

шунча одам жинойтчи бўлиши мумкинми? Иккинчидан, булар жинойтчи бўлса, уларнинг яшаш шароитини ўз кўзим билан кўриб турибман-ку. Уйига борсанг, турмуши ночор одамлар ахволига бокиб, юрагинг титилиб кетади. Болалар, аёлларнинг юзида қон йўқ. Шундай одамлар ҳам ўғри бўладими? Йўқ!”. Бундай изтиробли ўйлар у кишига тинчлик бермаган. Қамалганларнинг кўплари уста пахтакор, халқ ичида обрўи катта инсонлар бўлишган. “Шундай одамлар-а. Йўқ, бу ишга хотиржам қараб бўлмайди”, деган қатъият ўша вақтлардаёқ юрагига ўрнашган. Қамокдан чиқиб келганидан сўнг раҳматли онам бир гапни айтиб берди. Ислоом ака: “Айбсиз бўлатуриб жавобгарликка тортилган одамлар оиласидан хабар олиб турунглари. Уйига борсанг ёқишга ўтини йўқ, ейишга... Рўзғори аранг ўтиб турган одамлар ҳам шунақа жазо оладими?” деган.

Албатта, Ислоом аканинг бундай катта юкни зиммасига олишига ўша пайтлар Чингиз Айтматов, Одил Ёқубов сингари машҳур адибларнинг марказий матбуотда, Кремлнинг съездлар саройидаги чиқишлари – “пахтанинг бехосият неъматга айлангани” ҳақида қуюниб сўзлаганлари, атоқли шоиримиз Абдулла Ориповнинг “Миллион эгатларга сочилган ўзбек”, “Ушқоқ чигитни ҳам этмай деб увол, Миллион эгатларга эгилган халқим!” сингари тагдор мисралари катта туртки бўлган бўлиши керак, деб ўйлайман...

* * *

Хоҳласам, хоҳламасам – ўша “антиқа суд” жараёнидаги эпизодлар қайта-қайта ёдга келаверади. У ерда айтилган гапларнинг барчаси деярли ёд бўлиб кетган. Бизнинг тилимизни тушунмайдиган прокурор Дурдиметов менга савол берапти. Хўжалигимизнинг бош ҳисобчиси раҳматли Авлоқул бобо Қодиров айбланувчи сифатида жавоб берапти. У 1923 йилда туғилган, отамнинг кадрдон дўсти, иккаласи бир кунда урушга кетишган. 1945 йилда Берлинда партияга ўтган. Агар таржимаи холини айтиб берса, собиқ коммунистик тузумга у кишидан кўра содиқ одам Москванинг ўзида ҳам топилмайди. Авлоқул бобо нафақат иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси сифатида, балки ундан кейин – тинчлик йиллари олган мукофотлари билан ҳам ақлингизни шошириб кўярди. Адашмасам, қирққа яқин орден-медаллари бўларди. У киши урушдан сўнг ГДРни тузишда қатнашиб, 47-йили қишлоғига қайтиб келган. Менинг раислик давримда ҳам ишлаб турганди. Дурдиметовнинг сўроқларига: “Мен бу катта кучга қарши чиқолмаганман”, деб жавоб берди. Авлоқул бобо рус тилини жуда яхши биларди, ҳатто урушдан сўнг олмонлар орасида юриб, немис тилини ҳам ўрганиб кетган экан. Дурдиметов: “Судланувчи Қодиров! Сиз уруш вақти фашистлардан кўрқмай, Сталинграддан Берлингача борибсиз. Нима учун тинч даврда “приписка қиласан” деганларга қарши чиқолмадим, кўрқдим, деяпсиз?” деса бўладими? Авлоқул бобо, ёши катта бўлишига қарамасдан, гапга уста, хозиржавоб одам эмасди. Жуда камтарин, ҳокисор инсон эди. Нима дейишни билмай тўхтаб қолди...

Мен чидаб туролмадим! “Мумкинми, мен жавоб берсам”, деб руҳсат сўраб, фикримни айтдим. Кўлдан келганча рус тилида гапирдим. “Уруш йиллари бобой кимга қарши курашиш кераклигини яхши билган”, дедим.

Яна бир аянчли, одамни кулиб туриб йиғлатадиган воқеа бизлар қамалиб кетганимиздан кейин бўлган экан. Шаҳрисабзнинг тоғ зонасида пахта ўсмайди. Шоди Мўминов деган якин оғайним бўларди. У Бухоронинг Қоровулбозорига якин – биздан 300 километр узоқ Шаҳрисабз массивида пахта экиди. У яшайдиган жойдаги одамлар фақат картошка экишган, чорва, боғдорчилик билан шуғулланган. Шу ҳам уч юз чақирим жойга мажбуран бориб, жазирама саҳрода пахта етиштиргани учун суд бўлиб қамалди. Уни “сохта хужжат тайёрлаб, 75 минг сўмлик қўшиб ёзишга йўл қўйган” деган айблов билан судга чақиритилган олдин ўша хўжалик аъзолари: “Раисимизни, бухгалтеримизни, одамларимизни қамаманглар – майли биз шу 75 минг сўмни тўлаб берамиз”, деб ҳақиқатан ўшанча пулни тўлашган. Судга пул тўлангани ҳақида хужжат тақдим этилган. Ўйлашимча, уларни суд қилган судьялар ҳам бечора оддий деҳқонларнинг бегуноҳ эканини тушуниб туришган. Бўлмаса, Шоди Мўминов олти йил муддатга озодликдан маҳрум қилинганидан сўнг, ўша ернинг ўзида қамокқа олиниши керак эди. Ҳар қалай Гдлян ва Ивановнинг шериклари – Тошкентга келиб жойлашган десантчилар Москванинг номидан “Шунақа қиласан, “шунча срок берасан”, деб туришгандан кейин судьяларда ҳам қатъиятсизлик бўлган.

Бу кулгили воқеанинг давомини айтсам, суд тугагандан сўнг ҳукми Шоди Мўминовнинг қўлига бериб: “Раис бобо, қамокқа ўзингиз бора қолинг”, дейишган. Соддалик ҳам шунчалик бўлар-да. Қаршидаги қамокхонага қўлида ҳукм билан ўзи борган. “Мана менинг ҳукмим – қамокқа олинишим керак. Ўзим келдим”, деган. Шоди Мўминов билан бирга бир жойда муддатни ўтадик.

* * *

20-30-йилларда беш-олти қоп буғдойи, икки-учта сигири, битта оти бўлган одамни кулоқ қилиб юбораверишган. Шунинг учун Сибирда, Украинада ҳозиргача ҳам яшаб келаётган аждодларимизнинг авлодлари бор экан...

Беихтиёр, ўз аждодларим эсга тушади. Шўро замонида оилавий сулола-мизнинг уч авлоди қатағон жабрини чекди. Биринчиси, менинг бобом — Бобоёр амин. Туғилган йилиниям билмаймиз. Қачон вафот этганини ҳам. Тўғрироғи, қаерда, қачон отилгани ҳам номаълум. У киши амин бўлган эканлар. Биз буни элнинг оғзидан эшитганмиз. Отамдан сўнг туғилган Сами амаким ҳам вафот этиб кетди. Бир пайтлар бизнинг жойларимиз Бухоро амирлигига қараган. Ўша вақтда ўн битта қишлоқнинг бошлиғини “амин” дейишган. Амирликнинг ер солиғи ва бошқа тўловлари шу амин орқали ундирилган. Бобоёр бобомиз 17-18 ёшида отасининг ёнида ер ҳайдаб юрган. Орада уч-тўртта амин ишни эпламаганидан сўнг амирлик ва бекликдан келишиб, “Аминликка кимни қўямиз, иш юрмапти”, деганда қишлоқ оқсоқоллари йиғилишиб, “Ёш бўлсаям шу Бобоёрни аминликка қўйинглар, биз шунга бўйсунамиз”, дейишади. Шундай қилиб, у киши 18-19 ёшларида аминликка қўтарилган. Бу 1917-1918 йилларга тўғри келади. Петроградда давлат тўнтариши бўлиб, қизиллар ҳукумат бошига чиққанидан сўнг ҳам – ҳатто ўтган аср 30-33-йилларигача ер эгалари, мулкдорлар бўлган, коллективлаштириш кейин бошланган. 1927-1928 йилларгача бобомиз

Шахрисабзда бообрў аминлар даражасига етишган. “Қизиллар эрта бир кун кетади-да”, деб аминлигини қилиб юраверган. Мен, бобомни кўриб қолган одамлардан кўп эшитганман: у киши қарасаки, қизиллар кетмаяпти. Сал қарши чиққанни йўқ қилиб юбораяпти. Майли, ҳеч бўлмаса, бола-чақанинг бошига ўзимизни сақлаб қолайлик, деб ер-сувини берган. Ўзига тегишли мол-мулк, отларигача топширган. Жуда ориятли, жисмонан бақувват, полвон одам бўлган эканлар. Кураш, кўпкарини гуллатган. Ўзига хос ўжарлиги ҳам бўлган. Ер-сувини топширганидан кейин ҳам тинч қўйишмайди. Очлик, қийинчилик даври. Тинимсиз таҳдиду тазйиқдан кейин, ер-сувини, мол-мулкни топшириб ҳам қутула олмаган одамлар қизилларга қарши кўлига қурол олишга мажбур бўлишган. Эшитган гапларимизга қараганда, 30-йиллардаям бобомиз уйига гоҳ келиб, гоҳ келмай, тоғу тошларда ўзича қизиллар ҳукуматини тан олмай юрган. Яқин-яқинларгача ҳам “ўшанда бобонг тоғу тошларда қочиб юрган”, деб кўп гапиришарди. Сўнг бобомни ушлаб қамашган. Баъзи миш-мишлар бўйича отиб юборишган. Тожикистонда Данғара сув омборида ишлатиб-ишлатиб, ўша ерда ўлдириб юборишган, деган гапларни ҳам эшитганмиз.

Қишлоғимизда бир темирчи уста бўларди – Шодмоновнинг отаси, яқинда 106 ёшга кириб вафот этди. Ниҳоятда соғлом, бақувват одам эди. Шу киши билан кўп суҳбат қилганман, “Бобом – босмачи бўлганми?”, деб сўраганман. “Э, қанақасига босмачи! Ер-суви бор, озроқ бадавлат эди, холос. Ўшандаям, одамларга уруғлик берарди. Камбағал, бева-бечоралар бошини силарди. Кимни уйлантирган, кимни ишлатган. Ўзиям тинмай ишларди. Ҳеч қанақа босмачи эмасди!” деб жавоб қилганди саволимга. Энди тушунсак, бизга “босмачи” дейишган одамлар – миллий озодлик курашчилари экан. Бироқ “бобонг – босмачи” деган гапнинг тавқи лаънати жуда ёшлигидан отам билан амакиларим бошига тушган. “Бойнинг бола-сисан”, деб мактабдан ҳайдашаркан уларни. Раҳматли отам билан амаким кўп эслашарди: “Мактабга ҳам қўйишмасди. Бизларнинг кунимиз машоқ териб ўтарди. Бўғдойни хомлигича чайнардик”.

Отам 18 ёшида урушга қўнгилли бўлиб кетган. 1944 йили контузия аҳволда урушдан қайтган. Урушдан ярадор аҳволда қайтиб келган шу одамни “ҳарбий билетинг қалбаки”, деб қамашган. Қаршидаги қамокдан чиқиб келгач, отам раҳматли Тожикистонга қочган. 50-йилларга келиб, бу ёқдан: “Англашилмовчилик бўлган”, деб хат боргандан кейин қишлоққа қайтган. Шундай ноҳақликлар азобини тортган отам 51 ёшида вафот этди. Элнинг бошида туриб, 18 йил хўжалик раҳбари бўлишга ҳам улгурди.

Ўзимнинг тақдирим ҳам худди бобом ва отамники сингари бўлди. Ўзи бу мустабид тузум, деярли ҳар йигирма йилда халқни қийратиб турарди. 1917-1920 йилларда Ленин шу сиёсатни олиб борди. Сталин ҳокимиятга келгач, узлуксиз қатағонлар бўлди. Айниқса, 1937-1940, 1950-йилларда ноҳақлик авж олган. 60-йилларда Хрушчевнинг “Американи қувиб ўтиб, ундан ўзиб кетамиз” деган сиёсати сабаб, “бир йилда уч йиллик гўшт планини бажариш” учун уйларидаги қўй-эчкилар давлат ҳисобига олиб қўйилишидан ташқари озмунча одам қамалганми?

80-йилларга келиб, “ўзбек иши”, “пахта иши” ўйлаб топилди. Санасак, тўрт марта – ҳар йигирма йилда бир мартадан қатағон сиёсати амалга оширилган. Лекин бу жуда яширинча, ҳар жиҳатдан хаспўшланган сиёсат эди. Жудаям оддий одамларга балки тегишмагандир, лекин эл ичида

обрўси бор, бошқаларга етакчилик қилиш қобилияти бўлган миллатнинг гуллари териб қатағон қилинган. Чунки мустабид тузумга нима деса “хўп” дея бўйнини эгиб турадиган куллар керак эди. Одамларнинг маълумоти, қобилияти уларни қизиқтирмаган. Фақат мутъе, бўйни эгилган, қора ишни қиладиган авом керак бўлган. Шунинг ўзи қатағон эмас, геноцидга ҳам тўғри келмайдими?! Аниқ бир мақсадни кўзлаб, бир миллатнинг иккинчи миллат томонидан таҳқирланиши, бу – бориб турган геноцид эмасми!

* * *

Тарих бир нарсанинг баҳосини ҳалигача тўғри қўя олгани йўқ. Усмонхўжаевнинг ўрнига Рафиқ Нишонов қўйилди... Месхети турклари билан ўзбеклар ўртасида жанжал чиқариш қаердадир эмас, ДХҚ (ЖГБ) тайёрлаган, жуда чуқур ўйланган фитна эди. Қасддан шундай фитна чиқарилиб, Фарғона водийсию Тошкент вилоятида оломон кўтарилганда уни бостириш учун ташланган кучлар одамларни кўрқитиб қўйишни мақсад қилишган эди. Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, бу секин портлайдиган мина эди. Раҳбарият шу фитнани бозорда бир килограмм кулупнай устида чиққан жанжал деб талқин қилди.

Ҳа, тарих ҳамма нарсага ўз баҳосини бериб боряпти...

Мухбир изоҳи: шу ўринда *собиқ маҳбуснинг сўнгги гапларига бироз эътироз билдириши зарурати бор. Тарих бўлиб ўтган ҳамма воқеаларга эртами-кеч ҳаққоний баҳосини беради. Бироқ бутун бир миллатнинг шаънига туҳмату бўҳтонлар ёғдирган, 70 минг кишининг ҳибсга олиниши, 600 мингга яқин кишининг жиноий жавобгарликка тортилиши, улардан айримларининг отилиши, ўз жонига қасд қилиши, қамоқда орттирган азоб-уқубатлар боис ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлганлар, канчадан-қанча одамларни талаган, юлғичлик қилган, ноҳақ қамоқ жазосига тортганлар ҳали айшини суриб юрибди. Головачёвнинг мурдасини ўзи боққан ит еб қўйган бўлса-да, у сингари одамларни тўғри йўлдан оздирганлар қутқуси билан “оқни қора” деган Гдлян ва Ивановлар нариги дунёда эмас – шу дунёнинг ўзида қонуний жазосини олиши керак!*

Шухрат Бобоёровнинг ҳикоясини тинглай туриб баногоҳ ўйлаб қоласиз: унинг ўзи ва отаси, бобоси бошига тушган кўргуликлар миллий озодлик учун курашнинг тўқсонинчи йиллар бошига қадар давом этган муайян бир даврини қамраб олади...

У қамоқдан чиқиб келганидан сўнг анча йиллар ўтиб Қашқадарёда Ислоҳ Каримов билан учрашгани ҳақида айтиб ўтди. Ислоҳ Абдуганиевич сўнгги қатағон даврини эслаб, ўша азоб-уқубатлар боис “ажалидан беш кун аввал” вафот этганларни эслаб нутқ сўзлаганда, “уларнинг хотирасини унутмайлик, тарих учун битиб қўяйлик” деганда Юртбошига ўша йиллардаги мардлиги ва жасорати учун – ўзининг ва ўзи каби минг-минглаб айбосиз айбдор бўлиб қамалган ва сўнг “оқланганлар”нинг миннатдорлигини, дил изҳорларини билдиришга муваффақ бўлди. Ушбу суҳбат ҳам айни ўша кунларда диктофонга туширилган. Ўшанда у эндигина 58 ёшга кирганди. Бироқ “сўнгги қатағон” даврида олган мудҳиш азоблари юрагида ўз изини, маънавий жараҳатини қолдирган эди. У ана шу азоблар билан яшарди. Ҳар кун шу ҳақда ўйларди ва шу азобни қайтадан бошдан ке-

чиргандек бўларди. Юртимиз озодликка чиққани учун қалбида шукронаси бисёр эди.

Орадан икки йил ўтиб, у ўзининг олтмиш ёшини нишонламоқчи бўлди. Бутун вилоятдан, мамлакатнинг турли бурчакларидан дўстлари қутлагани келишди. Олтмиш йиллик таваллуд санаси чинакам тўйга айланиб кетганди. Ахир, не-не азоблардан сўнг бундай дориламон кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Севинчи чексиз эди. Бироқ... фожиа юз берди. Тўй охирига етмай азага айланди. Шўро замонининг шунча азоблари, маънавий қийноқлари, миллий гурурни ерга урувчи таҳқирларига дош берган юраги бу қадар хурсандчиликни кўтара олмади. Унга шифокорлар ўзингизни ортиқча ҳаяжонлардан тийинг, юрагингизни асранг, деб маслаҳат беришганди. Бироқ юрак қургур маслаҳатга қулоқ солмас, шифокорлар амри билан тепмас экан-да... Шўхрат Бобоёровнинг олтмиш йиллик таваллуд айёмига келган биродарлари уни кўзда ёш, қалбларида катта изтироб билан тупроққа қўйишди.

Бу Беҳбудию Фитрат, Чўлпону Абдулла Қодирийлар бошлаб берган миллий озодлик учун – халқимиз эрки ва Ватанимиз мустақиллиги учун кураш тарихининг сўнгги сабоқлари бўлиб қолди.

Мурод АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист



ЖЎРА МАҲМУД
*Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган санъат арбоби*

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ШЕКСПИР

Нафақат Англия, балки жаҳон тарихида шу кунга қадар Шекспирдек кенг кўламли драматург дунёга келмади. Мана 450 йилдирки, унинг ўлмас асарлари дунё театрлари сахнасидан тушмайди.

Машҳур япон режиссёри Акира Курасава томонидан суратга олинган “Қирол Лир”, “Макбет” фильмлари шарқона бетакрор талқини билан шекспиршуносларни ҳайратга солди. Ўзбек Миллий академик драма театрида Маннон Уйғур томонидан сахналаштирилган “Ҳамлет” спектакли (Ҳамлет – А.Ҳидоятлов) ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида энг талабчан мутахассислар томонидан юксак эътироф этилди. Аббор Ҳидоятлов ижросидаги Отелло англиялик мутахассисларнинг-да, олқишига сазовор бўлди. Ҳисоб-китобларга қараганда, Шекспир ҳали-ҳануз йилига тахминан йигирма миллион одамни иш билан таъминлар экан.

Буюк драматург ҳақида унинг пьесаларидан ташқари яна нималарни биламиз? Унинг шахсий ҳаёти қай тарзда кечган? Жамият тараққиётида катта роль ўйнаган Шекспирнинг асарлари юзага келишига ким ёки қандай омиллар сабабчи бўлган? Шекспирнинг ўзбек китобхонларию томошабинларига кўп ҳам маълум бўлмаган маълумотларни излаб, тегишли илмий асарларга мурожаат қилдик. Шекспир ва унинг ижоди тўғрисида беҳисоб асарлар ёзилган. Аммо “Шекспир феноменининг сири нимада?” деган саволга ўзбек театршунослиги ва адабиётшунослигида аниқ жавоб йўқ.

1981 йилда Ғафур Ғулум номидаги адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган Уильям Шекспирнинг танланган асарлари биринчи жилдининг дастлабки саҳифасида академик Воҳид Зоҳидовнинг “Бадий даҳо мужассами” номли мақоласида қуйидаги маълумотлар келтирилади:

“Уильям Шекспир 1564 йилда Англиянинг унчалик катта бўлмаган Стрэтфорд шаҳрида дунёга келади. Унинг отаси шу шаҳарнинг йирик савдогарларидан ва айни замонда, кўзга кўринган сиёсий арбоблардан эди. Бир неча вақт шу шаҳарнинг бошлиғи бўлиб ишлаган ҳам. Уильям мактабни тамомлагач, Лондонга келиб, театрда дастёр бўлиб хизмат қила бошлайди. Сўнгра Англия яқинида ташкил этилган, янги “Глобус” номли халқ театрида 1612 йилга қадар актёрлик қилади ва репертуар адабиёт масалалари билан шуғулланади. Кўп ўтмай ўз пьесалари билан катта шухрат қозонади. Ҳаёти жуда мураккаб ва қийин шароитларда, янгилик билан эскилик орасидаги кескин олишувлар жараёнида ўтади”.

Шу каби маълумотларни бошқа манбаларда ҳам учратиш мумкин. Лекин булар Шекспир ижоди билан чуқурроқ танишиш ниятида бўлган мутахассис ёки оддий ўқувчида туғиладиган қатор саволларга жавоб бўлолмайди.

Шекспир 1564 йилнинг 26 апрелида чўқинтирилади. Бу ҳақда Стрэтфорддаги муқаддас Троица ибодатхонасининг масъул ходими Жон Бретчгерлд “Кирим дафтари”да қайд қилган. Христиан дини ақидаларига кўра, фарзанд дунёга келгач, уч кун ўтиб чўқинтирилган. Шу анъанадан келиб чиқадиган бўлсак, Уильям Шекспир 1564 йилнинг 23 апрель куни дунёга келган бўлади.

Ота-онаси Жон Шекспир ва Мэриларнинг биринчи фарзанди Жоан исми киз бўлиб, у 1558 йилнинг 15 сентябрида дунёга келган. Уларнинг иккинчи қизи Маргарет эса 1562 йил 2 декабрда туғилган. Аммо у орадан кўп ўтмай қазо қилади. Бу ҳақдаги маълумотлар ҳам ўша “Кирим дафтари”да қайд қилинган.

Шекспир дунёга келган Стрэтфорд шаҳарчаси Эйвен дарёси ёқасида жойлашгани боис уни “Эйвен бўйидаги Стрэтфорд” деб аташган. Бунинг ҳам кичик тарихи бўлиб, ўша ерлик Клоптон исми савдогар Лондонга қатнаб, катта маблағ орттиради. Умрининг поёнида эса ўз шаҳрига қайтиб, Эйвен дарёси устига ўз маблағи ҳисобидан кўприк қурдиради. Бу кўприк сайёҳлар учун Лондон шаҳрига элтувчи йўл бўлган. Шу даврдан бошлаб “Эйвен бўйидаги Стрэтфорд” шаҳри деб юритила бошлаган.

Стрэтфордга расман шаҳар мақоми берилишида қирол Ричард I нинг хизмати катта бўлиб, у шаҳар худудида ҳафтанинг пайшанба кунлари катта бозор ташкил этиш тўғрисида қарор чиқарган. Авваллари шаҳарни кесиб ўтадиган учта кўчанинг чорраҳасида хоч ўрнатилган бўлиб, у бозор ўрнини билдириб турган. Бу воқеалар тахминан 1500 йилнинг бошларига тўғри келади. Кейинчалик Шекспир яшаган даврда хоч ўрнида усти ёпиқ каттагина бозор бўлиб, унда озиқ-овқат, кийим-кечак қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари ва бошқа нарсалар сотиладиган расталар бўлган.

Эдуард IV даврида қирол шаҳодатномасига асосан, шаҳар мустақил деб эълон қилиниб, алоҳида муҳри, бошқарувчи ҳокими, унинг тўртта бошқарувчи ҳамда ўн тўртта ижрочилардан иборат сайлаб қўйиладиган ташкилоти юзага келади.

XV асрнинг ўрталарига келиб Англияда тўқимачилик саноати ривожлана боради. Чорвачилик аста-секин деҳқончилик соҳасини сиқиб чиқара бошлайди. Натижада қишлоқларда деҳқончилик билан шуғулланган ёшлар иқтисодий танг аҳволдан қутилиш учун хунар ўрганиш мақсадида шаҳарларга кўча бошлайди.

XV асрга келиб, шаҳар худуди кенгайиб, янги бинолар қад кўтаради. Марказдаги бутхона ёнбошида мактаб очилади. Мактаб бепул бўлиб, унда асосан латин тили грамматикаси ва адабиёти ўргатилган. Шекспир ҳам шу мактабда таҳсил олган.

Стрэтфорд шаҳридан шимолий-шарқ томон тахминан уч-уч ярим километр юрилса, сўлим Снитерфельд қишлоғи кўзга ташланади. 1529 йилларда Шекспирнинг буваси Ричард Шекспир шу қишлоққа келиб ўрнашади. Бу жойнинг бирдан-бир кўрки бўлган муқаддас Буюк Жеймс ибодатхонасининг кўкка бўй чўзган баланд куббаси қишлоқнинг кўрки

бўлган. Шекспирнинг буvasи Ричард шу ердаги қаровсиз далаларни ижарага олиб, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган.

Шекспирнинг бобоси ўз қатлами орасида анчайин бадавлат одам бўлиб, у қазо қилган 1561 йил 10 февралда тузилган “Мол-мулкни баҳолаш дафтари”да марҳумга тегишли мол-мулкнинг умумий қиймати 38 фунт, 17 шиллинг миқдорида баҳолангани қайд этилган. Бу ўша даврдаги нарх-наво билан таққосланганда катта бойлик ҳисобланган. Тахминларга қараганда, Ричард Шекспирнинг икки ўғли бўлган. Тўнғичи Генри Шекспир 1589 йилда қазо қилганлиги Хэмптон-Люси ибодатхонасининг “Кирил дафтари”да қайд қилинган. Унинг иккинчи ўғли Жон Шекспир, яъни, драматургнинг отаси ўз ерини ижарага берган Роберт Арденнинг кизи Мэрига уйланган.

У отаси ва акасига ўхшаб деҳқончилик қилишни истамагани сабабли оиласи билан 1550 йилларда Снитерфельд қишлоғидан Стрэтфорд шаҳрига кўчиб келади ва қўлқоп тикиш хунарини ўрганади. Ўша даврда жорий этилган тартибга биноан, хунар ўрганишни истаган ҳар бир ўспирин устага шогирд тушиб, унинг хизматини қилиб, ҳам хунар ўрганиши керак бўлган. Бу соҳада унга Томас Диксон деган киши устозлик қилган. Афтидан, бу хунар билан яхши даромад топиш мумкин бўлган. Қўлқоп тикиш ва уни кийиб юриш инглизларгагина хос бўлиб, бошқа давлатларда бундай хунар билан шуғулланувчилар бўлмаган.

Жон Шекспирнинг номи 1552 йил 29 апрелда шаҳар тозалигини назорат қилувчи бошқарма томонидан чиқарилган жарима тўлаш тўғрисидаги суд қарори ёзилган қоғозда қайд этилади. Унга кўра, Жон хонадонидан чиққан ахлатни Хенли-стрит кўчасига тўкиб кетганлиги учун бир шиллинг жарима тўлашга тортилган.

Юқоридаги жарима қоғозидан яна шу нарса маълум бўладики, Жон Шекспир Хенли-стритдаги уйларнинг бирида ё ижарада ёки хусусий уйида истиқомат қилган. Шунингдек, у 1556 йилда шаҳарлик Жорж Тернердан шаҳардан ташқарига олиб борадиган Гринхил-стрит кўчасида жойлашган каттагина боғли ҳовлини сотиб олади. Кейинчалик бу кўчанинг номи ўзгариб, “Мор-Таунос-энд” деб юритила бошланган. Шу йилнинг ўзида у яна Эдвард Уэста деган кимсадан Хенли-стритда жойлашган каттагина экин майдонига эга мулкни ҳам сотиб олган.

Худди шу йили шаҳарда вабо тарқалади ва бир неча кун ичида 237 кишининг ёстиғи қуриydi. Аммо вабо Шекспир хонадонини четлаб ўтган. Август ойида Муниципалитет (ўзини-ўзи бошқариш бирлашмаси) кенгаши аъзолари мажлисни ҳар эҳтимолга қарши тор хонада эмас, очик ҳавода, чорраҳадаги черков боғида ўтказишади. Мазкур йиғилишда ҳозир бўлганлар рўйхатида Жон Шекспирнинг ҳам фамилияси бор. Йиғилишда асосан, вабодан азият чеккан хонадонларга ёрдам кўрсатиш масалалари муҳокама қилинган. Хайриятки, 1566 йилнинг декабрь ойига келиб, совуқ тушиши билан вабо чекинади. 1566 йил 13 октябрида Жоннинг иккинчи ўғли Гилберт Шекспир “Муқаддас Троица” ибодатхонасида чўқинтирилади. 1569 йилнинг 17 апрелида Жон Шекспирнинг Жоана исмли кизи ҳам худди ўша ибодатхонада чўқинтирилгани “Кирил дафтари”да қайд қилинган. Жон кенжа фарзанди Эдмундни 1580 йил 3 май куни Троица ибодатхонасида чўқинтирган вақтда унинг ёши бир жойга бориб қолган эди. Эдмунд балоғат ёшига етгач, акаси Уильямга

эргашиб Лондонга келади ва актёр сифатида сайёр театрларда ишлайди. Аммо айнан қайси театрларда ишлаганлиги маълум эмас. Унга отаси ва акасига ўхшаб узоқ умр кўриш насиб этмаган. Бор-йўғи 29 йил умр кўрган бўлиб, 1602 йилининг 31 декабрь куни Лондондаги муқаддас Мария Овери ибодатхонаси ҳудудидаги қабристонга дафн этилган.

Уильям Шекспирнинг отаси давлатманд бўлганлиги ҳақида архив ҳужжатларида маълумотлар бор. Агар у шаҳарнинг оддий фуқароси бўлганида шаҳар бошқаруви ишларига аралаштирилмаган бўларди. 1567 йилда Жон Шекспир шаҳар судининг бейлифлигига (суд қарорлари чиқарувчи ҳамда ижронин назорат қилуви оқсоқол) номзоди кўрсатилган уч киши орасида унинг ҳам номи бўлган. У 1568 йилнинг биринчи октябридан бейлифлик вазифасини бажаришга киришади. Жон икки ҳафтада бир марта бўлиб ўтадиган суд йиғилишида раислик қилган. Шаҳар фуқароларининг мол-мулкни мусодара қилиш, эгасиз мол-мулкни назорат қилиш, бозордаги нарх-наво устидан мунтазам назоратни амалга ошириш бейлиф зиммасида бўлган. Шунингдек, у бозор кунлари икки ёки тўрт назоратчи қуршовида бозорни айланиб, ҳамма учун мақбул нарх-наво белгиланган. Шаҳар оқсоқоллари томонидан чиқарилган қонунларни бажаришдан бўйин товлаган фуқароларни ҳибсга олиш тўғрисида қарор чиқарган. Демак, бейлиф шаҳарда Қироллик номидан иш кўрувчи мансабдор шахс бўлган. Жон Шекспир ўзининг мавқеи, шаҳар бошқарувидаги хизматларини инобатга олган ҳолда ўзи ва авлодлари учун “Дворянлик” унвони – герб беришларини сўраб, Қироллик палатаси аъзоларига бир неча бор мурожаат қилган. Аммо нима сабабдан унинг илтимоси қондирилмаган. Шундан кейин жамоат ва давлат ишларидан ўзини тортган бўлиши мумкин.

Жон Шекспир 1601 йил 8 сентябрь куни вафот этади ва “Муқаддас Троица” қабристонига дафн қилинади.

Шоирнинг ўзига келадиган бўлсак, у Қироллик қонунида белгиланган тартибда ўқитилган. 1552 йилда Қиролича Мария Тюдор томонида жорий этилган “Йўриқнома”нинг қирқ биринчи бандида ўрта мактаблардаги таълим бериш услуби қатъий белгиланган бўлиб, Англияда Христиан динининг протестантлик мазҳаби таомили бўйича ибодат қилиш, болаларни ўқитиш билан машғул бўлган шахслар илоҳий билимларга нисбатан ўқувчиларда ҳурмат ва эҳтиром туйғусини уйғота билишлари ҳамда ўқувчиларда диний эътиқодни мустаҳкамлашга эришмоқлари лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Шекспирнинг қайси мактабда ва қандай ўқиганлиги тўғрисида маълумотлар сақланмаган. Орадан қарийб юз йиллар ўтиб, 1709 йилда шекспиршунос Николас Роу куйидаги фикрни олға суради: Жон Шекспир ўзининг шоир ўғлини маҳаллий бепул мактабга ўқишга берган бўлиб, бўлғуси шоир латин тилини мукамал эгаллаган. Николас Роу тилга олган “Эйвен бўйидаги Стрэтфорд шаҳридаги ягона ўқув даргоҳи “Қироллик мактаби” бўлиб у, Шекспирлар оиласи яшаган Хенли-стритдан ярим чақирим нарида жойлашган.

Шекспир ўқиган Стрэтфорддаги янги Қироллик грамматика мактабининг бошқа ҳудудлардаги шундай мактаблар орасида услубий таълим тизими, шарт-шароити билан нисбатан пешқадам ҳисобланган. 1553 йилдаги мактаблар рўйхатида мазкур мактаб ўқитувчиси

йилига 20 фунт ҳамда бепул ётоқхона билан таъминланган. Бошқа мактаб ўқитувчилари эса йилига атиги 10 фунт маош олишган. Турли йилларда Шекспирга сабоқ берган ўқитувчилар Англиядаги Оксфорд университетини битирган юқори малакали мутахассислар бўлган. 1566-1572 йилларда Оксфорд университетининг магистранти Томас Женикс ҳам шу мактабда дарс берган.

Англия Қироллик мактабидаги жорий тартибга кўра, дарслар эрталаб еттида бошланиб, соат ўн бирда қисқа нонушта учун вақт ажратилган, сўнг машғулотлар соат бирга қадар давом этган. Соат бирда тушлик учун бир соат танаффус берилган. Шундан сўнг дарслар соат беш-олтига қадар узлуксиз чўзилган.

Асосий синфлардаги ўқишнинг биринчи йилида асосан лотин тили ва талаффузини ўрганишга эътибор қаратилган. Ўқитиш услуги ҳозирги бошланғич синф дарсларига ўхшаб кетади. Яъни, ўқувчи лотин тилидаги ўзига таниш сўзларни Уильям Лилининг китобидан қидириб топишлари, сўзнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб беришлари керак бўлган. Бундан ташқари мактабда Леонхардус Кулмануснинг “Болалар учун насихатнома” китобидан ҳам фойдаланилган. Иккинчи ўқув йилида Эразм Роттердамскийнинг ноёб фикрлар тўплами – “Катона” китобини ўрганишга ўтилган. Шунингдек, Эзоп қолдирган ноёб фикр дурдоналари ҳам ёд олинган.

Учинчи ўқув йилида эса Теренций, Плавтни ўқиб ўрганишган, ёд олишган. Маълумотларга кўра, сўзларни осонроқ ўзлаштириш учун номлари зикр этилган муаллифларнинг асарларидан айрим сахналарни ўқувчилар ижро этишган. Шу тариқа Шекспир беш қисмли комедия қандай яратилишини ўрганиб борган бўлса ажаб эмас. Мактабнинг кейинги синфларида Цицерондан нотиклик санъати, топиқа (сўзларни кўчма маънода қўллаш) ўрганилган. Ўзлаштирилган билимдан фойдаланган ҳолда турли мақсадларда мактуб ёзишни, нутқни ирод қилиш машқ қилинган. Дарсдан сўнг назм сирлари ўргатилган.

Шу тариқа ўқувчилар Овидий, Вергилий, Горацийларга тақлидан лотин тилида шеър ёзишни машқ қилган. Шекспир ҳам шеър ёзишни ўқувчилик вақтидаёқ бошлаган. Айниқса, Овидийнинг “Метамарфоза” китоби бир умрга Шекспирнинг энг суюкли китоби бўлиб қолади.

Шекспиршунос Т.У.Болдуни ўзининг Шекспир тўғрисидаги китобида шундай изоҳ беради:

“Шекспир ўша даврда Антик адабиёт юзасидан грамматика мактаби берган билимни мукамал эгаллагани ўз давридаги энг юксак мақомдаги ёзувчидан кам эмаслигининг исботидир. Стрэтфорддаги грамматика мактаби лозим бўлган барча илмларни ўқувчиларга бера олган”.

Афтидан, Уильям, шаҳардаги “Қироллик мактаби”ни тамомлай олмаган. Инглизларнинг оилавий муносабатларига кўра балоғат ёшига етган ҳар бир ўспирин ўз мустақил ҳаётини йўлга қўйиши лозим. Бундай одатга ҳануз амал қилиб келинади. Ўн беш ёшга тўлган йигитча, агар у дворян оиласига мансуб бўлса, қирол саройига паж (Саройдаги паст амаллардан, дастёрлик, югурдаклик вазифаларини бажарувчи) сифатида ишга кириши керак бўлган. Оддий оила фарзандлари эса бирон-бир хунарни эгаллаш учун устага шогирд тушган. Жон Шекспирда дворянлик

унвони бўлган-бўлмагани маълум эмас. Шу боис, Шекспир ўз отасининг қўлқоп тикиш хунарини ўрганишга киришгани ҳақиқатга яқинроқ.

1582 йилнинг баҳор ойларида Шекспир Стрэтфорддан бир чақирим нарида жойлашган Шотерн қишлоғига боради. У ерда Энни исмли қизни учратади ва унга кўнгили кўяди. Уларнинг иккинчи учрашуви тахминан август ойларида рўй бериб, ошиқ-маъшукларнинг эҳтирослари натижасида Энни ҳомиладор бўлади. Бу вақтда Шекспир эндигина ўн саккиз ёшда бўлиб, (ўша давр қонунларига кўра балоғат ёши деб йигирма бир ёш белгиланган эди) Энни эса ундан саккиз ёш катта эди. Эннининг тобора кўзга ташлана бошлаган қорни ҳар иккисини ташвишга солган. У вақтларда ҳали “Никоҳ гувоҳномаси” жорий этилмаган. Шунинг учун 1582 йилнинг 27 ноябрида келин томонидан икки киши Фалк Сендлис ва Жон Ричардсон Стрэтфорддан 21 чақирим узоқдаги Вустер шаҳрида жойлашган “Консистер суди”дан “эрта никоҳ”га рухсат олиш учун йўлга тушадилар. Куёвнинг ҳали балоғат ёшига етмаганлиги сабаб “алоҳида рухсат” сўралган. Мазкур рухсатнома ёшларни расман турмуш қуришлари мумкинлигини тасдиқловчи ҳужжат эди. Никоҳ маросимида шоирнинг отаси Жон Шекспир иштирок этмаган. Демак, бу никоҳга Шекспир ота-онасининг розилигини олмаган. Уильям ва Энни 1582 йилнинг 27 ноябрида никоҳланган бўлса, орадан олти ой ўтиб уларнинг тўнғич қизи Сюэзан дунёга келади.

Улар Стрэтфорддаги Хенли-стритдаги ота хонадонида яшайдилар. 1585 йил 2 февралда бу хонадонда эгизаклар Гамнет билан Жудит Шекспирлар дунёга келади. Уильямнинг гарданига ўзидан ташқари яна уч жонни боқиш ташвиши тушади. Ўша даврдан қолган узук-юлуқ маълумотларга кўра, уни гоҳ қассоб ёрдамчиси, гоҳ қўлқоп тикувчи уста, гоҳ бой хонадонларда ёлланма ўқитувчи бўлиб ишлаган. Лекин Стрэтфордда театрга, адабиётга алоқадор бирон юмуш билан шуғулланганлиги тўғрисида аниқ маълумот йўқ. Аммо 1587 йилда “Қиролича жаноби олиялари театри” труппаси Стрэтфордда томоша кўрсатганлиги ва бу томошада иштирок этган актёрларга 20 шиллинг, синган курсилар учун 16 пенс ҳақ тўланганлиги шаҳар мэрининг қиримчиқим дафтарида қайд қилинган. Ёшлар учун сайёр труппалар томонидан онда-сонда кўрсатиб туриладиган томошалардан бошқа кўнгилочар жой бўлмаган. Шунинг учун ҳам бир спектакль шаҳарда беш-ўн кунлаб намойиш этилган. Табиийки, Шекспир ўз тенгдошлари билан бундай томошаларни биронтасини ўтказиб юбормаган.

Шекспир ижоди билан шуғулланган мутахассисларнинг тахминларига кўра, Уильям шу йили бирон-бир сайёр труппага эргашиб, ўз бахтини синаб кўриш учун Лондон шаҳрига равона бўлган. Лондон ўз даврда ер юзидаги энг катта, энг мукамал шаҳар бўлган. Шаҳарнинг барпо бўлиши янги эранинг 43 йили Рим императори Клавдий Лондинумнинг Британия давлатини босиб олиши билан боғлиқ бўлиб, аввалига императорнинг номи билан “Лондинум деб юритилган. Римликлар шаҳарни ташлаб кетганларидан кейин кўп йиллар у қаровсиз қолган. Кейинчалик шаҳар атрофига англасаксонлар келиб ўрнаша бошлайди. Улар Лондинумдан четроқда янги марказ қуришга киришадилар ва унинг номини “Лондон”, яъни, “Савдогарлар шаҳри” деб атайдилар.

Шекспирнинг пойтахтга келиши тахминан 1590 йилларга тўғри келади.

Бу даврда Англия Уйғониш даврининг энг қайноқ палласига кирган бўлиб, саноат, ишлаб чиқариш, диний ва дунёвий билимлар бир-бири билан кескин курашга киришган тарихий жараён эди. Бир томондан католик мазҳабининг ақидапарастлик оқими. Хур фикрлилик кушандаси “инквизиция” ўз мавқеидан ажралиб қолишдан кўркиб жон-жаҳди билан ўз ғояларини ҳимоя қилаётган бўлса, иккинчи томондан инсонпарварлик ғояларини илгари сураётган янги кўринишдаги фалсафий оқим, инсонни ўз-ўзини англаш орқали табиат ва жамиятга таъсир эта олиш салоҳиятига эга эканлигини ҳис қилиши, унинг дунёқараши ва эътиқодига таъсир ўтказмасдан иложи йўқ эди.

Шаҳарни қишлоқдан ажратиб турувчи Темза дарёси шаҳар деворларини айланиб ўтиб, шимол томонга қараб оққан. Шаҳарга кириб-чиқувчилар дарёдан қайиқлар орқали ўтишган. Шекспирнинг дарбадарлиги, иш қидириб дайдиб юрганлари, театр билан боғлиқ ҳаёти айни мана шу қирғоқда кечган. Чунки барча кўнгилочар масканлар шаҳар ташқарисидаги кенг майдонларда жойлашган эди. Аслида биринчи халқ театри шаҳар ичида 1551 йилда қурилган бўлиб, унинг номи “Ер шари” деб аталган. Кейинчалик бу театр халқ тилида “Глобус” деб атала бошлаган. Аммо театр шаҳар ичида бўлиши, қора халқ, дайдилар, тўс-тўпалонларга сабаб бўлиши, шунингдек, оломон тўпланган жойда касаллик тез тарқалиши мумкин, деган важ билан шаҳар ташқарисига кўчирилган.

Бу воқеа 1576 йилда содир бўлган. Касби дурадгор бўлган Жеймс Бербедр театр соҳасида катта чўққиларни забт этган буюк актёр бўлиб, у ўз лойиҳаси асосида театр биносини қурган. Бу театр актёрлари бошқа касб билан шуғулланмай, фақат томоша кўрсатиб, кун кечирган. Шунинг учун ҳам улар профессионал театр тарихида муҳим рол ўйнайди. Бу ҳақда унинг ўғли Катберт Бербедр шундай битикларни қолдирган: “Отам биринчи бўлиб театр биносини қурган ҳамда ёшлик йилларида ўзи роллар ижро этган. У театр қуриш учун катта фоиз эвазига қарз қўтарган. Театрни ижарага олинган ерда қурганлиги учун ер эгаси билан суд орқали доимий тортишувлар бўлиб турган. Кейинчалик бу тортишув ва талашлардан безор бўлган театр актёрлари бошқа жойдан ер олиб, “Глобус” театрини қуришади”.

Театр томошалари шаҳар ичида ҳам намойиш этилган. Аммо махсус биноларда эмас, “Кўнғирок”, “Бука”, “Қизил арслон”, “Тўнғиз калла” каби майхоналарда мунтазам равишда намойиш этилган. “Глобус” театри кўчиб ўтган шаҳар ташқарисида театр томошаларидан ташқари, айиқ, ит, хўроз уриштириладиган жангоҳ бўлиб, байрам кунлари бу ерлар ҳам томошабин билан тирбанд бўлган. Театр томошалари, хайвонлар жанги кундузлари тушдан кейин кўрсатилган. Томошалар вақтида одамлар хар томонга юрган, овқатланган, шу ернинг ўзида савдо-сотик билан шуғулланган.

Шекспир Лондонга қадам қўйганида унинг ёнида сариқ чақаси ҳам бўлмаган. Тайинли ишга жойлашиш учун эса нуфузли бирор амалдорнинг қафиллик хати талаб қилинган. Бу тамойил ҳануз Англияда ўз кучини йўқотмаган. Шундай қилиб, Шекспир уни ҳеч ким танимаган вақтда

тирикчилик ўтказиш ва шаҳарга ўрнашиш учун ҳар қандай қора ишдан қайтмаган.

Шекспирнинг Лондондаги ҳаётининг дастлабки йиллари тўғрисида 1743 йилда публицист Роберт Шейелсом томонидан тузилган “Британия ва ирландиялик буюк шоирларининг ҳаётий лавҳалари” китобида Шекспир ҳақида тўлиқроқ ва нисбатан ишонarli маълумотлар келтирилган: “Шекспир Лондонга келган дастлабки кунларида унда на пул, на таниш-билиши бўлган ва ёрдам сўраб кимга мурожаат қилишни ҳам билмаган. У даврларда ясан-тусан извошларда юриш одат тусига кирмагани учун шаҳарлик олифталар томошаларга от миниб келишган. Шекспир уларга ўз хизматини таклиф қилган ва то от эгалари томоша кўриб чиққунларига қадар жониворларга қараб турган. Томоша тугагач, от эгаларини отга минишларига кўмаклашган, эвазига чой-чақа ишлаган. У сўзамоллиги, ақл-фаросати, билимдонлиги билан бошқалардан ажралиб турганки, бора-бора кўпчилик отларини фақат унга ишониб топширган. Шу боис, шунча отга қараб туришни бир ўзи эплолмаганидан шу ерлик болакайларни ишга ёллаган. “Қоровул”нинг театр соҳасидаги билимлари, яхши ижрони ёмондан осонгина ажрата олиши актёрлар эътиборини жалб қила бошлайди. Уни оммавий саҳналарда иштирок этишга таклиф этишади. Ўрни келганда суфлёрлик ҳам килади. Бир сўз билан айтганда, Шекспирнинг билими, шоиртабиатлиги, ҳар қандай одам билан тезгина тил топишиб кета олиш қобилияти уни эшик тагидан ичкарига етаклаб киради”.

Биз Шекспирнинг “Ҳамлет” асаридан сайёр актёрлар Дания кироли саройига келгани ва ўша ерда Шахзоданинг буюртмаси асосида томоша кўрсатганларини биламиз. Шекспирни ичкарига таклиф этган труппа аъзолари “Жаноби олиялари Қиролича хизматкорлари” дея юритилган. Бунинг устига 1583-1584 ва 1587-1588 йилларнинг қиш мавсумида бу труппа аъзолари Қиролича саройида ўн етти марта томоша кўрсатгани ва хизматлари эвазига 10 фунт стерлингдан мукофот пули олишганини эътиборга олсак, бу актёрлар жуда ҳам бечораҳол турмуш кечирмаган кўринади. Чунки ўша даврда мактаб ўқитувчисининг бир йиллик даромади 20 фунт стерлинг бўлгани ва у катта маблағ ҳисоблангани тўғрисида юқорида айтиб ўтилди.

Ўша даврда асосан иккита театр труппаси шуҳрат қозонган бўлиб, бири “Жаноби олиялари Қиролича хизматкорлари”, иккинчиси Граф Сассекс хизматкорлари” деб юритилган. Граф Сассекс труппаси учун асосан Кристофер Марло асарлар ёзган бўлса, Қиролича театри учун Роберт Грин асарлари асқотган. Иккала шоир ҳам ўз даврининг энг машҳур шоири бўлган. Айниқса, Кристофер Марло асарларининг қаҳрамонлари, баландпарвоз, дабдабали монологлари билан томошабинларни ўзига ром этган бўлса, Грин асарларидаги воқеалар тизимининг ўткирлиги, қаҳрамонларнинг жўшқин сўзлари томошабинга кучли таъсир ўткази олган. Кристофер Марлонинг “Тамерлан” асари ўша даврда томошабинлар орасида жуда машҳур бўлган.

Шекспир номи фақат XVII-XVIII асрларга келиб машҳур бўлиб кетади. Ўзи яшаган даврда эса оддий бир актёр ва пьеса тўқувчи шоир ҳисобланган. Шунинг учун ҳам у ҳақда тўлиқ маълумот бизгача етиб келмаган.

У вақтларда театр актёрлари ўзларига ёққан асарларни муаллифдан сотиб олишган ва у театрнинг мулкига айланган. Пьесаларни чоп этиш эса деярли фойда келтирмаган. Фақат мамлакатда вабо тарқалиб, театрлар ёпиб қўйилган кезларда, актёрлар пулсиз қолиб, ўз мулклари хисобланган пьесаларни ноширларга сотишган. Бундай вақтларда пьеса муаллифларининг номи кўрсатилишига кўп ҳам эътибор берилмаган. Шекспирнинг номи расман 1593 йилда тилга олинади.

Тақдир қудратини қарангки, бир шаҳардан чиққан икки шахснинг бири ўзи англамаган ҳолда иккинчисига умрбоқийлик бахш этишда жонбозлик кўрсатган. Гап Стрэтфорд шаҳрида Шекспирдан уч йил кейин туғилган Ричард Фильд ҳақида бормоқда. У Лондонга келиб Блэкфрайзердаги босмахона эгаси Жон Бенсонга шогирд тушади. Уқувли шогирд тез орада ноширлик сирларини мукамал эгаллаб олади. Ана шу Ричард Фильд 1593 йилда ноширлар гильдиясида “Венера ва Адонис” номли китобни рўйхатдан ўтказди.

Шекспир бу поэмани ўша давр анъаналарига кўра, сарой аъёнларидан хисобланган лорд Саутгемптонга бағишлайди. Чунки “катта шаҳар”дан омад излаб келган бошқа шоир ва актёрлар каби у ҳам ўзи учун “пушти паноҳ” – ҳомий топиши керак эди. У Шекспирдан тўққиз ёш кичик бўлган. Лордлар палатасининг аъзоси, олий насабли йигитча Саутгемптон шеърият ва санъатга қизиққан. Шу боис, ўзига ҳомий қидирган Шекспир эътиборини тортган. Шекспир унга қуйидаги сўзларни ёзган: “Марҳаматли Олийҳиммат давлатпаноҳ! Ожизона сатрларимни сизга бағишлаш билан Сиздек марҳаматгўйнинг кўнглига озор етказиб қўймадиммикан, деб кўркаман. Саёз фикрларим учун Сиздек қудратли пуштипаноҳни танлаб кўнглингизга озор етказган бўлсаму Сизнинг маломатингизга гирифтор бўлсам, ўзим учун буни юксак мукофот сифатида қабул қилиш билан биргаликда қолган умримни Сиз олийжанобнинг номини шарафлашга арзигулик асарлар ёзишга бағишлагум. Агар тасаввурим тўнғичи, хунук ва бесўнақай чиққан бўлса, Сизнинг олийжаноб фатволарингизга умидворлик қилганим учун қаршингизда кўнглим вайрон, ижод маҳсулимга яхши ишлов бера олмаганим боисидан юзим шувит. Бундан кейин минбаъд бемаъни маҳсулот ёзмасликка онт ичаман.

Ўзимнинг илк фарзандимни Сизнинг марҳаматингизга ҳавола қилар эканман, Сизга ҳузур-ҳаловат тилаган ҳолда кўнглингиздаги барча орзу-ҳаваслар мустажо бўлишига тилак билдириб марҳаматингиздан умидвор итоаткор қулингиз Уильям Шекспир”.

Шекспирнинг “Венера ва Адонис” поэмаси ўзи ҳаётлигида ўн беш марта қайта нашр қилинган. Асар Лондондаги “Блэкфрайзэ” босмахонасида 1593 йилнинг 18 апрелида “Ноширлар ширкати”да рўйхатдан ўтказилган. Шекспирнинг ҳамюрти Ричард Стэнли уни тўрт пенсига сотиб олган биринчи ўқувчи сифатида китоб дўконидаги “қирим-чиким” дафтарида қайд этилган. Буни Стэнли ҳам кундалигида қайд қилган бўлиб, ана шу кундалик Шекспирнинг XVIII асргача қоронғу бўлиб келган тарихига ойдинлик киритишга асос бўлган.

Шекспир иккинчи достони “Лукреция”ни ҳам Саутгемптонга бағишлаган. Китобнинг муқаддимасида аввалгисига қараганда қисқа ва камтаринроқ бағишлов сўзлари бўлиб, “Итоаткор қулингиз Уильям Шекспир”, дея имзо қўйилган.



Ўша даврда Шекспирдан ташқари театр учун пьесалар ёзган ёзувчилар кўп эди. Аммо улардан икки кишигина Шекспир билан ижодий баҳсга қодир бўлиб, бири Кристофер Марло, иккинчиси Роберт Грин эди. Агар Роберт Гриннинг асарларида тарихий ва афсоний мавзулар устивор бўлиб, воқеа ва ҳодисаларнинг ўзгариши, ташқи кучларнинг асар мазмунига таъсири катта бўлса, Кристофер Марло асарларида шахснинг ички руҳий ҳолатларидан келиб чиқадиган эҳтиросли ҳолатлар, шахс ва жамият ўртасидаги мувозанатни бузилиб, издан чиқариши фожиалар мазмунини ташкил қилган. Шекспир ҳар икки шоирнинг услубидан ўринли фойдаланган. Шахс ва жамият, инсонлар билан маъбудлар ўртасидаги тўқнашувлар унинг асарлари мавзусини ташкил этади.

Гриннинг Шекспирга нисбатан муносабатида рақобат бўлган. 1592-1598 йилларда халқ театрларида энг кўп қўйилган асарлар Роберт Грин қаламига мансуб. Булар “Альфонс – Арагон қироли”, “Жеймс У”, “Англия ва Лондон учун кўзгу”, “Роҳиб Бэкон ва Банги” каби тарихий, ишқий-саргузашт асарлар оддий томоша ишқибозлари учун мўлжалланган. Шекспирнинг драматург сифатида майдонга чиқиши билан боғлиқ маълумотларни Роберт Грин битикларидан топиш мумкин. Хусусан, Шекспир тўғрисида ёзилган мана бу аччиқ ва истехзоли иборалар Роберт Гринга тегишлидир: “Улар (ёзувчилар) ўртасида “ола қарға” (высочка ворона) ҳам бор. Унинг ҳам пати бизникидан бўлиб, “масхарабоз терисига бурканган шерюрак, ўзининг оқ шеърлари билан саҳналарни титратмоқчи бўляпти. У ўзини устаси фаранг ҳисоблаб, саҳнани ларзага келтирувчи ягона шахсман, деб ўйлайди”.

Ноёб қобилият эгалари учун ўз жамиятида яшаб, ижод қилиш ва уни бошқаларга манзур қила олиш ҳамма даврда ҳам осон бўлмаган. Шекспир Гринга қарши эътироз билдириб, мактуб ёки раддия ёзмаган.

Уильям ижодий фаолиятини актёрликдан бошлаб, аста-секин ўз труппаси учун драматик асарлар ёза бошлаган. Грин Шекспирни асарларида ҳаддан ташқари шафқатсизликка урғу берганликда айблайди.

Кристофер Марлога келсак, у Шекспир тўғрисида муайян фикр билдиргани тўғрисида аниқ маълумот сақланмаган. Унинг трагедияларида бошқалардан фарқли ўларок, қаҳрамонларнинг ички руҳий кечинмаларига кўпроқ эътибор қаратилган. Агар Грин асарларида воқеалар берилган шарт-шароит, вазиятларнинг тез-тез ўзгариб туриши ва қаҳрамонларнинг кулгили ҳолатлари акс эттирилган бўлса, Марло асарларида қаҳрамонларнинг руҳий ҳолати, атроф-муҳитга, мавжуд вазиятларга нисбатан исёнқорона кечинмалари акс этади. Қаҳрамонлар бундан изтиробга тушадилар, баландпарвоз, тантанавор сўзлар билан томошабинни ларзага солишга ҳаракат қиладилар. Айниқса, унинг Амир Темурга бағишланган (Бу асар ўша даврда Буюк соҳибқирон ҳаётини бадиий шаклда акс эттирган илк асар эди.) “Тамерлан” трагедияси ўша даврда кенг омма орасида жуда машҳур бўлган. Асар халқ театрдан ташқари университет талаблари, ҳаваскор гуруҳлар томонидан ҳам саҳналаштирилиб, қовоқхоналарда, ўқувчилар орасида мунтазам ижро этилган. Шекспир ҳар икки драматург асарларидан пьеса ёзиш сирларини, драматик вазиятларни келтириб чиқарувчи омилларни, қаҳрамонларнинг ички ҳолатини монологлар орқали томошабинга етказиш ва уни ҳам хайратга, ҳам ларзага солиш маҳоратини ўрганган.

Шекспир ижоди билан қизиқиб қолган лондонлик Фрэнсис Мерез “Илоҳий арифметика” китобида қуйидагиларни қайд этган:

“Римликларда Плавт билан Сенека комедия ва трагедияда энг иқтидорли ҳисобланган бўлсалар, инглизларда Шекспир саҳна асари – пьеса ёзиши бўйича ҳар иккисидан устунлик қилади. Комедия жанрида унинг “Вероналик икки йигит”, “Бесамар севги”, “Самарали севги мукофоти”, “Ёз туни заройиботлари”, “Венециялик савдогар” асарлари машҳур бўлса, трагедия жанрида “Ричард II”, “Ричард III”, “Генри VI”, “Қирол Жон”, “Тит Андроник” ҳамда “Ромео ва Жульетта” асарларини санаб ўтиши мумкин”.

Фрэнсис Мерез Шекспирни кўкларга кўтариб мактар экан, уни инглиз тилини бойитишдаги хизматларини бир неча ўринда таъкидлаб ўтади. Шунингдек, Шекспирнинг сонетлари адабиёт мухлислари ўртасида машҳурлиги, ёшлар орасида қўлма-қўл бўлиб ўқилишини эътироф этади.

1594 йилнинг 26 декабрь куни Гринвичдаги Қиролича саройида муқаддас Стивен ҳамда 28 декабрь “Норасидалар куни”да Елизавета хузурда ўйналган спектакллар учун “Лорд Камергер хизматкорлари” – актёрлар Уильям Шекспир, Уильям Кемпом ва Ричард Бербедрларга хазинадан ҳақ тўланганлиги “кирим-чиқим” китобида қайд қилинган. Мана шу қайдлар Шекспирни актёр сифатида томошада қатнашганлиги ва у труппанинг етакчи актёри бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Демак, Шекспир “Лорд Камергер хизматчилари” труппасида бир йўла учта: актёр, драматург, молиявий ташкилотчи вазифаларини бажарган.

Англия қироличаси Елизавета ўткир сиёсий арбоб, давлат бошқарувини одилонга олиб боришга ҳаракат қилган, антик адабиётни яхши билгани ҳолда санъатнинг барча турларига хайрихоҳлик қилган, ўрни келганда моддий қўллаб-қувватлаган. Шекспир замондошларининг ёзишича, саройда намойиш этилган “Генрих VI” спектаклидаги Фальстаф образи қироличага ёқиб қолган. Қиролича муаллифга (Шекспир) ўн кун ичида Фальстаф тўғрисида асар ёзиб, саройда намойиш этишни топширган. Қиролича буюртмаси асосида ёзилган “Виндзорлик қизиқчилар” айтилган фурсат ичида ёзилиб, саройда намойиш этилган.

Англияда тарихий асарларга қизиқиш катта бўлган. Айниқса, XI–XII асрлардаги инглизлар тарихига бағишланган спектаклларга томошабиннинг қизиқиши катта бўлган. 1519 йилдан то 1603 йилга қадар тарихий мавзуларда 56 та асар ёзилган бўлиб, шулардан 36 таси бизгача етиб келган. Шекспирнинг “Ричард II”, “Ричард III”, “Генрих IV”, “Генрих V”, “Макбет” асарларида ёзувчининг чегарасиз бадиий тўқималаридан ташқари тарихий жараёнлар, ўтмиш воқеалари театр санъати талабларидан келиб чиққан ҳолда мохилона акс эттирилган.

Шекспирнинг ёзувчилик салоҳияти тўғрисида унинг яқин дўстлари, театрдаги ҳамкасблари Хеминг ва Кондалнинг қуйидагича сўзлари мавжуд: “Унинг фикрлари қаламдан ортда қолмасди. Ўйлаганларини шу қадар осонлик билан қоғозга туширардики, шоирнинг ёзганларидан биронта нуқсон ёки тузатилган сўзларни топиб бўлмасди”.

Шекспир табиат инъом этган буюк қобилият эгаси эди. Унда антик адабиёт, Англия тарихига оид билимлар етарли эди. Шекспир драматургия соҳасида юксак чўққиларга кўтарилган, шунингдек,

ўша даврда ҳар бир ёзувчи учун синов мактаби бўлган сонет жанрида бетакрор натижага эришган шоир сифатида машҳурдир. Дастлаб у ўз имкониятларини синаб кўрган “Тит Андроник” асари Роберт Грин томонидан ёзилган. Асарда Рим императори Тит Андроникнинг фожиавий ҳаёти акс эттирилган эди. Пьесадаги қонли тўқнашувлар, ўлим сахналари, ҳайвоний вахшийликлар ҳаддан зиёд кўп бўлиб, улар тарихий ҳақиқатга асосланган эди. Шекспир бу асарни ўзи ёлланган театр сахнасида кўргач, унда асар воқеаларини, бошқачароқ талқин этиш мумкин, деган фикр туғилади ва уни қайта ишлашга киришади. Бироқ бу асар “Глобус” театри репертуаридан мустаҳкам ўрин эгаллай олмайди. Лекин Шекспир умидсизликка тушмай, яна тарихий асарлар яратишга қарор қилади. Англия тарихига мурожаат қилиб, асосий манбани Рафаэл Холиншеднинг “Англия, Шотландия, Ирландия тарихи йилномаси”дан олади.

Шекспир ўзидаги шоирлик салоҳиятини сахна асарлари ёзишга қаратади. Унинг бадиияти ва тасавури юксак даражада ривожланганлиги сахнабоп шох асарлар яратишга кенг имкон берган.

Шекспир асарларининг чоп этилиш борасида манбаларда кўрсатилишича, унинг “Тит Андроник” пьеса-китобини ношир Жон Дантер 1594 йилнинг 6 февралда ноширлар гильдиясида рўйхатдан ўтказган. Томас Миллингтон эса уни ўзининг китоб дўконида сота бошлаган. Шу йилнинг 4 мартада “Генрих VI” ҳамда “Қийиқ кизнинг қуйилиши”, “Ромео ва Жульетта” асарлари босилиб чиқади. Бу пьесаларнинг биринчи нашри бўлиб, унда муаллифнинг исм-фамилияси учрамайди. Аммо 1599 йилда пьесалар иккинчи бора нашр этилади. Китобда изоҳ келтирилган бўлиб, унда қайд этилишича, пьесалар қайта тузатилиб, ўзгартиришлар киритилган. Бу асарлар “Ромео ва Жульетта”, “Ричард II”, “Ричард III”, шунингдек, “Генрих IV” ва “Бесамар муҳаббат” асарларининг муаллифи сифатида У.Шекспир номи қайд этилган. Шекспирнинг қолган пьесалари унинг кадрдон дўстлари Хеминг ва Кондел ҳаракати билан 1623 йил 8 ноябрда ноширлар гильдиясида рўйхатга олинган “Жаноб Шекспирнинг комедия, хроника ва трагедиялари” номли китоби чоп этилиб, унда “Бўрон”, “Ўн иккинчи кеча”, “Юлий Цезар”, “Макбет”, “Қирол Жон”, “Перикл”, “Ёз тунги ғаройиботлари”, “Қирол Лир”, “Отелло”, “Ҳамлет” асарлари жамланган.

Шекспирга замондош Жеймснинг қайд этишича, “Шекспир ўз даврининг театр ходимлари ичида бошқа театр ходимлари ҳамда шоирларга ибрат бўларлик даражада ҳалол ва сидқидилдан хизмат қилган. Тарихда Мольердан бошқа ҳеч бир актёр ёки ёзувчи бундай ишлар билан шуғулланмаган.”

Лекин қадимий пьесаларни тўпловчи Жеймс Райтнинг ёзишича, *“Шекспир шоир сифатида актёрликдан бир неча поғона юқори турган.”*

Шекспирнинг драматург, актёр сифатидаги хизматлари ҳамда театр спектаклларидан оладиган даромади йилига ўртача 200 фунт атрофида бўлганлигини Эдмунд Чемберс ҳисоблаб чиққан. Ўша даврга нисбатан бу жуда катта даромад саналган.

“Лорд Камергер труппаси” “Глобус” театрида спектакллар ўйнай бошлаши билан бу труппанинг иши юришиб кетган. Даромади ҳам шунга

яраша бўлган. Шекспир ҳар йили ўртача иккитадан асар ёзган. 1598-1601 йиллар оралиғида “Генрих V”, “Беҳуда шов-шув”, “Юлий Цезар”, “Бунисига нима дейсиз”, “Ўн иккинчи кеча”, “Ҳамлет” асарлари ёзилган. Шунингдек, бу труппа аъзолари 1598 йилдан то 1602 йилдаги Рождество байрамларида икки мартадан саройда спектакллар кўрсатишган.

1595 йилларда Шекспир Лондон шаҳрида ижарада яшаган. Солиқ йиғувчилар рўйхатида Шекспирнинг ҳам номи кўрсатилган бўлиб, умумий мол-мулки 5 фунт миқдорида бўлганлиги сабабли 5 шиллинг солиқ тўлаши кераклиги кўрсатиб ўтилган. 1597 йилдаги парламент қарорига кўра, Шекспир 13 шиллинг 4 пенс миқдорида солиқ тўлаши керак бўлган. Шундан маълум бўладики, Шекспир шаҳар ичида истиқомат қила бошлаган.

Шекспир Лондонда яшаган вақтида ўзи туғилиб ўсган Стрэтфорд билан алоқаси бўлганми, деган табиий савол туғилади. Шекспир ҳаётини атрофлича ўрганган Обри ўзининг “Шекспир ҳақида қисқача маълумот” китобида ёзишича, у ҳар йили бир марта ўз юртига бориб турган. Бундан ташқари, унинг ўғли Гамнет 1596 йил 11 август куни тўққиз ёшида вафот этгани тўғрисида ва унинг дафн этилгани ҳақида черковнинг “Кириш” китобида қайд қилинган. Гамнет вафот этгач, Шекспир авлодининг давомчиси бўлмиш эркак зоти қолмаган.

Шекспир Стрэтфордда ўз оиласи учун сотиб олган кўркам ва дабдабали иморат Чэпел-стрит билан Чэпл-лейн кўчалари кесишган жойда бўлиб, бу қошона “Нью-Плейс” деб аталган. Бу ҳақда шаҳарнинг савдо-сотик билан боғлиқ солиқлар қайд қилинадиган дафтарда ёзилган.

1603 йил Англия тарихида алоҳида из қолдирган воқеа содир бўлади. Қарийб эллик йил Англияга ҳукмронлик қилган “Олтин давр” ҳукмдори Елизавета ўз умрининг сўнгги кунларини кечираётган пайтда “Лорд Камергер хизматкорлари” шу йилнинг 2 февраль куни Елизаветанинг хоҳишига кўра саройда спектакль намоиш этадилар. Кўрсатилган спектаклнинг номи ҳеч ерда қайд этилмаган. Аммо у Англия тарихига оид асар бўлиб, спектаклдан сўнг қиролича ўзини ёмон ҳис қила бошлаган. Сарой табибларининг уринишлари зое кетади. Қиролича ўринга ётса, қайтиб тура олмаслигидан кўркиб, кечалари ўтириб чиқадиغان бўлади.

Англия давлатини қоқоқ феодал мамлакатдан ўша давр учун энг ривожланган қудратли давлатга айлантира олган Елизавета 1603 йилнинг 24 март куни абадий уйқуга кетади.

Унинг ўлими олдидан қилган васиятига кўра, Шотландия Қироли Жеймс VI Англия қироли сифатида Жеймс I бўлиб тахтга ўтиради. Шундай қилиб, Англия тарихида Тюдорлар сулоласи ҳукмронлиги тугаб, Стюартлар сулоласи ҳукмронлиги бошланади. 1604 йилнинг 26 декабрь куни Шекспир ўз труппаси билан янги Қиролнинг кўнглини хушнуд қилиш учун шаҳардаги Уайтхол саройининг байрам маросимлари ўтказиладиган залида “Аччиқни аччиқ кесади” (“Мера за меру”) спектаклини намоиш этишади. Бу спектакль орқали Шекспир труппаси алоҳида имтиёзга эга бўлади. Шу кундан бошлаб бу труппа аъзолари “Қирол актёрлари” деб юритила бошлайди. Бу янги ном актёрларга берилган Қиролнинг ёзма патенти – ўз касби билан эркин шуғулланишга руҳсат берадиган махсус ҳужжат билан тасдиқланган. Ҳужжатда қуйидагилар илова қилинган:

“Бизнинг хизматчиларимиз бўлмиш Лауренс Флэтчер, Уильям Шекспир, Ричард Бербедр, Огастин Филиппс, Генри Кондел, Ульям Слай, Роберт Армин, Ричард Каули ва уларнинг шериклари ўз санъатлари билан эркин шуғулланишлари, маҳоратларини ишга солиб, комедия, трагедия, тарихий асарлар, интерлюдиялар, моралите, драмалар ва бошқа кўнгилочар томошаларни фуқароларимизнинг, шунингдек, ўзимизнинг хордиқ чиқариш вақтимизда намойиш этишлари мумкин. Юқорида номлари зикр этилган хизматчиларимиз ўз маҳоратларини хоҳ бизнинг ҳузуримизда, хоҳ ўзларининг “Глобус” деб аталмиш ўйингоҳларида, қироликка қарашли шаҳарларда барча ҳокимлар, судьяларга нисбатан авваллари бўлгани каби ҳурмат ва эҳтиром ила бизнинг шарофатимиздан хайрихоҳлик кўрсатсинлар”.

Мазкур ҳужжат труппа аъзоларига кенг имтиёзлар бериши билан бирга кенг омма олдидаги нуфузини оширади. “Глобус” театрининг шуҳрати кундан-кунга орта боради. Шекспир труппаси 1604 йилдан то шоирнинг ўлимига қадар Қирол Жеймс учун 187 марта спектакль намойиш қилади. Саройдаги маросимларни рўйхатга олиб борувчи Эдмунд Гилнинг рўйхатида қайд қилинишича, 1604 йилнинг 1 ноябридан то 1605 йилнинг 31 октябрига қадар ўн битта спектакль ўйналган. Унинг еттитаси Шекспир қаламига мансуб бўлган. Кўрсатилган спектакллар орасида “Ҳамлет”, “Қирол Лир”, “Макбет”, “Антоний ва Клеопатра” каби асарлар бўлган.

Шекспирнинг қисқача таржимаи ҳолини ёзиб қолдирган Обри Шекспирнинг шахси тўғрисида: *“У келишган, чиройли, суҳбатлашганда одамнинг кўнглини топиб гапирадиган, ҳозиржавоб, ўтқир зеҳн эгаси эди. Унинг кўнгли очиқ, хатти-ҳаракати, юриш-туришида такаббурлик эмас, аксинча, мулойимлик ва камтаринлик барқ уриб турарди. Лондонда ҳам Стрэтфордда ҳам жуда кўп юқори табақага мансуб олийжаноб инсонлар билан дўст тутинган”*, деб ёзади. Ҳатто унга рақиб бўлган касбдошларидан Бен Жонсон ҳам Шекспир тўғрисида бирон-бир ножўя гап айта олмаган: *“Мен бу одамни чиндан ҳам яхши кўрар эдим. Шунинг учун ҳам унинг хотирасини ёдда сақлайман, ҳатто унинг хотираси қаршида тиз чўкишга ҳам тайёрман. У табиатдан покиза инсон эди. Очиқ кўнгил ва бирон-бир кимса олдида тили қисик эмасди. Унинг тасавури жуда бой ва ҳар томонлама кенг бўлиб, нафислик ила ифодалай олар, гўзал ифода воситалари тўхтовсиз қуйилиб келаверар эди.*

1608 йилда “Шериклик бошқарув” аъзолари Ричард Бербедр ва Уильям Шекспирлар Лондондаги муқаддас Павел черковининг шарқий-ғарбида жойлашган Блэкфрайзер театр биносини қўлга киритишга муваффақ бўлади. Бу театр Лондон шаҳрининг ичида жойлашган бўлиб, илгари ташландиқ бир монастир бўлган. Бинонинг усти ёпик, унда театр хўжалиги учун зарур ашёлар, декорация, бутафория, кийиниш хоналари, оркестр ўтирадиган жой учун етарли алоҳида майдонлар мавжуд бўлган. Бинонинг шифтида шамдонлар бўлиб, сахнани ёритишга хизмат қилган. Бу бинога тахминан 700 томошабин сиққан. Томошабинлар учун болохонада, партерда етарлича ўриндиқлар ўрнатилган, ичкарига кириш тахминан 6 пенс атрофида бўлган. Албатта Блэкафрайз театри “Глобус” театрига нисбатан кичик бўлган. Чунки “Глобус” театрида спектакллар

кундузлари, очиқ осмон остида ўйналган бўлса, эндиликда ёпик бинодаги спектакллар кечкурун ҳам ўйналиб, томоша муҳити бошқача бўлган. Шекспир кейинги пьесаларини айна мана шу бинода қўйишни назарда тутиб ёзган кўринади. Шекспир замондошларидан Саймон Форман шу театрда “Қиш эртаги”, “Макбет” спектаклларини кўрганлигини ўз кундалигида ёзиб қолдирган.

1609 йилда ноширлар Ричард Бонион ва Генри Уолл “Троил ва Крессида” асарини чоп этириб, ноширлар гильдияси рўйхатидан ўтказган ҳамда китобнинг муқовасига “Пьеса Уильям Шекспир томонидан ёзилган” деган жумлани киритган.

1613 йилнинг март ойида Шекспир Блэкфрайз театри биносига ёндош бўлган кўрғоннинг бир қисми бўлган уйни сотиб олади. Аммо Шекспир бу уйда яшаган-яшамаганлиги номаълум бўлса-да, у кўчмас мулк сифатида Шекспирга тегишли бўлгани аниқ. Худди шу 1613 йилнинг 29 июнь куни сахнада “Генри VIII” спектакли намойиши вақтида “Глобус” театри биноси ёниб кетади. Воқеа шохидларининг қолдирган сўзларига кўра, спектаклдаги Қирол шарафига замбаракдан ўқ узиб, уни қутлаш сахнасида отилган ўқ театрнинг похол томига тушган ва ёғочдан қурилган бино бир зумда куйиб кул бўлган. Театр бир йилда қайта қурилган. “Глобус” театрнинг мустақкам ғиштлар билан қайта тикланган биносида 1614 йил 30 июнь куни “Генрих VII” спектакли ўйналган. “Глобус” театрнинг янги биносини тиклашда Қирол ҳам ҳомийлик қилган.

1612 йилда Шекспирнинг укаси Гилберт Шекспир вафот этади. Орадан бир йил ўтиб, иккинчи укаси Ричард Шекспир ҳам дунёдан кўз юмади. Жон Шекспир авлодидан фақат Уильям Шекспир ва унинг синглиси Жоангина тирик қолади. Маълумотларга қараганда, у 1613 йилдан бошлаб, вақтини кўпроқ ота макони Стрэтфорд шаҳрида ўтказган. Шу йилдан бошлаб, унинг актёрлик фаолияти тўғрисида ҳеч қандай маълумот учрамайди. 1613-1616 йиллар оралиғида “Бўрон” асари ёзилган ва “Глобус” театрида ижро этилган. Асар кўп ҳам муваффақият қозонмаган шекилли, спектакль тўғрисида ҳам маълумотлар сақланмаган.

1616 йилга келиб, Шекспирнинг соғлиғига путур етади. Бу дунё билан видолашиш фурсати яқинлашганини сезган шоир васиятнома ёзиб қолдиради ва қуйидаги сўзларни битади:

“Худо номи билан, омин! Мен, Уильям Шекспир, Худога ҳамду сано айтган ҳолда ақли хушим жойида чоғида азалий удумга мувофиқ, ўз жонимни Яратганнинг қўлига топшираман ва ишонаманки, Оллоҳнинг ўғли, менинг халоскорим Исус Христос марҳамати ила абадий ҳаётга даҳлдор бўламан, танамни эса ўзи яралган ерга топшираман”.

Унинг васиятига кўра, қизи Жудитга 150 фунт, катта кумуш жом, Жоан Хартга 20 фунт, унинг учта ўғлига 5 фунт, Стрэтфорддаги камбағалларга 10 фунт, Лондондаги дўстлари Жон Хеминг, Ричард Бербедж, Генри Конделларнинг ҳар бирига “Хотира узуги” харид қилиш учун 26 шиллинг, 8 пенсдан ҳадя қилиниши кўрсатилган.

Шекспир 1616 йилнинг ўзи туғилган 23 апрель куни вафот этади. Шоир Троица черковининг шимолий томонига кўмилади. Черков ичидаги ернинг чекланганлиги боис, вақт ўтиб қабрлар қайта қавланиб, у ердаги суяклар бошқа жойга олинадилар ва ўрнига бошқа майитлар дафн этилган.




Буни билган Шекспир ўз суяклари безовта қилинишини олдини олиб, қабр тоши учун шеър ҳам ёзиб қўйган. Шоир дафн этилгач, ўша шеър қабр тошига ўйиб ёзиб қўйилади:

*Худо ҳаққи кавлама, дўстим
Бу ер бағрида ётади ҳоким.
Қабрга тегмаган топғуси камол,
Унга қўл теккизган топади завол!*

Шоир ният қилганидек қабр тоши ва унинг устидаги ёзув ҳамон ўз ўрнида сақланиб турибди. 1653 йилда шоирнинг яқинлари ташаббуси билан, унинг қабр устига ўз даврининг машхур ҳайкалтароши Герарт Янсен томонидан ишланган Шекспирнинг ҳайкали ўрнатилган.

1623 йилда, яъни, шоир ўлимидан олти йил ўтиб, дўстлари Хеминг ва Кондел унинг 16 та пьесасини биринчи марта яхлит тўплам ҳолида нашр эттиришади. Китобда Шекспирнинг Мартин Дройсхут томонидан ишланган расми ҳам чоп қилинган бўлиб, бу расм Шекспирнинг бизгача етиб келган суратларининг андозаси ҳисобланади.

Шекспирнинг беваси Энни эрининг ҳайкалини ўз кўзи билан кўрган, аммо пьесалар тўпламини кўриш унга насиб этмаган. У 1623 йили 6 август куни вафот этган. Бу ҳақда Троица черковининг “Кирилл” китобида 1623 йил 8 август санасида қайд этилган. Шекспирнинг қизи Жудит 77 йил умр кўриб, 1662 йил 9 февраль куни қазо қилади. Унинг вафоти билан Шекспирлар авлоди шажараси тугаган. Лекин Шекспирнинг Нью-Плейсдаги уйи ёнида буюк шоир ўз қўли билан ўтказган тут дарахти ҳамон яшнаб турибди. Шекспирнинг уй-музейини зиёрат қилгани келувчи сайёҳларнинг бу кўҳна тутни кўрмоққа иштиёқлари баланд.



МУҲАММАДЖОН ХОЛБЕКОВ

*филология фанлари доктори,
профессор*

РЕАЛИСТИК ПРОЗА УСТАСИ

(Мериме ижоди ҳақида)

Проспер Мериме (1803–1870) – XIX аср француз танқидий реализм адабиётининг таниқли вакили, беназир драматург ва бадиий наср устасидир.

Ёзувчи узоқ ва мураккаб ижодий йўлни босиб ўтди. Ижодкор сифатида, у Стендаль ва Бальзакдан олдинроқ, классицизм прозаси инкирозга йўл тутиб, романтизмга ўз ўрнини бўшатиб бераётган йилларда танилиб улгурган ва эътироф қозонган эди. Мерименинг сўнгги новелласи – “Локис” 1869 йилда, Париж Коммунаси воқеаларидан икки йил аввал, Флобернинг “Туйғулар тарбияси” қиссаси ва Поль Верленнинг “Назокатли йиллар” шеърий тўплами билан бир вақтда чоп этилди. Хуллас, асрнинг биринчи ярмига келиб, танқидий реализм ўз тараққиётининг янги босқичига ўтиб улгурган, юзага чиқаётган натурализм оқими (Э.Золя, ака-ука Гонкурлар) аломатлари аниқ кўрина бошлаган, адабиёт ва санъатда эса, ҳатто реализмга ёт қарашлар намоён бўла бошлаганди.

Мерименинг ботиний қиёфасини, унинг дунёни ҳис этишга хос қарама-қаршиликларни, бадиий услубининг ўзига хос хусусиятларини у яшаган давр тараққиёти билан вобаста тасаввур қилмасдан англаб бўлмайди, яъни ёзувчининг адабий фаолияти мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан чамбарчас боғлиқдир. Адиб ижодининг асосий босқичлари, умуман олганда, Франция тарихидаги кескин бурилишлар, муҳим воқеалар билан, аввало, 1830–1848 йиллардаги инқилобий ҳаракатлар тадрижига мос келади.

Мерименинг ижодий фаолияти 20-йиллар бошида, яъни талабалик (1823 йилда у Париж университетининг ҳуқуқшунослик факультетини битирган) даврида бошланган. Дастлаб Мериме ижодида ўта романтик кайфият устуворлигини кузатамиз. У Байронни зўр ҳавас билан мутолаа қилади, “Оссиан қўшиқлари”ни француз тилига таржима қила бошлайди. Бироқ, Мериме ижодининг шаклланишида унинг 1822 йил Стендаль билан танишуви, шубҳасиз, ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Стендаль билан танишувидан сўнг, Мерименинг мустақил ижодий фаолияти бошланди, десак тўғрироқ бўлади. 1825 йилда Мериме “Клара Гасуль театри” (Theatre de Clara Gazul) пьесалари тўпламини нашр эттиргач, кенг оммага танилди. Ушбу китобнинг нашр қилиниши адабий муҳитда катта шов-шувларга сабаб бўлди. Мериме тўпламга кирган пьесалар мазмунини ўзи тўқиб чиқараркан, уларни актриса Клара Гасулга тегишли қилиб кўрсатади. Янада ишончлироқ чиқиши учун Клара Гасулнинг жанговар

руҳга тўлиб-тошган таржимаи ҳолини тўпламга муқаддима сифатида илова қилади. Афтидан, Мериме пьесалари мазмунининг ўта сиёсийлиги ва қирол назоратининг қатъийлигини ҳисобга олиб, ўзини китоб муаллифи сифатида танилишини истамаган.

Мерименинг “Гюзла” номли навбатдаги асари сюжети ҳам бадиий тўқима билан боғлиқдир. “Гюзла”нинг биринчи нашри (1827) ёзувчининг ўзи тўқиган ҳамда ажнабий истилочиларга қарши озодлик учун фидокорона курашга бутун куч-қудратини бахшида этган халқ улуғворлиги ва қаҳрамонлигини тараннум этувчи йигирма тўққиз баллададан иборат эди. Улар сирасига адиб халқ кўшигининг таржимасидан иборат дostonни ҳам кўшади.

Мерименинг бадиий тўқимадан иборат бу асари ҳам муваффақият қозонади. Ҳатто Пушкин ва Мицкевич ёзувчи тасавурида яратилган бу асарларни славян халқ шеърятининг маҳсули тарзида қабул қилишиб, улардан айримларини рус ва поляк тилларига ўгиришади. Масалан, Мицкевич “Морлак Венецияда” балладасини таржима қилган бўлса, Пушкин ўзининг “Ғарбий славян кўшиқлари”га “Гюзла”нинг қайта ишланган ўн битта дostonини киритади.

1828 йил Оноре де Бальзакка тегишли нашриёт Мерименинг олис XIV асрнинг суронли воқеаларига бағишланган “Жакерия” номли тарихий драмасини нашр этади.

Мериме адабий фаолиятининг биринчи босқичи эса унинг “Карл IX салтанатининг йилномаси” номли тарихий романи билан якун топади. Роман ёзувчининг ўша даврдаги ғоявий ва бадиий изланишлари ва ўзига хос реалистик қарашлари маҳсули эди.

“Карл IX салтанатининг йилномаси” романида, “Жакерия”даги каби, Мериме муҳим, даврининг чуқур ижтимоий-сиёсий ўзгаришлари тасвирига мурожаат қилади. Роман воқеалари XVI асрнинг иккинчи ярмида бутун Францияни ларзага солган диний ва фуқаролик урушлари йилларида кечади. Ушбу воқеаларнинг кульминацион нуқтаси Варфоломей туни (1572 йилнинг 24 августига ўтар кечаси, яъни авлиё Варфоломей куни)да католиклар томонидан гугенотларнинг даҳшатли қирғин қилингани эди.

Роман бош қаҳрамонлари, оддий зодагон оға-ини Жорж ва Бернар де Мержиларнинг шахсий ҳаёти ва тақдир кечинмаларини ёритаркан, Мериме Франция тарихидаги энг мудҳиш драматик саҳифалардан бирига, XVI асрда протестантлар билан католиклар ўртасидаги ихтилофларнинг диний ниқоб остида иқтисодий ва сиёсий зиддиятларни яшираётган фуқаролик урушлари даврига мурожаат қилади. Францияда гугенотлар ҳаракати ғоят мураккаблиги ва чуқур ботиний қарама-қаршилиқларга эғалиги билан фарқланарди. Унинг асосий ғояси ва манфаатлари – Жан Кальвин диний таълимотига ниҳоятда мос тушувчи буржуазия сиёсатини ташкил этарди.

Муаллифнинг ниятига кўра, аслида романнинг бош қаҳрамони оға-ини де Мержилардан кенжаси – Бернар бўлиши лозим эди. Унинг графиня Диана де Тюржига муҳаббати тарихи “Карл IX салтанатининг йилномаси” сюжети негизида катта ўрин эгаллайди. Асарда, адибни ўзига ҳамиша жалб қилиб келган воқеликнинг романтик ибтидоси ўз аксини топади, десак тўғрироқ бўлади. У ёшликнинг жозибаси ва гўзаллиги, қаҳрамонлар руҳий иштиёқининг олийжаноблиги ва жасорати, улар қалбида кечаётган ҳис-туйғулар жўшқинлигидан яралган. Ҳикоя қилиш услубининг қисқа ва лўндалигига қарамадан, эҳтиросли, таъсирчан ва хуррам аслзода Диана

де Тюржининг образи кўп қирралидир. Тийнатиинг сирли моҳияти, Бернарнинг ботиний кифаси каби Варфоломей туниинг мудҳиш синовлари соатларида намоён бўлади. Ижтимоий фалокатлар бир вақтнинг ўзида қахрамонлар ички дунёси ривождаги юқори драматик таранглик ҳолатига ҳам айланади. Бернар кўркув ва даҳшат ҳисларининг ўз маслаги устидан ғалаба қозонишга йўл кўймайди, Диананинг қалбида эса муҳаббат ҳамда фидойилик бидъат ҳукми устидан ғолиб келади.

Вилоятдан чиққан, тажрибасиз зодагоннинг пойтахт сари йўли давомида, сўнг Парижнинг ўзида, кейинчалик Ла-Рошелга кочиш чоғида бошидан кечирган саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилиш Меримега XVI аср француз жамиятининг ёрқин манзарасини тасвирлаш имконини беради. Ёш гугенот – софдил ва барқарор феъл-атворли Бернар де Мержи барча синовлар, васвасалар ва хатарларга қарамай, оталардан мерос қолган эътиқодига ҳамда ўз ишига содиқлигича қолади. Бироқ у садоқат ва жонқуярлик ила хизмат қилаётган ишнинг ўзига диний мутаассиблик ва жинояткорлик муҳри босилган эди.

Бернарнинг акаси, Жорж – интеллектуал жиҳатдан кучсизроқ шахс. Агар Бернар – бу, аввало, фаолият кишиси бўлса, Жорж – мулоҳазакордир. Жорж Уйғониш даври хур фикрлигининг издошига айланган. Унинг сеvimли китоби Рабленинг исёнкорона руҳга йўғрилган “Гаргантюа ва Пантагрюэл” романидир. У нозиктаб санъатшунос, ҳиссий гўзалликка ошуфта эпикурчи файласуф. Жорж ҳақиқатпарвар, муттасил изланувчи инсон. Унинг образи муаллиф томонидан мураккаб ички фаолият истиқболида берилган ва фақатгина шу фаолият билан боғлабгина уни англаб етиш мумкин.

Гугенотларнинг маслак савдойилигидан ҳафсаласи пир бўлганлиги сабабли ва партия доҳийлари томонидан унга етказилган шахсий аламлар Жоржни католиклар тарафига ўтишга ва уларнинг эътиқодини қабул қилишга ундайди. Боз устига, шу тарзда у ўзининг ботиний эркинлигини яхшироқ муҳофаза қиладигандек кўринади, католик черкови асосан юзаки расм-русумларни талаб қилса-да, ўз ихлосмандларининг шахсий ҳаётига у қадар аралашмайди. Ўз ҳаракатларида Жорж яна теран рағбатларга амал қилади. Воқеаларнинг кейинги ривожини унинг тийнатига хос қатъиятлилиги билан давом этади. Жорж де Мержи Қирол Карл мурожаат қилган жиний топшириқларни бажаришни рад этади. Варфоломей тунидаги қонли қирғинда иштирок этишдан бош тортади ва кўлида қурол билан ҳимоясиз болали аёлни ўққа тутаётган қотилларга ташланади. Бунинг учун уни камокқа ҳукм қиладилар. Озодликка чиққач, у бундан буён қиличини кинидан суғурмасликка ва диний фатволарда иштирок этмасликка онт ичади. Зеро, у ҳар иккала томоннинг ваҳшийлигини етарлича англаб етган эди.

Жоржнинг, ўз давридан ўзган якка инсонпарварнинг изланишлари кейинчалик қандай ривожланиши мумкинлигини биз билмаймиз. Ла-Рошел деворлари остида Бернар акасини таний олмайди ва Жорж ўққа учиб ўлади. Мардонаворлик руҳи билан тўлиб-тошган Жоржнинг ўлими саҳнаси билан роман воқеалари якун топади. Сюжет ривожини шу алпозда узилади. Қахрамонларнинг кейинги тақдири тўғрисида ҳикоя қилиш муаллифни қизиқтирмайди. Бош қахрамон беихтиёр айбдор бўлиб қолган биродаркушлик урушида мамлакатнинг ҳукмрон доиралари дин ва черков номидан кўзгаган фуқаролик низоларининг ғайриинсонийлиги ва шафқатсизлиги романда ўз рамзий ифодасини топган. Хуллас, “Карл IX салтанатининг

йилномаси” романининг фожеавий хотималаниши муаллифнинг иккала қаҳрамонга бўлган муносабатига янги саволларни қўяди. Узоқ вақт роман сюжетида Жорж образи четда, Бернарнинг етук, кўтаринки ва дангал образи соясида қолган бўлса, романнинг охири бобларида у (чамаси, дастлабки ниятга тескари) биринчи планга чиқарилади. Эҳтимол, “Йилнома” устида ишлаш жараёнида ушбу персонаж объектив жиҳатдан муаллифнинг тийнатиغا яқинроқ бўлиб чиққандир.

“Карл IX салтанатининг йилномаси” – адиб бадиий маҳоратининг мутлақ етуклигидан далолат берувчи асар. Романнинг услубий аломатлари ёзувчи қарашлари билан белгиланади: диний уруш йилларида мамлакатда ҳукмрон ижтимоий муҳитни ҳар томонлама ва ҳолис тавсифлаш, биринчи планга оддий одамлар ахлоқи ва кайфиятларининг тасвирини чиқариш асосий ўринда туради.

Бундай ёндашув роман композициясининг ўзига хослигини, унинг тарихий солнома жанрига яқинлигини таъминлайди (ушбу хусусият муаллиф томонидан бежизга асар сарлавҳасида ажратиб кўрсатилмаган). Мериме романида ягона, яққол ифодаланган сюжет ўқи мавжуд эмас, муаллиф узоқдан, секин-асталик билан ўқувчини кульминацион нуктага – Варфоломей тунининг мудҳиш тасвирига олиб келади, мудом воқеаларни бир жойдан бошқасига кўчираверади, романнинг айрим боблари алоҳида ажралиб, кичик тугалланган бутунлик хусусиятларини касб этади. “Йилнома” композицияси ниҳоятда динамикдир. Эпизодларнинг жадал алмашинуви, ҳикоянинг шиддатли суръати қарама-қарши кучларнинг кескин ва шафқатсиз кураши, ҳис-туйғуларнинг қизғин жўшқинлиги шундай муҳитни яратишга ёрдам беради.

Мериме ўз романи устида ишларкан, олдинги йилларда тўплаган драматурглик тажрибасидан кенг фойдаланади. Ёзувчи имкон қадар лўндаликка интилади, романтикларга хос бўлган узундан-узоқ тавсифлар ва лирик чекинишлардан қочади. Ўз персонажларининг ботиний қиёфаларини чизаркан, бу тавсифларни, одатда, қандайдир бир маънодор бадиий детал негизига қуради. Бундай усул роман қаҳрамонларининг қисқа, аммо аниқ ва нафислик билан чизилган сиймоларини янада бўрттириб кўрсатувчи даврнинг хилма-хил ва жонли ҳамда тарихий фонини ташкил этувчи фигураларнинг бутун бир галереясини яратиш имконини беради.

“Карл IX салтанатининг йилномаси” романи босилиб чиққан 1829 йилдан бошлаб адибнинг ижодий камолотида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Реставрация йилларида Мериме катта ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни тасвирлаш, кенг қамровли сиёсий манзараларни қайта жонлантириш, тарихий сюжетларни қайта ишлаш билан қизиқади, унинг эътиборини новелла жанри ўзига тортади.

Ёзувчи ўзининг 30-40 йилларда яратган асарларида сиёсий мавзуларни бевосита ёритмайди, ахлоқий, ботиний зиддиятларнинг тасвирига чуқур кириб бораркан, шу билан бирга тарихийликдан кўра кўпроқ замонавий муаммоларга асосий эътиборини қаратади. Энди Мериме роман жанридан узоқлашади, драматургия билан деярли шуғулланмайди, бутун диққатини асосан кичик жанр, яъни новеллага қаратади ва ушбу жанр унга адабиёт оламида шуҳрат олиб келади.

Мериме новеллаларида ўз даврининг бир қанча етакчи мавзулари кўзга ташланади. Улар, биринчи навбатда, давлат ва жамият ахлоқининг кескин фош қилинишида намоён бўлади. Ўз шаклларида кўра анчайин ранг-баранг

кўринишдаги ушбу танкидий тенденциялар ёзувчининг дастлабки, 1829-1830 йилларда яратилган “Мозаика” (1834) тўпламига кирувчи новеллаларида яққол намоён бўлган эди.

“Таманго” новелласида Мериме аччиқ киноя билан буржуа тамадду-нининг иккиюзламачи ва бераҳм типик вакили, кул савдогари капитан Леду образини яратади. Капитан Леду ва унинг ҳамтовоқларига новелла мазмунида хабашлар сардори Таманго ва унинг қабиладошлари қарши туришади. Оқ танлиларнинг мустамлакачилик фаолияти ва хабашларнинг эзилишига қарши чиқаркан, Мериме 20-йиллар илғор француз адабиётида кенг тарқалган мавзуни ривожлантиради. Мисол учун, ўша йиллар шу мавзуда яратилган Виктор Гюгонинг “Бюг-Жаргаль” романи китобхонлар даврасида эътибор қозонган эди. Бу даврда романтизм йўлини танлаган Гю-годан фарқли ўларок, Мериме идеаллаштирилган ва реал воқеликдан устун тургувчи қабила бошлиғи образини яратмайди. Адиб ўз қахрамонининг ибтидоий одамлигини, ёввойи қиёфасини бор бўйича тасвирлашга ҳаракат қилади. Таманго, бошқа хабашлар каби жохил, бидъатларга ишонувчи, кўр-кўрона туйғулар таъсиридаги худбин ва шафқатсиз киши. Бирок, Тамангога ўзини кул қилмоқчи бўлганлардан юқори тургувчи чуқур инсоний туйғулар ҳам хосдир. Бу ҳолат унинг эркинликка интилишида, садоқатида, тийиқсиз бўлса-да, кудратли ҳисларга қодирлигида, оғир синовлар пайтида намоён бўлган мағрурлиги ва матонатидида кўзга ташланади. Шу тариқа китобхон ўта разил буржуа Ледуда, одамови Тамангога қараганда кўпроқ ваҳшийлик туйғуси яширинлигини тушуниб етади.

Шу боис новеллада Тамангони қулликда кечган аламли ва машъум қисмати тўғрисида ҳикоя қилувчи яқун ўткир киноя тарзида ўз ифодасини топади. Бу ерда ёзувчининг ҳар бир сўзи чуқур киноявий маънога эга. Плантаторлар, Тамангони ҳаётга қайтариб, уни намунавий полк ноғорачисига айлантирадилар, улар хабашга марҳамат кўрсатганларига ишончлари комил эди. Бирок, эркинликка ўрганган қора танли паҳлавон – бу “марҳаматлар”дан ичкикиб, ичкиликка ружу қўяди ва тез орада касал-хонада вафот этади.

“Таманго” новелласи якуни XIX аср ғарб реалистик прозасида мустамлакачилик мавзусининг кескин танқид қилинишида ўзига хос муҳим аҳамият касб этди.

Ахлоқий фазилатлар бойликнинг қабиҳ ҳукмига бўйсунуши ва манфаатпарастликка мувофиқ келмаслиги тўғрисидаги мулоҳазалар Мерименинг бошқа бир новелласи – “Триктрак ўйини” (1830)да муаммо тарзида кўтарилади. Унда навқирон денгиз зобити, лейтенант Роженинг руҳий драматик ҳолати берилган. Пул учун ўз тийнатига хиёнат қилгани, ҳатто ўғрилиқкача пасткашлагани борасидаги ўй-фикрлар Рожега тинчлик бермайди. Бу ҳолат аста-секин унинг руҳий мувозанатига ҳам путур етказди. Мериме ўз новелласига ушбу ғоявий ва психологик мотивларни сингдириб, уни тўсатдан руҳий барқарорликдан маҳрум бўлиб қолган кимсанинг ақл назоратидан чиқиб кетаётган кечинмаларини жонлантираркан, зўрайиб бораётган руҳий изтиробини тасвирлаш билан яқунлайди. Мериме XVIII асрдан мерос бўлиб қолган руҳий ҳаёт қонуниятлари хусусидаги рационалистик тасаввурларни енгиб ўтаркан, бадий адабиётдаги психологик таҳлил чегараларини янада кенгайтди. Шу билан бирга ушбу таҳлил тури ёзувчи учун бош мақсад эмасди асло. Лейтенант Роженинг фожеавий кечинмалари ҳақида ҳикоя қиларкан, муаллиф биринчи навбатда

бу кечинмаларни келтириб чиқарган объектив ва ижтимоий сабабларни аниқлашга интилади.

Бир қатор новеллаларида (“Этруск гулдони”, “Қўшалок хато”, “Арсена Гийо”) Мериме жамиятнинг бераҳм ва бағритошлигини қоралайди. Ахлоқсиз ва риёкорликка муккасидан кетган жамият, Мериме тасвирлаб ўтганидек, ёрқин танҳо тийнаглари ҳам қилолмайди. У самимий туйғуларнинг ҳар қандай кўринишига душманона муносабатда, ўзига сал бўлса-да мос келмайдиган барча ақидаларни йўқ қилишга уринади. Табиатан нозиктаб кишиларда эса ўткир жиззакилик ҳиссиётини уйғотади, атрофдагиларга ишончсизликни туғдиради. “Этруск гулдони” (1830) новелласи қахрамони Сен-Клер ҳаётда самимий ва табиатан мулойим, атрофини ўраб олган маънавий қашшоқ жамоадан фарқли ўларок, кучли туйғуларга қодир киши. Айнан шу сабаб жамият Сен-Клерга нисбатан душманлик кўзи билан қарайди, охир-оқибат уни нобуд қилади.

Айнан ушбу мавзунинг реалистик ечимини биз Мерименинг сара новеллаларидан бири – “Қўшалок хато”да кузатамиз. Ушбу новеллада бош қахрамонлар уч нафар. Уларнинг ҳаммаси ҳам у ёки бу даражада худбинликка учраган, атрофида ҳукмрон пул ҳокимияти томонидан мажруҳланиб, қулга айлантирилган шахслар, масалан, Шаверни – тўпори ва бачкана мулкдорнинг типик мужассами.

Айни пайтда Мериме ўз замонасининг инқилобий-республикачилик ҳаракатидан узоқ бўлиб, ишчилар синфининг курашига салбий муносабатда эди. Унинг тасаввурини ҳаяжонга солувчи халқ ҳаёти романтикасини Мериме ҳали буржуа тамаддуни қамраб улгурмаган мамлакатлардан излашга уринади ва Корсика (“Маттео Фальконе”, “Коломба”) ҳамда Испаниядан (“Кармен”) кидиради. Бирок, бадиият илҳомлантирган қаҳрли қахрамонлар, халқ орасидан чиққан оддий кишилар образларини яратаркан, Мериме уларнинг ботиний қиёфаларидаги қадимий ёки ибтидоий қирраларни руссочасига ёки романтик йўсинда идеаллаштиришга интилмайди, ўз навбатида, уларни ўраб турган ёввойилик, қолоқлик ва қашшоқлик онгида туғдирган салбий, хунук томонларини ҳам яширмайди.

Илк бор ушбу мавзу адибнинг “Маттео Фальконе” (1829) новелласида, асар қахрамонларининг фавқулодда бўрттирилган образида жаранглаган. Мазкур мавзунинг кейинги ривожини Мерименинг 1831–1833 йиллар “Ревю де Пари” журналида чоп қилинган “Испаниядан мактублар” номли тўрт очеркида кузатамиз. 1840 йилда эълон қилинган, ҳажман жажжи роман жанрига яқин “Коломба” (1840) новелласида бу мотив тўлиқ ўз ифодасини топади.

Ушбу новелла сюжети контраст усулига мос ҳолда қурилган. Делла Реббиа ва Барричини оилалари ўртасида юзага келган душманлик адовати зиддиятларини тасвирларкан, Мериме мутлақо бир-биридан фарқли икки дунёқарашни, ҳаётга икки муносабатни қарама-қарши қўяди. Улардан бири қиссининг бош қахрамони Коломбада мужассам бўлган, илдизлари адолат ва ор-номус тўғрисидаги халқона тасаввурларга бориб тақалса, бошқаси буржуача ахлоқ заминида шаклланган риёкор ва мунофиқ адвокат Барричини сиймосида мужассамлашган. Агар Коломбо учун аскарлик жасорати ва мардликдан улуғроқ туйғу бўлмаса, Барричинининг асосий қуроли пул, пора, ҳуқуқий фикс-фасоддан иборат бўлиб кўринади.

Новелланинг қолган образлари ҳам ёзувчи томонидан таъсирчан, бадиий жиҳатдан маҳорат билан яратилган. Бу, авваломбор, Коломбонинг

акаси Орсо-Ватерлоо жангининг қатнашчиси, истеъфога чиққан француз зобитидир. Қадрдон заминдан узилиб қолган Орсонинг ички кечинмалари қиссанинг муҳим ғоявий йўналишларидан бирини ташкил этади. Очiqқўнгил ирландиялик, полковник сэр Томас Невилнинг қизи Лидиянинг ботиний қиёфаси воқеалар давомида кўрсатиб берилган. Тантиқ ва эркатой қизгина жонли воқелик билан тўқнашаркан, жамиятдаги шартлилик ҳақида аста-секин унутабориб, самимий туйғуларга кўпроқ бўйсун бошлайди. Лидия Невелнинг назокатли, лекин нозик, қайсидир даражада заиф сиймоси ёзувчига қисса марказий қаҳрамонининг беназир ва ёввойи гўзаллигини янада яққолроқ ажратиб кўрсатишга ёрдам беради.

Мериме ўзининг машхур новеллаларидан бири “Кармен” да (1845) ҳам контраст усулидан фойдаланади. Бир томондан, қаршимизда ҳимоячи, қизиқувчан олим ва саёҳатчи, нозиктаъб, аммо бирмунча заифлашган европача тамаддун вакили бўлиб кўринган муаллиф ўқувчи эътиборини ўзига тортади. Унда, албатта, ҳикоячининг таржимаи ҳолига оид деталлар кўзга ташланади. Тўғриси, тафаккурнинг инсонпарварона ва халқчиллик тарзи Мерименинг ўзини ёдга солади. Аммо, муаллиф- ровий сиймоси қайсидир даражада киноявий тарзда ёритилган. Ҳикоячининг илмий изланишларини баён қилганида, уларнинг асоссиз ва мавҳумлигини кўрсатганида ёки ўз қаҳрамонининг атрофида қайнаб жўшаётган ҳаёт драмасини хотиржам кузатишга мойиллигини тасвирлаганида муаллифнинг лабларида истехзоли табассум пайдо бўлади, ушбу муҳим чизгиларнинг вазифаси – Кармен ва дон Хосега хос бўлган бетакрорлик, эҳтирослилик, табиий қудратни имкон қадар ёрқинроқ намоён этишда қўлланади.

Дарвоқе, Кармен ва дон Хосенинг кучли эҳтиросларга берилиш қобилиятида ўқувчини ҳайратга солгувчи, улар табиатининг барқарорлиги, сиймоларидан таралаётган жозоба манбаи қаҳрамонлар жисмида жо бўлиб келади. Кармен ўзи вояга етган жиноий муҳитдан кўпгина ёмон иллатларни ўзига сингдирган. У ёлғон гапирмай, ўзгаларни лақиллатмай яшолмайди, у ишқий ўғрилиқ ҳийласида иштирок этишга ҳам тайёр. Карменнинг зиддиятли, ботиний қиёфасида ҳукмрон жамиятнинг заифлашган ёки тошбағирлашган вакилларида бўлмаган ажойиб руҳий сифатлар мавжуд. Бу – унинг учун энг сирли туйғу – муҳаббатда, самимийлик ва софликда намоён бўлади. Соҳибжамол Кармен ўта мағрур, ашаддий эрксеварлик, ботиний мустақиллигини сақлаб қолиш учун ҳаммасини, ҳатто ҳаётини ҳам қурбон қилишга тайёр.

Ўз ижодий фаолияти сўнгида Мериме яна бир неча новелла ёзди. Албатта, “Мовий хона” (1866), “Жуман” (1870) ва айниқса, “Лоқис” да (1869) биз новелланавис Мерименинг сайқалланган бадиий услуби ва аломатларини кузатамиз.

Мериме новеллалари ёзувчи адабий меросининг энг ёрқин саҳифаси бўлса, ажабмас. Ёзувчининг сара асарлари XIX аср француз реалистик прозасининг ривожланишида муҳим роль ўйнади.

Ўтган асрда адиб новеллалари ва “Карл IX салтанатининг йилномаси” романи таниқли адабиётшунос ва таржимон, устоз Озод Шарафиддинов томонидан она тилимизга ўгирилди ва бир неча бор қайта нашр қилинди. Яқинда, академик Акмал Саидов сўзбошиси билан Мериме асарларининг бир жилдлиги нашрдан чиқди.

БАҲОДИР КАРИМ
филология фанлари доктори, профессор

ҲЕРМАН ВАМБЕРИ – ЎЗБЕК МАҚОЛЛАРИ ТАРЖИМОНИ

*(1867 йилда олмон тилига таржима қилинган 112 та ўзбек мақоли
тўғрисида айрим мулоҳазалар)*

Можор олими Ҳерман Вамбери номини дунё биледи. Унинг мураккаб шахслиги, аслида кимлиги тўғрисида ҳам турлича фикрлар бор. Бу ҳақда бир қанча мақолалар ҳам ёзилган¹.

Маълумки, Ҳерман Вамбери 1863–1864 йилларда дарвеш киёфасида Ўрта Осиёга келади. Саёҳатда кўрган-кечирганларини махсус китоб ҳолида нашр қилдиради. У саёҳати давомида ўлкамиз тарихи, хусусан, адабий-маданий асарлари, халқ оғзаки ижоди намуналарига ҳам қизиқади. Имкони доирасида манбаларни йиғиб, ўзи билан олиб кетади. “Ўрта Осиёга саёҳат” китобидан кейин кўп ўтмай, Вамберининг “Чигатой тили сабоқлари” номли яна бир китоби босилади. Вамбери шу китобининг “Хрестоматия” қисмида бундан роппа-роса бир ярим аср олдин, яъни 1867 йилда халқ оғзаки ижодининг энг кичик жанрларидан бири – ўзбек мақолларидан 112 тасининг аслини ўзбек-арабий ҳамда лотин имлосида, шунингдек, давомидан олмон тилига таржимасини беради². Бу китоб тўғрисида, чет элдаги ўзбек адабиёти ёки адабий алоқалари билан шуғулланган ўзбек олимларининг мақолаларида эслаб ўтилган, албатта³. Х.Исматуллаев китоб ҳақида бундай ёзади: “Китобнинг биринчи қисмида тилнинг грамматик қурилишига оид маълумотлар, 2-қисмида “Тоҳир ва Зухра”, “Юсуф ва Аҳмад”, “Хурлиқо ва Ҳамро” каби асарлар келтирилади. Бундан ташқари, А.Вамбери 112 та ўзбек халқ мақолини ўзбек тилида келтириб (араб ва лотин ёзувларида), уларнинг немис тилидаги таржимасини ҳам беради. Оллаёр, Насимий, Навоий, Фузулий ғазалларидан намуналар ҳам шу китобдан ўрин олган”⁴. Адиблар ва адабий манбалар сони

¹ Қаранг: Хайрулла Исматуллаев. Вамбери олимми, жосус? “Фитна санъати” (2-китоб), “Фан” нашриёти, Тошкент, 1993 йил, 149-162-бетлар; . Mim Kemal ÖKE, Armin VAMBERY İngiliz Casusu Prof. Arminius Vambery'nin Gizli Raporlarında II. Abdülhamid ve Dönemi İstanbul, 1983, Üçdal Neşriyat; Salih YILMAZ . “İngiliz Casusu Armin Vambery'nin Türkistan Seyahatinde Ona Eşlik Eden Özbek İshak Molla Hakkında”Türk Dünyası Araştırmaları Tarih dergisi; Эленора Шафранская. “Шпион” Арминий Вамбери (интернет манбалари).

² Қаранг. Çagataische Sprachstudien enthaltend grammatikalischen Umriss, Chrestomathie und Wörterbuch der çagatischen Sprache von Hermann Vambery, Leipzig:F.A.Brockhaus, 1867.358 p.; Мазкур китобнинг 1975 йилги қайта нашри ҳам бор.

³ Қаранг:Хайрулла Исматуллаев. Вамбери олимми, жосус? “Фитна санъати” (2-китоб), “Фан” нашриёти, Тошкент, 1993 йил, 159-бет.; Жуманиёзов З.А. “Ҳерман Вамберининг илмий-адабий мероси”; Элтазаров Ж. “Ҳерман Вамберининг қўнғиротлик йўлдоши” (интернет манбалари).

⁴ Хайрулла Исматуллаев. Вамбери олимми, жосус? “Фитна санъати” (2-китоб), “Фан” нашриёти, Тошкент, 1993 йил, 159-бет.;

бу маълумотдан кўра кенгрок, иккинчидан, унда “Ҳурлиқо ва Ҳамро” асари илова қилинган эмас.

Одатда илмий-адабий мақола ва ҳатто улкан монографияларда ҳам Ҳ.Вамбери томонидан ўзбек адабиёти ва фольклори намуналарининг олмон тилига таржимаси ҳақида маълумотлар келади. Афсуски, аниқ адабий манба ва матнлар масаласи ўртага келганида, таржималар савияси, ҳажми, айнан қайси асарлар таржима қилингани каби саволлар кўпинча жавобсиз қолади. Далил муҳим; улар ўжар. Сувга чўкмас, ўтда ёнмас тарихий далил ва манба илмдаги бўшлиқни тўлдиради, хатоларни ўнглайди; тахминий қарашларга чек қўяди.

Шу маънода Ҳ.Вамбери ўзбек мақолларини олмон тилига таржима қилгани ва бу манбанинг XX асрда, аниқроғи, 1975 йилда ҳам қайта нашр бўлганини таъкидлаш ўринлидир. Қайси ўзбек мақоли таржима қилингани, уларнинг мавзу йўналиши ва таржиманинг оригиналга мослиги, тил хусусиятлари соҳа мутахассисларини қизиқтириши табиий деб ўйлайман.

Қўлимизда жамланган манбаларни чоп этишга қизиқиб, бирор ношир рағбат билдирса, албатта, уларни таржима ва аслиятни бараварига – бор ҳолича илм аҳлига етказиш ниятидамиз.

Бу ўринда Вамбери тартиб берган “Хрестоматия”нинг фақат мақоллар бўлими ва уларнинг баъзи ўзига хос қирраларини қисқача баён қилиш, мақоллардан айрим мисоллар келтириш билан чекланамиз.

Сайёх Вамбери ўзбек мақолларини халқ орасида юриб тўплагани ҳақиқат; таржимада уларнинг мазмунини имкони борича тўғри баён қилгани кузатилади. Аслида методологик жиҳатдан адабий-тарихий манбаларни баҳолашда таснифлаш усули қўл келади. Шунга кўра, таржима қилинган мақолларнинг оригиналга мослиги, мазмуннинг тўла акс этган-этмагани жиҳатидан кузатиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи. Мақоллар аслиятда қандай бўлса, худди шу тарзда мазмуни таржима тилига тўла кўчиб ўтган. Бунда таржимон мақол учун махсус изоҳлар беришга зарурат сезмайди. Чунки инсоният тарихидаги умумбашарий ҳикматлар борки, уларнинг айримлари мазмунига кўра барча миллатларда бир хилда қўлланилади. Бундай эквивалент мақолларни энг мақбул таржима ўрнида қабул қилиш ва баҳолаш ўринлидир. Мисоллар келтираман:

“Boß бўлмаса гавда лош”.

Таржимаси:

“Ohne Kopf ist der Körper eine Leiche”;

“Дўст йиғлатур, душман кулдирур”.

Таржимаси:

“Was den Freund weinen macht, macht den Feind lachen”;

“Ўлук арслондин, тирик сичқон яхшидур”.

Таржимаси:

“Besser eine lebendige Maus, als ein toter Löwe” ;

“Манманлик шайтонга ярашур”.

Таржимаси:

“Egoismus steht nur dem Taufel gut” ;

“Оч айуқ ўйнамас”.

Таржимаси:

“Der hungrige Bär tanzt nicht” ;

“Яхшилик эт, дарёга ташла, балиқ билур, Балиқ билмаса, Холиқ билур”.

Таржимаси:

“*Thue Gutes und wirf es in den Fluss, der Fisch sieht es schon; und sollte der Fisch es nicht Finden, Gott sieht es schon*”;

“Яхши бирла юрсанг, етарсен муродга, Ёмон бирла юрсанг, қолурсен уётга”.

Таржимаси:

“*Mit Gutem wirst du bald dein Ziel erreichen, mit Schlechten aber beschämt zurückbleiben*”;

Умумҳисобда ўзбек мақолларининг олмон тилига бундай ўринли, аслиятга мос, яхши, аниқ ва лўнда таржималари кўпчиликни ташкил этади.

Иккинчи. Таржимон мақолнинг асил матнини теран англашиш мақсадида махсус изоҳлар қўшади. Бунда мақоллар мансуб миллатнинг ўзига хос маънавий олами, турмуш тарзи, қадриятлари ва бошқа индивидуал хусусиятлари таржима тилида осон тушунилиши назарда тутилади. Мисоллар: “Болани ёшдин, хотунни бошдин”. Таржимаси: “*Das Kind in der Jugend, das Weib im Anfang*”. Таржима яхши, аммо шарқона одоб-ахлоқни ўзида жамлаган бу мақол таржимон наздида изоҳга мухтож кўринади. Шунинг учун таржимадан кейин қавс ичида “*wenn du sie an etwas gewöhnen willst*”, яъни “агар сен уни бирор нарсага кўниктиришни истасанг” деган қўшимча қўшади. Изоҳ мақол мазмунини кенгайтириб, уни қийналмай англашга ёрдам беради. Бошқа бир мисол: “Болалардан сўр хабарларни”. Таржимаси: “*Von den Kindern verlang Nachricht*”. Таржимадан кейин қавс ичида : “*Kinder und Narren pflegen die Wahrheit zu sagen*”, яъни “Болалар ва аҳмоқ-тентаклар ҳақиқатни ёқлаб гапиради”, деган изоҳ берилади. Болаларнинг кўнгли тоза бўлади, улар бор гапни ўз ҳолича айтади, сир сақлашни билмайди. Бу мақолнинг халқимиз орасида “Болали уйда сир ётмас” варианты ҳам бор.

“Эл ўғрисиз бўлмас, Тов бўрисиз бўлмас” мақоли таржимасидан сўнг таржимон “*Vorsicht ist immer gut*”, яъни “Эҳтиёткорлик ҳар доим яхши” изоҳини беради. “Оқ қўй ҳам, қора қўй ҳам ўз оёғидин осилур”. Таржимон митти матнни тўғри тушунади ва ўринли талқин қилади. Айни дамда “*Kein Unterschied. Tod ist Tod*” – “Фарқи йўқ. Ўлим ўлимдир” изоҳини ёзишга зарурат сезади. “Сўз берур, бўз бермас”. Қизғанч-зикна одамга қўлланадиган бундай мақол таркибида ички қофия, сўз ўйини борлиги таржимонни бефарқ қолдирмайди. “Сўз” ва “бўз” сўзларини “*Ein Wortspiel*”, яъни “сўз ўйини” деб атайти. “Уйқусиз эснар, ошиқ керилур”. Бу нимани англатади? Олмонларга тушунарсиз бўлишини тахмин қилган Вамбери таржимадан кейин қавс ичидаги изоҳда ҳар ким ўз ички дунёсини қайсидир тарздаги хатти-ҳаракатлар билан ҳам ифода қилишига урғу беради.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Табиийки, таржимон қўшган ўша махсус қўшимча – изоҳ ва тушунтиришлари мақолларнинг мазмун-моҳиятини бошқа тилда аниқ ифодалашга хизмат қилади. Аммо...

Учинчи: *Кузатишимизча, таассуфки, мақоллар баъзан хато анланган, нотўғри таржима қилинган, ҳатто, мақолга ноўрин изоҳ берилган бир-икки ўринлар ҳам учради.*

Масалан: “Тўйға борсанг, тўйиб бор”. Таржимаси: “Wenn du zu einem Gastmahle gehst, so gehe gesättigt dahin”. Умуман олганда, таржима тўғри. Бироқ унга ёзилган изоҳ “denn im Gedränge könntest du hungrig bleiben”, яъни “Чунки оломон ичида оч қолишинг мумкин” гапи жуда содда изоҳ ва фикримизча, тўғри ҳам эмас; мақол моҳиятига мос келмайдигандек кўринди. Чунки бу мақолни айтган аждодларимиз гапининг тагида “оч қолиш” тушунчаси асосий ўринда турмайди. Балки бунда меҳмонга бориш одоби, меҳмондорчилик маданияти, тўйда тўйган одамдек одоб сақлаб ўтириш назарда тутилади, бизнингча. Чунки мақолнинг Вамберига одамлар айтишни эсидан чиқарган ёки айтган тақдирда ҳам, уни ёзиб олишни унутган “Тўй тўнингни кийиб бор” деган иккинчи қисми ҳали-ҳануз халқ орасида яшаб келади. Мақолнинг ана шу давомида ҳам чиройли кийиниб, ораста ҳолда тўйға бориш маданияти назарда тутилади.

Яна бир мисол: “Лўлунинг эшагини суғор, пулини ол”. Таржимаси: “Tränke auch den Esel der Hure (diene ihr), doch lass dich bezahlen (nimm ihren Pfennig)”. “Лўлу”ни нима учундир таржимон “бузук аёл”, “фоҳиша” деб тушунади. Сўзни бундай англаш ва ўгириш мақол мазмунига таъсир қилиб, маънони ўзгартиради. Чунки “фоҳиша” эшак миниб юрмаслиги мумкин. Мақол генезиси қишлоқма-қишлоқ, кўчама-кўча эшак миниб, садақа сўраб, тиланчилик қилиб юрадиган лўлилар ҳолига бориб тақалар, эҳтимол. Аслида барча мақоллар мазмунан кўчма маънога, метафорик табиатга эга бўлади. Қавс ичида “унга хизмат қил” деган бир изоҳи ҳам бор. Ҳар ҳолда бу мақолнинг таржимаси ва изоҳи менга анча муаммоли бўлиб кўринди.

Тўртинчи: *Мақол аслияти билан таржима матни қиёсланганида, таржимон қайд этган баъзи изоҳларнинг мақол мазмунини ғариблаштирган ҳолати кузатилди.* Масалан: “Юрган дарё, ўтирган бўрё”нинг таржимаси “Der Fluss zieht weiter, die Natte bleibt liegen” бўлиб, унга “Willst du weiter ziehen, verlass die Natte und besteige das Schiff”, яъни “Ҳаракат нари кетишию, бўрё кеманинг ичида қолиши”, деган мазмунда изоҳланибди. Аслида шу тўртта ўзбекча сўзнинг метафорик маъноси Вамбери изоҳидан кўра кенгроқдир. Яна бир мисол: “Қоғоздан қалъа бўлса, олмаси бало бўлур” мақоли таржимасидан кейин ёзилган “Natürlich in den Augen der berittenen Mittelasiens, die nur den Kampf im offenen Felde verstehn” – “Ўрта осиеликлар назарида жанг фақат очик майдонда бўлиши керак деб тушунилади” мазмунида берилган изоҳ ҳам мақол маъносини фақат ғариблаштириши мумкин. Ҳ.Вамбери мақоллар таржимаси жараёнида кўшимча изоҳ ва шарҳларни икки хил усулда тақдим қилади. Биринчидан, юқорида кўриб ўтилганидек, таржима матни ёнида қавс ичида изоҳ ёзади.

Иккинчидан, умумматндан ташқарида, саҳифа ҳаволаида маълум бир сўз ёки сўз бирикмасига изоҳ ёзади. Ҳар икки ҳолатдан мақсад мақолни аниқроқ тушунтиришдир. Масалан: “Ҳар кимнинг кўнгли тўла бўлса, тили очилур”. Таржимаси: “Dessen Herz voll ist, dem wird bald die Zunge los”. Бу мақолни тушунишга ёрдам бериш учун хошияда араб тили ва ёзувида “Иза яъса-л-инсану таала лисануху” (Агар инсон қариса, унинг тили узун бўлди), деган кўшимча ҳикмат келтирилади. Ўртасидаги алоқадорлик қисмида бироз ўйлаб иш тутиш лозимлиги маълум бўлади.

“Бўлур одам ўн бешинда бош бўлур, Бўлмас одам қирқға кирса ёш бўлур”. Таржимаси: “Der etwas taugt, wird schon mit fünfzehn Jahren

Mann, wer nichts taugt, bleibt im vierzigsten noch ein Kind”. Таржимон ҳошияга “бўлур одам” бирикмасини олиб чиқиб, олмонча ва усмонли турк тили ёрдамида: “bolur odam– aus dem ein Mensch werden soll, so im Osm: adam olurmu olmazmi = wird aus ihm was werden oder nichts?” деб тушунтиради. “Одам бўладими, бўлмайдами” деган халқона таъбирни келтиради. Аслида “бўлур одам” – бу бўладиган, яхши, оқил одам деганидир.

Олмон тилига таржима қилинган бу мақолларда Хоразм, Тошҳовуз, Қўнғирот ўзбеклари тили, яъни ўғиз шеvasига хос унсурлари кўп учрайди.

“Тез сўзлар тез пишмон бўлар”. Бу мақол таркибидаги “пишмон” бугунги адабий тилда “пушаймон” шаклидадир. “Сув кўрмагунча этик чечма”. Шевадаги “чечма” сўзи адабий тилга “ечма” тарзида олиб кирилгани маълум. “Совлиқим бойлиқим, хасталиқим манглайи қаролиқим”. Бундаги “манглайи қорлиқ”нинг “бахтсизлик, омадсизлик” эканини фақатгина шу шева вакиллари яхши англайди. Шунингдек, “Оқажак қон томурда турмас”, “Қозонға ёнтошсанг, қароси юғар, Ёмонға ёнтошсанг, балоси юғар” каби мақоллар таркибидаги “оқажак”, “ёнтошсанг” каби сўзлар ҳам шевага хосдир.

Ҳ.Вамбери олмон тилига таржима қилган мақоллардаги бундай ўзига хосликларни икки асосга кўра табиий қабул қилиш ўринли бўлади. Биринчидан, мақолларни кўпроқ ўғиз шеvasига мансуб одамлар орасидан ёзиб олган Вамбери сўзбошида: “Бошида берилган мақоллар асосан бевосита турмушдан олинган бўлиб, уларнинг кўпчилиги бугунги кунда ҳам усмонлилар орасида қўлланиб келаётганини таъкидлаш шарт бўлмаса керак”, деб ёзади¹. Иккинчидан, Вамберининг ҳамроҳи, ҳажга бориш ниятида унга эргашиб йўлга чиққан мадраса толиби Мулла Исҳоқ қўнғиротлик эди². Мақолларни таржима қилаётганида Вамбери ёнидаги ўша “тирик луғат”дан унумли фойдаланган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Шу билан бирга Вамбери таржима қилган мақоллар орасида муаммоли бўлиб кўринганлари ҳам бор. “Ақл бошда эмас, ёшдадур” мақолининг таржимаси айнан берилади: “Der Verstand ist nicht im Kopf, sondern im Alter”. Бироқ мақолнинг халқ орасида кенг тарқалгани “Ақл ёшда эмас, бошдадур” шаклда бўлиб, таржимон тескарисини танламаганмикин, деган ўйга ҳам борилади.

Ҳ.Вамбери таржима қилган мақоллар ўзбек халқи орасида минг йиллардан бери яшаб келади. Ҳозирги кунда одамлар кенг ишлатадиган чуқур маъноли “Очлик нени едирмас, Тўқлуқ нени дедирмас” мақолининг ҳам Вамберида таржимаси бор. Муҳими айнан шу мақол Кошғарийнинг “Девон”ида келади³.

Хуллас, бугунги адабий-илмий жамоатчилик таржимашунослик тарихида, хусусан, ўзбек тилидан олмон тилига ўзбек адабиёти, фольклори намуналарини таржима қилишда Ҳерман Вамберининг ҳам маълум хизматлари борлигини билиш лозим. Шу билан бирга бир хил мавзуда ёзилган адабий манбаларнинг олмон тилига бўладиган янги таржималарда XIX асрда қилинган таржималар қайсидир даражада тажриба майдони вазифасини бажаради. Умуман, шу каби барча нодир

¹ Hermann Vambery. Čagataische Sprachstudien., Leipzig:F.A.Brockhaus, 1867, 43-бет.

² Бу ҳақда қаранг: Элтазаров Ж. “Ҳерман Вамберининг қўнғиротлик йўлдоши”

³ Қаранг: “Оч не емас, тўқ не демас”. Маҳмуд Кошғарий. “Девону луғати-т-турк”. 1-жилд. Тошкент. “Mumtoz so’z”, 2016 йил, 71-бет.

таржималарни аслият матнлари билан бирга борича қайта китоб ҳолида чиқариш, Республикадаги марказий кутубхоналарга ва тегишли олий таълим даргоҳларининг китоб жавонига қўйиш зарурати бор. Бундай нодир адабий манбалар таржимашунослик, фольклоршунослик ва ўзбек адабиёти тарихини кенг ёритиш бўйича изланишлар олиб бораётганларга ёрдам беради, албатта.

Ҳерман Вамбери таржима қилган ўзбек мақолларидан намуналар

1. Отали ўғул – хўжали кул.
Der Sohn, der einen Vater hat, ist immer ein Sklave, der einen Herrn hat.
(Denn er muss gehorchen)
2. Икки кема тутқон ғарқ ичинда қолур.
Der an zwei Schiffe sich anhält, ertrikt gewiss.
3. Қалб қозони қайнамас, қайнаса-да қўюлмас.
Des falschen (Menschen) Kessel kocht nie; kocht er auch, so verdichtet er nie. (Vom Pilav, der so lange kochen muss, biss er dick, d.h. gut befunden wird).
4. Ийд отлунигки, тўй тўнлунигки.
Das Fest gehört dem Reiter (der aus der Ferne und der Sitte gemäss zu Pferde sich dazu begeben kann); das Gastmahl dem Gutgekleideten (da sich Niemand in schlechten Kleidern zeigen kann).
5. Замоннинг озғони, отдин эшак ўзғони.
Wenn die Zeit entartet (wenn alles in Wirrwarr geräth), so wird der Esel höher gestellt, als die Pferde (d.h. nir dann wird der Nichtswürdige dem Würdigen vorgezogen).
6. Танимасни сийламас.
Was man nicht kennt, liebt man nicht.
7. Тўйға борсанг, тўйиб бор.
Wenn du zu einem Gastmahle gehst, so gehe gesättigt dahin (denn im Gedränge könntest du hungrig bleiben).
8. Ғарибнинг бир тўйғони, чала бойиғони.
Wenn der Arme einmal satt ist, so ist er schon ein halber Baj (reicher Mann).
9. Биров ўткарди умрини айиш ила пош,
Биров тотқани йўқ оғзи тўла ош.
Бировнинг нукра-и-тиллоси мўл-мўл,
Биров кўргани йўқ умрида бир пул.
Der eine verbringt sein Leben in Saus und Braus,
Der andre hat kaum ein Stückchen Brod im Haus,
Der eine hat Gold und Silber im Überfluss,
Der andere oft einen Heller erbetteln muss.
10. Ўлимдин хўрлуқ ёмон.
Schande ist ärger als der Tod.



ДИЛНАВОЗ ЮСУПОВА

*ТошДўТАУ доценти,
филология фанлари номзоди*

АРУЗ ИЛМИ ВА ҒАРБ ТАДҚИҚОТЧИСИ

*(“Арузи Сайфий”нинг инглиз тилига қилинган
таржимаси хусусида)*

Шарқ мумтоз поэтикасида илми аруз, илми бадиъ ва илми қофия манзум сўз айтишнинг мукамал шартларини ўзида акс эттирган илмлар учлигининг бевосита асосини ташкил этади. Кўхна ва муаззам Шарқда ижодкорнинг бадиий маҳорати унинг ушбу соҳаларни назарий жиҳатдан чуқур билиши билан бирга улардан ўз шеъриятида қай даражада истифода этиши ва ўзи айтмоқчи бўлган фикрни баён қилишга хизмат қилдириши билан ҳам белгиланган.

Ғарб адабиётшунослигидаги шеърый тизим, қофия ва бадиий тасвир воситалари мусулмон Шарқига қараганда анча фарқланади, шунинг учун ғарблик китобхонга Шарқ шеъриятидаги қонун-қоидалар ўта мураккаб ва сирли, айна пайтда жозибали туюлиб келган. Буни немис шарқшуноси, форс тили ва адабиётининг йирик билимдони бўлган Ҳенри Фердинанд Блочманнинг қатор тадқиқотларида кўришимиз мумкин.

Олимнинг мусулмон шеършунослиги билан боғлиқ изланишлари таҳлилидан аввал унинг ҳаёт ва ижоди хусусида қисқача тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Ҳенри Блочман 1838 йил 8 январь куни Германиянинг Дрезден шаҳарчасида дунёга келган. Унинг отаси Эрнест Блочман тадбиркорлик билан шуғулланар, хусусий босмахонаси ҳам бор эди. Ҳенри дастлаб ўзи туғилиб ўсган шаҳарчада таълим олди, 1855–1857 йилларда эса Лейпциг университетига таҳсилни давом эттириб, бир қатор Шарқ тилларини, хусусан, форс тилини мукамал ўрганди. Сўнг Парижга борди, бироз ўтиб Лондонга кўчиб ўтди. 1858 йил эса армия сафида Ҳиндистонга келди. Манбаларда айтилишича, уни қўшин сафига Шарққа бўлган катта қизиқиш етаклаб келган. Чунки ўша даврда Шарққа фақат ҳарбий сифатидагина бориш имконияти мавжуд эди. Эътиборли жиҳати, айнан Ҳенри Блочман Ҳиндистонга келган йили Бобурийлар сулоласининг сўнгги вакили Баҳодиршоҳ Зафар II тахтдан туширилди ва Ҳиндистон бутунлай Англия мустамлакасига айланди.

Кейинги маълумотлар ҳам Ҳенрининг Шарққа бўлган қизиқиши ўзгача бўлганлигини тасдиқлайди: у аскарлик хизматини ўтагач, Калькуттада қолишга, шу ернинг фуқаролигини олишга астойдил ҳаракат қилади.

Бунга эришгач, форс тилидан дарс беради, сўнг Ғарбнинг шу ердаги компанияларидан бирида таржимон сифатида фаолият олиб боради.

1860 йилда Ҳенри Блочман 1782 йил инглизлар томонидан асос солинган Калькутта мадрасасига ўқишга киради ҳамда тез орада санъат ва ҳуқуқ бўйича магистрлик даражасини олади.

Манбаларда умрининг охиригى ўн йилида Ҳенри Блочманнинг илмий фаолияти жуда сермахсул бўлганлиги таъкидланади. У бу даврда Бангладешга боради, археология тадқиқотларида фаол иштирок этади; форс адабиётига астойдил қизиқиб, “Prosody of Persians according to Saifi, Jami and others writers”¹ (Форс шеърӣ тизими: Сайфӣ, Жомӣ ва бошқа адиблар ижоди асосида) номли китоб ҳамда Калькутта мадрасаси мударриси Оға Аҳмад Али билан ҳамкорликда “Таронаи рубоӣ ҳақида рисола” деган асар ёзади; “Форсча-инглизча” луғат устида иш бошлайди; Абулфазл қаламига мансуб “Акбарнома” асарининг биринчи қисмини таржима қилади.

Умуман олганда, Ҳенри Блочман ўз илмий фаолиятини икки йўналишда: филология ва тарих бўйича олиб боради. Олим 1878 йил 13 июль куни Калькуттада вафот этади².

Ҳенри Блочманнинг “Prosody of Persians according to Saifi, Jami and others writers” номли тадқиқоти мусулмон Шарқи шеършунослиги тадқиқига бағишланган бўлиб, асарни шартли равишда беш қисмга бўлиш мумкин:

1. Кириш. Бунда олим форс тили ва унинг хусусиятлари ҳақида сўз юртади;

2. Сайфӣ Бухорийнинг “Арузи Сайфӣ” асарининг инглиз тилига қилинган таржимаси ва унинг изоҳлари;

3. Абдурахмон Жомӣнинг “Рисолаи қофия” асарининг таҳлили ва матни;

4. Мусулмон Шарқ шеършунослигининг назарий асослари: жанрлар тавсифи, фаол баҳрлар ва уларнинг хусусиятлари ҳақида мълумот ҳамда арузга доир машқлар, кўрсаткичлар;

5. “Рисолаи қофия” ҳамда “Арузи Сайфӣ” асарларининг матни.

Кўринадики, немис олими ўз тадқиқотида илмлар уқлигининг икки муҳим тармоғи: илми аруз ҳамда илми қофияга доир асарларга алоҳида эътибор қаратган.

Ҳенри Блочман, бизнингча, “Арузи Сайфӣ” ва “Рисолаи қофия” асарларидан айнан Ғарбда шарқшунослик йўналишида таълим олаётган талабалар учун қўлланма ёзиш учун фойдаланган. Олим китобнинг кириш қисмида шундай дейди: “Бу китоб Сайфӣнинг аруз ва Жомӣнинг қофия ҳақидаги рисолаларига асосланади. 1867 йил иккала асар матнини алоҳида-алоҳида чоп эттиргандим, энди эса талабаларга осон бўлсин учун таржима қилдим... Буни иложи борича мукамал тарзда тайёрлаш учун кўрсаткичлар, машқлар, Саъдийнинг “Гулистон”идан вазнини аниқлаш учун байтлар илова қилдим ва уларнинг жавобларини ҳам кўрсатдим...” Блочман талабалар қофия ва арузни осон ҳамда тез тушунишлари учун

¹ Prosody of the Persians according to Saifi, Jami and other writers. Reprint 1970 of the edition Calcutta 1872 printed in the Netherlands. AMSTERDAM PHILO PRESS. Кейинги иқтибосларнинг барчаси ушбу манбадан олинди – муаллиф.

² “Iranian encyclopedia”, Vol. IV, Fasc. 3, pp. 314 – 315. Интернетдаги манзил: <http://www.iranicaonline.org/articles/blochmann-heinrich-henry>; [http://en.wikisource.org/wiki/Blochmann,_Henry_Ferdinand_\(DNB01\)](http://en.wikisource.org/wiki/Blochmann,_Henry_Ferdinand_(DNB01)); Buckland, Charles Edward. (2013). pp. 46–7. *Dictionary of Indian Biography*. London: Forgotten Books. (Original work published 1906)

“шарқона атамаларни айнан инглиз тилидаги аруз ва қофияга татбиқ этган” лигини айтади. Демак, айтиш мумкинки, олим “Форс шеърӣй тизими” китобини, хусусан, шу китоби таркибида илк марта нашр қилинаётган (*бу ҳам Блочманнинг маълумоти*) “Арузи Сайфӣй” ва “Рисолаи қофия” асарларини Европадаги талабалар учун қўлланма сифатида тартиб берган. Унинг мусулмон Шарқи шеършунослигидаги баъзи қоидаларни инглиз тилига жорий қилганлиги ҳам ушбу фикрни асослайди.

Мавзуимиздан келиб чиқиб, биз ушбу мақоламизда тадқиқотнинг “Арузи Сайфӣй” билан боғлиқ жиҳатларига тўхталиб ўтамиз. Ҳ.Блочман китобнинг “Сўзбоши”сида шундай ёзади: “Мазкур китобнинг мақсади форс адабиётига бўлган қизиқишни қондириш ва форс шеършунослигига оид билимларимизни кенгайтириш, чуқурлаштиришдир. Мазкур тадқиқотни шарқона усулда олиб боришга урғу қаратилди, гарчи бизда Шарқ шеършунослиги таъсиридан йироқ бўлиш имкони мавжуд бўлса-да, бу рисола ни бутунлай ғарбона руҳга бўйсундириш мумкин эмас, чунки бирор тилни унинг ўз грамматикасидан айри тарзда ўрганиб бўлмаганидек, Шарқ шеършунослигини ҳам унинг аслиятисиз таҳлилга торта олмаймиз. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, тадқиқот жараёнида Шарқ ва Ғарб методларини қиёслаш йўлидан бордик”.

Муаллифнинг фикрича, Шарқ шеърӣй тизимини ўрганиш шарқликлар учун ҳам осон эмас. Шарқ шоирларини завқлантирган, роҳатлантирган илмий атамаларнинг кўплиги ва хилма-хиллиги, жанрларнинг баъзан жуда кичиклиги ва уларни фарқлаш қийинлиги ўрганишни мураккаблаштириб юборади. Шеършуносликка бағишланган рисоалар жуда кўп бўлиб, уларнинг баъзилари поэтикани ўрганишни мақсад қилган талабалар учун мўлжаллаб яратилган. Кўпчилик муаллифлар рисоаларини илмий атамаларни тушунтиришдан бошлаганлар ва шу тариқа талабага моҳиятни англамоқчи бўлганлар; баъзилар эса ишни аруз доиралари изоҳидан бошлаганлар, бунда бир вазн иккинчи вазн ичидан келиб чиқиши тушунтирилган. Ҳенри Блочман бу ҳолатни тасаввур қилиш жуда қийин деб ҳисоблайди ва шу маънода айнан Сайфӣй Бухорийнинг рисоласини танлаганини айтади. Унинг таъкидлашича, “Арузи Сайфӣй” мумтоз поэтикага доир рисоалардан фарқли ўлароқ, ўзгача услубда бўлиб, унда даставвал, қоидалар, атамалар муфассал, босқичма-босқич тушунтириб борилади, сўнг анъанага мувофиқ, қўшимча илова сифатида, гарчи муҳим бўлмаса-да, аруз доираларига мурожаат қилинади. “Бинобарин, – деб таъкидлайди олим, – Сайфӣйнинг асари содда ва тушунарли бўлганлиги учун бошқаларникидан афзал бўлиб, яқин-яқингача Шарқ мадрасаларида ундан қўлланма сифатида фойдаланиб келадилар”.

Шу ўринда Сайфӣй Бухорий ва унинг асари ҳақида икки оғиз сўз. Сайфӣй Бухорий темурийлар даври адабиётининг таниқли намояндаларидан бири бўлиб, Бухорода таваллуд топган. Таҳсил олиш мақсадида Ҳиротга келади ва шу ерда умрининг асосий қисмини ўтказди. У ҳақда Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарларида маълумотлар келтирилади. Навоий ўз таъкирасининг учинчи мажлисида Сайфӣйнинг шеърлари Ҳирот аҳли орасида машҳур бўлганини, муаммо илмига доир рисола битганлигини айтиб ўтади¹, лекин аруз илмидаги рисолаи ҳақида маълумот бермайди.

¹ Навоий Алишер. Мажолис ун-нафоис. МАТ. 20 жилдлик. Тошкент: Фан, 1997. 13-жилд. – Б.72-73.

Бобур “Бобурнома” да Сайфийнинг аруз рисолаи ҳақида гапира туриб, рисола муаллифи керакли нарсаларни жуда қисқа ёзиб, равшан ва маълум сўзларни нуқтаи ва арабий ифодасигача ёзиб чиққан, дейди¹.

“Арузи Сайфий” асарининг ёзилган йили қуйидаги таърих-рубойида ўз ифодасини топган:

*Сайфий чи рисолае навишти дилкаш,
К-аш ҳар ки бидид шуд дилу жонаш хуш.
Аҳли дил а-з ў чу файзҳо меёбад,
Бинвис, ки ҳаст “файзҳо” таърихаиш.*

(Мазмуни: Эй Сайфий, сен шундай бир дилтортар рисола яратдингки, уни кўрган ҳар кишининг қалби ва жони роҳатланди. Дил аҳли ундан файз топадилар, шунинг учун унинг таъриҳини “файзҳо” (файзлар) деб ёзгил). “Файзҳо” сўзидаги ҳарфлар абҷад ҳисоби билан аниқланганда 896 рақами чиқади. Бундан маълум бўладики, рисола ҳижрий 896, милодий 1490–1491 йилларда яратилган.

Ҳ. Блочман Сайфий Бухорийнинг “Арузи Сайфий” асарини инглиз тилига таржима қилар экан, масалага анча эркин ёндашади. Яъни юқорида таъкидлаб ўтилганидек, арузга оид атамаларни тушунтиришда уларга ўз тилидан изоҳлар қўшиб боради. Хусусан, “Шеър ва шоирлик” билан боғлиқ фаслда Сайфий *шеър* истилоҳига таъриф берар экан, илк қасида ёзган шоир сифатида Рудакийнинг номини тилга олади ва унинг “Мўлиён ариғининг ҳиди” ҳақидаги қасидасини келтиради. Блочман эса ўз таржимасида Рудакий ҳақида маълумот бериш билан бирга ушбу қасиданинг ёзилиш тарихи, оҳанги ҳақида ҳам фикр билдиради экан, ушбу қасида билан боғлиқ бошқа олимларнинг фикрларини ҳам илова қилади: “Рудакий Бухоро яқинида туғилган ва 920 йилларда Амир Наср Аҳмад Сомоний замонида яшаган. Хуросон, Кобул, Қандаҳор забот этилгандан сўнг амир ўз қароргоҳини Бухородан Ҳиротга кўчиради. Рудакийнинг бу қасидаси подшоҳни ортга (Бухорога – Д.Ю.) қайтариш учун ёзилган ва айтиш мумкинки, ушбу шеър орқали мақсадга эришилган. Форсий адабиётга доир ишларда шеърӣ парчалар билан боғлиқ ўринлар тез-тез тартибга солиб турилган ва уларга кейинги умумий натижалар қўшиб кетилган:

*Реги Омў бо дуруштиҳои ў
Зери поям парниён ояд ҳаме.*

“Қанчалик тошса ҳам Амударё, Отимиз белидан тўбонга келур”. Доктор Форбес ўзининг “Форсий грамматикаси”га қуйидаги қўшимчани киритади (40-бет):

*Оби Жайхун аз нишоти рӯи дўст
Хинги моро то миён ояд ҳаме.*

Биринчи мисрадагидек, мазмун ҳам, вазн ҳам мос келади. Мен унинг таржимасини ҳам қўшама: “Жайхуннинг тўлқинлари дўст юзини кўриш шодлигидан отимизнинг белигача тошади”. Рудакий шеърлари парчалар шаклида сақланиб қолгандек туюлади².

Ушбу изоҳлардан кўринадики, Блочман форсий шеърятнинг нуқтадон тадқиқотчиси сифатида фақат Сайфий асарида келтирилган парча билан кифояланиб қолмасдан, ушбу машҳур қасиданинг яна икки байтини ўз таржимасига киритади ва шу билан қасиданинг нисбатан тўлиқроқ варианты вужудга келишига эришади.

¹ Бобур. Бобурнома. Тошкент, 1989. - Б. 126.

² Блочман бу ўринда Рудакий шеърлари бизнинг давргача тўлиқ ҳолда етиб келмаганига ишора қилмоқда.

Блочман аксарият ўринларда, хусусан, баҳр ва улар билан боғлиқ вазнларни таржима қилиш жараёнида форсий арузшунослар, жумладан, Абдурахмон Жомийнинг “Рисолаи аруз”ига ҳам тўхталиб ўтади. Масалан, *хафиф* баҳрининг асосан мусаддас шаклда бўлишини таъкидлагани ҳолда, Жомийнинг рисоласида ушбу баҳрнинг мусамман (саккизлик) рукни бир вазни ҳам келтирилганлигини, Жомий ушбу байтга мисол тариқасида Рудакий ғазали матлаъсидан фойдаланганлигини айтади:

“Жомий хафифнинг мусамман шаклида бир намуна ёзиб қолдирган; бу Рудакий томонидан ўз ғазалларидан бирида қўлланилган вазн бўлиб, унинг матлаъси куйидагича:

*Гар кунад ёриё маро ба ғами ишқ он санам,
Фаилотун мафоилун фаилотун мафоилун
Битавонад зидуд з-ин дили ғамхора занги ғам.
Фаилотун мафоилун фаилотун мафоилун*

(Мазмуни:

*Агар ўша санам бизни ишқ ғамига ошно қилса,
Бу ғамзада кўнгилдан ғам занги кетган бўлар эди)”*

Агар Сайфий вазнларга мисол келтиришда асосан фақат бир байт (кўпроқ ўз ижодидан) билан чекланган бўлса, Блочман мураккаброқ ва ноанъанавий вазнлар таҳлилида яна кўшимча мисоллар ҳам бериб боради. Хусусан, *сарий* баҳри вазнлари кўпроқ маснавий дostonларда қўлланилишини айтар экан, Сайфий келтирган мисолга кўшимча тарзда Ҳоконий, Низомий Ганжавийларнинг маснавийларидан намуналар келтиради.

Блочман “Арузи Сайфий”ни таржима қилиш жараёнида баъзи танқидий мулоҳазаларини ҳам баён қилади. Олимнинг фикрича, аруз илмида мавжуд доиралар ушбу илм учун ортикча ва улар ушбу илмни ўргатишда кераксиздир:¹ “Доиралар арузни мукамал ўрганишда талабага ёрдам беролмайди. Улар Халил яратган, келиб чиқиш жиҳатдан бир турга мансуб вазнларни ҳосил қилишга уринишдир; ҳозирча айланалардаги муваффақиятли уринишлар: ватад ва фосиладаги уринишлар уни оқлайди”².

Умуман олганда, Сайфий Бухорий қаламига мансуб “Арузи Сайфий” асарининг немис шарқшуноси Ҳенри Блочман томонидан амалга оширилган инглизча таржимаси ва шу асосдаги шарҳ, талқин ва таҳлилларини ўрганиб чиқиб, айтиш мумкинки, Блочман Сайфийнинг “Арузи Сайфий” асаридан Европа талабалари учун мусулмон Шарқи шеършунослигининг ажралмас қисми саналган арузни ўргатишда қўлланма сифатида фойдаланган ва рисолаи шу мақсадда таржима қилган. Таржимага эркин ёндашган олим рисоладаги фаслларни рақамлаган ва уларга ўз ёндашуви асосида сарлавҳалар ҳам кўйиб чиққанки, бу ҳолат асардан педагогик мақсадда фойдаланишни янада қулайлаштирган. Таржима давомида Блочманнинг ҳар бир ҳодисани атрофлича ёритишга ҳаракат қилгани ва ўз фикри исботи учун бошқа форсий шоирлардан ҳам байтлар келтиргани унинг етук шарқшунос олим бўлганлигини тасдиқлайди.

¹ Доиралар аруз илми учун аҳамиятсиз деган фикр ўзбек олими Фитрат томонидан ҳам айтиб ўтилган эди (Фитрат. Аруз ҳақида. – Тошкент: Уқитувчи, 1997)

² Блочман бу ўринда аруз илмидаги энг кичик бирликлар: сабаб, ватад ва фосилаларнинг доирани ҳосил қилишдаги ўрнига эътибор бермоқда.



ЖАҲОН КИНОСИДА “ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ФИЛЬМ”НИНГ ЎРНИ

Бугунги дунё кино санъатида асосан икки турдаги фильм етакчилик қилади: биринчиси оммабоп фильмлар, икинчиси муаллифлик фильмлари. Умуман, оммабоп фильмлар кино саноатининг катта қисмини эгаллайди. Шунга қарамай, интеллектуал кино – муаллифлик киноси ўз йўлидан оғишмай, аксинча, тинимсиз янгилашни жароғида тараққий этиб келмоқда.

Муаллифлик киноси нима ўзи? У бошқа турдаги фильмлардан нимаси билан фарқланади? Умуман, интеллектуал кино инсониятга нима беради?

Бизнинг давримизга келиб санъатнинг барча соҳаларига оммавийлик ўз таъсирини кўрсатиб бўлди. Шу жумладан, кинога ҳам. Бироқ, оммабоп фильмларга қарши ўлароқ хослар киноси – интеллектуал кино катта бир оқим сифатида қудратга эга бўлди. Муаллифлик киноси инсонни ташқаридан эмас, ичкаридан таҳлил этишга киришди. Бунинг учун “кино тили”нинг янги шақллари, ифода ва тасвир усулларини излашга киришди.

Муаллифлик киноси илк бор Европада ривожланди. Шу боис уни “Европача интеллектуал муаллифлик кинематографи” деб атайдилар. У дунёнинг бошқа кинематография мактаблари ривожига ҳам туртки берди ва халқаро воқеликка айланди. Ҳозирда кенг тарқалган “Мустақил америкача кино” атамаси ҳам муаллифлик киносининг минтақавий мактабларидан биридир. Муаллифлик киноси – мавзу жиҳатидан оригиналлик ва индивидуалликка асосланадиган, тасвир услуби, монтаж усуллари режиссёрнинг бадиий ва ғоявий мақсади ифодаланадиган кинофильм туридир.

“Муаллифлик киноси” назариясига “Cahier du Cinema” журнали танқидчилари асос солдилар. 1954 йилда “Муаллифлик киноси” атамаси илк бор ушбу журналда кинотанқидчи ва бўлажак режиссёр Франсуа Трюффонинг “Француз киносидаги ягона тенденция” номли мақола-манифестида тилга олинади. “Муаллифлик назарияси” пайдо бўлгунига қадар сценарий муаллифи, режиссёр, композитор ва актёрлар ҳамкорлигида яратиладиган фильмлар киномахсулотнинг асосий шакли бўлиб келган. Муаллифлик киносида режиссёр бутун кино жароғининг ҳал қилувчиси ва кинофильм муаллифи сифатида майдонга чиқади. Режиссёрнинг “мен”ини кўрсатувчи визуал услуб, муайян мавзулар, сюжет, актёр ижроси ва жанр унсурларига “муаллифлик нуқтаи назари” муаллифлик киноси ва унинг назариясига асос бўлди. Кинофильм устида бутун бошли жамоа ишлашига қарамай, фильмни суръатга олиш гуруҳининг бутун фаолияти худди мусавирнинг картинаси ёки ёзувчининг романи каби режиссёрнинг мақсадини ифодалашга хизмат қилади.

Муаллифлик киноси Европада Арт-синема, россиялик киночилар орасида Арт-хаус деб аталади. Илмий тадқиқотларда кино санъати муал-

лифлик фильмларидан ташқари, голливудча ва миллий кинематографик мактабларга ажратиб ўрганилади.


Муаллифлик киносининг умумий моҳияти бевосита режиссёрнинг интеллектуал салоҳиятига боғлиқ. Режиссёр-муаллифлар одатда сценарийнавис, продюссер ва монтаж усталарини ўз атрофида бирлаштиради.

Бу йўналишда буюк натижалар кўрсатган режиссёрлар номларининг умумий йиғиндиси “канон” дейилади. Кинематография тарихида “муаллифлик канонлари”нинг ҳам бир нечта гуруҳлари мавжуд. Арт-синеманинг юқори муваффақиятларига эришган ва халқаро воқелик сифатида эътироф этилган “йирик канон” – Феллини, Антониони, Бертолуччи, Пазолини, Висконти, Бергман, Годар, Трюффо, Рене, Тарковский, Вендерс, Херцог, Фассбиндер, Бунюэль, Занусси, Вайда каби буюк режиссёрлар номлари билан боғлиқ.

Иккинчи йирик канон Хичкок, Хоукс, Фуллер, Сигел, Сёрк, Корман каби режиссёрларнинг ижодини қамраб олади.

Ларса фон Триер, Гринуэй, Тарантино, Линч, Жармуш, Кустурица, Ханеке, Муратова, Сокуров, Иоселиани, Альмодовар каби замонавий режиссёрлар гуруҳи учинчи йирик канонни ташкил этади.

Арт-синема моделида сезиларли даражада голливудча моделнинг маданий ва иқтисодий таъсири борлигини инобатга олиш лозим. “Арт-синема институтция каби” номли мақола муаллифи Стив Нил буни XX асрнинг биринчи ўттиз йиллигида Франция, Италия ва Германия кинематографияси мисолида аниқ кўрсатиб ўтган. Жумладан, у ҳар бир миллий кино саноати томонидан ишлаб чиқилган фильмлар бозорда ўз ўрнини топиши учун Голливуд билан рақобатлашиб, ҳар қандай вазиятда ўз маҳсулотини голливудча маҳсулотдан алоҳида ажратиб кўрсатишга интилади. Буни амалга оширишнинг энг самарали усулларида бири – юксак санъатга ва ушбу мамлакатнинг махсус маданий анъаналарига мурожаат этишдир”, деб ёзади.



Муаллифлик киноси тарихи бир неча лавҳаларга бўлинадики, улар орасида сабаб-вақт боғлиқлиги мавжуд эмас. Бироқ, уларнинг барида персонажнинг ички ҳолатига сезиларли эътибор қаратилади. Тўғри, оммабоп кино ҳам маънавий мақсадда изланади, инсоннинг шахсий олами тасвирига эътибор қаратади. Лекин унда фильм охирига қадар муаммо ўз ечимини топади. Муаллифлик киносида инсон ёки у билан

боғлиқ мураккабликлар фақатгина тадқиқ этилади. Образнинг тақдирига аниқ ечим кўрсатиш бундай фильмга хос эмас.

Муаллифлик фильмларининг сюжетида персонажлар характерининг ички ривожини кузатиш, таҳлил этиш муҳим ўрин тутаяди. Картинада вақт бўйича тафовутлар, нохронологик тартибда жойлаштирилган эпизодлар,

ҳикоянинг асосий чизиғидан узоқ вақтга чекинишлар бўлиши мумкинки, бу томошабинни шахсий тушунча ва маъно интерпретациясига ундайди.

Бундай фильмлар кино соҳасидаги экспериментал ва авангард йўналиш сифатида баҳоланади. Кинематографик авангарднинг туғилиши Жорж Мельес, Дэвид Гриффит ва Сергей Эйзенштейн ижоди билан боғлиқ. Айнан уларнинг ишларида “кино тили” деб аталувчи тушунча кузатилади. Ушбу кинода ҳам режиссёр шахси мутлақ принципиал аҳамиятга эга бўлса, унинг ғоялари ва эстетик идеалларининг ифодаси эса фильм асосини ташкил этади. Ўша даврда, кейинчалик “Янги тўлқин” арбоблари “муаллифлик киносининг характерли аломатлари” деб белгилаган хусусиятлар аниқланади. XX асрнинг 20-30 йилларидаёқ фильмлар оммавий аудитория учун мўлжалланган кўнгилочар кино ва интеллектуал аудиторияга мўлжалланган жиддий кино санъатига бўлиниши мумкин эди. Англияда Альфред Хичкок ва Айвор Монтегюлар “Фильмлар жамияти”ни тузиб, фильмлар сотиб олар эди. Уларнинг фикрича, бу фильмлар “бадий ютуқлар” эди. 1940 йилларда АҚШда Арт-хаус тушунчаси юзага келиб, мустақил равишда фильм ишлаб чиқариш компаниялари фильмларини намоёниш этишга ихтисослаштирилган кинотеатрлар шундай аталарди.

Кинематография тараққиётида кўплаб кашфиётлар авангарднинг кириб келишига йўл очган. Авангард қандай шаклда юзага келмасин, ривожланишнинг табиий ва зарур босқичи сифатида анъанавий-эстетик меъёрлар билан бир қаторда, мавжуд бадий амалиёт шакллари ва методларини ҳам вайрон қилади, бу ўз-ўзидан бадий ифоданинг янги шакллари пайдо бўлишига имкон беради. Шу сабаб, авангард фаол кириб келади. 1920 йиллар киноавангардининг бадий амалиёти “Янги тўлқин” неоавангардини юзага келтиради. “Янги тўлқин” муаллифлик киносига анъанавий киносининг мумтоз ютуқлари сақланган ҳолда, “кино тили”нинг янгиланиш жараёни, бадий новаторлик содир бўлади. “Авангард фильм” тушунчасига биринчилардан бўлиб, Луи Деллюк ўзининг фильмлари ва назарий ишлари орқали аниқлик киритади. У фотогения, яъни, “киноифодавийлик назарияси”ни илгари сурган. Деллюк фильм яратишда анъанавийлик ва томошабопликка урғу бериш ўрнига, персонажнинг ички интилишини ифодалашни таклиф этади.

XX асрнинг биринчи чорагида муаллифлик фильми композициясининг муҳим тамойили сифатида ички монолог назарияси юзага келади. У муаллифлик киносининг кейинги тарихида ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолди ва ривожланишда давом этди. Ушбу назария доирасида воқеалар яхлитлиги ва тадрижийлиги эмас, муаллиф ёки қаҳрамон ҳиссиётлари, ўй-фикрларининг мантиғи ва ҳаракатини аниқ ифодалаш мумкин.

Кинематографиянинг бу каби экспериментлари муаллифлик фильмининг “материал”и ва “усул”ини янгиледи ва бойитди. Яъни, ижодкор фильм учун сўздан тортиб, образгача бўлган барча нарсани эстетик таъсир этувчи усулда етказишни асосий ўринга чиқарди.

*Шухрат ОМОНМУРОДОВ,
ЎзДСМИ “Овоз режиссёрлиги ва
операторлик маҳорати”
кафедраси ўқитувчиси*

ТАШҚАРИГА МАРҲАМАТ

“Ла Скала” театри сахнасида ёшлар оркестри янги мураккаб мусиқа асарини илк бор ижро этмоқда. Аммо айрим чолғучилар тажрибасизлик қилиб, дирижёр кўрсатмаларига тўла риоя қилишаётгани йўқ. Репетиция икки-уч бор такрорланганида ҳам ижродан кўнгли тўлмаган дирижёр асабий ҳолда кўли билан икки кишини кўрсатди:

– Сиз ва сиз...

Флейта чалаётган йигит кўлини кўтариб сўради:

– Устоз, балки мен ҳам...

– Ҳа, албатта сиз ҳам. Қани, ташқарига чиқинглар-чи. Кўзимга бошқа кўринманглар. Марҳамат...

НОНУШТА

Икки дугона қаҳвахонада учрашиб қолишди.

– Гуам оролларида дам олиб қайтибсан, роса маза қилгандирсан? – сўради бири иккинчисидан.

– Зўр жойлар экан. Эҳ, нимасини айтай, дугонажон...

– Сенга об-ҳавоси ёққандир-да?

– Об-ҳавоси унчаликмас, аммо енгил машина ҳайдовчиларига қойил қолдим,– деди дугонаси кўлларини баланд кўтариб керишар экан.

– Ҳайдовчини айтаяпсанми? – ҳайрон бўлди анчадан бери курортга бормаган дугонаси. – Уларнинг об-ҳавога нима алоқаси бор?

– Алоқаси бор-да. Кечги пайт шаҳарни айланиб юрсанг, ёш-ёш йигит-чалар “Мерседес”ларини ғизиллатиб олдингдан ўтиб қолишади. У ерда ҳар куни ёмғир ёғади. Ёнингдан ўтаётиб, кийимингга лойқа сув сачратиб юборишади. Машинани тўхтатиб, олдингга келиб, эгилиб узр сўрашади. Кейин... ёнларига ўтқизиб, тўғри дала ҳовлиларига олиб боришади. Кийимингни ювиб, дазмол босиб беришади. Эрталаб шунақа ширин нонушта тайёрлашадики, эҳ, дугонажон, бунақасини емабсан, дунёга келмабсан...

ЎЗИДАН КЎРСИН

Темза дарёси қирғоғида икки балиқчи ўтирибди.

– Кеча тутган балиғимни сотмаганим яхши бўлган экан, уйда тозалаётган эдик, корнидан икки ҳафта олдин сувга чўкиб кетган дўстимизнинг шими чиқиб қолди. Чўнтагини кавласам, 500 доллар пули бор экан,– деди лофчи балиқчи касбдош дўстига.

– Баттар бўлсин,– ғудранди дўсти,– чўкаётганида айтган гапи эсингдами, винога озроқ пул ташлаб кет десам, ёнимда бир мири ҳам қолмади девди-я, хасис.

ЯНГИ БОЙ

Янги бойлардан бири тадбиркор дўстини аэропортда кўриб қолиб сўради:

- Йўл бўлсин оғайни?
- Парижга, – деди у хотиржам, – бориб келмасам бўлмайди.
- Париждан кеча қайтиб келган эдинг-ку?
- Ҳа, шундай. Ўтган куни Эйфел минораси ресторанида дўстларга зиёфат берувдим, стол устида кўзойнагим қолиб кетибди...

НАБИРАНИНГ ОРЗУСИ

Буви хорижда таълим олаётган набирасидан сўради:

– Мана, бўйга ҳам етиб қолдинг, атрофингда йигитлар гирдикапалак. Турмуш қуриш ҳақида ҳам ўйлаяпсанми? Ё шахзода кемада келиб олиб кетишини кутиб ўтрибсанми? Кимга турмушга чиқмоқчисан ўзи?

Набира бироз ўйланиб турди-да, жавоб қайтарди:

– Эҳ, бувижон, биласизми, менинг умр йўлдошим ақлли, чиройли, қўли очик, бизнесмен, яна... истаган нарсамни муҳайё қиладиган, юриш-туришимни тергамайдиган, қанча десам, шунча пул берадиган бўлиши керак.

– Э-э, оғзингдан шамол учирсин-е, – деди бувиси қўрқиб кетиб, – нима бало, етти марта эрга тегмоқчимсан?

БЎЛАЖАК КЕЛИН

Хорижда бир неча йил яшаб келган ўғил нонушта пайти онасига деди:

– Онажон, бугун уйимизга учта қиз меҳмон бўлиб келади. Улардан бирига уйланмоқчиман. Қайси бирилигини айтмайман, ўзингиз топасиз.

Меҳмон қизлар келиб кетишгач, ўғил сўради:

– Онажон, бўлажак келинингизни танидингизми?

– Танидим, ўғлим, ўртада ўтиргани-да.

– Зехнингизга қойил-е, онажон. Қандай танидингиз?

– Қандай танирдим. Шу ўтиришиёқ асабимга тегди...

* * *

Габроволик аёл (эрига):

– Тушимда менга дугоналаримнинг оғзи очилиб қоладиган қимматбаҳо кўйлак сотиб олаётган экансиз. Бирам севиндимки...

Габроволик эрак:

– Буни қара-я. Мен ҳам худди шу тушни кўрдим. Аммо кайфиятим бузилди. Қўяверинг дейишимга қарамай, қайнотам кўйлакнинг пулини тўлаб юборди.

* * *

– Сендан буюк санъаткор чиқиши мумкин, аммо бунинг учун иккита арзимас муаммони ҳал қилиш керак, – деди лондонлик балетмейстер ёш раққосага.

– Қайси муаммони? – қизиқсиниб сўради раққоса.
– Биринчиси, оёқларингни чўзиш керак, иккинчиси – уларни тўғрилаш зарур.

* * *

Габроводаги хусусий поликлиникалардан бирида беморларни суяк касаллигига қарши эмлашмоқда эди. Мижозлардан бири орадан икки-уч соат ўтгач, поликлиникага қайтиб келиб, шикоят қилди.

– Менга сифатсиз дори берибсиз, уйга қайтаётиб, оёғимни синдириб олдим, марҳамат қилиб, пулимни қайтариб беринг, – деди у шифокорларга.

– Айб ўзингизда, йўриқномани синчиклаб ўқишингиз керак эди, унда “Дори бир суткадан кейин таъсир қилишни бошлайди”, деб ёзиб қўйилган, – деди бош шифокор пинагини ҳам бузмай.

* * *

– Тўйингга бир ҳафта қолганида куёв билан уришиб қолганинг ёмон бўлибди-да, – деди онаси қизига.

– Ҳе, бети курсин ўша ярамаснинг, – деди қизи жаҳл билан. – “Доктор-бемор” ўйинини ўйнаймиз, мен доктор бўламан, сен бемор бўласан, сени даволайман” деса, хўб дебман. “Қани, бемор, ечиниб кроватга ётинг, деди. Ечиниб ётдим. У оёқ-қўлимни кроватга боғлади, бироз оғриқ бўлади, дод солмайсиз, деди. Кейин эса... конспектимни, стол устидаги егуликларни сумкасига жойлаб қочиб қолди...

* * *

Ўрмон четидаги ёғоч уйда яшайдиган овчини, ниҳоят, даволашди: у ичишни ташлади. Аммо унинг садоқатли дўсти бўлмиш ити суҳбатдошсиз қолди.

* * *

Чикаго. Ишчилар шаҳарчаси четидаги тунги тамаддихона эшигида янги ёзув пайдо бўлди: “Ҳурматли мижозлар. Сизлар учун яна бир қулайлик – стол ва стуллар полга михлаб қўйилди”.

* * *

Бродвейдаги йирик савдо марказларидан бири. Кутилмаганда касса аппаратининг лентаси тугаб қолди. Харидорлар шовқин сола бошлашди. Маъмурият вакили бироз сабр қилиб туришларини айтди. Россиялик кекса муҳожир сабр қилиб турар экан, бир шиша вискини ичиб тугатди-да, сўради:

– Биродар, шиша қабул қиладиган жой шу яқин-атрофдами?

Тўпловчи М.АҲМЕДОВ



АЙВАЗОВСКИЙ “ДЕНГИЗЛАРИ”НИНГ СИРИ

Манзара жанрининг мустақил тури – марина XVII асрда Голландияда юзага келиб, дунё тасвирий санъат оламида кўпдан-кўп мусаввирларни кашф этди. Денгиз манзараларини тасвирлашда Европада ўзига хос мактаблар шаклланди. Айниқса, XIX аср марина санъатининг гуллаб-яшнаган даври бўлди. Англияда мусаввир Уильям Тёрнер, Францияда Луи-Филипп

Крепер, Россияда эса Иван Айвазовский денгиз манзараларини тасвирлашда мисли кўрилмаган натижаларга эришади.

Рус рангтасвирида марина, асосан, XIX асрга келиб ривож топгани маълум. Арцеулов, Грабовский, Гофман, Воробёв, Магдесян, Сахаров каби рус мариначилари айна шу даврда ижод қилган. Улар орасида Иван Айвазовский денгиз флоти манзараларини тасвирлашда фавкулудда улуғвор натижалар кўрсатган сиймолардан бири ҳисобланади. Табиат ва денгиз кудратини лол қоларли даражада жонли ифодалаш, ҳиссиётлар шиддатини ғоят нафислик билан етказиш маҳорати Айвазовскийга нафақат ўз доирасида, балки бутун дунё рассомлари орасида шухрат олиб келди.

Келиб чиқиши армани бўлган Иван Константинович Айвазовский (Ованнес Айвазян) 1817 йил 29 июль куни Қора денгиз бўйидаги Феодосия шаҳрида туғилган. Унинг болаликдаги қизиқишлари – Феодосия рейди манзаралари ҳамда кемаларни чизиш иштиёқи, шубҳасиз, бўлажак рассом истеъдодининг дебочаси бўлган.

Ёш рассомнинг бу машғулоти шаҳар архитектори Кох назарига тушиши унинг ижодий келажagini янада ойдинлаштиради. Петербург Рассомлик академиясида таҳсил олиб, франциялик машҳур мариначи Ф.Теннер раҳбарлигида табиат манзараларини тасвирлашни ўрганади. 1836 йилда илк асари – “Денгиз узра булутлар этюди” чизилганидаёқ шогирднинг устозидан ўзиб кетгани маълум бўлади.

Айвазовский 1840 йилда Италияга кетади. Айна шу йиллари унинг мустақил услуби шакллана бошлайди. У ўргатилган билимларга хилоф равишда натурадан эмас, тасаввурга таяниб расм чизишни бошлайди. “Эслаб қолиш қобилиятига эга бўлмаган инсон, жуда зўр чизмачи (нусха кўчирувчи), тирик фотографик мослама бўлиши мумкин, аммо ҳеч қачон ҳақиқий рассом бўла олмайди! Тирик, табиий кучларнинг ҳаракатини мўйқалам билан тутиб бўлмайди: момақалдинок, шамолнинг шиддати, тўлқиннинг чайқалишини натурадан чизиш – ақлга сиғмайди. Шунинг учун рассом уларни эслаб қолиши керак ва ўз расмини ёруғ ва соя эффектлари билан безаши керак. Мен қирқ йил олдин ҳам шундай чизганман, ҳозир ҳам шундай чизмоқдаман. Ойлар давомида расм устида бош кўтармай

ишлашни ва жим расм чизишни – мен эплай олмайман”. Рассомнинг ўз ишига бўлган қарашлари шундай бўлган.

Ниманинг ҳисобига Айвазовскийнинг денгизи бунчалар жонли, нафас оладиган ва шаффоф? Ҳар бир асарининг моҳияти нимада?

Айвазовский даҳосини ҳис этган киши унинг бу улкан маҳоратининг нозик томонларини тушуниб етишни истайди, албатта. Чунки, унинг денгиз мавзусидаги баталистик асарлари ҳам, соф мариналари ҳам моҳирона энгил қўл билан чизилганки, бунда рассомнинг тажрибасидан кўра тасаввурининг маҳсули кўпроқ эканлиги очик-аён кўриниб туради.



Айвазовскийнинг ҳар бир кўрғазмаси муваффақият билан яқунланган. Ўз даврида унинг истеъдодини бутун Европа эътироф этган. Унга замондош рассомлар ҳам ўз ҳайратларини яширмай, бир-бирига баён этади. Хусусан, Иван Крамской Павел Третьяковга шундай ёзади: “Айвазовский рангларни ҳосил қилиш сирига

эга бўлса керак, шунинг учун ундаги ранглар сирли. Мен бундай очик ва тоза рангларни ҳатто бўёқчилик дўконларида ҳам кўрмаганман”. Рассом асарларида рангларнинг юпқа қатламларини устма-уст суртиш техникасидан (грисайль техникаси) фойдаланиб, шаффофликка эришган. У асосан мойбўёқ билан ишлашни афзал кўрган, лекин унинг тўлқинлари акварелда чизилгандек туюлади. Айнан шу техника билан тасвирда ранглар жуда шаффоф ва тўйинган кўринади. Бу мўйқалам тортиб, бўёқ бериш ҳисобига эмас, балки, ўзига хос теранлик ва нозиклик ҳисобига шундай бўлади. Айвазовскийнинг мазкур тасвирлаш техникаси коллекционерлар учун ниҳоятда қўл келади. Чунки, унинг кўпгина асарларида бўёқлар қатлами юпқа бўлгани учун ёрилиб кетавермайди.

Айвазовский асарни чизишда ишни доимо осмонни тасвирлашдан бошлаган, бунинг устига жуда тез битирган. Осмон муҳим қисм ҳисобланиб, денгизни осмоннинг ҳолатига мувофиқ, улкан тасаввур билан бир неча уринишдаёқ чизиши мумкин бўлган. Натура билан ишлашда эса у кўрганларини шунчаки эслаб қолишга интилган. Натурадан бир лаҳзалик хомаки нусха олиб, асосий ишни устахонада, тасаввур билан бажарган. У табиат кучларининг ҳаракати, денгизнинг нафас олиши, чақмоқнинг чақиши ва момақалдиروқнинг ярқирашини натурадан тасвирлаш мумкин эмас, деб ҳисоблаган. Натуранинг вазифаси – рўй бераётган ходисаларни рассомнинг хотирасига сингдириш, деб билган.

Арман рассоми Мартирос Сарьяннинг таъбири билан айтганда, “Айвазовский қандай довулни тасвирламасин, ҳар доим холстнинг тепа қисмида чақмоқ, булутлар тўплами орасидан баъзида яққол, баъзида кўз илғамайдиган нозик нур таралиб туради. Айнан шу нурда Айвазовский тасвирлаган барча довулларнинг мазмун-моҳияти яширинган. Агар бу қуёш бўлса, у энг қора довулни ёритади, агар ой шуласи бўлса, ўзининг милтиллаши билан бутун расмни тўлдириб юборади”.

Ҳақиқатдан ҳам Айвазовский мариналарининг асосий қаҳрамонлари ёруғлик, ҳаво ва сувдир. У денгизни ҳаққоний тасвирлашга эмас, балки ҳиссиётларни етказишга интилади: қуёш шундай чарақлаши керакки, томошабин кўзларини қисиб олиши, шамолдан бўжмайиши ва тўлқинни кўриб, гўё кўрққанидан ўзини орқага ташлаши керак.



Унинг “Қора денгиз флотининг 1849 йилдаги кўриниши”, “Дунёнинг яралиши”, “Тўққизинчи вал”, “Гурзуфда оқшом”, “Тунги денгиз тўфони”, “Денгиз қаҳри”, “Қора денгиз”, “Евпатория устида бўрон” каби асарларида ана шундай шиддатни кўриш мумкин. Бу асарларидаги шиддатли ранглар уйғунлиги, ёрқин, муросасиз бўёқлар томошабинни баъзан саросимага туширади. Уларда денгиз манзаралари, муаллифнинг ўз табиатига хос ҳаёлчанлик, ҳиссиётлилик ва илиқ ранглардан иборат муҳит, ҳаёлий-рамзий фикрлаш ва эркин импровизация барқ уриб туради.

Рассом ижодининг бир қисмини рус ҳарбий-денгиз флоти акс этган баталистик асарлар ташкил этади. “Наварин жанги”, “Синопс жанги”, “Чесмен жанги”, “Рус эскадраси Севастопол рейдида” каби асарлари бу йўналишдаги йирик ишларидан саналади.

Айвазовскийнинг мавзули картиналарида ҳам рух, ҳиссиёт, тасаввур етакчи бўлиб, асосан шарқона сюжетлар тасвирланади. Унинг бу турдаги асарларининг аксарияти арман ҳаёти ва табиати билан боғлиқ. “Арарат водийси”, “Арарат тоғларидаги Ноя жари”, “Арман халқининг чўқинтирилиши” каби асарлари шулар жумласидан.

Буюк мусаввир Иван Айвазовский 1900 йилнинг 19 апрелида она шаҳри Феодосияда, “Турк кемасининг портлаши” асари устида ишлаётган вақтда оламни тарк этган.

Ундан олти мингга яқин асар келажак-авлодга мерос бўлиб қолди. Рассомнинг ижодий мероси, асарларида тасвирланган денгизларнинг жонлилиги, шамол ва тўлқинларнинг кучи, чакмоқлар шиддати ва абадий ой шуъласи ҳали-ҳамон санъат аҳлини ҳаяжонга солишда давом этмоқда.

*Шаҳноза ҚОСИМОВА,
Камолитдин Беҳзод номидаги Миллий
рассомлик ва дизайн институти
музейшунослик кафедраси
катта ўқитувчиси*

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ҚИСҚАЧА ҚОМУСИ

БЕРГМАН ЭРНСТ ИНГМАР – атоқли швед кино ва театр режиссёри, муаллифлик киносининг йирик намояндаси. Бергман 1918 йил 14 июлда Швециянинг Уппсала шаҳрида дунёга келган. 2007 йилда 89 ёшида вафот этган. Бергман ижодининг бошланиши 1940 йилларга тўғри келади. У дастлаб пьесалар ёзган ва маҳаллий театрлар сахнасида қўйилган. Унинг режиссёр сифатидаги фаолияти 1944 йилда “Инқироз” фильми билан бошланган. Бергман умри давомида элликдан ортиқ кинофильм суратга олган ва яна шунча спектакль сахналаштирган. У “Севгимиз осмонида ёмғирлар”, “Ҳинд кемаси”, “Зулматдаги мусиқа”, “Турма”, “Бу ерда содир бўлиши мумкин”, “Аёллар кутмоқда”, “Муҳаббат дарси”, “Еттинчи тамға”, “Иблис кўзи”, “Сукунат”, “Шахс”, “Эхтирос”, “Номус”, “Шивирлар ва қичқириклар”, “Илон уруғи”, “Сўнгги репетиция”, “Сарабанд” каби машхур фильмларнинг муаллифи. У яратган фильмларнинг аксарияти Оскар, Берлин, Вафга, Бодил, Канн, Сезар каби нуфузли халқаро киномукофотларга бир неча бор сазовор бўлган. Бергман турли йилларда Хельсинборг, Гётеборг, Мальмё, Стокгольм, Мюнхен шаҳарларидаги театрларда режиссёр ва бадий раҳбар вазифаларида ишлаб, дунё адабиётининг йирик намуналари асосида спектакллар сахналаштирган. Жумладан, “Макбет”, “Қирол Лир”, “Ўн иккинчи кеча”, “Ҳамлет” (У.Шекспир), “Калигула”(А.Камю), “Орзу трамвайи”(У.Теннесси), “Дон Жуан ёхуд тош меҳмон”(Пушкин), “Гедда Габлер”, “Пер Гюнт”, “Шарпалар”(Г.Ипсен), “Мезантроп” (Мольер), “Чайка”, “Уч опа-сингиллар”(А.Чехов), “Мария Стюарт”(Ф.Шиллер) спектакллари Бергман номини тарих саҳифаларига муҳрлади.

БЕСТСЕЛЛЕР – ҳозирги вақтда тижорий мақсадда ёзиладиган оммабоп адабиётга нисбатан ишлатиладиган ушбу тушунча 1889 йилдан буён муомалада бўлиб, дастлабки даврда чоп этилиб, тезда оммалашиб кетган китобларга нисбатан ишлатилган. Китоблар дастлабки тиражларининг қай даражада оммалашишига қараб чоп этилган. Бу давргача бўлган китоблар орасида асосан диний адабиётларнинг бозори чаққон бўлган. Бестселлер адабиёт бадийликка дахли бор ёки йўқлиги нуқтаи назаридан бир қанча турларга бўлинади. Бестселлер тушунчаси асарнинг бадий савиясини ёки сотувда келтирадиган даромад даражасини аниқламайди. Бу шунчаки китобнинг оммабоплигини билдиради. XVIII асрга келиб, “Телемахнинг саргузаштлари” (Ферелон), “Элоиза” (Руссо), “Манон Леско” (Прево) каби асарлар бестселлер бўлган бўлса, XIX асрда Шатобриан, Вальтер Скотт, Жюль Верн, Ижен Сю сингари муаллифларнинг асарлари, XX асрда эса Маргарет Митчелл, Агата Кристи, Жером Сэлинджер, Клайв Льюис, Стивен

Кинг, Атрур Хайли, Сан-Антонио каби адибларнинг китоблари энг оммабоп адабиёт намуналарига айланган.

БОККАЧЧО ЖОВАННИ – Европа илк уйғониш даври адабиётининг йирик намояндаси, машхур италян шоири, адиб, олим. Боккаччо 1313 йил 16 июлда Францияда таваллуд топган. 1375 йилда Италияда, 62 ёшида вафот этган. У йигирма ёшигача ота касби савдогарлик билан шуғулланиб, кейинчалик адабий фаолиятга ўтган. Боккаччо инсонпарварлик ғояларининг йирик тарғиботчиси сифатида Данте ва Петрарка каби замонасининг буюк шоирлари сафида бутун Европа маданияти тараққиётига катта ҳисса қўшган сиймолардан биридир. У ўзининг “Диана уйи” (1334), “Филострато” (1336), “Филоколо” (1336-38), “Тезеида” (1339-41), “Муҳаббат ҳисси” (1340), “Фьезолан илоҳаси” (1341), “Корбаччо” (1354-55) поэмалари, “Амето” постарал романи, “Фьяметто” (1343), “Декамерон” (1350), “Данте Алигьери ҳаёти” (1360) сингари йирик бадиий асарларида ўзининг фалсафий, гуманистик қарашларини ифода этган. Шунингдек, лотин тилида “Илоҳлар тилининг генеологияси”, “Тоғлар, ўрмонлар, булоқлар, кўллар, дарёлар, ботқоқлар ва денгизлар”, “Машхур кишиларнинг бахтсизликлари”, “Машхур аёллар ҳақида” каби трактатлар ёзган. Юзта қиссани ўзида жамлаган “Декамерон” Боккаччонинг номини мангуликка муҳрлаган шох асардир. Мазкур асарни атоқли таржимон Қодир Мирмуҳаммедов ўзбек тилига ўгирган.

“БОДИЛ” МУКОФОТИ – Дания Қироллигининг бош киномукофоти. Мукофот 1948 йилда Дания миллий киношунослар ассоциацияси томонидан таъсис этилган. Ушбу киномукофотнинг номи даниялик икки буюк актриса Ипсен ва Кьер Бодиллар шарафига қўйилган. “Бодил” ҳар йили ўн иккита номинация бўйича берилади. Дунёга машхур даниялик кинорежиссёрлардан Ларса фон Триер, Томас Винтерберг, Тобиас Линхольм, Пер Флю, Сюзанна Бир, Эрик Клаусен, Билле Аугуст ва бошқалар ушбу мукофотга бир неча марталаб сазовор бўлган.

БОЛЛИВУД – ҳинд кинематографиясининг расмий номи. Болливуд атамаси Бомбей ва Голливуд сўзларидан ясалган бўлиб, 1932 йилдан бери қўлланилади. Ҳиндистон Республикасининг Мумбай (собик Бомбей) шаҳри киносаноати АҚШнинг Калифорния штатидаги йирик киносаноат – Голливудга ўхшатмаси сифатида юзага келган. Болливуд йирик кино ишлаб чиқариш маркази бўлиб, Толливуд, Колливуд, Сандаливуд, Молливуд, Олливуд каби бошқа тилларда фильм ишлаб чиқарувчи саноат компанияларини қамраб олади. Яъни, Болливуд тушунчаси фақатгина ҳинд киносинигина англатмайди. Урду, панжоб, инглиз, малай, каннар, орий, тамил, телгу ва бошқа бир қанча тилларда ишлаб чиқариладиган барча фильмлар Болливуд маҳсулоти ҳисобланади.

*Мафтуна МУҲАММАДАМИНОВА
тайёрлади*



**2018 ЙИЛДА “ЖАҲОН АДАБИЁТИ” ЖУРНАЛИДА
ЧОП ЭТИЛГАН АСАРЛАРНИНГ ЙИЛЛИК
МУНДАРИЖАСИ**

НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

Алишер Навоий газалларининг асли, инглизча ва русча таржимаси, таҳлили, шарҳи. (Рукни Д.Юсупова, А. Обид, А.Буматова, Қ.Маъмуров, Д.Ражаблар тайёрлади) № 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12

Иброҳим ҲАҚҚУЛ. Шаҳноза НАЗАРОВА. Шоирлик – илоҳий қисмат. Сухбат. № 2

Султонмурод ОЛИМ. Таржимавийлик ва назариявийлик. № 2

Зухра МАМАДАЛИЕВА. Рух манзиллари. № 2

Каримбой ҚУРАМБОЕВ. Алишер Навоий ва қорақалпоқ адабиёти. № 2

Фаррухбек ОЛИМ. Мутолаа мактаби. № 2

НАСР

Томас МАНН. (Олмония) Лоттанинг Ваймардаги ҳаёти. Роман. *(Олмон тилидан Я.Эгамова тарж.)* № 1, 2, 3, 4

Тацуо МИУРА. (Япония) Идишдаги ватан. Ўн беш ёшлигим. Ҳикоялар. *(Рус тилидан О.Абдуллаев тарж.)* № 1

Харуки МУРАКАМИ. (Япония) Пинбол – 1973. Роман. *(Рус тилидан А.Отабоев тарж.)* № 2

Сомерсет МОЭМ. (Англия) Омади чопган мусаввир. Тайпан. Ҳикоялар. *(Рус тилидан М.Омон тарж.)* № 2

Шермухаммад МАРИ. (Покистон) Савдойи. Ҳикоя. *(Инглиз тилидан З.Жалолова тарж.)* № 3

Меҳмон БАХТИЙ. (Тожикистон) Қария. Қисса. *(Тоҷик тилидан Ў.Усмон тарж.)* № 4

Бернхард ШЛИНК. (Олмония) Китоб ўқиб берувчи. Роман. *(Олмон тилидан М.Акбаров тарж.)* № 5, 6

Қайсин ҚУЛИЕВ. (Россия) Қиш эди. Романдан парча. *(Рус тилидан А.Мўмин тарж.)* № 5, 6

Кўчкор НОРҚОБИЛ. Қайтмасанг ҳам қайтгин. Киноқисса. № 5

“Минг бир кеча” хикоятларидан. *(Араб тилидан С.Абдукаримов тарж.)* № 6

Анна САКСЕ. (Латвия) Эртақлар. *(Рус тилидан Д.Рўзумаҳамадова тарж.)* № 6

Теодор ДРАЙЗЕР. (АҚШ) Қудратли Рурк. Ҳикоя. *(Рус тилидан О.Ҳожжи тарж.)* № 7

-
- Хулио КОРТАСАР. (Аргентина) **Онамнинг мактублари.** Ҳикоя. (Рус тилидан О.Отахон тарж.) № 7
- Виктор СУМИН. (Россия) **Биринчи ва сўнгги субҳидам.** (Рус тилидан Я.Кўчқоров тарж.) № 7
- Федор ДОСТОЕВСКИЙ. (Россия) **Ака-ука Карамазовлар.** Роман. (Рус тилидан И.Фафуров тарж.) № 8, 9, 10, 11, 12
- Хуршид ДЎСТМУҲАММАД. **WO AI NI. Соҳилдаги нашъу намо.** Ҳикоялар. № 8
- Николай ЛЕДИНСКИЙ. (Россия) **Сарҳадлар туташганда.** Қиссадан парчалар. (Рус тилидан С.Усмонов тарж.) № 8
- Лион ФЕЙХТВАГНЕР. (Олмония) **Доктор Б кашфиёти.** Ҳикоя (Рус тилидан Ё.Иноғомов тарж.) № 8
- Картар Сингх ДУГГАЛ. (Ҳиндистон) **Ой ва қудук.** Ҳикоя. (Рус тилидан Н.Жўраева тарж.) № 8
- Херман ХЕССЕ. (Олмония) **Сиддхартха.** Роман. (Рус тилидан О.Асилбек қизи тарж.) № 9,10
- Анри де РЕНЬЕ. (Франция) **Учрашув.** Қисса. (Рус тилидан Д.Алиева тарж.) № 9, 10
- Луиш Стау МОНТЕЙРУ. (Португалия) **Майизхўр эркак.** Роман. (Рус тилидан А.Мелибоев тарж.) № 11, 12
- Лион ИЗМАЙЛОВ. (Россия) **Ҳажвиялар.** (Рус тилидан Ҳ.Сиддиқ тарж.) № 11
- Виктория ТОКАРЕВА. (Россия) **Бўлмаган нарса ҳақида ҳикоя.** (Рус тилидан Ш.Аҳророва тарж.) № 11
- Октай АКБАЛ. (Туркия). **Ёшлик қайтиб келмайди.** Ҳикоя. (Рус тилидан Н.Жўраева тарж.) № 12
- Неъмат АРСЛОН. **Ёзувчи учун атир.** Ҳикоя. № 12

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

- Аликул ЎСМОНОВ. (Қирғизистон) **Шеърлар.** (Қирғиз тилидан Т. Адашбоев, Қ.Саттор тарж.) № 1
- Испанзабон шоирлар ижодидан.** Шеърлар. (Испан тилидан Ҳ. Рўзиева тарж.) № 1
- Уйғур мумтоз шеърятидан.** (Уйғур тилидан О.Жалилов тарж.) № 2
- Жаҳон шоирлари ижодидан.** (Рус тилидан Р.Мусурмон тарж.) № 3
- Цовинар БОГДАСАРЯН. (Арманистон) **Шеърлар.** (Рус тилидан О.Суюндиқова тарж.) № 3
- Жаҳон шоирлари ижодидан.** (Рус тилидан Г.Мўминова тарж.) № 3
- Қозоқ шеърятидан намуналар.** (Қозоқ тилидан М.Мирзо, А.Суюн, М.Аҳмад тарж.) № 5
- Улуғбек ЭСДАВЛАТ. (Қозоқ тилидан Я.Кўчқоров, Д.Чориева тарж.) № 5
- Александр Сергеевич Пушкин. (Россия) **Шеърлар** (Рус тилидан М.Мирзо тарж.) № 6
- Жаҳон болалар шеърятидан.** Иван ФРАНКО. (Украина) Корней ЧУКОВСКИЙ. Агния БАРТО. Екатерина СЕРОВА. (Россия) **Шеърлар.** (Рус тилидан Х.Комилов, Н.Остон тарж.) № 6

Мавлавий-Жунуний шеърятидан. (Афғонистон) (*Форс тилидан М.Кенжабек тарж.*) № 6

XX аср Миср араб шеърятидан. (*Рус тилидан М.Аъзам тарж.*) № 8
Хайнрих ХАЙНЕ. (Олмония) Шеърлар (*Рус тилидан М. Али тарж.*) № 8

Минҳожиддин МИРЗО. **Ватаннинг мангу кўшиғи.** № 9
Расул ХАМЗАТОВ. (Доғистон) **Қалбим менинг тоғларда.** Достон (*Рус тилидан Э.Мустафоев тарж.*) № 9

Константин БАЛЪМОНТ. (Россия) Шеърлар. (*Рус тилидан М.Омон тарж.*) № 9

Крим-татар шеърятидан намуналар. Шеърлар. (*Крим-татар тилидан Қ.Муҳаммадризо, Т.Қаҳҳор тарж.*) № 9

Қирғиз халқ эпоси. **Манаснинг дунёдан ўтиши.** Достондан парча. (*Қирғиз тилидан З.Исомиддинов тарж.*) № 10

Замонавий қирғиз шеърятидан. (*Қирғиз тилидан Т.Адашбоев, А.Мелибоев, З.Исомиддинов тарж.*) № 10.

XX аср турк шеърятидан. (*Турк тилидан Й.Эибек тарж.*) № 11

Хитой мумтоз шеърятидан. (*Рус тилидан Т.Али тарж.*) № 11

Низор ҚАББОНИЙ. (Сурия) Шеърлар. (*Рус тилидан М.Музаффар тарж.*) № 12

Роберт РОЖДЕСТВЕНСКИЙ. (Россия) Шеърлар (*Рус тилидан М.Маматхонов тарж.*) № 12

ДРАМА

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ. **Эрк куёшига интилган шоира.** № 3
Леся УКРАИНКА. (Украина) **Ўрмон кўшиғи.** (*Украин тилидан С.Рауф тарж.*) № 3

Уильямс ТЕННЕСИ. (АҚШ) **“Орзу” трамвайи.** (*Рус тилидан А.Файзулла тарж.*) № 7, 8

Бертольд БРЕХТ. (Олмония) **Сичуандан чиққан меҳрибон.** (*Рус тилидан Ж.Камол тарж.*) № 11, 12

ҚЎШНИМ – ҚАРДОШИМ

Ражаб ХИФЗИЙ. (Туркия) Шеърлар. (*Турк тилидан Т. Қаҳҳор тарж.*) № 2

Алиқул САМАД. **Қанийди. От кетиб борарди.** Ҳикоялар. (*Тоҷик тилидан Ў.Усмон тарж.*) № 4

Замонавий тоҷик шеърятидан. (*Тоҷик тилидан Жамиид, Ў.Жамол, С.Ҳожибоев, Эгамназар, А.Бекмуҳаммад, Ҳ.Ғойиб тарж.*) № 4

Сайин МУРОДБЕКОВ. **Ёвshan иси.** Ҳикоя. (*Рус тилидан Н.Жўраева тарж.*) № 5

Марҳабат БОЙҒУТ. (Қозоғистон) **Ҳокимнинг аёли.** Ҳикоя. (*Қозоқ тилидан М.Исломул тарж.*) № 5

Туркман мумтоз шеърятидан. (*Туркман тилидан Б.Карим, Ж.Шарипов, О.Тўраев тарж.*) № 7

Рейимбой СОБИРОВ. **Гурганч**. Романдан парча. *(Туркман тилидан А.Саидматов тарж.)* № 7

Замонавий туркман шеърятидан. *(Туркман тилидан А.Саидматов, О.Тўраев, Ю.Насим тарж.)* № 7

Наримон ЖУМАНОВ. **Кекса чўпон ва сахро**. Ҳикоя. *(Рус тилидан Ш.Ниёзмуҳаммад тарж.)* № 7

Омондурди АННАДУРДИЕВ. Рубоийлар. *(Туркман тилидан Ш.Қурбон тарж.)* № 7.

Тўлаган ҚОСИМБЕКОВ. **Туғилган ер**. Тош МИЯШЕВ. **Биринчи муҳаббат**. Ҳикоялар. *(Қирғиз тилидан З.Исомиддинов тарж.)* № 8

АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА.

Ровия АБДУЛЛАЕВА. **Мени алқамаган киши қолмади**. № 1

Сувон МЕЛИ. **Адабиёт фалсафаси ёхуд кўзга айланган кўнгил**. № 1

Гулноза ОДИЛОВА. **Дунё адабиётида “таом” ва “тановул” мавзуси**. № 1

Шухрат ҲАЙИТОВ. **Туркий халқлар адабиётида Бобур ижодининг ўрганилиши**. № 2

Олмос УЛВИЙ. **(Озарбайжон) Зулфия Озарбайжонда**. *(Озар тилидан С.Ўтанова тарж.)* № 3

Абдулла УЛУҒОВ. **Арасту англатган адабиёт**. № 2, 3

Тўлқин САЙДАЛИЕВ. **“Ўткан кунлар”нинг русча таржималари ҳақида**. № 4

Наим КАРИМОВ. **Давр Шухрат тақдирида**. № 4

Ойгул АСИЛБЕК ҚИЗИ. **Адабиёт чиндан ҳам инқирозга юз тутадими?** № 4

Вели Саваш ЕЛЎҚ. **(Туркия) Янги тамойиллар кашфи**. № 4

Мусо ТОЖИБОЕВ. **Бадий асарнинг сўзсиз таржимаси**. № 4

Насимхон РАҲМОНОВ. **Ерда ел бўлиб гувлаган шоир**. № 5

Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛ. **Адҳамбек АЛИМБЕКОВ. Бир чаманда туғилганмиз ёнма-ён**. № 5

Виктор ШКЛОВСКИЙ. **(Россия) Санъат “усул” сифатида**. *(Рус тилидан Ҳ.Болтабоев тарж.)* № 6

Дамин ТЎРАЕВ. **Сизиф ривояти ўзбек адиби талқинида**. № 6

Дилмурод ҚУРОНОВ, Феруза ҲАБИБУЛЛАЕВА. **“Ўткан кунлар” таржимаси: таҳлил ва тавсиялар**. № 7

Нафас ШОДМОНОВ. **Гўзаллик, ишқ ва изтироб шарҳи**. № 7

Шохруҳ АБДУРАСУЛОВ. **Чингиз Айтматов ва ўзбек театри тажрибалари**. № 7

Георгий ГАЧЕВ. **(Россия) Оқ булут ҳақида қисса**. *(Рус тилидан С.Умиров тарж.)* № 8

Мўмин СУЛАЙМОНОВ. **Ҳофиз Хоразмий ижодининг Туркияда ўрганилиши**. № 8

Жамила АСҚАРОВА. **Эртақчилик анъаналари**. № 8

Линда НОХЛИН. **(АҚШ) Нега аёллардан буюк рассомлар чиқмаган**. *(Рус тилидан А.Файзуллаев тарж.)* № 9

Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ. Шоирлик маънавий сабот ва садоқатдир. № 11

Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ. Реалистик проза устаси. № 12

Баҳодир КАРИМОВ. Ҳерман Вамбери – ўзбек мақоллари таржимони. № 12

Дилнавоз ЮСУПОВА. Аруз илми ва ғарб тадқиқотчиси. № 12

МУҲАРРИР МИНБАРИ

Бола тарбиясига яширинган даромад. № 6

Олтиндан қиммат хазина. № 7

Сўз билан дунё сари. № 8

Самимият ва холислик либоси. № 9

Она сайёра – ягона кема. № 10

ЖАРАЁН

Адабиётдаги йўл харитаси. Давра суҳбати. № 1

Барзу АБДУРАЗЗОҚОВ. Нигора УМАРОВА. Саҳна ортига ўтиб... йиғлагим келади. Суҳбат. № 3

Марк РИСС. (АҚШ) “Ўткан кунлар”ни ҳижжалаб ўқирдим. № 4

ПУБЛИЦИСТИКА

Нарзулла ЖўРАЕВ. Тарихий давр кашфиёти. № 1

Мурод АБДУЛЛАЕВ. “Пахта иши” анатомияси. № 12

ЭССЕ

Ёқубжон ХўЖАМБЕРДИЕВ. Булутли кунлар. № 9

Ҳаким САТТОРИЙ. Тургенев турткиси. № 11

САНЪАТДАГИ СИЙМОЛАР

Нодира ҚОСИМОВА. Адриано Челентано. № 1

Акмал ЎТАЕВ. Чин дўст топган бахтлидир. № 1

Маҳкам МУҲАММЕДОВ, Р.ТУРСУНМЕТОВА. “Азизим, дунёга бевақт келибмиз”. № 1

Фахриддин АБДУВОҲИДОВ. Эфраим Лессинг ва “Гамбург драматургияси”. № 1

Севара РАЖАБОВА. Ён, ёнавер менинг юлдузим. № 2

Феруза КАРАЕВА. Казимир Малевич. № 2

Зикир МУҲАММАДЖОНОВ. Матонат тимсоли. № 3

Шохрух АБДУРАСУЛОВ. Отто Брам: исёндан инкилобгача. № 3

Ойдин АБДУЛЛАЕВА. **Клод Дебюсси.** № 5
Аслиддин КАЛОНОВ, Барно ЎТБОСАРОВА. **Китобот санъатининг моҳири.** № 6
Нодира ҚОСИМОВА. **Кинематографияда янги тўлқин.** № 8
Чарли ЧАПЛИН. Ричард МЕРИМЕН. **Даҳоликдан беҳабар даҳо.** (*Рус тилидан А.Матёқубов тарж.*) № 10

ЁДНОМА

Абдулла ЎРОЗБОЕВ. **Мангулик жамолининг жилваси.** № 2
Музаффар АҲМАД. **Икки дўст достони.** № 5

ҚИЁС ВА ТАЛҚИН

Қодиржон НОСИРОВ. **Қарши қўйиш керакмиди?** № 3

АДАБИЙ САЁҲАТ

Сергей ГЕССЕН. Лев МОДЗАЛЕВСКИЙ. (Россия) **Пушкин гурунглари.** Китобдан парча. (*Рус тилидан Ҳумоюн тарж.*) № 6

МАҲОРАТ МАКТАБИ

Григорий СТАРИКОВСКИЙ. (Россия) **“Таржимон ўзига ва сўзга муносабатини яшира олмайди”.** (*Рус тилидан М.Аҳмаджонов тарж.*) Сухбат. № 5

МУҚОВАМИЗДА

(*Рукни Ш.Қосимова, Р.Фатхуллаев, М.Муҳаммадаминова, М.Муҳаммедова, Ф.Тургунова тайёрлади*)

Маргарет КИНН. (АҚШ) № 3

Зухур ҲАБИБУЛЛАЕВ (Тожикистон) № 4

Фрида КАЛО. (Мексика) № 6

Алишер АЛИҚУЛОВ. (Ўзбекистон) № 8

Амедео МОДИЛЬЯНИ (Италия) № 9

Глобус. № 4, 5, 7, 10

Жаҳон маданияти ва санъати. № 12

Жаҳон хандаси. (*Тўпловчи – М.Аҳмедов.*) № 6, 7, 8, 9, 10, 12

Комус. (*М.Муҳаммадаминова тайёрлади*) № 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12.

Журналнинг русча ва инглизча мухтасар мазмуни. (*Ю.Ҳошимова, А.Отабоев, А.Тожиев, О.Собир ўгли тайёрлади.*) № 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12.



РЕЗЮМЕ

●● В литературном произведении откуда берутся образы и сюжеты? Где тот неисчерпаемый источник, что придает автору силу и вдохновение? Об этом можно узнать из рассказа Неймата Арслана “Духи для писателя”.

●● Известный историк Герман Вамбери, почти полтора века назад, в 1867 году, перевел 112 узбекских народных пословиц на немецкий язык. Статья профессора Баходыра Каримова “Герман Вамбери – переводчик узбекских пословиц” посвящена изучению переводческого мастерства Г.Вамбери.

●● Что мы знаем о великом драматурге Уильяме Шекспире кроме его многочисленных пьес? Как проходила его личная жизнь? Кто или какие факторы привели к появлению произведений Шекспира, ставших жемчужинами театрального искусства? Эти вопросы подробно освещены в статье Журы Махмуда «Шекспир которого мы не знали».

●● Генри Фердинанд Блохман, немецкий востоковед, видный деятель персидского языка и литературы, много лет занимался изучением восточной поэзии. О его вкладе в развитии востоковедения рассказывает кандидат филологических наук Дильнавоз Юсупова.

●● В номере вниманию читателей предлагается обобщенное содержание всех номеров журнала, изданных в 2018 году.



RESUME



●● Where do writer find a plot, an image and details for his book? Where is a source of power which makes an author write and gives him inspiration? Does he need a special training or good works can be written without it? Our readers can read about it in a famous writer Nemat Arslon's story "A Perfume for a Writer".

●● Well-known scientist Hermann Wanbern came to the Central Asia in 1863-1864. He was interested in history of our country, especially, in literary-cultural works and folklore during his travel. He translated into German 112 Uzbek proverbs which is a little genre of our national folklore in 1867, one and a half century ago. Doctor of philology, professor Bahodir Karimov in his article "Hermann Wanbern – a Translator of Uzbek Proverbs" wrote about quality of this translation.

●● What do we know about great dramatist William Shakespeare besides his plays? How did he live in private life. What made him write those great works which have serious influence in society. Honored Art Worker of Uzbekistan Jura Mahmud tried to answer to these questions in his article "Known and Unknown Shakespeare".

●● A poetical system, a rhyme and methods of creative description of the Western literary are different from ours. That's why manners and rules of the Eastern literary seem difficult, mysterious and charming to readers from the West. Many research works by German orientalist, well-known expert of the Persian language and literature Henry Ferdinand Blochman are about this subject. Candidate of Philology Dilnavoz Yusupova wrote about Blochman's contribution to oriental studies and his research works.

●● An annual contest of literary works, poetical translations, scientific articles and essays from different rubrics published in 2018 are presented in this issue.

Jaʼhon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal

Навбатчи муҳаррир: Н.ЖЎРАЕВА
Техник муҳаррир: О.СОБИР ўғли
Мусахҳих: Ш.НИЁЗМЕТОВА
Компьютерда саҳифаловчи: М.АЛИЕВА

ИНДЕКС 828, 829

2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189.
Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.
“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда
ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олиниши шарт.

Таҳририят манзили:

100011, Тошкент, Алишер Навоий номидаги Миллий
боғ ҳудудида жойлашган Адиблар хиёбони.
Телефонлар: (0371) 231-23-54, 231-23-56, 231-23-57.
Сайт: www.jahonadabiyoti.uz
E-mail: jahonadabiyoti@list.ru

Босишга рухсат этилди 14.12.2018 й. Бичими 70x108^{1/16}. Офсет қоғози.
Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.
Адади 1838 нусха. 364 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.
“Жаҳон адабиёти” журнали компьютер марказида териблиб, “Sharq” НМАКда чоп этилди.

Босмаҳона манзили:

100000, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

© Жаҳон адабиёти, 2018 й.